



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Абдулла Орипов
Эркин Воҳидов	Умарали Норматов
Кенгесбой Каримов	Хайриддин Султонов
Наим Каримов	Сирождин Саййид
Тўра Мирзаев	Тўра Саидов
Иқбол Мирзо	Энахон Сиддикова
Минҳожиддин Мирзо	Йўлдош Солижонов
Абдуваҳоб Нурматов	Шухрат Маткаримов
Баҳамдулло Нурабуллаев	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод
Наср бўлими мудири — Орзикул Эргаш
Масъул котиб — Саъдулло Қуронов
Адабиётшунослик бўлими мудири в.б. — Раъно Ҳакимжонова



УШБУ СОНДА:

Наср



Тоҳир МАЛИК

ХАЗОНРЕЗГИ



– Саломинг ёқмади. Бунақа саломингни шаҳарлик чоллар кўтаришади. Энди сен шу ерда тура тур, – шундай деб сўрига яқинлашди-да, ўнг қўлини кўксига қўйди: – Ассалому алайкум, тоғажонлар. Дамликкина юрибсизларми, яхши ҳордиқ чиқаряпсизларми? Худо бизнинг бахтимизга умрларингизни узоқ қилсин.

Унинг узатган қўллари жавобсиз қолмади, алик олиниб, қўшқўллаб сўрашишди.



Назм

Энахон СИДДИҚОВА

МЕНИ БАХТИ УИФОЛИЎ ҚУЙСИН

*Бу Хўқанди Латиф. Мўъжиза...
Яралади ҳар лаҳза сирдай.
Адабиёт, абадият қадар
Фарзандларин кўтарар пирдай.*



Миллат ва маънавият



Адабиёт маънавият жавҳаридур

*Тошкент шаҳар бош
имом-хатиби Анвар қори
ТУРСУНОВ билан суҳбат*



Нуқтаи назар

Ижодкор шахс ва даҳолик: фалсафий талқин

Дилмурод БОЗАРОВ

Ижодкор шахснинг энг юксак кўриниши даҳолик билан характерланади. Даҳоларнинг дунёга келиши эса замондан ташқарида рўй бермайди, аксинча, биз тушуниб етолмайдиган қонуниятлар асосида улар даврнинг зарурияти билан пайдо бўладилар. Даҳо оддий ақл англаб етмаган, илғамаган, ҳатто илғаган бўлса-да, маҳорати, истеъдоди камлиги боис очиб беролмаган воқеликлар тубидаги воқеликларни тасвирлаб, одам ва олам ҳақидаги тасаввурларни мутлақо янги поғонага олиб чиқади.





Муаззам Шарқ хазинасидан

Жалолiddин РУМИЙ

Маънавий маснавий

*Сўрди юрт, ҳам уйма-уй, ким бор таниш,
Топмайин томир ва юздан ўзгарши.*

*Урди суст томир бутунлай бехато,
Ул Самарқанд шаҳридан сўргунча то.*

*Сўнг қизармиш шунда, титраб қилди ҳис,
Ул Самарқанд заргарин ҳажрин у қиз.*



Ижодий мусобақа

Турсунбой АДАШБОЕВ



МУШУК ҲАНГОМАСИ

*Қора мушук миёвлаб дер:
– Дала-ҳовли жуда соз.
Домлардаги сичқонлар-чи,
Анча ориқ, гўшти оз.*



Янги тадқиқодлар



Шеърларида тупроқ иси бор

Дилмурод ҚУРОНОВ

Ўзига ғоят қисқа вақт берилганини сезган каби, у ижодда янги йўллар қидириб юрмади – эски йўлга тушди-да, бир дарвеш мисоли аввал халқининг дард-ҳасратини, сўнг кулиб боққан толеини хиргойи қилганича охир манзил томон оҳиста бораверди...



Наср

Гулноза ОДИЛОВА



УСТА

Ҳикоя

Бир маҳал денг, миясига чақиндек урган фикрдан сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ҳамма бахтсизликлари ўша савил ромнинг касофатидан эканлигини фаҳмлаб етди. Умр бўйи ечолмаган жумбоқ жавобини мана энди топди – ҳамма ўзининг ромига киради!



МУНДАРИЖА

ПУБЛИЦИСТИКА

Кенгесбой Каримов. Фарзандларимиз – юртимиз келажаги5

НАСР

Тоҳир Малик. Хазонрезги. Қисса.8
Анвар Обиджон. Ажинаси бор йўллар. Қисса. Охири.33
Абдунаби Бойқўзи. Тешикмозор хангомалари. Ҳажвий қисса.70
Исажон Султон. Онаизорим. Қисса.80
Дурбек Қўлдош. Хуфиёна битим. Ҳикоя.119
Гулноза Одилова. Уста. Ҳикоя.122

НАЗМ

Энахон Сиддиқова. Мени бахт уйғотиб қўйсин. Шеърлар.25
Ғулом Мирзо. Фалақда турналар арғамчи. Шеърлар.27
Ханифа Солиқова. Қуёшдан пешонам ярқирар. Шеърлар.52
Чоршаъм. Рухимда чалина зангила. Шеърлар.54
Жумагул Сувонова. Орзуларим йўли. Шеърлар.56
Кенжабий. Уфқларда заррин ранг. Шеърлар.115
Равшанбек Мирзаолимов. Қалбимда бир ажиб илиқлик туйдим.
Шеърлар.117

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Анвар қори Турсунов. Орзикул Эргаш.
Адабиёт маънавият жавҳаридур. Сухбат.29

МУАЗЗАМ ШАРҚ ХАЗИНАСИДАН

Ибн Сино. Ишқ ҳақида рисола. Охири.58
Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Янги таржима.63

БАРҲАЁТ МЕРОС

Гегель. Эстетика. Давоми.132

ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Абдуғафур Расулов. Изланишлар самараси.100
Дилмурод Қуронов. Шеърларида тупроқ иси бор.105

БАҲС

“Муаллиф ўлими”га сиз ҳам овоз берасизми?
Зухриддин Исомиддинов. Парилар ва қароқчилар.140

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Қорақалпоқ ёшлари ижодидан. Шеърлар.124

ЁДНОМА

Умарали Норматов. Тил илмининг шоири.146

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шоира Аҳмедова. Тақризнавислик ривожига бир назар.149
Фаррухбек Олимов. Навоийнинг устози.153

НУҚТАИ НАЗАР

Дилмурод Бозаров. Ижодкор шахс ва даҳолик: фалсафий талқин. ..161

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Самар Бону. Ғазаллар.77

САНЪАТШУНОСЛИК

Алишер Юлдашев. Ўзбекистон мусиқа санъати кадрларини
тайёрлаш тизими.166

ЖАҲОН АДАБИЁТИ МАНЗАРАСИ

Расул Ҳамзатов. Деразам ортида ёмғир шовқини.159

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Олқор Дамин. Асал эди бувижоним сўзлари. Шеърлар.169

ГУЛҚАЙЧИ

Турсунбой Адашбоев. Орзикул Эргаш. Улуғбек Ҳамдам.
Мушук хангомаси. Ҳажвия171

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2014

2-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
ЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри
тахририят фикри деб қабул
қилинмасин.
Тахририятга юборилган
материаллар муаллифларга
кайтарилмайдди.

* Обунага монелик
кўрсатилса,
Тошкент – 100000,
“Амир Темури” тор
кўчаси, 2. Республика
“Матбуот тарқатувчи”
акциядорлик
компаниясига мурожаат
қилинсин.
Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
“Ўзбекистон” кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
12.06.2013 йил.
Қоғоз бичими 70x108 ¹/₁₆.
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 11.
Шартли босма тобоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.
Адади 3700 нусха.
Буюртма № 75-14

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0562–рақам
билан рўйхатга олинган.
“Ўқитувчи” НМИУ босмаҳонасида
чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал икки ойда бир марта
чоп этилади.


Саҳифаловчи ва дизайнер:

Хуриш Иброҳимов

Мусахҳих:

Дилфуза Маҳмудова

Copyright © “Шарқ юлдузи”



Публицистика

Фарзандларимиз – юртимиз келажаги

Ҳар бир халқ ва миллатнинг ғурури ва қиёфаси бўлган тилию динини, анъаналарини абадиятга элтувчилари авлодларидир. Шунинг учун ҳам халқимиз болажон бўлиб, болаларининг камол учун барча имкониятларни яратишга ҳамиша тайёрдир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган кундан эътиборан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга эътибор қаратди. Улар мактабгача таълим масканларида тарбия олиши, мактабларда замон талабларига мос билимга эга бўлиши, касб-хунар, олий ўқув юртларида турмушнинг барча жабҳалари учун зарур бўлган хунарларни эгаллаши давлат миқёсида амалга оширилмоқда.

Бугунгикунда Ўзбекистонда, шунингдек, Қорақалпоғистонда ёшлар кўпчиликни ташкил қилади ва уларнинг камол инсон бўлиб етишиши учун кенг имкониятлар мавжуддир. Жумладан, Қорақалпоғистон ҳудудида минглаб мактабгача таълим масканлари, етти юздан зиёдроқ умумтаълим мактаблари, юздан зиёд ўрта махсус касб-хунар коллежлари, Давлат университети, бир нечта олий ўқув юртларида юзминглаб ёшлар таълим-тарбия олмоқда. Ҳар йили касб-хунар коллежларини 30 мингдан зиёдроқ ёшларимиз тамомлаб, олий ўқув юртларига кирмаганлардан ташқари, иш билан таъминланмоқда.

Барчага маълум, Ўзбекистон Республикаси Президенти, муҳтарам И.А.Каримов 2013 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир” мавзусидаги маърузасида маросим қатнашчиларига мурожаат қилиб шундай деган эдилар:

“Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш ота-онанинг энг улуғ ва муқаддас орзуси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Биз соғлом авлод деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани тасаввур этамыз. Айни вақтда, бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар тамонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни



**Кенесбой
КАРИМОВ**

1948 йилда Чимбой туманида тузилган.

1975 йилда Нукус Давлат педагогика институтини тугатган. “Оралиқлар”, “Вақт минораси”, “Унутилган ой”, “Менинг деразаларим”, “Оролдан келдим”, “Кўнгил мулки” каби шеърӣ китоблар муаллифи. Айни дамда, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси.

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист.

изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги – 2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилишни таклиф этаман”.

Албатта, ҳар қандай хайрли ишни бошлашдан олдин унга тайёргарлик кўришимиз, иморат қурмоқчи бўлсак, унинг тамал тошини қўймоғимиз керак. Муҳтарам Президентимизнинг раҳбарлигида, давлат мустақиллигимизнинг йигирма уч йили мобайнида Ўзбекистонда жамиятнинг ҳамма-ҳамма соҳаларида катта ишлар амалга оширилдики, эндиликда ҳар қандай тадбирни бемалол амалга тадбиқ қилишга имкониятларимиз етарли.

Мақоламизда номи келтирилган маърузасида И.А.Каримов давлатимизнинг босиб ўтган йўлига назар ташлар экан, шундай дейди: “Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришаётган натижалар ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради. Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки, мамлакатимиз аҳолиси айна шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан дарак беради”.

Демакки, жон бошимиз ўсиб, фарзандларимиз кўпайиб борар экан, уларнинг эртанги кунни тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак эмасми?

Иқтисодиётнинг ўсиши бу – даромаднинг кўпайиши, янги иш ўринлари яратилиши деган гап. Бу – овулларимиз ва шаҳарларимизнинг ободонлашуви, ҳар бир фуқаронинг турмуш фаровонлиги ортишига олиб келмайdimи?

Сўзимиз ишонарли бўлиши учун айрим рақамларга мурожаат қилишимиз қўл келади. Ўтган 2013 йилда Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларига давлат бюджетидан миллиард-миллиард сўмлаб ҳаражатлар сарф қилинди. Масалан: “Болаларнинг ёзги дам олиш маскани”га 3 миллиарддан зиёдроқ, “Матонатли она” ҳайкали реставрациясига 3,5 миллиард, “Бахт уйи”га 2 миллиард сўм сарф қилинди. Натижада, аҳолига хизмат кўрсатиш яхшиланди, шаҳарнинг кўркига кўрк қўшилди.

– Яқиндагина Бердақ номидаги мусиқали драма театрида шоир Иброҳим Юсупов либреттоси, композитор Қурбонбай Заретдинов мусиқасини ёзган “Тўмарис” операсини томоша қилган эдим, – дейди бизга, ҳаяжонини яшира олмаётган ёш бир томошабин. – Операга-ку, гап йўқ, зўр чиқибди. Театрнинг янгидан таъмир қилингани хушхабарини эшитган бўлсам-да, шу пайтгача бирор спектаклга тушмаганимга афсусдаман. Томошабин учун яратилган имкониятларни кўриб, беихтиёр “ажабо!” деб юборибман.

Театрга яқин жойлашган Савицкий номидаги санъат музейи ўзининг бетакрор экспонатларга бойлиги билан оламга машҳурдир. Ўтган йили музей биноси қошида янги бино қад ростлай бошлади. Шаҳар бош архитекторининг маълум қилишича, бинонинг сметадаги сарф-ҳаражатлари қиймати қарийб 41 миллиард сўмга тенг экан. Бунақанги ажойиб кошоналарни бели бақувват ва миллий қадриятлар қадрига етувчи давлатларгина кура олишига ишонмай иложингиз йўқ.

Режалар ўтган йилгидан-да баландроқ. 2014 йилда Нукус шаҳрининг марказидан оқиб ўтадиган “Дўстлик” каналининг икки соҳилини маданий ҳордиқ чиқариш масканига айлантириш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Соҳилнинг 2,5 километрга чўзилган бу маскани шаҳарликларнинг севимли дам олиш ўрнига айланишидан умид катта. Шу йилда шаҳарни ободонлаштириш, маданий-маиший объектлари бинolari ва болалар парки қурилишлари учун қарийб 1 триллион 300 миллиард сўмлик юмушлар бажарилиши мўлжалланган.

Тўб илдизини халқ оғзаки ижодидан олган қорақалпоқ адабиёти ҳали XVIII асрда Жиян Жиров ижоди билан бошланган бўлса, XIX асрда Қунхўжа, Ажиниёз ва Бердақ ижоди Ўрта Осиё халқларига танилди.

XX асрда яшаб ижод қилган Аяпберген Мусаев, Аббас шоир, Асан Бегимов, Жолмурза Аймурзаев, Тўлепберген Қайпберганов, Ибраим Юсуповлар қорақалпоқ адабиётининг турли жанрларининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

“Оққан дарё оқаверади” деганларидек, бугун ҳам адабиётимизда Ўзбекистон ва

Қорақалпоғистон халқ шоири Жиянбой Избосканов, Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матёкубова, Қорақалпоғистон халқ ёзувчилари Ўрозбой Абдурахмонов, Муротбой Низонов ва бошқалар миллий адабиётимиз тараққиётига ўз ижод намуналари билан салмоқли улуш қўшмоқда.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов тантанали маросимдаги ўз нутқида: “Биз таянчимиз, суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз”, деганларидек, ўсиб-улғайиб келаётган ёш ижодкорлар доим бизнинг диққат-эътиборимизда бўлиб келмоқда.

Халқимиз – истеъдодга бой. Иқтидорли ижодкорлар камолотига кўмақдош бўлиш – савобли иш. Ҳар йили дастурий Зулфия мукофоти, иқтидорли ёшлар таълим олаётган ўқув юртларида ўтадиган танловлар, ижодкор ёшларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди томонидан йилда икки мартаба ташкил қилинаётган ижодкор ёшларнинг Дўрмон “Маҳорат мактаби” ўқув-семинари истеъдодли болаларимизни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос бир кўрнишидир.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил қилинган “Ёш ижодкор” доимий ўқув семинари ҳар ойнинг ўн иккинчи санасида ўтказилиши одатга айланган. Унда мактаб ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ижодкор ёшлар йиғилишиб, секцияларга бўлинган ҳолда тажрибали адиблар етакчилик қиладиган машғулотларга қатнашишади. Масалан, назм секциясига халқ шоири Ж.Избосканов, наср секциясига таниқли ёзувчи А.Отажонов раҳбарлик қилади. Ёшлар ижодидан энг яхши, деб топилган намуналар “Қарақалпақ адабияти” газетаси, “Әмиўдәрья” ва “Қарлығаш” журналларида чоп этишга тавсия қилинади.

Халқимизнинг ўсиб келаётган фарзандлари онгини фаолликка чорлаб, лоқайдликдан, нодонликдан йироқ бўлишга ундашда, ўйлайманки, миллатимизнинг асрлар давомида асраб-авайлаб бизгача етказган қадриятларини ўрганиш ва ундан ибрат олишни тарғиб қилиш катта аҳамият касб этиши, шубҳасиздир. Асрлар давомида уйғунлашган қорақалпоқ халқининг миллий қадриятлари туғишган халқларнинг қадриятларини бойитишга хизмат қилиб келган, бундан кейин ҳам абадий хизмат қилаверади.



Наср



Тоҳир МАЛИК

ХАЗОНРЕЗГИ

Қисса

Юрак ҳам чарчади, ақл-чи толди,
Манзилга етишга озгина қолди...

Ҳаловат истаган юрак тўхтади.

Турмуш ташвишлари билан банд юрак ҳаловат билан жимгина хайрлашди.

Эм игнасига дори тортаётган ҳамшира қариянинг қотиб қолган қорачиғини кўрди-ю, бармоқлари титраб кетди. Оғир-оғир нафас олаётган беморнинг бирданига жимиб қолиши вужудида кўрқув титроғини уйғотди. Ўқишни битириб, шифохонада ишлай бошлаганига ярим йилдан ошган бўлса-да, ўлимга биринчи марта дуч келиши эди. Қишлоқ шифохонасида оғирлашиб қолган беморни яқинлари “ўлса ҳам уйда хотиржам ўлсин, дўхтирлар қорнини ёриб кўрмасин”, деб олиб кетгувчи эди. Бу қарияни эса беҳуш ҳолда олиб келишди. Врач қон босимни ўлчади, юракни эшитиб кўрди, кардиограмма тасмасига тикилиб қарай-қарай бош чайқаб қўйгач, қандай дорилар берилишини тайинлади-ю, чиқиб кетди. Ҳамшира дастлабки дориларни эм игнасида билакка юборгач, ярим соатча танаффус қилиб, энди томчи дори юборишга киришмоқчи эди. Қариянинг оқара бошлаган юзига қараб кўркуви баттар ошди, нима қиларини билмай “Ойдин опа!” деб қичқириб юборди.

Дераза томондаги каравотда ётган беморнинг томирига дори юбораётган ўрта ёшлардаги ҳамшира чўчиб, ўғирилди. Ҳамшира “ўлди” демоқчи бўлди-ю, титроқ лабларидан бу сўз учмади. Жон тарк этган танага тикилганича довдираб тураверди. Ўрта ёшли ҳамшира игнани томидан суғуриб, беморнинг билагини букди-да, бу томон ўта туриб, “Анвар акангни чақир, тез чақир!” деб буюрди. Қиз чиқиб кетгач, қариянинг бўйин томирига бармоғини қўйди. Кейин шошқич равишда кўкрагига кафтини қўйиб, куч билан босди.

Даҳлизга отилиб чиққан ҳамшира йўлда бир қарияни беҳос туртиб юборди. Унинг “ҳай-ҳай қизим, кўзингга қарасанг-чи” деган танбеҳига қулоқ солмай, узр сўрашни ҳам унутиб, югуриб кетди.

Шифохонадаги бу воқеа юз берган пайтда дўстининг тақдирдан беҳабар Мамасоли чошгоҳ нафл намозини ўқиб бўлиб, мутолаага тутинган эди. Дадасининг хайрли ният билан “Муҳаммад Солиҳ” деб қўйган исмини ҳали ҳеч ким тўлиқ айтмаган, “Муҳаммад Мусо”ни “Матмуса”, “Муҳаммад Амин”ни “Мадамин”, “Муҳаммад Раҳим”ни “Марайим” дейишни одат

қилган қишлоқ аҳли “Мамасоли” деб чақирганда у ажабланмас ҳам, кўнгли оғримас ҳам эди. Болалиқдан бирга катта бўлган улфатларининг янада қисқартириб, “Соли” дейишларига ҳам кўникиб кетган.

Мамасоли қўлидаги китоб сатрларига кўз югуртирди-ю, иккинчи саҳифага ўтмай, чуқур хўрсинди. Сўнг “астағфируллоҳ” деб пичирлаб қўйиб, нигоҳини яна ўша сатрларга қадади. Бу сафар кўзларига ёш қуйилиб, ҳарфлар кўринмай қолди. Тили истиғфор билан банд бўлди. Чуқур-чуқур нафас олди. Бўйнига ташлаб олган оқ рўмолининг учи билан кўзларини артиб, ўйга толди. Лекин хаёл булутида узоқ уча олмади, юрагини серхатар титроқ босиб, яна китоб саҳифасига қаради. Энди пичирлаб ўқиди: “Боқий Зот фонийларга бахт ато этди. Ўлимни муттақийлар учун нажот ва учрашув ваъдалашилган манзил қилди. Қабр эса бадбахтлар учун зиндон, то яхшилиқ ёмонликдан ажраладиган жазо кунигача тор ҳибсхона бўлди... Улим – қисмати, қабр – қароргоҳи, тупроқ – тўшаги, Мункар ва Накир – суҳбатдоши, қурт-қумурсқалар – улфати, ер ости – хосхонаси, маҳшаргоҳ – ваъдалашган жойи, жаннат ё дўзах – сўнги манзили бўлган ҳар бир кишининг фикру зикри – ўлим, тадбиру тадориги ҳам ўлим учун бўлиши, табиий. Унинг бутун диққат-эътибори ўлимга қаратилган, кўрқинч ва қувончи ҳам ўлимдан, у ўлимга мунтазир. У нафсини ўликлар қаторида санаб, ўзини қабрда кўради. Чунки келувчи нарса доимо яқин, келмайдигани эса узоқдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Нафсини тергайдиган ва ўлимдан кейинги ишларни ўйлаб амал қиладиган киши асп зийрақдир...”¹

У китобни хонтахта устига қўйиб, бошини эгганача ҳаракатсиз туриб қолди.

Китобдаги сатрларни ўқиб, ўлим эсига тушиб кетди-ю, юраги кўрқув тўрига ўралди, дейиш ёлғон бўлур эди. Аввали шуки, эсга тушиши учун олдин унутиш керак. У муқобилида ўлим борлигини ҳеч маҳал унутмаган. Урушда кўенораклик қилиб хандаққа писиб олган йигитларни кўрганида: “Пешонанга ўлим ёзилмаган бўлса, устингдан танк босиб ўтса-да ўлмайсан, умринг калта бўлса, Азроил пусиб ётган жойингдан ҳам топиб олади. Ўлимдан кўрққанинг билан ундан кутулполмайсан. Шунинг учун кўрқмай ўлган афзал”, дерди. Қайси бир китобда: “Одам совуқ лаҳадда ётишини тасаввур қилса, кўрқувдан тилига қадар терлаб кетади”, деган гапни ўқиб, “яхши одам кўрқмайди, кўп гуноҳ қилган осийнинг аҳволи шунақа бўлиши мумкин”, деб қўйган эди.

Тўғри, унда ҳам кўрқув бор, лекин лаҳадда ёлғиз ётиш кўрқуви эмас.

Волга дарёсидан то Элбага қадар бўлган қонли жанггоҳни пиёда босиб ўтган одамнинг ҳозирми ё эрта-индинми ўлиб қолишидан кўрқинчи мантисиз ҳамда ишонарсиз бир ҳолатдир. Ўликни кўрганда, даҳшат дўлига учраб лабига учуқ тошадиганлар ҳам бор. Мамасоли ундайлардан ҳам эмас. Урушдаги ўликларни ҳисобга олмаганда ҳам, қайтганидан кейин қанча яқинларининг жағини ўзи боғлади. Қишлоқда ўлик ювучи қолмагани учун ғассоллик қилган вақтлари ҳам бўлди. Бу хизматни вақтинча деб ўйлаган эди, ўғли вояга етгунига қадар савоб ишдан бўйин товламади. Хотини бир-икки хонадонга совчиликка борганида “ўлик ювғучи билан қуда бўламлими?” дегандай гап қилишибди. “Ҳар биринг-ни бугун бўлмаса эртага кимдир поклаб, охирги сафарингга кузатиб қўйиши керак. Бугун мен билан қуда бўлишдан ор қиляпсан. Эртага ишинг тушиб қолса, уялмайсанми?” – деб танбеҳ бермоқчи бўлди-ю, қилган ишлари миннат бўлиб, савоблари учиб кетишидан кўрқди. У ғассоллиги учун ҳақ олмасди. Бу хизматдан тирикчилигини яхшилаб олишни орзу қилган бир киши топилиб қолди-ю, “бахтимдан ўргилай”, деб ўзини четга олди. Шунда ҳам яқинларини ўзи ювиб, ўзи қафанлашдан бўйин товламади. Билагида ҳали қувват бор эди, лекин тенгқурларини ювиш чоғида кафти қалтираётганини сезди.

Улфатдаги дўстларининг бирин-сирин кетиши унга яқин келажак хабари эди...

Лекин бу хабарлар уни талвасага солполмас, ташвиши бўлак эди.

Мамасоли билиб-билмай қилган гуноҳлари учун маҳшаргоҳда уялиб қолишдан кўрқади. Кўп тавба қилади. Лекин Раҳмли зот бу гуноҳларни не қадар кечирганини билолмайди. Ота-онасига яхши хизмат қила олмади. Йигит ёшига етганда урушга кетди. Ота-она дуоси билан кетиб эди, уйига етим ўғил бўлиб қайтди: ота-онасининг қуруқшаган лабларига бир томчидан сув томизиш, қабрларига бир кафт тупроқ ташлаш унга насиб этмади. Бунга айб деб билмаса ҳам, кўнгил ғашлиги ҳалигача кўтарилмайди. Устозининг қулфатга учрашида гуноҳи борлиги эса аниқ. Отаси ҳарф танимаса-да, олимларга ихлоси балан эди. Ўғли шўро мактабида ўқиши баробарида, дин илмини олишини ҳам истарди. Афсуски, дин илми ҳеч қаерда ўқитилмасди. Қишлоқда илмли бир киши бор эди. Бироқ болаларни ўқитмасди, советнинг қонунига кўра қамалиб кетиши мумкин эди. Отанинг қайта-қайта илтимослари таъсир қилдими ё илми қизғаниш гуноҳлигидан кўрқдими, ҳар ҳолда, у киши Мамасолига Қуръон илмини ўргата бошлади. Бир куни мактаб мудири Мамасолини чақириб ғоят хушмуомалалик билан гапга солди: “Сен мактабимиз фахрисан, катта ўқишларда ўқийсан, катта олим бўласан. Қуръонни ҳам ёдлаётган эмишсан, бу ҳам жуда яхши. Менга битта кичкина сура ўқиб бер-чи?” деди. Мамасоли бу ширин сўзга учиб, кичик эмас, “Таборақ”нинг яр-

¹ Абу Ҳомид Ғазолий ҳазратларининг “Иҳйоу улумид-дин” (“Дин илмларини жонлантириш”) асарларидан Абдурашид Зоҳид таржимаси.

мини ўқиб бериб, яна “олқиш” олди. Бола бечора мудирнинг сотқин эканини қаёқдан ҳам билсин? Устози уни тонг палласи, ҳали қишлоқ уйғонмай туриб ўқитарди. Эртаси субҳи содиқда унинг уйига борганида ҳибсга олиб кетишадиганини кўрди. Кўрди-ю, бу кулфатда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигини англаб, чинқириб юборди. Устози унга бир қаради ўшанда. Кўзларида нафрат йўқ эди, худди “сенда айб йўқ, ўзингни қийнама, бу Оллоҳнинг синови”, дегандай мулойим боқди. Бу қараш хотирасига муҳрланиб қолган. Лекин ўзини ҳануз кечира олмайди. Дийдор Қиёматга қолган экан, ўша учрашув палласини кўрқув билан кутади...

Дунёга муқкасидан кетган киши ўлимни эсламас экан. Эслаган тақдирда ҳам бойлиги қолиб кетаётганига афсус қилиб, бунга ўлим сабабчи бўляпти, деган бемаъни хаёл билан жон берар экан. Мамасоли шундайлар сафида бўлмагани учун шукурлар қилади. Ўзини тавба йўлига кирганлар сафида кўриб, ўлимни унутмайди. Шунданмикин, қалби кўрқинчу истиғфорга, айни дамда, вужуди хушув ва хузугга лиммо-лим тўлади. Тўғри, баъзан ўлим кўққис келиб, тавбалари охирига етмай, охират озуғининг ғамланмай қолишидан чўчийди. Лекин тавба йўлидаги одамлар қаторида бўлгани сабабли ўлимдан қочмайди. Балки ўзининг қусур ва нуқсонлари сабаб Оллоҳнинг дийдорига етиш каби буюк неъматни бой бериб қўйишдан хавфсирайди. Гўё у суюқлиси рози бўладиган учрашувга тайёрланиш билан машғул бўлиб, висолга кечикишдан чўчиётган кишига ўхшайди. Висолга кечикишдан кўрқиб эса висолни хоҳламаслик эмас...

Мамасоли бир он ҳаракатсиз ўтиргач, яна пичирлаганича истиғфор айта-айта ўрнидан туриб, уй этагидаги бир учи қайрилиб қўйилган жойнамоз устига борди-да, нафл намозига ният қилиб қўл боғлади. Биринчи ракатнинг зам сурасини ўқиб, рукуъга борган пайтда темир дарвозанинг эшиги тарақлаб очилиб, бир бола бор овози билан: “Мамасоли тоға! Мамасоли тоға!” деб чақирди. Унга жавобан кампирнинг “Бунча бақирмасанг, тоғанда гапинг борми?” дегани эшитилди. “Пўлатжон тоға қаттиқ оғриб қолибдилар, баннисага олиб кетишибди, шуни айтиб қўйишга келдим”.

Саждага бош қўйган Мамасоли буни эшитиб қаддини кўтарди-да, намози чала бўлса-да, салом бериб ўрнидан тургач, кулранг чакмонини шоша-пиша кийиб ташқарига шошилди. Айтиши керак хабарини айтган шошқалоқ бола унинг чиқишини кутмай, кетиб бўлган эди. Кўчага чиққан Мамасоли у ёқ, бу ёққа қараб турди-да, кейин ошнасининг уйи томон юрди. Пўлатнинг эшиги ташқаридан қулфланмаган, ичкаридан танбаланмаган эди. Уй соҳибининг етмиш йиллик дусти бўлса-да, ҳовлига индамай кириб боришдан ўзини тиярди. Хавотирга тушган юраги безовта бўлаётганига қарамай, бу сафар ҳам одатига хилоф қилмади – эшикни қия очиб “Пўлатжон, ҳов Пўлатжон!” деб чақирди. Бир неча нафас кутди, жавоб бўлмагач, эшикни тақиллатди. Яна сабр қилди. Бирон дақиқа ўтгач, жавоб бу ҳовлидан эмас, қўшни томондан бўлди. Қўшни аёл шошқалоқ хабарчи боланинг гапини тасдиқлади, холос, қандай воқеа юз берганини батафсил тушунтира олмади.

Бу қишлоқ туманининг чекка ҳудудида жойлашгани сабабли, яна тўрт катта қишлоққа хизмат қилувчи шифохона қурилган эди. Аввалига “касали оғирроқ бўлса туман марказига олиб кетишдимикин”, деб хаёл қилди. Кейин “яқин жой турганда касални толиқтириб узоққа олиб боришармики”, деган тўхтамага келиб, қадамини тезлатди. “Бирон йўловчи машина келиб қолармикин”, деган умидда дамо-дам ортига қараб кетаверди.

Мамасоли умиди ушалмай, шифохона томон шошиб бораётган пайтда унинг уч дўсти манзилга етиб бўлишган эди. Воқеадан илгарироқ хабардор бўлган Мирҳосил қўшни кўчада яшовчи Турғун билан Обидни чақиргач, тракторчи жиянини ишга солган, тракторнинг тиркашаравасида уч ошна шифохонага тезда етиб келишган эди. Турғуннинг “Уччаламиз бостириб кириб ваҳима қилмайлик, Боз кириб секи-ин разведка қилиб чиқсин”, деган таклифи маъқул келиб, шифохона биқинидаги чойхонада ажрашдилар. Улфатлар орасида исми айтилмай, хотин олиб, хотин қўявергани учун “Боз” лақаби билан шарафланган Обид гапни кўпайтирмай, шифохона томон шошилди. Ичкарига кириб суриштираман, деган чоғида реанимация хонасидан отилиб чиққан ҳамшира шу одамга урилиб кетган эди.

Чойхона сари бораётган икки ошнанинг тик қаддига, дадил юришига қараганда “қария” деб атамоқ инсофсизлик бўлар. Айниқса, Мирҳосилнинг кенг елкалари, жарангдор овози, бургутникидек нигоҳи қарилликни ҳали-бери яқинига келтирмайдигандай эди. Қирра бурнининг икки ёнида болаликдан хотира – иккитадан чечак изини астойдил тикилиб қарагандагина кўриш мумкин бўлса-да, ошналари орасида “Чўтир” деган лақабни ортмоқлаб юради. Аслида, бу лақаб бобосидан мерос қолган. Чечак изи бўлмаганида ҳам шу лақабга кўнишдан ўзга чораси йўқ эди. Чунки бу атрофда яшайдиганларнинг барчасида лақаб бор. Бирон одам ҳақида сўз кетиб, “шунинг ақли йўқ”, деса ҳеч ким ажабланмайди, лекин “лақаби йўқ”, деса ҳайрон бўлишади. Дарров ота-боболарининг тарихи титкилана бошланади ва қайси бир бўғинда тўхтаб қолган лақаб топилиб, меросхўрга берилади. Мирҳосилга нисбатан бўйи пастроқ, гавдаси тўлароқ Турғунга “Буқоқ” деган лақаб шу тарзда инъом этилган. Айтишларича, қайси бир бобосининг буқоғи узун соқолининг ортидан ҳам кўриниб турар экан. Турғунга бу лақаб малол келмади. Ҳар ҳолда, қишлоқда “Хўкиз”, “Туя”, “Макиён” деган лақаблар бор, шуларга рўпара қилмаганлари учун ҳам лом-мим демаган, хозир ҳам инда-

майди. Аслида, лақаб кўйишдан мақсад, кимнидир хорлаш эмас, балки улфатлар учрашганда аския пайровига бир баҳона. Агар лақаб кишининг жисмоний камчилигини масхаралаш мақсадида тўқилганида Турғунга “Буқоқ” дейилмас эди. Урушдан кейин аввал панжасида, сўнг бўйнида пайдо бўлган оқ доғларга ишора қилинарди. Бу ҳолда лақаб ҳазил доирасидан чиқиб, ҳақорат даражасига кўтарилиб қолардики, атроф қишлоқларда бунга сира йўл кўйилмайди. Агар оқ доғларга ишора қилинса, Турғуннинг ўзигина эмас, ошналари ҳам мушт билан жавоб беришдан қайтмаган бўлишарди.

Мирҳосил Турғунни чойхона ҳовлисига бошлаб киргач, барглари олтиндай сарғайган мажнунтол остидаги сўрига омонат ўтириб, “Кела қол, Боз чиққунча сал нафасни ростлаб турайлик”, деди. Сўрига тўшалган эски шолчанинг титилиб кетганига парво қилмай, омонат ўтирдилар. Қишлоқлардаги чойхоналарда ҳеч ким сўрига гилам тўшашни талаб қилмайди. Эски палос, ёғи чиқиб кетган кўрпачаларда ўтириш ҳеч кимга малол келмайди.

– Булар ҳали ҳам курашиб ётишган экан, – деди Мирҳосил чойхона айвони пештоқидаги шиорга имо қилиб. Турғун широдаги “1995 йил мўл ҳосили учун курашайлик!” деган сўзларни ўқиб, мийғида кулганича:

– Булар отасининг белида ҳам курашган, онасининг қорнида ҳам курашган. Курашга сира тўйишмайди, – деб минғирлаб кўйди.

– Чой-пой чақирайми?

– Чойинг нимаси? Боз чиқсин, шунга қараб бир нима қилармиз.

Ичкарида ювилган пиёлаларни ҳафсала билан артаётган чойхоначи қутилмаган меҳмонларни кўриб, ғашланди. Аввалига “у ёқ-бу ёққа қараб чиқиб кетишар” деган умидда қараб турди. Эшонгузарлик Жасур қиморбоз бу кунни банд қилиб кўйган, “ҳатто пашша ҳам учиб кирмасин”, деб тайинлаган эди. Икки қариянинг кириб, бемалол ўтириб олиши уни пича гангитди. Кейин “чой ичгилари келса, хизматларини тезроқ қилай, тезроқ кета қолишсин”, деган ўйда ташқарига чиқиб, улар томон илдам юрди.

– Келсинлар, тақсирларим, келсинлар, – деб ярим таъзим билан яқинлашиб, қироат билан салом берди.

– Нега “тақсир”лаб қолдинг, мачитнинг имомига ўхшаймизми? – деди Мирҳосил алик олиб.

– Устоз шунақа ўргатганлар. “Чойхонанга кириб келган отахонларнинг мартабаси улуг бўлади, уларга фақат “тақсир” деб мурожаат қил”, деганлар. Тақсир, ичкарига марҳамат қиладиларми ё бошқа сўрига жой тўшайинми? – деди у қариялар билан кўшқўллаб кўришгач.

– Ичкаринг нимаси, бизларни димлаб барака топмоқчимисан? – деди Мирҳосил норози оҳангда.

– Ҳа, энди, куз ҳавоси-да, – деди чойхоначи.

– Нима бало бўлди, самоворхонангнинг ранги ўчиб кетибди?

– Гапларига тушунмадим, тақсирим?

Турғун дўстининг гапини изоҳлади:

– Самоворхонангда одам йўқ, барака қочдим, деяпти тоғанг.

– Бу ёқдан қишнинг нафаси келиб турибди, сезон ўлди-да, тақсир...

Чойхоначининг бу гапи қарияларга малол келди. Турғун қошларини чимирди, Мирҳосил эса бобиллаб берди:

– Энанг музхонада туққанми сени, гапингнинг совуқлигини қара!

– Ия, қандай совуқ гап қилдим, тақсир? – деб ажабланди чойхоначи.

– “Сезон ўлди” деганинг иссиқ гапми? Бу томон касалхона бўлса, қанча одам “Ҳақ!” деб ўлолмай ётган жойда ўлимни эслаб нима қиласан? “Ошхўрликнинг мавсуми ўтди” деб кўёвурмайсанми?

– Энди бизлар бир оми одам-да, гап билмаймиз.

Чойхоначи шундай деб изига қайтди-да, бироздан сўнг тоза шолча билан кўрпача олиб чиқиб ён томондаги сўрига тўшади.

– Бу ёққа ўтсинлар, тақсирларим, ҳозир чой дамлайман, – деб яна ичкарига кириб кетди.

Икки қария эринибгина ўрнидан туриб бу сўрига яқинлашди. Мирҳосил калишини ечгач, тепага чиқиб, чордана қуриб олди. Турғуннинг сўри четида оёқларини осилтириб ўтиришига қараб туриб, Мирҳосил шумлик билан тегишди:

– Ҳа, белдан олдим, туққан хотинга ўхшаб қолибсан?

– Сен, Чўтир, гапинга озгина туз селвор. Самоварчига ақл ўргатасан-у, ўзинг нима деб валақлаётганингни билмайсан. Белоғриқнинг туққан хотинга нима дахли бор?

– Сирканг сув кўтармайдиган бўлиб қолибди, сен Буқоқнинг. Адойи тамом бўлибсан. Ўтиришингни қара.

– Сен ҳадеб бировларга қарайвермасдан ўзингга ҳам бир-икки кўз ташлаб кўйгин. Энди сену мен олма билан ўрик бўлармидик. Самоварчига ўхшатиб айтадиган бўлсам, бизди сезон ҳам ўляпти, ошнам.

– Гапларингни оловга кўйиб, сал иситиб олсанг бўлармиди, а? Бунақа совуқ гапларни қайси халадийнадан олсан?

– Совуқми, иссиқми... умрдан барака кетиб бұлди, – Турғун шундай деб эгилди-да, ердан сарғайған баргни олиб, дүстига узатди: – Ма, ушла.

Мирхосил беихтиёр күл узатиб, баргни олди, кейин ажабланганича сұради:

– Нима қиламан?

– Олгин-да, узилиб тушған жойига қайтариб қўй, – деди Турғун маънодор оҳангда.

– Вей, эсларинг жойидами?!

Мирхосил шундай деб баргни силтаб ташлади. Турғун эса бошини эганича, худди ўзига ўзи гапираётгандай деди:

– Ҳа... кўёлмайсан... Ҳеч ким кўёлмайди. Бу барг эмас, УМР! Узилдими... Тамом...

Турғун шундай деб хўрсинди. Унинг бу ҳазин кайфияти дүстига ёкмади. Ўтирган жойида бир қимирлаб олиб, жеркиб берди:

– Менга қара, Худо хайрингни берсин, донолик қилмагин шу топда. Юракларни сиқмагин.

Турғун унинг танбеҳига парво ҳам қилмади. Қўлидаги баргдан кўз узмаган ҳолда аввалги ҳазинликда давом этди:

– Сен буни хазон деб ўйлаяпсанми? Бир сен эмас, ҳамма шундай ўйлайди. Лекин бу шунчаки хазон эмас... балки... ўлим даракчисидир? Ўлим кимни олиб кетади? Ичкарида жон талвасасида ётган одамними ё... балки сенидир?

– Ҳой, буқоқларнинг совуғи дейман, бас қил дейман, донолик қилавурма. Ўладиган бўлсанг ўзинг ўлавур. Ҳар ҳолда, мендан беш ойлик каттароқсан. Мен ҳали бери кетадиган аҳмоқ эмасман. Уқдингми?

– Хўп... Гапинг рост, мен адашибман. Худо билади, балки хабар менга келгандир?... – Турғун шундай деб ошнасининг тутай бошлаган ғазаб ўтини ўчиргандай бўлди.

Чойхоначи гуллари ўчиб кетган қора патнисда чойнак, новвот олиб чиқиб, хонтахтага қўйгач, чойни қайтарди. Дүстига гапириб барака тополмаслигига фаҳми етган Мирхосил захрини чойхоначига сочиш баробарида бир ўк билан икки куённи урмоқни маъкул кўрди:

– Ҳой, ўғил бола, новвотингга қаҳат келганми? Бунча кам олиб чиқдинг? Бунинг тишимнинг қавагида йўқ бўлиб кетади-ку? Манави тоғанг нимани шимади? Юрганда оёқларининг қалтирашини кўрсанг-чи?

“Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” йўриғида айтилган бу пичинг сўзлар довулини Турғун худди ўзида кўринишда дүстига қарата сочди:

– Самоварчи ука, тоғанг яқингинада сенга нима деди? “Музхонада туғилганмисан?” дедими? Ўзидан сўра-чи, энаси қаерда туққан экан. Ўзи айтмаса, менгина айтайми? Бу тоғанг шимолий муз океанининг нақ киндигида туғилган. Ишонмасанг, башарасига қарагин-а, онаси чўтир қилиб туғмаган, туғилганида бип-биноий бўлган. Аммо туғилгани заҳоти афтини моржлар тимдалаб-тимдалаб ташлашган.

Чойхоначига бу гап таъсир қилиб, хахолаб кулиб юборди. Мирхосил худди ўрнидан туриб ошнасига чанг солмоқчи бўлгандай, жойида бир қимирлаб олди. Чанг солишга қасд қилгани рост, лекин тирноқлари билан эмас, тили билан чанг солмаса хумори босилмас даражага етган эди. Икки ошна эсларини таниганларидан бери бирга, ҳатто урушда ҳам битта бўлилмада хизмат қилиб эт билан тирноқдай ажралмас бўлиб кетишган. Шунга қарамай, “гап келганда отангни аяма”, деган насиҳатни иккови ҳам байроқ қилиб олгани сабабли Турғун гап отанида Мирхосилнинг жимгина кетганини ҳали бу атрофда биров кўрган эмас. Ҳозир ҳам шундай вазият юзага келди. Бу ерга нима учун келганларини унутишди. Мирхосил ошнасининг гапига жавобан аввалига асабий тарзда томоқ қиргач, чойхоначи кулгидан шарт тўхтади.

– Гапинг иссиғини шу тоғангдан оловрасан, – Мирхосил маънодор оҳангда гап бошлаб, қошларини учуриб, буқоқ кўринмаса ҳам, Турғуннинг томоғига ишора қилди. – Кўряпсанми, хумдони ўзи билан-да бунинг.

– Эсимга тушди, тақсир, қойилман, – деди чойхоначи кулиб.

– Нима тушди?

– Бизлар бола эканимизда тўйларда юрардинглар лапар айтишиб, аскиялар айтишиб. Кўпини ёдлаб олган эдим. Сиз бошлардингиз: “Охират бозорига юк боғлаган карвон буқоқ, олти минг гиштни пиширган бетутун хумдон буқоқ...” деганингизда оламни қийқирик босиб кетарди.

– Ҳа, ҳа, шундай бўлган, – деди Мирхосил кибр билан яйраб. – Эсингдан айланай сенинг. Ғашланиш навбати энди Турғунга ўтди. Тиззасига ўнг кафти билан шарт уриб, чойхоначига бургут қараш қилди:

– Мен-чи? Мен мум тишлаб ўтирармидим?

Чойхоначи икки ўт орасига тушиб қолганини англаб, салгина довдиради-ю, кейин ўзини қўлга олиб, қувноқ оҳангда давом этди:

– Оҳ-оҳ, тақсирим, сиз ҳам жуда-а олардингиз-да! Сира қўймасдингиз, ушлаган жойингизни узибла олардингиз: “Ариларнинг уясини “бет бу”, деб алдар чўтир, худди чекичлаб чекилган патир, деб жаврар чўтир”, деганингиз ҳали ҳам эсимда.

– Ҳе, эсинг кўрсин сенинг! Қани, менинг жавобимни айт-чи? – деди Мирхосил унинг гапини шарт узиб.

– Тақсирим, мен эси паст одамга ўхшаяпманми? Жавобингизни айтайми? “Елкасига хуржун осган, хуржунида ошқовоқ, ҳар бири чорак етилган миришкор деҳқон буқоқ...” Шунақа ажойиб тўйлар бўларди-да. Тонготар жилмай ўтирардик.

Икки ошнанинг ўртасида узоқроқ қолса бирон бир балога йўлиқиши мумкинлигини англаган чойхоначи хотирасини яқунлаб, кетмоқчи бўлиб ўгирилган эди, Турғуннинг: “Тўхта, гапни чала сўйиб ташлаб кетма. Охирига етказиб қўй энди”, деган амри янграб, тўхтади.

– Ағи эсимда йўқ, тақсир.

Шу айёрлиги билан қутулиб кетмоқчи эди, Турғун “Айтасан!” деб бўш келмади.

– Қўй, болани қийнама, эси пастлиги кўриниб турибди-ку? – деди Мирҳосил муғомбирлик билан. – Отам замонидаги гапларни қаёқданам ёдида тутди. Дурдона гаплар мияда қолади, шалай-балай гаплар ўчибла кетади.

– Сен тек тур-чи, – деди Турғун дўстини жеркиб, кейин чойхоначига тикилди: – Эсингда йўқми? Қани, ўйлаб кўр-чи? Мен бошлаб берайми: “Бу кеча қайларда қолдинг, бетларинг итнинг изи...” Хўш?

Чойхоначи Мирҳосилга хавотир билан бир қараб олиб, Турғунга очиқ чеҳра билан юзланди-да, давом этди: “Панжарагулчин юзингдан айладингми, ор чўтир?”

Бу жавобдан қувонган Турғун “Оҳ-оҳ!” деганича иккала кафти билан тиззасига шапатилади:

– Гапнинг хўрози шунақа бўлади. Эсинг баракали экан, сен боланинг.

Чойхоначига бу мақтов маъқул келиб ийиб кетди:

– Яна бир ашулангиз бўларди: “Тоғда қуён отибман ияги йўқ, жонон кўйлак кийибди, жияги йўқ...”

– Ҳой, “эсли бола”, бўлди қил. Жа-а мияларни ачитибла ташладинг. Бор, новвотингдан олиб чиқ. Белангги тоғанга қувват бўлсин.

– Шошираверма, айтадиганини айтиб олсин.

– Эшитгинг келаётган бўлса, уйингда би-ир паловхонтўрани дамлаб чақирасан. Эртаманга довури ликобча чертиб ашула қилиб беради, сен буқоғингни селкиллаб ўйинга тушиб берасан. Хўп базми жамшид қилишасанлар.

Турғун жавобга ҳозирланди-ю, кўзи Обидга тушиб, гапи оғзида қолди. Сўрига яқинлашаётган ошнанинг шашти пастлигини сезган Мирҳосил ўрнидан туриб кетди. Турғун жойидан жилғунича, у пастга тушиб, Обидга пешвоз чиқди:

– Ҳа, шу ерда эканми?

Обид чойхоначининг саломига руҳсиз равишда бош ирғаб алик олгач, дўстига тикилиб қолди. Унинг бу аҳволдан хавотирланган Турғун Мирҳосил билан кўз уриштириб олгач, уни саволга тутди:

– Шу ерда эканми, кириб чиқоврамизми?

Обид жавоб бермай, сўрига келиб, омонат ўтирди. Бу аҳволдан ғашланган Мирҳосил уни елкасидан ушлади:

– Боз... Обид, Обид дейман, нега машқинг паст?

– Касали... оғирроқ эканми?

– Касалими?... – Обид хўрсинди-ю, бошини эгган ҳолда паст овозда жавоб берди: – Бу оғайнимизни ҳам Худо бизга кўп кўрди. Пулатдан... ажраб қолибмиз.

Кутилмаган шумхабарни эшитиб Турғун бироз қарахт ҳолига тушди, сўнг юзига фотиҳа тортди. Мирҳосил эса ишонқирамай, Обиднинг иккала елкасини чангаллаб олиб уни бир-икки силтади:

– Ким айтди сенга? Ўзинг кўрдингми? Ўз кўзинг билан кўрдингми? – Обид бош чайқаб “йўқ” ишорасини қилгач, уни яна силтади: – Сен, ношуд бола, фамилиясини тўғри айтдингми? “Тоҳиров” дедингми ё “Тоиров” дедингми? Сен, пайтавафаҳм ҳамиша адаштириб юрасан.

– Тақсирим адашганга ўхшайдилар, – деди чойхоначи вазиятни юмшатиш мақсадида. – Бугун бу касалхонада ҳеч ким ўлмади. Улса биз ҳам эшитардик.

Аламини кимдан олишни билмаётган Обид бу гапни эшитиб унга бақириб берди:

– Сен кимсан ўзинг? Главврачмисан ё самоварчимисан? Бор, ишингни қиловор сен!

Гапга ноҳўя аралашганини фаҳмлаган чойхоначи бошини эгганича ўгирилди.

– Бу болага сапчима. Тўғри гапиряпти, – деди Мирҳосил Обидни кўйиб юбориб. – Главврачингдан олдин хабар шу самоворхонага чиқади. Сен хомсан, бола. Ҳамма ишларинг хом. Ўйлаб кўр-чи, Берлинга довури ўт кечиб борган одам индамайгина ўлиб кетоврадимми? Э, йўқ. Сенга ишонган мен – аҳмоқ! Ўзим кириб чиқаман. Қайси жойда экан?

– Уликларни тирилтирадиган бўлимда экан, – деди Обид тўнғиллаб.

– А? Нима дединг?

– Нега анграясан? Эшигига шундай деб ёзиб қўйибди. Ишонмасанг, бор ўзинг қара.

– Гапнинг тузи йўқ: ўликларни тирилтирадиган бўлимда одам ўларканми? – деди Турғун ошнанинг елкасига енгил туртиб. Ҳозиргина гапга аралашгани учун пушаймон бўлган чойхоначи изоҳ беришдан ўзини тия олмади:

– Тақсирим “реанимация” бўлимини айтяптилар, шекилли. Ҳозир шунақа ёзадиган бўлишган. – Шундай деб Обидга қаради-да киноя билан қўшимча қилди: – Главврач бўлмасам ҳам, шунақа гапларни сал-пал биламан.

Чойхоначи яна ортиқча гапириб юбориб, исканжага тушиб қолмаслик учун тез-тез юриб кетди. Мирҳосил шифохона томон бурилган эди, Турғун унинг йўлини тўсди:

– Тўхта, сен борма. То топгунингча ўликнинг тили қотади. Боз, бор, ўзинг кириб чиқ. Ўлик бўлса ҳам, тирик бўлса ҳам ўз кўзинг билан кўриб чиқ.

– Ҳаммамиз бирга кироврамит унда, – деди Мирҳосил ўжарлик билан.

– Ҳовлиқма. Ичкарида пода бўлиб юрмайлик.

Обид бироз ҳаракатсиз равишда ўтирди-да, кейин оғриниб ўрнидан турди. Ошналарига норози нигоҳини бир-бир қадагач, изига қайтди.

– Гапингнинг совуқлигини қара: тили қотиб қолармиш! – деди Мирҳосил алам нишини Турғунга санчиб.

– Гапимга осилаверма, мен “ўлган бўлса”, дедим.

– Нега ўлади? Сендан сўраяпман: нега ўлади? Кеча туппа-тузук ўтирган одам-а?

– Ҳа, энди иссиқ жон-да. Пов этади – чиқади, кетади. Сен билан маслаҳатлашиб ўтирармиди?

– Агар Пўлат ҳам ўладиган бўлса, дунёингга қойил қолмайман, ошна. Ўтишга-ку, ҳаммамиз ҳам бирин-сирин ўтамиз-а, ома икки оининг ичида улфатдан икки кишини кетма-кет олиб кетиши инсофданмас. Агар жон оладиганларда ҳам план бўлса, ана, дунё деганинда хунасаи даргоҳлар тиқилиб ётибди, олсин битта-битта тери-иб.

– Гапларингга туз сепиб гапиргин. Биз киммиз? Биз бир соллотмиз, биздан сўраб ўтирармиди? Кетдик, деса бўлди, бир парча сурпга ўраламизу ёғоч отга миниб “чу!” деймиз, вассалом. Бир зумда Мункар билан Накирнинг саволларига рўпара бўламиз-да, ошнам.

– Ўзинг рўпара бўлавур. Мен бориб қолсам, ома уларингдан олдин ўзимла савол бериб ташлайман: дунёга нима учун ёмонларни қалаштириб ташладиларинг, дейман. Аввал дунёни ёмонлардан тозаламайсанларми, яхшилар тўрт-беш кун яйраб яшаб олмайдиларми, дейман. Одам ўлиб бўлганидан кейин сиқувга олишларинг нимаси, тириклигида суд қил, ёмон бўлса жонини олавур, яхши бўлса умрига қўшиб бер. Сотволдининг нима ёмонлиги бор эди? Ўзини-ку, эна-отаси тилаб-тилаб олган эди. Ўзи ўн беш йил тиланиб биттагина йўл кўрдими?

– Қўй, энди ошна, гап деб ҳар нарсани гапиравурма. Худонинг иродаси-да. Тақдири шу экан.

– Сен тақдир дейсан, ирода дейсан. Мен ҳам тақдир дейман. Худога қарши чиқмайман. Ома шу тақдир деганига тушунмайман-да. Хўп, Худо беришга берди. Ўзига шукур. Бунақа қайтариб олишига сира-сира тушунмайман.

– “Отамлатсанг отамлатгин – бўтамлатмагин”, деганлари шу-да. Бу ҳам Худонинг бир имтиҳони экан.

Турғуннинг бу гапи овунтира олмади. Унинг юраги хотира туманига танҳо ҳолида шўнғиб, ғавғони бошлаган эди. Агар юрак китоб каби бўлсайди, унинг саҳифаларидан кўп-кўп титроқ сатрларни ўқиш мумкин эди... Ҳаёт оқими мангу: унинг ўйинлари ғоят ажабтовур, баъзан эса бешафқат: висоллар ва айрилиқлар, қувонч-кулгу ва қайғу бир-бирдан нафратланмай, қўшилиб, сел каби бостириб келаверади, суриб келаверади... келаверади...

– Ичим ёниб кетяпти, Турғун. Ўлганимда ичимни ёриб кўрсанг, тамоман кўмирга айланиб кетгандирман. Ҳамма яқинларимнинг ўлганлари бир бўлди-ю, Сотволдининг кетворгани бир бўлди. Хўп, шунинг жони керак экан, урушда ола қолмайсанми? Шунча куйдирасанми бечорани. Ўглининг жони керак экан, нима қилардинг шу болани унга бериб? Тирноққа зор бўлиб ўтавермайдими? Яна иккита набира бергани нима эди? Афғонга олиб бориб жонини олиш учун берибмиди? Ўликларини темир тобутларга солиш учун берибмиди? Ҳаммаларини ўз қўли билан қўйди-я! Ҳеч бўлмаса, хотини туриб турса бўлмасмиди? Сотволдимизни, ҳеч бўлмаса, икки-уч кун ётқизиб, биз билан хайр-хўшлашгандан кейин жони олинса бўлмасмиди? Уйқусида ҳам оладими жонни?

– Сен билан мен билиб ўтирибмизми, балки бу Худонинг синовидир?

– Ол-а! Синайдиган бўлса, фақат Сотволдини синайдими? Барибир, қойил эмасман.

Ҳаво очиқ, беғубор, осмон табассум қилар, аммо буларнинг кўнгилларини қора булут қоплаб олган эди. Чойхоначи шумшайиб ўтирган икки қарияга далда бериш мақсадида ҳовлига чиқиб, сўрига яқинлашди-да, чойнакни ушлаб кўриб, уларга савол назари билан қаради:

– Ие, совубди-ку? Янгилайинми?

– Керакмас, ҳозир кўнгилга чой ҳам сиғмай қолди, – деди Мирҳосил қўл силтаб.

– Кўнгилни кенг қиловринг, тақсир. Бир ашулаларинг бўларди...

– Вей, ашула-пашулангни йиғиштир, бор, самоварингга қара.

Чойхоначи уларга яқинлашганига пушаймон еб, ўгирилди:

– Самоваримга гап йўқ. Худди ўзларига ўхшаб қайнаб турибди...

Мирҳосил минғирлаб айтилган гапни яхши англамай, ошнасига қаради:

– Бир нима дедими? Димоғига қурт тушадиган сортдан эканми, а?

– Ке, кўй, ўзича бир нима деб минғирлади.

– Турғун, берироқ кел, сенга бир гапни айтиб кўяй: кўққис мен ҳам уйқумда жўнаворсам, сен билиб ол, мени Сотволдининг ёнига кўйдирасан. Мен унга кўп оғир ҳазиллар қилганман. Бечора кулиб тураверарди. Энди ўзим армондаман.

– Гапинг тўғри. Баъзан қуошқондан чиқиб кетардинг. Бир марта аскиянинг орасида эркаклигига писанда қилувдинг. Ёмон бўлганди ўшанда. Болага тиланиб-тиланиб юрган вақтлари эди. Бошини эгибла қолганиди. Бошқа одам бўлганида каллангни шартта узибла ташлаган бўларди. У бечора индамаган.

– Эсимда... Шунинг учун ҳам ўғил кўрганида суюнчига гилам берганман-ку?

– Гап билан жонини суғуриб олган эдинг, дилнинг ярасига гиламинг малҳам бўлармиди?

– Армоним ҳам шу-да. Уч-тўрт кун касал бўлиб ётганида ҳам розилик сўраб қолардим.

Турғун, Сотволди билан ошначилигимиз қаттиқ эди, рози бўлиб кетгандир, а?

– Буни Худо билади.

– Энди армон ейди мени. Манов ерим куядиган бўлиб қолди, – Мирҳосил шундай деб кўкрагига енгил муштлади. – Агар ёнига кўйдирмасанг, у ёқда ҳам тинчимайман, ошна.

Уч-тўрт дақиқа олдин бир-бирини киноя найзаларига илиб отаётган икки ошна энди армон кемасида дардкаш бўлиб ўтирганида ҳамширанинг билагидан ушлаб келаётган Обид кўринди. Йиғламсираётган ҳамшира худди боғча қизалоғидай унга тобелик билан бўйсуниб келарди. Обид сўрига яқинлашиб тўхтагач, қизни олдинга ўтказиб, қарияларга рўпара қилди:

– Қани, ўзинг айт буларга. Мир Мирович, кўнглинг тўғри сезибди. Қара-я, Пўлат ўлмаган экан, тирик экан!

– Ҳа, шунақа! Биттанг ўлди, дединг. Яна биттанг тили қотмасин, дединг, ҳе пайтавафаҳмлар! Нима, қизча адашибдими?

– Адашса ҳам гўрга эди. Айт ўзинг энди!

Қариялар орасига тушиб доврираб қолган ҳамшира баралла йиғлаб юбормаслик учун пастки лабини тишлаб, мўлтиллаганича тураверди. Кейин кимдандир нажот истаб атрофга аланглаб олди. Шошилиб келаётган докторни кўриб, кўзларида умид учқунлари чарақлади. Сўрига яқинлашган доктор қарияларга салом бериб кўришгач, Обидга юзланди:

– Тоға, кўйинг, қийнаманг қизимизни. У адашмаган. Беморнинг юраги чиндан ҳам тўхтаган эди.

– Нега тўхтайти, сен ўзинг кимсан? – деди Турғун унга қовоқ уюб қараб.

– Мен даволоччи врачман. Тоҳировнинг юраклари...

– Сен бола гапни чайнама, айт: ошнам тирикми? – деди Мирҳосил унинг гапини узиб.

– Худоба шукур, тириклар.

Бу гап жонларига ҳаловат берди. Кўнгиллари эшигидан мўъжиза мўралаб, табассум қилди, дилларини шод-масъуд этди.

– Ҳа, бу гапинг эркакчасига бўлди. Пўлат ўладиган боламас-да, ўзи, – деди Мирҳосил.

– Кеча оқшом биллалашиб чой ичганмиз. Ўладиган бўлса ҳам менга айтиб кетарди. Биз у билан биласанми, Берлинга довр билла борганмиз.

Дўстининг ҳаётлигидан кўнгли хотиржам бўлган Обид ҳазилнинг ўрни келганидан фойдаланди:

– Немиска хотинлар билан тоза улфатчилик қилишган бу тоғаларинг, – деди Обид.

– Ҳой! – Турғун “тилингни тий” деган маънода ҳамширани имлаб кўрсатди: – Уят-а...

– Бир ҳазил келиб қолди-да, ҳазил бу.

– Ҳазилинг қурсин сенинг. Қўйвор қизимни, юрагини чиқариб юборай дебсан-ку? – Мирҳосил ошнасига қуруқ пўписа қилиб, кейин ҳамширага қаради: – Қизим, сен бунақа совуқ гаплардан эҳтиёт бўлгин, хўпми? Яхши гап бўлса, дарров суюнчи ол. Ёмонини ичинга ютовур. Сиқилиб кетсанг ҳам ютовур.

Обиднинг кўлидан бўшаган қиз “хўп бўлади” дегандай бош ирғаб қўйиб, тез-тез юрганича булардан узоқлашди. Ичкаридан чиқиб келган чойхоначи унинг изидан қараб турди-да, сўнг докторга яқинлашиб, сўрашди:

– Дўхтиржон, иш тугадими дейман?

– Ҳа, энди борайлик.

Бу гапни эшитиб ошналар бир-бирларига савол назари билан қараб олишди.

– Қаёққа борасан? – деб сўради Мирҳосил ажабланиб.

– Уйга-да. Иш вақтимиз тугади.

– Дўхтирмисан ўзинг? Менинг ошнам сенинг касалингми? – деди Мирҳосил унга норози нигоҳини қадаб.

– Ҳа.

– Бутунлай тузалдимми?

– Йўқ ҳали.

Доктор бу саволлардан мақсад нима эканини англамай, жим турган икки қарияга қараб

олди. Мирҳосил эса саволлар ҳужумини давом эттирди:

– Тузалмаган бўлса, уни ташлаб қаёққа борасан?

– Қарайдиган навбатчи врач бор.

– Э, йўқ, дўхтирвой, сен тудавой-судавой гапларингни йиғиштир, навбатчи-павбатчи деганингни мен билмайман. Қани, дарров изинга қайт-чи! Ошнам тузалмагунича бир қадам нари-бери силжимамайсан. Менам силжимамайман, буларам силжишмайди. Ошнамини тузатиб берасан, кейин биллалашиб кетамиз.

Бу талаб докторга ғалати туюлиб, “ошналарингизни инсофга чақириб қўйсангиз-чи”, деган маънода нажот кўзи билан қаради. Турғунга ҳам, Обидга ҳам дўстларининг талаби маъқул келаётган эди. Булардан ёрдам кутишдан умидини узган доктор ўзини ҳимоя қилишга ўтди:

– Тоға, нима деяпсиз, бир кунда бўладиган иш эмас бу.

– Бир кун бўлмаса, икки кундир. Урушда қуршовга тушиб қолганимда тўққиз кун бағримни қорға бериб кутганман. Билиб қўй бола, керак бўлса бир йил ўтирамыз. Бизнинг бошқа қиладиган ишимиз йўқ. Пўлатнинг кимлигини биласанми? Билмайсан. У бизнинг жўрабошимиз! Яхшилиқча қайтовур жойинга, ҳа!

– Ука, қайтовринг, – деди Турғун мулойимлик билан. – Бунга йўқ десангиз, балоларга қоласиз. Гитлерни ҳам шунинг ёлғиз ўзи бориб инига тикиб келган. Бунинг кимлигини билмайсиз.

– Бошқалар билмаса ҳам мен биламан, – деди доктор кулимсираб.

– Кимнинг ўғлисан? Мени қайдан биласан?

– Ўтган йили шаҳардаги шифохонада ётувдингиз-ку?

– Ётган бўлсам нима?

– Бир ҳафта даволаниб кейин ётган каравотингизни олиб кетганингиздан хабарим бор.

– Олиб кетганман. Тўғри қилганман. Ўғлим келиб “отамни касалхоналаринга ётқизаман”, деса шерикларинг “жой йўқ” дейишдими? Кейин ўғлим пул бериб жойлаштирдими мени? Пул бергани шу жойни сотиб олгани бўладими? Билмасанг, билиб ол! Мен сотиб олган нарсани ташлаб кетадиган аҳмақ эмасман. Турғун, эсингдами, ўша ерда бир ҳафта ётибман-а! Ҳали унақа касал топишади, ҳали бунақасини топишади. Э, ўлиқда ҳам бунақа кўп касал бўлмайди. Ўғлимга: “жувоб тегди, мошин олиб кел”, дедим. Каравотни орттирдиму жўнавордим. Ома булар орқамдан йиғлаб боришди. Каравотлари испискада тураркан.

– Ҳа, бу ҳазилингиз анча гап-сўз бўлган эди.

– Ҳазил дедингми? – Мирҳосил қошларини чимириб бош чайқади. – Сенларга ҳазил бўлиб туюлдими? Балки сен чалароқ эшитгандирсан. Бир бошдан айтиб берайинми?

– Қўйсанг-чи, эски пахталарни титиб нима қиласан? Бошингдан ўтгани бу дўхтир бола-мизга тегишли эмас.

– Сен тек тур. Ўша ишимни ҳамма дўхтир билиб, шунга қараб тўн бичиши керак. Дўхтир болам, менга яхшилаб қара-чи, касалим борга ўхшайдими?

Доктор “Мақсадингизга тушунмадим”, дегандай елка қисиб қўйди. Мирҳосил бунга қаноат қилмади, унга “сиз соппа-соғсиз” деган аниқ гап керак эди, шу боис саволини такрорлади-да, бу сафар хоҳлаган жавобини олгач, мамнун равишда давом этди:

– Ҳа, мен ўшанда ҳам соппа-соғ эдим, ҳозир ҳам одекман! Шу ёшга киргунимга қадар дўхтир деганига ишим тушмаган. Шу киши икки марта аксирган эдим, катта ўғлим тушмагурнинг меҳри жўшиб: “Ота, сиз ҳам бошқаларга ўхшаб ёти-иб бир даволанинг”, деди. “Касалхонага ётмасам одам қаторидан чиқаман шекилли, болаларим яна “отасини касалхонага ётқиза олмаяпти экан”, деган маломатга қолишмасин”, деб, кўна қолувдим. “Йўлланма деган матоҳни олишдаги сарсонгарчиликни билибманми? Боз, сен биласанми, сарсонгарчилик нималигини?”

– Сендан бошқа ҳамма билади. Сарсонгарчилик – чиқим қилиш дегани. Чиқимсиз мушук ҳам офтобга чиқмайдиган бўлиб қолганини билмайдиган одам уйда туршак шимиб, наъматакнинг қайнатмасини ичиб ўтиравегани дуруст-да.

– Нақ топиб айтдинг. Лекин каттам ўжар-да, ўша чиқимдан қочмай олиб келди йўлланмасини. Мен ҳам одам қаторига қўшилиб, касалхонасига ётдим. Дўхтурлар бирин-бирин кириб, ҳурматимни жойига қўйиб: “Нима касалингиз бор?” – деб сўрашди. Мен нодон “нима касалим борлигини ўзинг топмайсанми?” – деб ўтирмай, “кампириمنى соғинишдан бошқа касалим йўқ”, – дебман. Шу-шу дўхтир зоти менга йўламай қўйди. Менам “Бу дўхтирларда кампирни соғиниш касалига дори йўқ экан-да?” – деб ётавердим. Кейин зийраклик билан кузатиб қарасам-ки, дўхтирлар кириб, қуюқ салом беришганда, мен лақмалик қилиб, қуруқ алик олган эканман. Билсам-ки, тузалишни истаган касал дўхтирнинг саломига бошқача алик олиши зарур экан. Астойдил дуо қилиш, юракдан чиқариб раҳмат айтиш ҳисобга ўтмас экан. Раҳмат деганлари чўнтақдан чиқиши шарт экан.

– Мир, қўй энди жуда-а оширвординг, укамизни ҳижолат қилма, – деди Турғун уни аста туртиб.

– Сен аралашмай тур. Мен кўрганимни айтаман. Бу дўхтир укам у ерда йўқ эди. Де-

мак, гуноҳи ҳам йўқ. Аслида, дўхтирларга даъвоим ҳам йўқ. Уларнинг билгани билган. Агар бозорга бориб: “Мирҳосил тоғамиз менга бир тонна раҳмат айтдилар, дейишса, биров бир мисқол гўшт берармиди?” Мен анқов ҳам, зиқна ҳам эмасман. Ақлим кирганидан кейин раҳматни чўнтақдан чиқариб, айтувдим, дорининг хилма-хилини ёзиб беришди-ю, ома “бунақа дори касалхонамизда йўқ, ўғлингизга айтинг, топиб келсин”, дейишди. Барака топгурлар, касалхонанинг шундай биқинида дорихона очиб қўйишган экан, ўғлим қидириб, сарсон бўлмади.

– Айтганинг эсимда, – деди Обид. – Дорининг нархи гўрковнинг нархи билан бир хил экан. Ома дорининг эм бўлишига ишонч йўқ, гўрковники ишончлироқ, сувабла ташлайди.

– Худди шунақа! – деди Мирҳосил кўрсатгич бармоғини кўтариб. – Яна барака топишсин, илгарилари касалхонага ётган одамни йигирма тўрт кун даволашарди. Ҳозир икки ҳафтада миҳдай қилиб юборишяпти. Шуниси ҳам дуруст. Йигирма тўрт кун ётган одам раҳмат айтавериб, охири ўлимлигига асраб юрганини ҳам шу ерга ташлаб кетармиди... Хуллас, ортимдан катталари ҳай-ҳайлаб қолишдим... Касалхонанга ётқизишда ўғлимга: “Битта койка фалон сўм”, деган экансанлар. Ўша пулни тўлаганман. Энди шу койканг меники бўлади”, дедим. Кейин ҳисоб-китобни бошладим: “Бармоқдан қон олишга ҳамширанга шунча раҳмат пули, томирдан қон олишга мунча, думбага игна санчишига яна бунча, клизма деган палакатинг бор экан, унга ҳам шунча, ҳожатхонанга кўп тўламай деб икки кунда бир кирадиган бўлиб қолдим... яхшиям касалхонангда ўлиб бермадим, жағимни боғлашга пулим етмаса, оғзимни ланг очиб, чиқиб кетавардим. Янаям барака топларинг, кампирларга бир қараб олиш текин экан, кўзларим роса мазза қилди”, дедим, оғзини очганича бақа бўлиб қолди ҳаммаси.

– Боплагансан. Бу дўхтирларнинг қўлига тушган соғ одам ҳам тирик чиқмайди, – деди Обид ошнасини қувватлаб. – Урдак балчиқни титгандай титаверишади ичингни. Ташқаридан касал топишолмаса, ичингнинг авра-астарини ағдариб ташлашади. Бурноғи йили қовуғимдан касал топишибди. Нима эмиш – қовуғимни тешиб ичак улаб қўйишармиш. Э, менга қараларинг, дедим, мен яна тўртта хотинни гуллатадиган йигитман, дедим.

Турғун қарасаки, ошналари “ўтлаб” кетадиган. Шу боис жеркиб берди:

– Бўлди, суюлмаларинг. Аччиқ ичақдек чўздиларинг, ома. Дўхтир болам, сиз буларнинг гапларига қараманг, боровринг.

Ҳимоячи топилиб, осон қутилганидан қувонган доктор кетмоқчи эди, Мирҳосил тўхтатди:

– Ҳа, қаёққа? Изинга қайт, бола! Мен битта гапирадиган сортиданман. Жойинга қайтгин, ошнамни тузатгин. Ҳа, орқа томондан уриб кетма, ҳар соатда бориб текшираман-а?

– Борақол дўхтиржон, – деди Обид “иложсизсан” деган маънода кўз қисиб қўйиб. – Гитлер ҳам бу одамнинг гапини икки қилганмас.

– Дўхтир болам, ё Тошкандан дўхтир қақиртирайликми? – деди Турғун.

– Кераги йўқ, ўзи қараб, тузатади, – деди Мирҳосил бош чайқаб. – Тошкандаги дўхтиринг ҳам шу бола ўқиган мактабда ўқиган. Боровур, дўхтир бола.

Доктор изига қайтмоқчи бўлганида Мирҳосил уни тўхтатди:

– Тўхта-чи, бола, менам сен билан бориб ошнамни бир кўриб чиқай.

Бу илтимосдан кейин доктор қатъий оҳангга ўтди:

– Мумкин эмас.

– Нимага мумкин эмас?

– Реанимация бўлимига ҳеч ким киритилмайди.

– Хўп, кирмасам кирмадим. Сен эшикни қиялаб очиб турасан. Мен секингина мўралайман.

Ошнам билан кўз-кўзга тушса, тезроқ тузалади. “Меҳр – кўзда” деган гапни эшитганмисан?

– Мумкин бўлмаган ишни мендан сўраманг. Шу ерда эканингизни жўрабошингизга айтиб қўяман. Кўнгиллари кўтарилади. Ҳозир у кишини безовта қилсангиз, ўзларига қийин қилиб қўясиз.

– Мени кўрса, безовта бўлмайди.

– Ке, қўй, дўхтирга осилавермагин, – деди Турғун ўртага тушиб. – Сиз боровринг, ўғлим.

Доктор сал нари кетгач, Мирҳосил Турғунга ола қаради:

– Сен бир нарса дейишдан олдин гапингни чўққа қўйиб дам-пам едириб олгин. Ҳеч замонда деҳқон одамга Тошкандан дўхтир келарканми? Идорада ўтирадиганлардан бўлганида ҳазилакамига аксириб юборса ҳам Тошкандан ўнтаси учиб келарди. У ёқнинг дўхтирлари арига ўхшайди, фақат ширага ёпишади. Нима дединг, Боз?

– Гапинг тўнини бичиб қўя қолдинг. Сен гапираётганингда мен кампиримни қучоқлагандай яйраб кетаман, – Обид шундай деб ўзининг гапидан ўзи яйраб кулди.

– Дўхтирлар билан шунақа авжда гаплашмасанг бўлмайди. Сотволдини ҳам шунақа қаттиқ туриб кўрсатганимизда бекорга ўлиб кетмаган бўларди. Оғзимизга пашша қўниб кетса ҳам лаллайиб ўтирадиган лапашанг бўпқолмиз.

– Энди ўзингдан кетдинг, Чўтир. Энди бу гапинг шалтоқ хотиннинг йиртиқ лозимига ўхшаб кетди, – деди Обид норози қиёфада бош чайқаб. – Сотволдига дўхтир эмас, Сотволдига хотин керак эди. Неча марта айтдим, уйлантриб қўяйин, деб. Эркакнинг хотини ўлдими, жанозасини ўқиб, кўмиб қайтаётганида йўл-йўлакай уйланиб келиши керак. Эркак бир нафас ҳам хотинсиз яшамасин.

- Сотволдини сарқитинга уйлантирмоқчимидинг? – деди Турғун уни жеркиб.
- Рисолни айтяпсанми? Нега сарқит бўларкан?
- Еттинчими саккизинчими хотин сарқит бўлмай нима бўларди?
- Санокдан адашма, Буқоқ, Рисол бешинчиси эди. Ома “сарқит” дея кўрма! Хотинларимнинг ичида жонони шу эди. Худонинг қудратини қара-я, тишим оғриганида битта ўпса, оғриқ таққа тўхтарди. Ўпиши шунақа шифобахш эди. Кайфда уч талоқ қилиб қўйганман. Бўлмаса, шунақа хотинни қўйиб бўларканми?
- Вей, сал пастроқ туш. Бунақа эртакларни мишиқи болаларга айтсанг, ишонишадди, – деди Мирҳосил энсаси қотиб. – Сен эркак бўлиб биронта хотинингни ўзингча талоқ қилмагансан. Ҳаммаси сени ташлаб кетган. Оғзингдан чиқадиғон носнинг сассиғига ит ҳам чидамайди.
- Бу гапдан малолланган Обид унга жавоб бериш ўрнига ёвқараш қилиб, белбоғидан носқовоқ чиқарди-да, намойишкорона чекди. Кейин кафтини шимиға артиб, кўкрагини кериб қўйди:
- Носди эркакнинг хўр-рози чекади, гапнинг ҳам шалтағини чиқариб юбординг. Эркакнинг хўр-рози хотинга тўймайди. Сенларам юрибсанлар-да, эркакман деб!
- Кўп хотин олганингни билмаган одам сени эркак ҳам демайди, – деб пичинг қилди Мирҳосил.
- Сенинг кўзларинг ёмон, Боз, – деди Турғун ошнасини қувватлаб. – Кўчада сени кўрган кампирлар ҳурқадиган бўп қолишибди. Туновинда хаптобусда қайинсинглимга тикилиб, еб ташлай дебсан.
- Сенам гапнинг шилталарини чиқарворасан-да! Қайинсинглингни ёши нечада? Тўқсондан ошдимми?
- Винтларинг анча бўшаб қоптими, Боз? Қайинсингил ҳеч замонда поччадан катта бўладими? Хотиним етмиш иккига кирди. Синглиси етмишга бормагандир.
- Ҳа, ана! Олтмиш тўққиз ярим бўла қолсин. Аканг қарағай олтмиш бирга кирганига ҳам кўнмайди, билиб қўй. Етмиш иккига кирган битта кампирига тикилиб ўтирадиган лапашанглар бошқа.
- Ҳа, қойилман, эркак дегани шунақа бўлса-да! Агар ҳақиқий “Боз” бўлсанг, энди ўн саккизга кирганига уйлан. Уладиган дунёда бир яйраб ол. Ёш хотиннинг кўлида ўладиган бўлсанг ҳам мазза қилиб ўласан.
- Олса ҳам онаси ўлиб кетган қизни олсин. Сотволдига ўргатган гапи эсингдами?
- Ўргатган бўлсам, гапнинг нақ ўғил боласини ўргатганман. Аввал боши ўзи йиғлаб қолган менга. Қайнонасида грамм ақл бўлмаса нима қилсин? Ақлли қайнона қизиникига келиб беш кун ҳам ётиб оладими? Сотволди ҳали етмишдан ошмаганди ўшанда. Юбилей қилувдик-ку, эсларингдами? Хотини ҳам аҳмақ-да, онам келиб қолибди, деб онаси билан ётоврибди-да. Ақли бўлса, эр турганида онаси билан бирга ётами? Менга-ку, барибир, биттаси онаси билан ётса, биттаси ўзимга қолади. Сотволдига қийин-да, шунинг учун йиғлаб берди. Гапнинг хўр-розини ўргатдим: “Ёлғиз ётиб ўлибди қолсам, жағим очилиб қолса – иснод сизга тегади”, деган экан, кампиршо дарровла хайр-маъзурни насия қилиб жўнаворибди.
- Пешонасида, барибир, ёлғиз ўлиш бор экан. Жағини аранг жойига келтирдим.
- Ҳа, ошнамга жавр бўлди... – Мирҳосил шундай деб алам билан хўрсинди.
- Унга жавобан Обид ўзининг ҳам армонда эканини билдириш учун уф тортиди:
- Биттагина хотинга қаноат қилиб нима кўрди бу дунёда?
- Турғун Обидни бир жеркиб тинчитиб қўймоқчи эди, чойхона ҳовлисига кириб келаётган Рихсига кўзи тушиб, гапи оғзида қолди.
- Ие, Рихси, шу ердаминг? – деди уни қаршилаб.
- Рихси уларга тик қарамай сўрашди-да, синик овозда жавоб берди:
- Ҳа, ичкарига қўйишувди, ёнларида эдим, – Рихси тикилган кўзларга қарашдан ўнғайсизланиб, бошини эгди.
- Анча тузукми энди? – деб сўради Мирҳосил.
- Ҳа, ўзларига келдилар.
- Бу жавобдан сўнг қайғунинг изтиробли шарпаси аригандай бўлиб, юраклар хотиржам ура бошлаши керак эди. Лекин ўнғайсизланган Рихсининг кўзини ерга қадаганича жавоб беришини улар бошқача тушуниб, хавотирлари ошди: умид саробини ханда эмас, ясама илжайишга банд лабдан ахтарсинларми?
- Гапиряптими? – деди Обид ҳовлиқиб.
- Сал қийналяптилар-у, гапларига тушунса бўлади, – Рихси шундай деб ўзини зўрлаб жилмайди.
- Рихсининг лип этган табассуми ишончли ҳаловатни баён қила олмади. Аксинча, кўзидан оққан бир томчи ёш умиднинг дарз кета бошланганидан дарак эди. Турғун ҳам, Мирҳосил ҳам буни сезса-да, умид кемасида маҳкам туришга интилиб, юракларидаги хавотирни ошкор этмадилар. Қани эди, умид ҳаёт уммонини лабига қадар лиммо-лим тўлдира олса?
- Худога шукур, гапирган бўлса – тузалибди-да, – деди Турғун хотиржамроқ оҳангда.

– Тузалмаганига қўямизми! – Мирҳосил беморни биттагина гапи билан оёққа турғизиб қўйган мард одам оҳангида гапириб, кўкрагини кўтарди. Бошқа пайт бўлганда бу олифтаргарчилиги учун Турғундан бир чимдим қалампирли гап эшитарди. Мавриди бўлмагани учун Турғун ошнасига қия қараб олди-ю, яна Рихсига юзланди:

– Ҳзи нима бўлди? Кеча туппа-тузук эди-ку?

– Билмасам, саждага бош қўйдилару ёнларига шундайгина йиқилдилар. Ваҳимага ўралашиб қолдим. Кетиб қолдиларми, деб кўрдим.

– Қаёққа кетади? Индамай жўнаворадиган боламас у, – деди Обид аёлга далда бериш мақсадида. – Рихси, сен хафа бўлмагин-у, ошнам шу ердан чиққанидан кейин суюнчисига битта хотин олиб бераман. Ҳзоқ яшашнинг сирини билиш керак-да! Менинг бобом бир юз йигирма учга кирганлар. Ҳн саккизта хотин олганлар. Менинг отам Ҳн биринчи хотиндан. Отам туғилганларида бобом саксон учда бўлганлар. Битта хотин билан ўтаётган мановларнинг тўқсонга боришларига кўзим етмайди. Сен, Ҳўп, деявур, эрингни бир юз элликка киритиб бермасам – бетимга тупурасан.

– Тўхта, шу ерда отдан туш, – Турғун жеркиши камлик қилиб, Обиднинг енгидан ушлаб тортди-да, яна Рихсига қараб давом этди: – Ошнамнинг бунақа касали йўқ эди-ку, кўни-кўшнилари у-бу деб аччиғини чиқаришдими? Ёнларингда сув талашадиган хумпар бор эди, ўша яна ғалва қилдимми?

– Йўқ, у тинч эди. Ҳртоғингизга газитдаги гап ёқмади, шекилли?

– Қанақа газит?

– Ҳқимадиларингми?

– Газит ўқимамай қўйганимга анча бўлган.

– Кеча оқшом почтачи газит ташлаб кетувди. Ҳқидилару ғижимлаб қўйдилар. Бир сўкиндилар. Кейин самоворхонага чиқиб кетдилар. Газитни қарасам, “Бобомнинг қотили ким?” деган гап ёзилган экан. Сиз биласиз, калтаариклик Собит алкаш дегани бўларди, – Рихси шундай деб Мирҳосилга қараб олди. – Сизларга озгина жамоатлиги бориди, шекилли? Ашининг шаҳарда турадиган ўғли ёзибди.

Мирҳосилга бу гап таъна каби туюлиб, худди Ҳзи айбдордай томоқ қириб қўйди. Бундан фойдаланган Обид гапга қўшилди:

– Э, бўлди, танийман уни. Бурнининг тагига соч қўйган паканагина кўнғиз башара бола-ми? Турқи халадийнадан ҳам совуқроқ бир бола эди.

– Нима деб ёзибди? – Мирҳосил энди тўнг овозда сўради.

– Қирқинчи йилда бобоси қамалиб, кейин Сибирда ўлиб кетган экан. Миллатпарвар киши бўлган экан. Ҳртоғингиз... “қулоқ” қилдирган эканлар?

– Вой, хунаса! Шунақа деб ёзибдими? – Мирҳосил ғазаб билан сўкингиси келди-ю, аёлининг олдида Ҳзини тутишга мажбур бўлди. Турғун эса ажабланиб деди: – Қирқинчи йилда “қулоқ” деган нарса йўғиди-ку?

– Нимага Ҳйрон бўласан? – деди Обид. – Ёзган бола Собит алкашнинг ўғлими? Собит алкашдан эсли бола туғилами ҳеч замонда?

– Собит алкашнинг отаси... оти нима эди?

– Урайим ўғри.

– Ҳа, ўша. Савдода ишлаб, дўконни каламушдай кемириб ташлагани учун қамалувди. Ома, тўғри, Пўлат уни бир дўппословди. Мен ажратиб олмаганимда ўлдирибла кўярди ўшанда, – Турғун Мирҳосилга қараб изоҳ берди: – Сен армияда эдинг. Энам қайтиш қилганда кафанликка берган сурлдан салкам бир метрини уриб қопти-да. Пўлат билиб қолиб тозза чангини чиқазворди.

– У хунасанинг бобоси миллатпарвар эмас, пулпарвар эди. Пул бераман деса, хотинини бировга қўшиб қўйишдан ҳам тоймайдиган сортидан эди. Ҳа эсизгина-я! Собит алкаш тирик бўлганида, шу ёзадиган ўғлини Ҳзининг кўзи олдида ким ошди савдосига қўйиб юборардим. Кейин юрарди, майда қадам бўли-иб.

– Ҳа, майли, бўлар иш бўпти. Ошнам тузалаверсин-чи. Ҳша болани Тошкандан олиб келиб қўлларини чопмасам юрган эканман, – Мирҳосил “айтганим шунчаки бир гап эмас, қасам!” деган маънода ғагини кафти билан силаб қўйди.

Бу онда ташқарида от пишқириб, ғаммалари ўша томон қарашди. От аравадан тушган Мамасоли чойхона томон қарамай, шифохонага ўтиб кетмоқчи эди, Обид Ҳай-Ҳайлаб қақирди-да:

– Ҳа, сўфи, мурид овлаб юрувдингми? Бунча ҳовлиқиб қолдинг? – деб пешвоз чиқди.

– Ошна, хабарни эшитиб, шошиб келовурдик, югурдакни жўнатувдим, яхши уйда экансан, – деди Турғун узр оҳангида. Мамасоли ошналари билан тезгина сўрашиб, Рихсига хавотир билан юзланди:

– Тинчликми?

Аёл аста бош ирғаб қўйиш билан чекланди, Мамасоли бундан қониқмай, аёлга қараш ножоиз эканини унутиб, бесамар тикилди. Коинотнинг муқаддас сирини билиб олиш иложсиз бўлганидек, қайғу пардаси ортидаги қорачиқларда қалбнинг ловуллаган яширин оло-

ви алангасини кўриш мумкин эмасди. Рихси унинг тикилишидан ўнғайсизланиб, “ўзингиз айта қолинг”, дегандай Мирҳосилга нажот нигоҳи билан қараб олди. Мирҳосил жавобни ҳаяллатмади:

– Тинчлик. Пўлатнинг сал тоби қочибди.

– Худо шифосини берсин.

Бу ерда узоқ туриб қолишдан хижолат бўлган Рихси Турғунга қараб олди-да: “Мен бора қолай”, деб изн сўради.

– Ҳа, сен ёнидан жилма. Дўхтир болага ҳам тайинлаб қўйдик. Яхши қарамайдиган бўлса, дарров бизга чиқиб айт. Биз бу ердан жилмаймиз.

– Вой, сизлар боровринглар, анча тузуклар.

– Биз билан ишинг бўлмасин, – деди Мирҳосил буйруқ оҳангида. – Биз бир яйилишиб ўтираемиз. Ошнам бир касал бўлганда ўтирсак ўтиришибмиз-да. Сен боравур.

Чойнак кўтариб чиққан чойхоначи Рихсини савол назари билан кузатганича сўрига яқинлашди.

– Тақсир, чойни янгилайинми?

– Ҳа, энди ичсак бўлади, – Мирҳосил шундай деб жойига чиқиб ўтирди. Унинг мулоимлашиб қолганидан кўнгли хотиржамлашган чойхоначи чойни қайтара туриб, унга жилмайиб қаради:

– Тақсир, ҳали гап сал чала қовди, тўйда айтадиган битта ашулангиз бўларди. Тўйхона кийкириқ бўлиб кетарди:

Тоғда қуён отибман – ияги йўқ,

Жонон кўйлак кийибди – жияги йўқ.

Жияги йўқ жойларидан қўлим солсам –

Билкиллайдди қўш анори – суяги йўқ. До-оде, суяги йўқ...

– Суялма, мен бунақанги ашула айтмаганман, – деди Мирҳосил муғамбирлик билан қовоқ уюб. – Айтган бўлса, манов тоғанг айтгандир. Бунақа суюқ нарса шундан чиқади.

– Эшитяпсанми? – деди Турғун Обидни енгил туртиб. – Сен айтгин, суюқ гаплар кимдан чиқарди?

– Э, шунинг гапига парво қилиб ўтирибсанми? Бунинг гапи нима-ю, лўли хотиннинг ямоқ лозими нима! – Обид шундай деб қўл силтаб қўйди-да, чойхоначига юзланди. – Менга қара, эркакнинг хўр-рози, бир йиғилишиб қолибмиз, сен ўчоққа дарров ўт қала. Мен ўзим эркаклар ейдиган паловхонтўрани дамлай. Тоғаларинг кампирларини би-ир хурсанд қилишсин.

– Ўтни-ку, ёқвораман. Ома гўшт-ёғ йўқ-да?

– Нега йўқ бўлади? Самоворхонами бу ё хотинларнинг ҳаммомими?

– Энди... кузда одам сйрак... қўй сўйсак...

– Бўпти, сен қозон осовур. Анави шайтонарава сеникими? – Обид айвон устинига суяб қўйилган велосипедга ишора қилди-да, сўнг Мамасолига қаради: – Узим гузарга чиқиб келаман. Сўфи, Чўтирни дуо қилиб бир ош ейлик а?

– Сен нега мени дуога рўпара қиялсан? Эркак бўладиган бўлсанг, чиқимини ўзинг кўтар. Бўлмаса, тўкма қиловур.

– Агар менинг ўғлим солиқда ишлайдиган бўлса, кунига беш маҳал ош дамлаб берарман.

– Ўғлимни ўртага солма, унинг қозони бўлак. Ана, сўфининг бўйнига ил. Худойиларда оладиган тугунларининг учига тугилган пуллари сасиб қолмасин.

– Сўфига осилма, ҳозир сенга ўхшаган нокаслар пул тугмай қўйишган, – деди Турғун.

– Шунақами, Боз? – Мирҳосил шундай деб қошларини учуриб, Турғунга имлаб қўйди: – Бировларнинг ўғли коррупцияда ишлайди шекилли, а?

– Ома бу гапинг кампирнинг лунжидаги новотдай ширин бўлди. Ҳозирги ош сендан, нонушталик бундан.

Бу гапни эшитиб Мамасоли ажабланди:

– Ие, ётиб қолмоқчимисанлар ҳали?

– Ошнамининг касали сал жиддийроққа ўхшайди. Ўтирмасак бўлмайди, – деди Турғун. – Ҳарна далда.

– “Улфати чор – анда маза бор”. Мен кетдим. Уйларингга одам жўнатиб айттириб қўяман. Бугун кампирларингга дам. “Эртаматан белди бақувват қилиб келишади”, дейман. Сўфи, Чўтирнинг сазаси ўлмасин, сен ҳам савобдан қуруқ қолма, чўнтақди бир қоқ.

– Нега?

– Ол, олавер, сенинг пулинг қўшилмаса, томоқдан овқат ўтмайди.

Мамасоли чўнтагидан пул чиқариб, санай бошлаши билан. Обид шумлик қилиб ҳаммасини тортиб олди.

– Санайвурма, пулнинг баракаси учади. Сенинг пулларинг табаррук, бунга “обизамзам” оламин. Буқоқ, оқидан бўлсинми ё қизилиданми?

Бу гапни эшитган Мамасоли ғашланиб, пулини қайтариб олиш учун қўлини чўзди.

– Пулни ол, ҳаром қилма.

– Жойингга ўтир. Сенинг пулингга ичилса, ҳаром бўлмайди, – деди Мирҳосил уни этагидан тортиб. – “Ҳаром, ҳаром”, дейсан, биз шу арақди кучи билан пошишти инига жойлаб келганмиз.

– Фошистни қанақасига инига кирғизганингни билмайман, мен бошқа фронтда эдим. Лекин ичволиб дўппиларингга қусиб юрганларингни биламан. Буқоқ, сеникидамиди? Кўзлари ғилай бўлволиб, хотинини танитай, а? Ўзининг хотинига гап отиб, “шу хотин менга ёқиб қолди, олиб берасанлар”, деб йиғлаганлари эсингдами?

– Ўзининг уйда маст бўлволиб “етимман” деб йиғлаганлари ҳам бор. Биз кетамиз, десак, “уйимга олиб бориб кўйларинг”, деб ялинганлари ҳам бор. Ома ичволиб ўповардинг-а. Одамди бетини яловриб шилибла ташлардинг. Ит ҳам бунчалик яламас.

– Гапнинг роса хўр-розини айтдинг. Бу кўпроқ Сўфини яларди. Бу таъвияни Сотволди бечора опичиб обориб қўярди уйига.

– Майли, бўлди, отам замонидан қолган гапларни кавламаларинг.

– Ие, кавлашни бошлаб қўйиб, бизга ақл ўргатяптими? – деди Обид Турғунга қараб.

– Ёшлиқда ичгани учун тавба қилса, Худо кечирворади, лекин эндигиси... уят. Сенларни ҳозир ичишдан қайтармасам, менам гуноҳга қоламан. Ичволиб, мени ғийбат қилсаларинг, гуноҳларим сенларга ўтади.

– Сўфи, сенинг гуноҳларинг ҳам бизларга табаррук. Қил кўприкдан ўтаётганимизда сеникини рўпара қилиб ўтоврамиз. Ўзимизники запасда туворвади. Ома бу пулларингга рози бўлгин.

– У дунё бу дунё розимасман.

– Ма, ол, нокас! – Обид чангалидаги пулни ўртага ташлади. – Хотининг уч марта кетиб қолганида уч марта ўртага тушган мен аҳмоқ. Қирқ саккизинчи йилда қайнотангни ийдириб, кўндираман деб, икки марта ўзимнинг пулимга ароқ сотиб олганман. Менам ўшанга розимасман.

– Вей, тентак, пулини нега қайтардинг, ол! – Турғун шундай деб пулларга қўл чўзди.

– Тегма, рози бўлмаса, олмайман. Бунинг бир нарсаси бор. Сталин ўлган йили қалин қор ёққанди. Сенлар йўғидиларинг. Сотволди икковимиз буни алдаб Сожи сатангникига олиб борувдик. Ичмай тозза куйдиргани камлик қилиб, ярим кечада бизни ташлаб кетворибди, номард. Бир гап ёқмай, сатанг ҳайдаб чиқаргани эсимда. Уйларимизни тополмай, маҳаллани айланавериб, охири тобутхонага кириб ётибмиз-а! Ушанда совуқ нафас қилганда бу. Сотволди шунинг учун кетворди. Бўлмаса, ўладиган бола эмасди. Хотин олишга кўндирувдим.

– Бўлди қил, минг йиллик гапни лағмондек чўзаверасанми. Пулни, олсанг олавер, нима қилсанг қил. Қийматда жавобини ўзинг берасан.

Чойхоначи худди отни эгарлаб шайлагандай, велосипедни олиб келиб, жинғироғини чалиб қўйди. Обид ташлаган пулини тезгина йиғиб олиб, чўнтакка урди.

– Самоворхонани тузук юргизсанг, шайтонарава минмай, мошинда керилиб юрардинг, – деди велосипедни етаклаб. – Америкадаги чойхоначилар қанақа мошинларда юришади, биласанми?

– Билмайман, тақсир.

– Шунинг учун ҳам кунинг шу шалоқ шайтонаравага қолган. Умринг шу билан ўтади, сен нощуднинг.

Чойхоначи: “Ундай деманг, тақсир, бизнинг кунимиз ҳам туғиб қолар”, деганича уни кузатиб қўйди.

Мирҳосил пиёлага чой қуйиб Мамасолига узатди:

– Пулингга ачинма, сўфи, пул қўлнинг кири. Ўзинг икки гапнинг бирида: “бойликка муккаларингдан кетмаларинг”, деб насиҳат қиласан-ку?

– Худо мени кечирсин. Сенларга қўшилган одамнинг охирати куяди. Куймаганига қўймайсанлар, – Мирҳосил пиёлани олди-ю, бир хўплади.

– Кемага тушганнинг жони бир, ошна, – деди Мирҳосил муғомбирлик билан кўз қисиб. Турғун эса гапни илиб кетди:

– Сен болани онанг, аслида, инсофсиз қилиб туққан. Болалигингда ҳам бизларга хиёнат қилиб турардинг. Шоюсуф гуваланинг боғи эсингдами? Чўтир, биз боққа тушганимизда бу нима қиларди, а? Иштонини хўл қилиб, шумшайиб ўтирармиди?

– Қўрқоқ эди, бола пақир. Қуён ҳам бунга қараганда юраклироқдир.

– Бекор айтибсан. Қўрқмасдим, ҳаромдан ҳазар қилардим.

– Ол-а, ўшанда ҳаром-ҳалолнинг фарқига борармидинг?

– Ҳа, ҳаромдан ҳазар қиларди. Шунинг учун биз олиб чиққан нашватиларни беркитиб ерди.

– Туриб-туриб хайрон қоламан: ҳаммамизнинг боғларимизда мевалар сероб эди. Ома Гуваланинг боғига тушишга ишқибоз эдик, а? – Мирҳосил шундай деб жойида қимирлаб олди. – Бошқаларнинг боғига қараб ҳам қўймасдик.

– Гувала раҳматли бошқалардан бахилроқ эди. Боғини қаттиқ қўриқлар эди-да. Ўйлаб кўргин, фақат шунинг боғи пахса девор билан ўралганди. Киргани тош отиб қуварди. Биз-

ларга мана шуниси қизиқ эди-да. Бошқалар индашмасди. Индамаган жойга кириб-чиқишнинг нима қизиғи бор? Ома Гувала ҳам астойдил уришмасди. Эсингдами, Сотволди раҳматлини ушлаб олгани. Тозза қалтақ ейди, десак, Гувала тушмагур Сотволдининг иштонини ечиб олиб, ўзини қўйвориб ўтирибди. Энди ўйлаб қарасам, ўша пайтда одамларнинг назарлари тўқ экан. Назари тўқ бўлгани учун ҳам қаҳатчилик йилларида қишлоқ қирилиб кетмади.

– Ҳа... шундай одамлар ўтиб кетишди-я... Сўфи, шуларни ўйлагин сен. У дунёга борганида болалигингдаги қилиқларни қилиб юрмагин.

– Қанақа қилиқ?

– "Мен намоз ўқиганман", деб панага ўтиб олиб, бизларнинг дўзахга тушишимизни томоша қилиб ўтирмагин, демоқчиман.

– Томоша қилиб бўпти. Биз қайга кирсак, бу ҳам ўша ерга киради.

– Бу гапинг тўғри. Сен – қариб қуйилмаганларни инсофга келтиролмаганим учун ҳам қиёматда жавоб бераман.

– Ҳай Сўфижон, инсоф дедингизми? Инсофга келмайдиганлар бизларми? – Мирҳосил пичинг оҳангда шундай деб қошларини чимирди. – Худойи ошларида уйнинг тўрини бермайдиган Карим каззобингнинг инсофи борда, а? Агар сутга сув қўшадиганни инсофли десанг, майли, бизларни инсофсиз деявер. Ома билиб қўй: биз шу ёшга кириб, бировнинг бир тишлам нониға хиёнат қилмадик. Тўғри, ароқ ичдик, ома етимнинг ҳақини емадик. Бировларни ургандирмиз, сўккандирмиз, ома ёмонлиги учун қилдик бу ишларни. Намоз ўқиб туриб ҳаромдан ҳазар қилмайдиган Карим каззобинг агар жаннатга кирса, мен кирмадим ўша жаннатингга. Сен айтаётган шу инсофсиз ошналарим билан дўзахингда исиниб ўтирганим маъқул. Сенам, боравур, каззобингни кетидан.

Ярим ҳазил, ярим чин оҳангда айтилаётган гапларни эшитиб, Мамасоли бошини эгди. Ошналарининг феъли ҳам, тили ҳам унга маълум. Кўп ножоиз қилиқларига кўниқиб ҳам кетган. Лекин ўлим хабари дарвозани қоқиб турганида ҳам бундай гапларни гапираверишларига чидаши қийин бўлиб қолган. Қайириб-қайириб ташлаган вақтлари ҳам уларнинг феълида ўзгариш бўлмади. "Бир тоғнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди, деб эшитсангиз, инонмангиз", дейилганда менинг ошналаримга ўхшаганлар назарда тутилибдими экан?" Шу фикр хаёлига урилгандаёқ вужуди зириллаб кетган эди. Айтса, ишонмасликлари мумкин, бомдоддан кейин "Ёсин"ни ўқиган пайтда бўйинларидан то иякларигача ҳалқа-қишан солинганлар ҳақидаги оятни тилга олганида юраги безовта бўла бошлайди... "уларнинг бошлари юқори бўлиб ғўдайиб қолган, ерга эгилмайдилар... уларнинг олдидарида ҳам, орқаларида ҳам парда-тўсиқ яратдик. Бас, улар ҳеч нарсани кўрмайдилар..." Бу тоифа кўрқитилса ҳам, кўрқитилмаса ҳам, барибир – иймонга келмайди... Бу калиманинг ошналарига ҳам тааллуқли эканини ўйлашнинг ўзиёқ унинг жонини олгандай бўлади. Кўп марталаб огоҳлантираётган бўлса-да, барибир, ўзини айбдор ҳисоблайди. У ўзининг эмас, ошналарининг дўзахга тушишидан кўрқади. Бир валиуллоҳ Худоба ёлбориб, "Агар гуноҳларим кўп бўлса-ю, дўзахга тушсам, Сендан биргина ўтинчим бор, эй Тангрим, мени шундай баҳайбат гавда билан дўзахга туширгин-ки, дўзахинг менинг вужудим билан тўлиб, бошқаларга жой қолмасин", деган экан. Мирҳосил ҳам шундай, агар шу улфат учун маълум бир жой ажратилган бўлса, ўша жойни бир ўзи эгаллашни, дўстларини дўзах азобидан кутқаришни истарди...

Мирҳосилнинг жимиб қолганини "сукут ризолик аломати", деб билган Турғун заҳарли сўзларини давом эттирди:

– Биров ўлиб, уйдан йиғи чиқса, каззобинг "булбул сайраяптими?" дейдиган сортидан. Отнинг ўлими – итнинг байрами-да! Ўлган одамнинг хонадони буларни бир йил боқади. Мен болаларимга айтиб қўйдим: ўлсам, буларга бир пиёла чой ҳам қўймайсанлар, дедим. Меникида булбул сайрамаса сайрамасин.

Бу гапдан кейин Мирҳосил чидаб туrolмади:

– Сал эви билан-да! Кимнинг куни худойига қолибди? Бировга "Худойи қил", дейилмаган. Ўзи қилади, чақиради. Кирмасак, хафа бўлади. Есак бир чўқим ош еймиз. Дуойи фотиҳа қиламиз.

– Ўша фотиҳангни ош емай қилсанг ўласанми? Нафсларинг чатоқ сенларнинг. Жаннатга тушсаларинг ҳам, ҳамма ёқни шипириб еб тугатасанлар. Сенлар билан жаннатга кирганлар очидан ўлади.

– Бўлди-е, ҳамма ёқни булғатвординг-а!

– Сен жириллама, сўфи. Каззобингнинг сутга сув қўшгани ёлғонми? – Турғун савол берди-ю, жавобни кутмай, давом этди: – Фақат "хабарим йўқ", дема. Буни бутун қишлоқ билади. Мирҳосил, эшитгин-а, туновинда Ҳайдарникига худойига кирувдим.

– Қайси Ҳайдар?

– Ҳайдар хўтикни айтяпман.

– "Ҳайдар эшшак", дегин. Хўтиклиги қолибдими, ёшлигида хўтик эди. Энди нақ қари эшакнинг ўзи. Боласи тўрт танга топадиган бўлганидан бери ағанаб, ҳамма ёқни булғатади. Одамларнинг ҳақини туя қилиб ҳаромдан топган пулига Худони шерик қилишибди-да.

– Ҳа, энди унисини кўявур. Хуллас, худойига кирсам, тўрни Каззоб эгаллаган. “Нафс ундай. Нафс бундай” деб гуноҳлардан сафсата сўқиб ўтирибди. Менинг тилгинам курсин, бир илволдим.

– Сўқингми?

– Баттар қилдим. Дедимки, бир бойнинг чўпони қўйларни соғиб бераркан-у, хўжаси эса сутга сув қўшиб пулларкан. Чўпон уни инсофга чақирса, қари кўппакдек қолиб бераркан. Бир кун ил сел келиб қўйларни олиб кетибди. Ашинда чўпон хўжайинига “Сиз сутга қўшган сувлар тўпланиб келиб, селга айланди-ю, қўйларингизни олиб кетди”, деган экан. Шуни айтиб, Каззобга қарасам, башараси қилча ўзгармабди даъюсининг.

– Шуни “олдим!” деб кериляпсанми? Сен деворга гапиргандай бўлибсан. Энасини бозорга солиб сўқмасанг, гап таъсир қилмайди унга. Менга қара, сўфи, ўшани имом, деб этагидан тутиб юришга ор қилмайсанми?

– Сен ўшанга қараб ҳаммага тўн ичма. Қишлоқнинг кичкинагина масжидига яраша чала илми бор. Хато-камчиликлари шу илмига яраша-да. Қулоққа азон айтиш билан жаноза ўқишга яраб турибди-ку, шукур қилавер.

– Сенам унча-мунча ўқигансан. Илминг битта масжидга етмайдими, ўзинг имомлик қилавермайсанми?

– Эй-й... гап деб гапираверасан-а? Имомликнинг масъулияти бор. Вақти келса, намозда орқасида иқтидо қилганларнинг гуноҳи зиммасига юкланиб қолади. Урайимнинг невараси Бухородаги мадрасани хатми кутуб қилиб, энди Тошкентдаги ўқилиши тугатай, деб турибди. Илмли имомга ёлчиб қолармиз. Пулдорларга инсоф берса, масжидни ҳам янгилаб олармиз.

– Уч йил олдин ҳам шунақа гапни айтувдинг. Хурсандалининг невараси ўқилиши битириб келади, девдинг. Тошкентда қолиб кетди-ку?

– Узича қолмади, илмга зехни ўтқир экан, устозлари олиб қолишди.

– Сенинг баҳонанг кўп. Оғзингни тўлдириб валдирайвер. Фақат бизга гуноҳ-гуноҳ деб осилавурма. Билиб қўй: дўзахга тушадиган бўлсанг, каззоб имомингни деб тушасан. Ҳали қараб тургин, бизларди эшшакка мингашиб жаннатга ҳам ўтиб оласан сен, ҳа!

Ҳамма гапларидан ҳам мана шуниси ошиб тушди. Ҳазаб ўти бетларигача қизартириб юборди. Агар иймони султ, феъли эса Мирҳосилники сингари бўлганида, ўзига яраша жавобни берарди. Шайтон “гап келганда аяма”, деб васваса ҳам қилди. Иймон эса, “битта гапнинг билан шулар қаторига тушиб қолмоқчимисан”, деб ҳимоялади. Лекин ҳазабли нигоҳини ошнасига қадаб туришдан тийила олмади:

– Ҳа, ол-а, ол! Жонларимга тегдиларинг! Чойдан қуй.

Мамасоли пиёлани дўқ этиб қўйиб, юзини буриб олди. Мирҳосил савол назари билан Турғунга қараган эди, у “етар, яна бир нима десанг портлаб кетади”, дегандай имо қилиб қўйди. Мирҳосил “шунга гапирмасам-гапирмадим”, деган қарор билан чой қуйиб ғашланган ошнасига узатди. Шу аснода чойхона ҳовлисига кириб келаётган икки йигитга кўзи тушди-ю, аввалига эътибор бермади. Оқ шим, оёғига оқ туфли, устига жигарранг чарм куртга кийган, сочлари орқасига силлиқ таралган қотма йигит “Салют, бобойлар!” демаганида улар билан иши ҳам бўлмас эди. Сурбетларча кириб келиб, яна бу тарзда саломлашганидан ғаш келиб, алик олмади. Аксинча, қовчоқ уйиб қаради.

Мирҳосилнинг ғашини келтирган силлиқсоч, қирғийкўз йигитни болалик чоқлари ҳамма отаси қўйган исмда “Ғани” деб чақирарди. Қиморбозларга қўшилганидан кейин бу исмдан ор қилиб ўзи “Гена” деб ўзгартириб олди. Қиморбозлар орасида йигит ёшига етиб, унча-мунча ютуқлари билан чўнтаги қаппайгач, дам олгали Ялтага борди. Қора денгиз бўйида бир арман гўзали билан танишиб, уч кун маишат қилди. Учунчи кеча гўзал уни шип-шийдам қилиб кетгач, қуп-қуруқ чўнтак, аламли юрак ва янги исм билан уйига қайтди. Арман гўзали ўзини “Офелия” деб таништирганида у “Мен эсам “Гамлет”ман”, деб ҳазиллашди-ю, кейин бу исм ўзига ёқиб, “Гена” унутила бошланди. “Гамлет” ўша ҳузурли ва аламли кунлардан хотира бўлиб қолди.

Гамлетнинг ёнидаги қора қошлари туташ йигитнинг исми Жасур эди. Аслида, бўйнидан иягига қадар қизариб турган қизил доғга ишора қилиб “Тожи” бўлиши керак эди. Отасининг исми “Тожибой” бўлгани учун ирим қилиб, қайтармадилар, “Жасур” бўла қолди. У ҳам шериги каби ўсмир ёшига қадар “Жасур” бўлиб юрди. Кейин оз муддат “Жўра”, сўнг эса қартадаги олти чилликка ишора қилиб “Жокер”га ўзгартирилди. Қимордаги иқтидори пастдан кўра сал юқорирак, лекин ҳали у тўдага, ҳали бу тўдага суйкалиб юриши туфайли шу номни олган эди.

Буларнинг тўдаси аввал Бўқада, кейин Оҳангаронда асли исми Алижон, лекин ўз оламида Алекс деб донг таратган қиморбоз билан ҳаёт-мамот жангидек ташлашишди. Бир ютиб, бир каттага тушишди. Бугун ҳал қилувчи ўйин учун бегона кўзлардан йироқроқ деб шу чет қишлоқ чойхонасини танлашган эди. Сўрида ўтирган чолларни кўриб аввалига ажабланишди, кейин ўртада битта чойнак турганига эътибор қилиб, “томоқни хўллаб жўнашади” деган фикрда хотиржам бўлишди. Гамлет уларга хушчақчақлик билан салом бериб, жавоб олмач, шеригига қаради:

- Жокер, гапим ёқмадими, тўмсайиб олишди.
- Саломинг ёқмади. Бунақа саломингни шаҳарлик чоллар кўтаришади. Энди сен шу ерда тура тур, – шундай деб сўрига яқинлашди-да, ўнг кўлини кўксига қўйди: – Ассалому алайкум, тоғажонлар. Дамликкина юрибсизларми, яхши ҳордиқ чиқаряпсизларми? Худо бизнинг бахтимизга умрларингизни узоқ қилсин.
- Унинг узатган кўллари жавобсиз қолмади, алик олиниб, қўшқўллаб сўрашишди.
- Кўзимга иссиқ кўриняпсан, кимнинг ўғлисан, жиян? – деди Турғун унга тикилиб қараб.
- Мен эшонгузарлик Тожибой охуннинг ўғли Жасуржонман, тоға.
- Э, ҳа, Бўғирсоқнинг ўғлимисан? Отанг раҳматли икки лаган паловди кўрдим демай, еб юборарди. Жуда баднафс эди. Ома еган овқатига яраша кучи ҳам, гавдаси ҳам бор эди. Сен мунча майдалашиб кетдинг?
- Ким билади, бўлганим шу-да.
- Шеригинг ким? Отаси йўғида онаси чулчут билан дон олишганларданми? – деб сўради Мирҳосил.
- Ҳа, энди тоға, шаҳарлик культурний боллардан-да.
- Э, культурасига урай уни. Сен бу ғаркўздан нари юравур. Отанг яхши бола эди. Ке, ўтир, чой ич.
- Раҳмат, тоға. Самоворчига учрай-чи, оғайнилар билан йиғилишадиганмиз, пича ўтиришимиз бор эди.
- Шошилиб чиққан чойхоначи йигитлар билан кўришди-да, чолларга хавотир билан қараб олгач, меҳмонларини ичкарига бошлади.
- Мамасоли чойдан бир хўплади-да, сўнг чўкмай айланаётган шаманинг ҳаракатидан қандайдир маъно уқаётгандай тикилиб қолди. Мирҳосил суяниб ўтирган лўлаболишни орқасидан олиб, ёнига ташлади-да, ёнбошлаб олди. Турғун эса оёғим увушди, чигилини ёзиб келай, деб боғ томон юрди.
- Гамлет бошлаб ичкари кирган Жасур остона ҳатлаши билан чойхоначига “ишлар бошқача бўлиб кетибдими, тоғажон”, деб норозилигини баён қилди. Гамлет эса худди уриб юборадигандай чойхоначига тик борди-да:
- Бўсс, бу тиррақи чоллар нима қилиб ўтиришибди? Билиб қўй, ошга пашша туширсанг, отвечат қиласан, – деб ўдағайлади.
- Мен нима қилай? Келишди, ўтиришибди. Оғайнилари касал экан, кутишармиш.
- Нима деяпсан сен, братан! Бу ер вокзалми, кутадиган. Йўқот уларни!
- Йўқотолмайман. Биттаси харажатга кетди. Ошга уннашяпти.
- Гамлет, вақт борида жойни ўзгартира қолайлик?
- Йўқ, тўртта чолдан кўрқдиларингми, деб бошни оғритишади. Чолларни йўқотиш керак.
- Булар фронтвой чоллар, бас келиб бўлмайди. Ош тезлашса, еб кетишади.
- Гамлет, бир томондан уларнинг ўтираверганлари яхшими, дейман. Хитлар адашиб келиб қолишса, шуларни кўриб қайтаверишади.
- Жокер, бунинг учун сенинг бошинг оғрисин. Бу ёғига ўзинг отвечат қиласан, – шундай дегач, яна чойхоначига қаради: – Хўп, айтилган харажатлар естми? Унда первийсига шўрвани бошлайвер. Пока булар кетгунича жойни ичкарига қилавер. Жокер, “оқсоқол”дан биттасини оч. Томоқни хўлламасак бўлмайди. Нардани ол, айвонда бир ташлашайлик. Чолларинг тикир-тикирдан бешишса, тезроқ кетишади.

Давоми келгуси сонда

Тоҳир МАЛИК

1946 йилда туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини таҳсил олган. “Сўнги ўқ”, “Шайтанат”, “Ов”, “Мурдалар гапирмайдилар”, “Иблис девори”, “Меҳмон туйғулар”, “Жинойатнинг узун йўли”, “Одамийлик мулки” сингари детектив ва маърифий асарлар муаллифи. Ижодкор таржимасида Ф.М.Достоевскийнинг “Маъсума” асари ҳамда бошқа бир қатор бадиий таржималар эълон қилинган.



Назм

МЕНИ БАХТИ ИҶФОТИБ ҚЎҚОН

Қўқон

Ўрда. Назм саройи. Аркон.
Юксалади руҳинг бу шондан.
Умархондан ўзга ҳеч қачон
Хон ўтмаган гўё Қўқонда.

Тун. Сайрга чиқар юлдузлар,
Ёғдулардан сачрайди сўзлар.
Қўқон осмонидан бир оқишом
Кўкка чиқиб кетган юлдузлар.

Юрагимда гуллайди бир сўз,
Кўтаради руҳим сарбаланд.
Навоийга, Ҳиротга сўнгсиз
Йўллар интилади Қўқондан.

Бу Хўқанди Латиф. Мўъжиза...
Яралади ҳар лаҳза сирдай.
Адабиёт, абадият қадар
Фарзандларин кўтарар тирдай.

Бу Хўқанди Латиф. Лол очун...
Дунё ташлар ҳайратий назар.
Қутлагани бу тонг эрк билан
Кўкдан ерга тушар юлдузлар.

Алам

Бедаво ишқ, энди алвидо,
Ўзимни унутдим, ўзимдан кетдим.
Уни қисматимдан қилма деб айро
Тангрига ёлбордим, Тангрига айтдим.

Муҳаббат ўтида кул бўлмоқ абас,
Баҳорим келмасдан этиб келди куз.
Алданган бу кўнгиш кўтарар уввос,
Гарчи севмоқликка арзимайсиз, сиз.

Сизни қаргамоққа етмайди кучим,
Сизни айбламоққа йўқ менда асос.
Сизни телбалардай севгани учун
Энди бу юракдан оламан қасос...



**Энахон
СИДДИҚОВА**

1954 йилда туғилган.
Фаргона Давлат
институтининг фило-
логия факультетида
ўқиган. Ижодкорнинг
“Қоракўз турналар”,
“Суманбар насим”,
“Кўнгиш уфқлари”,
“Ишқ ифори” номли
шеърый, “Сирли тун
фарёди” номли насрий
ҳамда бир қатор бади-
ий-публицистик китоб-
лари нашр этилган.
Ҳозирда Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшма-
си Фаргона вилоят
бўлими масъул котиби.
“Дўстлик”, “Эл-юрт
ҳурмати” орденлари
соҳибаси.

Ўрик гуллаган кеча

Нур тушгандай богнинг қўйнига,
Новдаларда гуллаётир бахт.
Оппоқ, ҳарир ўрик гулига
Манглайини уриб олар вақт.

Титраб кетар кеча ҳайратдан,
Туннинг оҳу кўзида ҳадик.
Титрогингдан кетгудек тўзиб,
Новдаларга инган гўзаллик.

Гуё қантдақ ўрик шоҳига
Фаришталар олгандай қўниб,
Юрагимдан ҳудди шу лаҳза
Гулгунчалар чиқмоқда униб.

Яшадимми одамдай зотан,
Англадимми нима фароғат?
Оқ ўрикдай гуллай олмаган
Умрим энди жуда омонат.

Беҳиштий бог...
Бир илоҳий нур
Оқиб келар кўкнинг тоқидан.
Гуё, гуллаб ётгандай шуур
Оппоқ, ҳарир ўрик шоҳида.

Харсанг ёнида

Ўтма бундан ҳаргиз нописанд, илло,
Балки ҳасратидан чиқиб ётар чанг.
Кўпни кўрган донишманддир, ё,
Зикр тушиб толган дарвеш бу харсанг.

Балки асрларнинг ёдидан ўчган –
Вақтнинг домида чўкиб ётган сир.
Балки Ватан учун жонини тиккан –
Сеҳру синоатдан тош қотган ботир.

Балки ёруғ пайғом, оят, калима
Айлантиргай уни зумда аслига.
Фақат сен пойида англа, индамай,
Қулоқ тут ҳикмати – сукут дарсига.

Манзара

Хазонрезги босган йўллари,
Совуқ урган мевалар увол.
Кузак асир этган гуллари
Истаганча хўрлайди шамол.

Видо они... сўнги сўз айтмоқ,
Дарахтларга келади малол.
Новдаларни дарралаб яйдоқ,
Бўрилардек увлайди шамол.

Тўртликлар

Ҳар тонг кўкка боқаман оғир,
Ич-ичимдан келар бир титроқ.
Осмон олиб кетмас, барибир,
Қўйвормайди мени бу тупроқ.

* * *

Нимани сўрасанг, беради ҳаёт,
Юракдан тилагил, кўтарар шонга.
Руҳим мурувватин бурадим... фақат,
Мени бахт уйғотиб қўйсин деб тонгда.

Фаргона

ФАЛАКДА ТУРНАЛАР ~ АРҒАМЧИ

* * *

Соат милларида уйқу йўқ –
толиқмай, юргани-юрган.
Соат милларида туйғу йўқ –
ҳовлиқмай, юргани-юрган.
Соат милларида
қайғу йўқ.

* * *

Хатоларим поездига
бердим йўл.
Вақтим,
бахтим,
нақдим кетаётган вагонларга
силкитайми энди қўл?!

* * *

Қошлар қиличлардек серпанмоққа шай,
зулмкор кўзларда фавворалар йўқ.
Қошлар ғариб бошга тушгунча яшай,
раҳм этинг –
қаҳҳор бор,
қаҳҳоралар йўқ.

* * *

“Занжирбанд шер – енгаман дер!”
Лекин фил
кишанлари бўлса ҳам чил-чил,
қачонлардир ўзи боғланган –
боғланиб қолган дарахтни
айланаверади муттасил.

* * *

Фалакда
турналар – аргамчи,
дарахтлар қўлида кўк қамчи.
Қуртаклар, ҳойнаҳой, демоқчи:
– Баҳор билан яшанг,
бир фасл.

* * *

Сен келсанг, кетиб тун,
тонг келса, не тонг?!
Сен кетсанг, тун – дилхун,
тонг кулса, не тонг?!
Тонг – сенми, сен – тонгми,
сен несан, не тонг?!



Гуллом МИРЗО

1964 йилда туғилган.
Тошкент Давлат
университетининг
ўзбек филологияси
факультетини,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият
қурилиши академиясини
тамомлаган. “Яхши
ҳам сиз борсиз”,
“Офтобга қайтаман”,
“Қалб томчилари”
шеърый китоблари чоп
этилган. Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
журналист.

* * *

Юрибсиз эрка бир жайронга ўхшаб,
турибсиз недандир хайронга ўхшаб.
Ярамас эмасман, ярадор бўлдим,
кўзларингиз теккан
нишонга ўхшаб.

* * *

Қамчи
еганида,
ҳамиша,
ем егани
эсидан чиқар
асов тулторнинг.

* * *

Қийишиқ миҳга
текис тахта ҳайф.
Уста шаҳди,
болга,
зарб-да
ҳайф.

* * *

Тошкентга куз келди,
сен севган – олтин.
Дарахтлар беқасам рангларни олди.
Заролуд боғларни сенсиз кезмоқ ҳайф.
Ҳажрингда куз каби
саргайиб қолдим.

* * *

Кетдинг.
Қалб кўксимда ҳувиллаб қолди.
Қуши учган симдай
зувиллаб қолди.
Согинчларим бари уйғониб бирдан:
“Қани ул ёр?” дея чувиллаб қолди.

* * *

Чавандозим
от қолиб,
эгар қолиб,
гоҳ у кўзин,
гоҳ бу кўзин
кўзлар хуржуннинг.

* * *

Умр –
инсонга берилган бойлик.
Инсоф билан, бой
берилган бойлик.
Инсон томонидан эса
бой берилган бойлик.

* * *

Кўнгилга
айрилиқ доғи
доғ солар доғи ва доғи
қачон

висол аввалию
бу ҳажрининг адоғи?

* * *

Ииқ нархи – бир чақами?
Ё аксинча,
чақами?
Ииқ – бебаҳо,
севаман
бу сўз мағзин чақами?

* * *

Ёмгир тугар,
ёғду ҳам тарк этар фалакни,
табиат
рангларга бўлаклаб, тугар
ва асраб қўяр камалакни
кейинги галга.

* * *

Қалбинг кўзидан
киприкларни кўтаргил шитоб,
ичинг – китоб,
унда ҳамма нарса ёзилган,
қолгани –
қироатга қолган.

* * *

Япроқлар туиди бутоқдан, хурмо қолди.
Булутлар кўчди нигоҳдан, само қолди.
Юрагимни Ватан қилиб
ва танг қилиб,
турналар учди йироққа,
дунё қолди.

* * *

Куйдиради дейилди,
олов – инондим.
Ва, барибир, айладим
синов – инондим.
Куйиб-ёниб, сўнг бўлдим,
адо – инондим.

* * *

Ҳаёт шиддати шу –
“Қайда-ҳайда” дир.
Қалб
қолиб кетади,
билмам,
қайдадир?!

* * *

Ҳали
қиш ҳам
бошланмай туриб,
кўргим келди яна боҳорни,
уч ойга патталар
олдим олдиндан.



АДАБИЁТ МАЪНАВИЯТ ЖАВҲАРИДУР

(Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори ТУРСУНОВ билан суҳбат)

Орзиқул Эргаш: Анвар ака, биз сизни диний-миллий қадриятларимизнинг толмас тарғиботчиси, халқимиз маънавияти, маданиятини юксалтириш йўлида астойдил хизмат қилиб келаётган маърифатпарвар юртдошимиз сифатида яхши таниймиз. Айни чоқда, сизнинг адабиётимизга, хусусан, мумтоз шеърятимизга бўлган эҳтиромингизни, шеърини машқлар қилиб туришингизни ҳам яхши биламиз ва қадрлаймиз. Адабиётни, жумладан, шеърятни инсон ҳаётида, унинг дунёқарабини шаклланишида тутган ўрни борасидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

Анвар қори: Таклифингиз учун миннатдорман, отахон журналимиз “Шарқ юлдузи”дек табаррук нашрда суҳбатимиз берилиши мен учун жуда мароқлидир. Чунки бу журнал менга болалигимдан яқин қадрдон, яқин дўст. Яхши эслаيمان, онам бу журналга ҳар йил обуна бўлардилар. Адашмасам, ўн ёшларимдан бошлаб ўқиб келаман. Ва уларни табаррук китоблар каби асраб қўйганман. Бувиларимиз отинбиби эдилар, уйимизда Навоий, Фузулий, Машраб кўп ўқиларди. Шундан менга адабиётга ҳавас уйғонган. Уша пайтларда “Шарқ юлдузи”да Навоий ҳазратларининг ғазалларига шарҳлар бериларди. Битта қолдирмай берилиб ўқиганларим эсимда. Умуман олганда, халқимиз адабиёт янгиликларидан, асосан, мана шу нашр орқали танишиб борарди десам, муболаға бўлмайди.



Биласизки, Пайғамбаримиз расули акрам (с.а.в)га ваҳий қилинган Қуръони Каримнинг биринчи сура, биринчи оятида “Икраъ” дея хитоб қилинади. “Икраъ”, яъни “Ўқи!”, бу – Оллоҳ таолонинг башариятга буйруғи. Пайғамбаримиз (с.а.в) Оллоҳ таоло яратган биринчи нарса, бу қалам эди, дейдилар. “Икраъ” ояти ва биринчи яратилган

қалам жуда катта мазмунга эга. Инсонни инсон қиладиган, уни комилликка элтадиган, жамиятни ҳам моддий, ҳам маънавий тараққиётининг асоси илмдир, ўқишдир. Ва мана шу жиҳати билан ҳам Инсон бошқа махлуқотлардан фарқ қилади. Одам бирор бир мутахассисликини эгаллаши учун албатта ўшанга тааллуқли адабиётлар билан танишади. Лекин инсон ўзлигини англаши, моҳиятига етиши учун бу кифоя қилмайди. У яхши мутахассис бўлиб етишиши мумкин. Аммо унинг маънавиятли, дунёқараши кенг, маънан бой инсон бўлиб вояга етиши учун бадий асарларнинг алоҳида ўрни бор. “Ким ўзини англаса, Раббисини англабдир”, дейилади ҳадиси шарифда. Ўзини англашнинг энг муҳим воситаларидан бири, бу шубҳасиз, бадий асарлардир. Назм бўлсин, наср бўлсин булардан узоқ одам руҳий камолотга етиша олмайди. Ўзини соҳасини пухта билиши мумкин. Аммо маънавияти саёз бўлиб қолаверади. “Олим бўлиш мумкин, одам бўлиш қийин”, деган халқимиз иборасида назарда тутилган бир ҳолат юзага келади. Одам бўлишлик одамийлик сифатларига эга бўлишлик, демакдир. Одамийлик сифатлари эса одоб-ахлоқ, ҳалоллик, ватанпарварлик, мардлик, садоқат, иймон-этиқод бутунлиги... Бу сифатлар кишида тарбия воситасида шаклланади. Тарбиянинг энг самарали йўли болада китобхонлик кўникмасини пайдо қилишдир. Китоб, китобхонлик деганда, асосан, бадий асарлар назарда тутилади. Чунки адабиёт адаб сўзидан олинган дейишимиз, бир қарашда жўнроқ туюлади. Ваҳоланки, бу – бор гап. Тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам бадий асар – тарбия воситаси. Хоҳ дидактика, хоҳ юксак бадиият намунаси бўлсин – вазифаси битта: инсоннинг ахлоқини поклаш, руҳияти, маънавиятини юксалтириш, ҳис-туйғулари, дунёқарашини шакллантиришдир. Руҳ тарбияланган жойда мувозанат, барқарорлик бўлади.

Орзиқул Эргаш: Кейинги юз йиллик юксак тараққиёт асри бўлди, фан-техника юксалди, мислсиз кашфиётлар башарият ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Илгари эртақ-афсоналардаги мўъжизалар оддий воқеликка айланди. Айниқса, кейинги ўн йилликлар янгиликлари ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди. Айни чоқда, одам боласи табиатида, руҳиятида қуруқлик деймизми, моддийчилик деймизми, шунга ўхшаш қусурлар пайдо бўлди. Қадимий анъаналар, қадриятларга нисбатан белисандлик пайдо бўлди. Айниқса, Фарб дунёсида бу нарса очик-ошкора кўзга ташланиб қолди.

Анвар қори: Тўғри айтасиз, бугунги Фарб ҳайратланарли тарзда тараққиётга эришди, буни тан олиш керак. Лекин, шу билан бирга, жуда катта йўқотишларга учради. Оддий инсоний муносабатлар, ота-она ва фарзандлар, катталар ва кичиклар, айниқса, эр-хотинлар ўртасидаги соф инсоний муносабатлар бачканалашди. Чуқурроқ оладиган бўлсак, эркин муҳаббат деган зарарли қарашлар инсонни инсон қиладиган оилавий муҳитга, никоҳ, севги, муҳаббат, садоқат каби эзгу туйғуларга путур етказди. Худбинлик, молпарастлик, ишратпарастлик, оилавий норасоликлар пайдо бўлиб, юқумли касаллик каби ён-атрофга тарқалиб борапти. Буларнинг тағаминида барча эзуликлар, яхшилиқлар манбаи бўлмиш китобдан узоқлашиб қолганимиз ётибди. Бу нарса чегара билмайди. Кеча дунёнинг олис бир нуқтасида юз кўрсатган иллат, бугун бошқа бир минтақада пайдо бўлиши ҳеч гап эмас. Муҳтарам Президентимиз ҳар бир чиқишларида, хусусан, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” каби қатор асарларида халқимизни, биринчи навбатда, ёшларимизни бундай ёт таъсирлардан ҳимоя қилишнинг, ўзлгимизни, қадриятларимизни асрашнинг бирдан бир йўли, бу халқимизнинг маънавиятини юксалтириш эканлигини қайта-қайта таъкидлайдилар. Маънавиятнинг жавҳари эса адабиётдир.

Пайғамбаримиз (с.а.в) сўзда сеҳр бор, деганлар. Шеърда эса ҳикмат. Сеҳр, бу яхши маънодаги сеҳр. Яъни таъсир бор, демоқчилар. Қачон таъсир қилади, агар у қалбдан чиқса. Ўзи, адабиёт – қалб иши. Уламоларимиз айтадики, адабиёт қачон адабиёт бўлади, у инсон қалбига нур олиб кирса. Кейинги пайтларда сариқ матбуот, сариқ адабиёт деган тушунчалар пайдо бўлди. Бу йўналишдаги “асар”лар қалбни нурлантириш у ёқда турсин, аксинча, фасодга тўлдиради. Уларнинг бадиияти ҳақида гапирмай ҳам қўяқолайлик. Бундай ёзишмаларнинг Пайғамбаримиз (с.а.в) назарда тутган сеҳрли сўзга, ҳикматга, умуман соф маънодаги адабиётга мутлақо алоқаси йўқ. Энг зарарли, хавотирли жиҳати шундаки, етарли малакага эга бўлмаган китобхоннинг, айниқса, ёшларнинг дидини ўтмаслаштиради, адабиёт борасидаги нотўғри қарашлар пайдо қилади, сўз деган буюк неъмат қадрини тушириб юборади.

Мумтоз асарларимизни олиб қаранг, Навоийни олайлик, Лутфий, Фузулий, Бобур, Машраб, Огаҳийларни олайлик. Сўзнинг қудратини, таъсир кучини на қадар юксакларга кўтаришган. Шу сабабли ҳам улар мумтоз, шу сабабли ҳам асрлар оша яшаб келяпти.

Орзиқул Эргаш: Сизга маълумки, сал кам бир асрлик тарихга эга бўлган бизнинг “Шарқ юлдузи” журналимиз республикамиз ижод аҳлининг асосий табаррук минбари ҳисобланади. У ўз тарихи давомида (энг мураккаб замонларда ҳам) халқимиз бадий

диди, маънавиятини ўстиришда, шубҳасиз, катта ўрин тутиб келди. Муқаддас Китобимиз – Қуръони Каримнинг илк бор она тилимизда мазкур нашрда чоп этилгани нафақат журналистик, балки халқимиз тарихидаги энг ёрқин маънавий ҳодисалардан бўлгани ва бу шарафли ишнинг амалга ошишида, хусусан, сизнинг ҳам муносиб ҳиссангиз борлигини ҳаммиша миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Анвар қори: Дарҳақиқат, “Шарқ юлдузи”да Қуръони Карим маъноларининг таржимаси босилиши катта воқеа бўлганди. У пайтларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов раҳматли бош муҳаррир эдилар. Шу пайтгача бу Муқаддас китобни ўзбек тилида халқимиз ўқимаган эди. Мадина шаҳрида яшаб ўтган ватандошимиз Олтинхон Тўра таржималари эса бизга етиб келмаган, боз устига, у араб имлосида эди. Бу хайрли тадбир Истиқлол шарофати, Президентимиз ташаббуслари билан амалга ошди.

Устозимиз Алоуддин Мансур ҳазратлари она тилимизга ўгириб, бизга етказиб бериб турдилар. Биз оққа кўчириб, раҳматли адибимиз Омон Мухторов иккимиз унга муҳаррирлик қилиб, нашрга тайёрлаб бордик. Катта олимларимиздан Озод Шарафиддинов, Алибек Рустамовлар яқиндан ёрдам беришди. Шундай қилиб, Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари, 1990-92-йилларда журналнинг йигирма тўрт сонида кетма-кет босилди. Халқимиз бундан жудаям миннатдор бўлди. Айтиш мумкинки, буюк Истиқлолнинг дастлабки олий неъмат сифатида қабул қилинган эди бу маънавий ҳодиса. Ҳалигача ўша кунларни умримнинг энг мунаввар бир дамлари сифатида шукроналик билан эслайман.

Орзиқул Эргаш: Ҳар бир адабий нашрнинг бош мақсади – адабиёт мухлисларини, хусусан, ёшларимизни, том маънодаги юксак бадиият дурдоналаридан ўз вақтида баҳраманд этиб бориш, ҳозирги мураккаб глобаллашув замонида пайдо бўлган, Фарб “оммавий маданияти” гоёлари тарғиботчисига айланган, халқимиз бадиий дидининг ўтмаслашишига сабаб бўлаётган “сариқ матбуот” хуружидан асрашдир.

Анвар қори: Ўзини зиёлиман деган киши, у шифокор бўладими, ўқитувчиси ё бир аниқ фанлар бўйича илм қилаётган олимми, китоб ўқиши керак. Интернет урфга кирди. Унинг ҳам ўзига яраша қулайликлари бор, ҳар қандай ёзувчини, боринги, Лотин Америкаси адаби бўлсин, унинг асарини бир неча дақиқада топишингиз, мутолаага киришингиз мумкин. Лекин, барибир, Интернет китобнинг ўрнини босолмайди. Китоб билан ҳеч бир техник воситаларсиз, у билан ёлғизликда суҳбатлашиш керак. Бунинг завқи, гашти бўлакча. Оллоҳ таоло Қуръонни ҳам китоб, дейди. Китоб башариятга берилган энг буюк неъмат. Китобсиз киши ўзини англаши мумкин эмас. Мен айрим ўзига тўқ, давлатманд кишиларни китобдан бебаҳра ўтиб боришаётганидан ачинаман. Масалан, Ҳазрат Навоийнинг бир байтини тушуниш завқини ҳис этиш, бу – катта бахт. “Бобурнома”ни ўқиб қойил қолади киши. Бу асарда умри талотумларда кечган буюк саркарданинг қанчалар нозиктаъб шоир, ёзувчи, олим, географ, элшунос сифатидаги кузатувларидан, айни чоқда, ўта ростгўй, мард инсонлигидан ҳайратга тушамиз. Бу инсон ўз юртдошимиз эканлигидан фахрланамиз. Ва мана шу фахр бизни тарбиялайди. Ўз тарихимизга, Ватанимиз, халқимизга меҳримиз яна ортади. Китобнинг буюк тарбиячи эканлигига амин бўламиз.

Истиқлол шарофати билан барча жабҳаларда бўлганидек, адабиёт учун ҳам кенг йўллар очилди. Тарихий асарларимиз кўпаймоқда. Шу маънода, айрим фикрларимни айтиб ўтсам. Халқимиз тарихи Ислом тарихи билан чамбарчас боғланган. Ислом дини ақоидлари халқимизнинг турмуш тарзига миллий-ахлоқий қадриятига айланиб кетган экан. Шунинг учун тарих ҳақида асар ёзишни ният қилган адибларимиз Ислом тарихини мукамал ўрганиши керак. “Ўткан кунлар”ни олинг. Ҳар бир образнинг хатти-ҳаракатида Ислом кишининг табиати сезилиб туради. Қодирий домла мадраса кўрганлар, динни чуқур билганлар. Ойбекнинг “Навоий” романида Навоий ҳазратларининг гап-сўзларида, олиб борган ишларида нақшбандия тариқати таъсири яширин тарзда (очиқ айтиб бўлмаган) эҳтиёткорлик билан сингдириб юборилган. Ҳазрат Навоийнинг “Каҳфи фано ичра алар бўлса гум, Мен ҳам ўлай робиухум калбухум...”, деган байтларини олайлик. Каҳфи фано нима? Қуръонда “Каҳф сураси” бор. Унда келишича, динсиз кишилардан қочиб, бир неча ёш йигит Каҳф ғорига беркинишади. Ўша ерда уч юз йил қолиб кетишади. Уларнинг орасида бир ит ҳам бўлади. Навоий мажозий маънода айтаяптиларки, Каҳф ғорига агар Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийлар кириб кетишса, мен ҳам уларнинг садоқатли ити бўлиб эргашардим ва хизматларида бўлардим, деяптилар. Агар Каҳф сурасини билмасак, Навоийнинг мазкур байтини тушушимиз мумкинми? “Хамса” дostonларими, “Маҳбуб ул-кулуб”ми, “Лисон ут-тайр”ми, қай бир асарларини олманг, уларнинг моҳиятига етишимиз учун динни билишимиз керак.

Орзикул Эргаш: Кузатиб бораётган бўлсангиз, журналимиз кейинги йилларда ўз қадимий маъқеини тикламоқда, унинг қиёфасида, мазмун-моҳиятида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Мундарижа ранг-баранглиги, эълон қилинаётган асарларнинг ғоявий-бадиий мукамаллиги, замонавий асарлар қаторида мумтоз адабиётимиз дурдоналарига, маънавий-маърифий руҳдаги асарларга (масалан, Жалолиддин Румий, Хужвирий каби алломаларимиздан қилинган янги таржималар) тез-тез мурожаат қилаётганимиз мухлисларимиз эътиборини қозонмоқда. Шу йилги биринчи сонда, масалан, Ибн Сино ҳазратларининг М.Маҳмудов таржимасидаги “Ишқ ҳақида рисола”сини чоп этдик.

Анвар қори: Хурсанд бўлдим. Хайрли ишларни қиляпсизлар. Ўтмиш аждодларимиз у шох бўладими, оддий фуқароми, шеърият шайдоси бўлганлар. Адабиётни севганлар. Ибн Сино ҳазратлари (бошқа табиблар ҳам) тиббий асарларини шеърда ёзишгани маълум. Чунки халқимиз табиати шунга мос, тушунилиши енгил. Қизиғи шундаки, Шайх ур-раис деб тан олинган Абу Али ибн Сино ҳазратларининг, табобатни илмий асосга қўйган зотнинг фалсафий-бадиий асарлари (70 дан ортиқ) тиббий асарларидан (40 тача) анча кўпроқ экан. Демокчиманки, шеъриятга ошнолик, эзгулик, яхшиликка интилиб яшаш халқимиз учун ота мерос анъана. Бугунги кунда ҳам бизни хавотирга солаётган ёт таъсирлар, “оммавий маданият” деб аталган ножоиз иллатлар хуружга қарши тураоладиган асосий қалқон бўладиган куч ҳам худди ана шу қонимизда яшаб келаётган анъана, қадриятларимиздир. Даҳрийлик замонларида бир қадар қувватсизланган қадриятларимизни қайта тикласак, ўзлгимизни асраб қолган бўламиз. Бунинг учун китобга суянишимиз, китобга қайтишимиз керак бўлади. Ва шундай қилиняпти ҳам.


Орзикул Эргаш: “Имом минбари – иймон минбари”, деган гап бор. Истиқлолдан кейин халқимиз чин маънода эътиқод эркинлигини қўлга киритди. Кўплаб жомеъ масжидлари қурилди, қаровсиз ётганлари таъмирланди. Уларда Ислому университети, Ислому институти ва кўплаб махсус билим юртларидан етишиб чиққан имомлар хизмат қилишмоқда. Юртимизда бугун икки мингдан ортиқ жомеъ масжиди фаолият юритаётганини назарда тутсак, ахлоқий-маърифий тарбияни йўлга қўйишда, диний саводхонликни ошириш, динимизнинг туб моҳиятини англатишда имомлар ҳам муҳим ўрин тутади, шундай эмасми?

Анвар қори: Шу масалада тўхталмоқчи эдим. Қадимда мактаб-мадрасаларда бадиий адабиётга ҳам кенг ўрин берилган. Навоий, Фузулий, Машраб, Бедил ғазаллари ўқитилган, шарҳланган. Бунинг аҳамияти чуқур тушунилган. Яъни шеърият киши нутқини безайди. Сўзини таъсирли қилади. Мен истардимки, имомларимиз, халқ олдида туриб маъруза қиладиган мутассаддиларимиз кўпроқ бадиий асарлар ўқишса, нафақат ўтмишда яратилган, бугунги замонавий адабиётдан ҳам хабардор бўлиб боришса. Айни чоқда, ёзувчи-шоирларимиз ҳам дин соҳасида танилган уламоларимиз билан яқин ҳамкорликда бўлишса, фойдадан холи бўлмасди. Чунки бизнинг вазифамиз муштарак – халқни эзгуликка бошлаш, маънавиятини юксалтириш. Бу йўлда қанчалик пухта билимга, тушунчага эга бўлсак, ишимиз шунча самарали, сўзимиз шунча таъсирли бўлади. Яна бир гап: шу кунларда халқимизнинг севимли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланмоқда. Муҳаммад Юсуф халқимиз қалбига кирган, меҳрини қозонган ижодкорларимиздан эди. Мен уни тез-тез ўқиб тураман, хайратга тушаман. Жуда содда ва халқона. Шу билан бирга, ана шу соддалик тагида қанчалар чуқур маънолар ётганидан завқланаман. Париж ресторанларини битта тандирингга алишмайман, дейди шоир. Хорижда бўлганлар билади, у ердаги ҳашам, дабаба бир зумда кишининг бадиға уради. Ўзбекона ҳаёт тарзини қўмсаб қолади киши. Ғарбда тараққиёт баланд. Аммо биздаги барака, файзни тополмайсиз у ердан. Кўрдингизми, шоирнинг “битта тандир”и кишини қанчалик мушоҳадага чорлайди. Муҳаммад Юсуф таваллуди тантаналари, бу адабиётимиз байрами, адабиётимизга бўлган халқимизнинг улкан меҳр-муҳаббати ифодасидир. Бу муҳаббат барҳаёт экан, адабиётимиз равнақ топаверади. Адабиётимиз равнақи эса – маънавиятимиз юксалиши, юртимиз гуллаб-яшнаши демакдир.

Орзикул Эргаш: Мазмунли суҳбатингиз учун журналимиз жамоаси, кўп сонли муштарийларимиз номидан миннатдорчилигимизни билдирамиз!

Анвар қори: Ташаккур! Сизларга ҳам эзгу мақсадлар йўлида олиб бораётган ишларингизда Яратгандан куч-қувват тилайман!

**Суҳбатдош "Шарқ юлдузи" журнали Наср бўлими мудирини,
ёзувчи Орзикул Эргаш**



Наср

Анвар ОБИДЖОН



АЖИНАСИ БОР ЙЎЛЛАР

(Турмуш кечинмалари)¹

Ҳарбийдан қайтганимда, дадам анчадан бери вилоят касалхонасида ётган экан. Таътилга келганимда ҳам, бир вақтлардагидек бўйни бағбақали бўлмаса-да, жуссаси ҳалиям гўшторгина эди. Шу қисқа вақтда буткул озиб-тўзиб, эти суякка ёпишиб қолибди. Киртайган кўзларида илгариги тийракликдан асар йўқ. Ҳатто таъби хирароқ чоғидаям кулимсираш аломатлари зоҳирланиб тураверадиган чеҳрасини энди мунг тўлиқ қоплаб олганди.

Қўшнилари, таниш-билишлар, қондошларнинг келди-кетдиси тугаганидан кейин, касалхонадан вақтинча жавоб сўраб келган дадам мени ёнига чақириб, тўйни тезлатиш хусусида гап очди. Умримда кўрмаган қизга менинг розилигимсиз оқ кийиб, фотиҳа тўйини ҳам ўтказиб улгуришганидан жаҳлланиб юрганим учун, журналистликка ўқиш ниятим борлигини билардингиз-ку, уйланадиган бўлсам, рўзғорда уймаланганча қишлоқдан чиқолмай қолишимни ўйламадингизми, деб жеркиндим.

– Умрим жуда оз қолганини билиб турибман, – деди дадам хотиржам товушда. – Катта ўғлимсан. Ҳеч бўлмаса, сенинг бошингни иккита қилиб, кўнглим тинчиброқ кетай.

Мен нодон яна тихирланишга тушдим:

– Сиз айтсангиз, шахтада ишлашгаям розиман, дада. Омалейкин, уйланиш масаласига келсак...

– Э, болам-ма! – сўзимни бўлиб, хиёл зардаланди дадам. – Бир нарсани ҳисобга олмаёпсан. То уйланмагунингча, укаларингга оталик салобатида кўринолмайсан. Ё гапимга ҳалиям тушунмадингми?

Ҳаммаси тушунарли: мен кетяпман, энди бу ҳовлининг хўжайини сенсан. Тезроқ уйлан, рўзғор тебратиш масъулиятини чуқурроқ ҳис эт. Кенжа уканг, бор-йўғи, ўн ёшда, катталари ҳам ҳали ғўрроқ. Шоирликни ҳавас қиласанми, пошшоликними, энг олдин, оила аъзоларининг бирлигини таъминлашинг, хонадон мавқеини бундан оширолмасанг, лоақал борини асраб туришга интилишинг, ота бўлиб, уйнинг файзу тароватини қўриқлашинг шарт!

Қанчалар қайсар бўлмайин, дадамнинг шу аҳволида орага бундан ортиқ сўз сиғмаслигини англаб, бўпти-да, нима десангиз – шу, деб пешанамни тириштирдим. Дадам қувониб кетиб, опангларга айтаман, сени келин билан бирор жойда учраштиришади, бир кўз уриштириб оларсан, деган эди, барибир уйланадиган бўлсам, кўриб нима қилдим, дея лаб жимирдим.

Бу орада, дадам яна касалхонага тушгани, дарди кучайиб бораётгани боис, унга қарашли магазинни янги дўкончига ўзим топширишимга тўғри келди. Ёшгина, буткул тажрибасиз бир татар қизни ревизор қилиб тайинлашган экан, ишни уриниб-суриниб зўрға охирига етказдик. Анчагина камомад чиққанидан кўнглим жуда хира тортиди, матлубот жамияти раҳбарларидан бири бўлган Обидов идорасига чақиртириб, пул тезроқ жойига қўйилмаса, иш судга ошади, деганида, юрагим пўқиллашга тушди. Воҳ! Энди нима бўлади? Наҳот, дадамни шу аҳволидаям суд қилишса? Йўғ-е, бунгача боришмаса керак. Балки, қарзни ой-

¹ Охири. Бошланиши аввалги сонда.

лигимдан секин-секин узишимга тўғри келар...

Кўп ўтмай, энди даволашга уринишдан фойда йўқ, уйда борича парваришлаб тура қолинглар, деб дадамни касалхонадан қайтаришди. Гоҳо маҳаллий дўхтирлар келиб, у-бу муолажалар қилиб туришди. Ушанда йигитдек вазмин туrolмаганим, дўконнинг қарзидан қутулиш масаласида дадамга инжиқланиб гап очганим, дадам мени тинчлантиришга тиришиб, кўрқма, тирик қолсам, жавобини берарман, ўлиб кетсам, сенга ёпишиб олишмайди, деб изтироблангани эсимга тушса, бировларга қамчи тутқазиб, ўзимни аёвсиз савалатгим келади ҳануз. Аксинча бўлиши керак эди-ку! Мабодо, дадамнинг ўзи шу мавзуни қўзғаб қолса, кўп сиқилаверманг, то жоним ичимда экан, ҳамма иш жойига тушиб кетади, деб такин беришим керак эмасмиди?

Дадам умрининг сўнгги ҳафталарида яшаётганини дўхтирлардан суриштириб билишганим, бир куни ўша матлуботчи Обидов келиб, дўконингизнинг камомадини амаллаб-тақаллаб ёпиб юбордик, энди ташвиш тортманг, деб дадамга хушxabар айтди. Ичимга бирдан ёруғлик ёғилди. Буни сезган дадам, менга қараб, мажолсизгина кулимсираб қўйди. Ўзининг иши битганидан кўра, менинг кўркувим бархам топганидан кўпроқ хурсанд эди, чамаси.

Амалиётда юрган вақтимда туман молия бўлими мудирига маъқул кўринганманми, ўзи мени ишга таклиф этиб қолди. Одамларни пўписалаб юриб солиқ йиғишга бўлган азаллий безиллоғим боис, ана-мана деб, гапни мужмаллаб юравердим. Бир куни колхозимиз раҳбарлари дадамни йўқлаб келиб, шу Анварингизни бизга беринг, ҳозирча далада табелчилик киптурсин, пахта терими тугаганидан кейин идорага буғолтир қилиб оламиз, томорқа-поморқа берамиз, деб қолишди. Бир маслаҳатлашайлик-чи, деди дадам. Улар кетгач, укаларинг орқанда қаторлашиб турибди, колхозда ҳеч бўлмаса икки-уч йил ишлаб, томорқа олволишинг керак, деб менга йўл кўрсатди.

У даврда пахта сиёсати ўта тажовузкор эди. Кўриқ ерлар тинимсиз ўзлаштирилар, боғларни бузиб, зовур дўнглари текислаб, йўл четидаги ва ариқ ёқасидаги уватларни тораптириб бўлса ҳам кўпроқ ғўза экишар, пахтазорлар кўпинча хонадонларнинг деворига бориб тақалар, томларгаям чигит қадагилари келарди (бундан Орол денгизи қуриб бораётганини ҳали билмасдик). Маҳаллий фуқароларга, ҳатто колхозчиларга кенг-кенг томорқалар бериш аллақачон эллигинчи йиллар “сарқити”га айланганди. Энди томорқа сўрасанг, ҳозир беролмаймиз, Ўзбекистон қишлоқларидаги ҳар бир қарич ер Москвадагиларнинг назоратида туради, пахтазорни бир қаричга камайитириш учун ҳам ўшалардан рухсат олиш керак, дейишарди.

Томорқа деган бахтни орзу қилиб, молиячиликни эмас, табелчиликни; биққи курсили покиза хонани эмас, чангли далани танладим. Ҳарбийдан қайтганимдан беридаги сатангликлар тугади; ўша маҳаллари кенг русум бўлаётган карнайпоча “клёш” шимни, матросларни кидек йўл-йўл чизикли шойи кўйлакни, тарсиллаган хиром туфлини ечиб, ёғ суртиб ялтиратилган қалин сочимни устарада қирдирдим; эгимга атлас белбоғли парпаша беқасам тўн, оёғимга кирза этик кийиб, бошимга марғилонча дўппини бостирдим. Маҳалламиз дўконидан тепада яшовчилардан тузилган бригадага табелчи бўлиб, “ЗИЛ” юк машинасининг усти очиқ қузовида далага йўл олдим. Темир йўлдан анча пастдаги бу бригадага ўқувчилик давримизда пахта теришга келиб турардик, энди янги ер ўзлаштирувчи чўлқуварлар учун томорқали уйлар қуриб беришга мажбур бўлиниб, манзара анча ўзгариб кетибди.

1969 йилнинг 5 сентябрида тўйим бўлди. Полқдош ошнам Қаҳрамонни йўқлаб Самарқандга борганимда мезбонлар елкамга ёлган олача беқасам тўнни кийволган дадамни қўлтиғидан суяб чиқиб, ташқидаги каравотга ёнбошлатдик, тўйни шу жойдан бошқариб, шу жойдан томоша қилиб ётди.

Тўйдан ўн кунча кейин дадамнинг аҳволи жуда оғирлашди. Ёмон хаёлларга бориб, руҳи бутунлай чўкмасин дея, дўхтирлар билан келишиб, яна вилоят касалхонасига ётқиздик. Анча ётди, яхши томонга ўзгариш бўлмади. Бир куни дўхтир бизни ёнига чақириб, жигари бутунлай тугаб, бу ёғи яқин қолди, уйга олиб бориб, тайёргарлик кўраверинглар, деди. Яна уйда озгина дам олиб, уколларни сингдиришингиз керак экан, дея дадамни алдаб, ҳовлимизга олиб кетдик.

– Ҳа, яхшилаб дам оладиган пайтим келди, – деди дадам ўзини сокин тутиб.

Буни эшитиш аламли эди. Дадам гап нимадалигини аллақачон фаҳмлаб етганди, чамаси. Уйинг куйгур ароқлар, қотиллар! Чайирдан чайир дадагинамни ўшалар шу аҳволга солди. Бунга қўшадиған бўлсак, ёшгина вафот этган уч фарзанднинг қиёфасини кўз олдига келтиравериш ҳам отанинг жигарини тўкмасдан қўймайди...

Шафоат аммам кийим-кечакларини тугиб келиб, бизникида муқим яшай бошлади (эри Қосимжон опоғдадамиз анча олдин вафот этганди). Аям иккови навбатма-навбат ухлаб, дадамни гоҳ уқалашар, гоҳ овқатлантиришар, гоҳ ювиб-тараб қўйишарди. Мен эса, далага эрта кетиб, кеч қайтардим, дадамнинг ёнида узокроқ ўтириб қолсам, бор, уйингга кир,

вақтида ухла, деб буюрарди. Янги уйланган ўғилга бу гап хуш ёқарди, албатта.

Пахта терими авж олгач, даладан кеч қайтадиган бўлдим, бригадир ва табелчилардан кундалик ҳисобот олинадиган мажлисларга гоҳо бормаи, дадамнинг ёнида уймаланардим, кунгилни кўтарадиган ширин сўзларни тахлаб ташлашга азалдан укувсизроқлигим важҳидан, унга нима дейишни билмасдим, бир ашрдан, бир дашрдан гапириб ўтирардим. Бунақада аммам жонимга ора кирар, эски қизиқ воқеаларни эслаб, дадамни жилмайтиришга урина бошларди.

Бир гал мажлисга бормаганимда, раис одам юбориб, чақиртириб кетди. Боришим биланоқ, захрини сочишга тушди.

– Мен табелчиман, – деб жирракиландим. – Вазифам – одамларнинг ишига тўғри ҳақ қўйиш. Пахтанинг оз-кўплигига бригадир жавоб беради. Бунақа мажлисларга келмайман энди.

У замонда бригадир топишдан кўра, ҳисоб-китобни жойига қўя оладиган табелчини топиш қийинроқ эди, салга ҳайдаб юборишавермасди.

Ишда қийинчилик кўп бўлса ҳам, бригададаги муҳитнинг яхшилиги чарчоғимни сездирмасди. Эркагу аёлнинг барчаси кўнглида кири йўқ, иғводан, хусуматдан олис, анча-мунчага кек сақлайвермайдиган шалдир-шулдур кимсалар эди. Бригадирим Мўса ака отаси Оймат қўрбоши раҳматлига ўхшаб ниҳоятда босиқ, ройишли киши эди. Бирор нарсадан бўғилсам, кенгроқ бўлинг, ҳар қандай ғалва ўтади-кетди, соғлик кетмаса бас, деб кўярди.

Кунда оломоннинг ичида юрардим, бу одамларнинг энг майда ташвишу эҳтиёжларидан деярли тўлиқ хабардор эдим, уларнинг тавозедан холи турмуш тарзи менга секин-аста юқиб бораётганди. Ҳаётнинг бу янгича бўлаги ҳар қандай ижодкор учун қиёси йўқ академия эди.

Октябрнинг яримларидан ўтиб, дадамнинг аҳволи кескин оғирлашди, ҳатто бир қошиққина овқат ейиш ёки бир култумгина сув ичиш учун ёстиқдан ўзича бош кўтаришга ҳам ҳоли келмай қолди.

Бригадир дадамнинг аҳволдан хабардорлиги туфайли, кўпинча тушдан кейиноқ даладан қайтишимга ижозат берарди. Бемордан хабар олишга келадиган қишлоқ фельдшери, касалхона дўхтирларини кутиб-кузатиб, вақтлари бўлса, бирор пиёла чой ичкизиб жўнатардим.

Акрам укам ҳарбийда эди, чақиртирайлик десак, дадам кўнмасди. Укамнинг кийимларини қошиққа илдириб, суратини тоқчага тиккалатиб қўйганди, гоҳо уларга бир-бир тикилиб, бу зарғалдоқ жудаям мунғайган бола-да, уни хафа қилманглар, деб шивирларди. Ниҳоят, 28 октябрда, Акрамбойни чақирсакиман, деди. Шу куниеқ туман ҳарбий комиссариати орқали Туркманистонга телеграмма жўнатдик.

Дадам, икки кун ўтиб, 30 октябрда вафот этди. Акрам укам дадамни қабристонга қўйиб қайтганимизда етиб келди.

Фотиҳага келиб-кетувчиларга кўчада қўл қовуштириб туришим уч кунгинага чўзилди. Тўртинчи кун маҳаллага ош берганимиздан кейин, бригадирим Мўса ака курагимни сийпалаб туриб, дунёнинг ишлари шунақа, укам, битта-битта бўлиб ўтаверамиз, қолганлар яна тирикчилигини қилаверади, деб таскин бергач, мени далага етаклади.

Далада ишлар беҳад тигиз эди. Кетма-кет терилавериб, пайкаллардаги ҳосил ҳафтама-ҳафта камайгани сари пахтани бугун кечагидан кам топшириб кўр-чи, уни қаердан бўлмасин топасан, биринчи синф ўқувчиси тугул, менга деса, боғча болалариниям далага ҳайда, дейдиганларнинг қамчисидан кўпроқ қон томиб бораётганди.

Аям ёзда далачилар киядиган кителлар, қишда эркакларнинг пахтали камзулини тикиб сотиб, меникдан икки-уч баравар кўп пул топса-да, рўзгоримиздаги етишмовчиликлар ортиб бормоқда эди. Ўспиринлик белгилари қиёфасида эндигина тепчиланаётган Авазбек укам қийинчиликларга чидамай, кузнинг бошроғида, ҳатто, уйдан қочиб ҳам кетди. Жон ҳовучлаганча қидириб-суриштириб юганимизда, хайриятки, тўрт-беш кундан кейин ўзи уйга қайтди. Қўқонга бориб, бир чойхоначига югурдаклик қилишни бошлаганида, участка милиционери уни сўроққа тутиб, қамамасимдан олдин тезда уйинга жўна, деб қувиб солибди.

Буғолтир бўлиб олсам, балки аҳволимиз анча яхшиланар, деб умид қилардим. Лекин янги йилга ўтиб, эски йилнинг яқунлари ҳисоб-китоб қилинаётган кунлари раҳбарлар билан орам баттардан бузилди-ю, бу умид тугал чиппака чиқди. Ғалати бир қоида мавжуд бўлиб, йил давомида далачиларга иссиқ овқат пишириб бериб турилди дея, ҳар қайси бригадага алоҳида ведомостлар тузиларкан, колхозчилар буларни егани ҳақида қўл қўйиб беришгач, уларнинг “отчёт” деган йиллик қўшимча мукофотидан маълум миқдорда пул чегириб қолинар экан. Аъзолар уйларидан навбати билан қаймоқ опкелиб шўрва пиширишарди, емаган нарсаларига қандай қўл қўйдиранам, деб кўнмадим. Ана тортишув, ана машмаша!

Партком котиби маҳалладошим эди. Бир куни унинг онаси аямнинг олдига кириб, ўғлимнинг айтишича, болангиз ҳаддан ошиб кетганмиш, энди уни буғолтирликкаям олишмайди, томорқаям беришмайди, дебди.

Қишлоғимизда иккита колхоз бўлиб, мен ишлаётганим Жданов номида эди, унисини “Ленинобод” дейишарди (у даврда ўзбеконга аталгучи колхоз деярли йўқ эди). “Ленинобод”га уйимизнинг ортидаги ҳовлида яшовчи Мамадали Ғиёсов раис эди. Аям унинг онаси ёки хотини орқали илтимос қилган бўлса керак, бир куни мени кўчада учратиб, бизнинг колхозга ўтиб ишласангиз-чи, деб қолди. Дарров рози бўлдим.

Янги жойга ўтишимдан олдин, аям мени ёнига ўтирғизиб, суянадиган даданг кетди, энди оиланинг отаси сенсан, укаларинг изингдан юришини ўйлаб, ўзингни босвол; ким нима буюрса, тўғри-нотўғрилигини суриштириб ўтирмай, “хўп” деявер-чи, шундаям кўкрагингдан туртаверадиған баттол топилса, уни Парвардигор ўзи йўлингдан олар, деб анча насиҳат қилди. Кўпинча бўладиганидек жеркиб эмас, сокин товушда йиғламсираб гапиргани учунми, сўзлари кўнглимга қаттиққина таъсир қилди.

“Ленинобод”да мени Граждан мудофааси штаби бошлиғи лавозимига тайинлашиб, клуб мудирлигиниям вақтинча эплаб турасиз, дейишди. Кунда хил-хил юмуш кўндаланг келаварарди. Партком котиби кўлимга қизил мато, чизув қуролларини тутқазар, дам кўшни туман, дам бошқа вилоят ёки қардош республикадан келиб, тажриба алмашиб кетадиган мусобақадорларни алқовчи шиорлар ёзиб беришимни сўрар; асли касбимдан хабардор бош бухгалтер баъзи бир ҳисоб-китоб ишларига кўмаклашимни илтимос қилар; раисимиз ўтган беш йиллик мобайнида колхознинг давлатга пахта, пилла, дон, гўшт, сут, жун каби маҳсулотлар сотишдаги ўсишларини катта-катта оқ картон қоғозларга суратдор қилиб чизиб, хонаси деворларига қоқиб кўйишимни буюрар эди. Гоҳ консерва заводига колхознинг мева-сабзавотини топшириб келардим, гоҳ омборчига нарсаларини тартибга солишда кўмаклашардим, гоҳ пилла кўрти парваришини текширувчилар билан бирга уйма-уй юрардим, гоҳ чокидан кетган стулларни тузатиб берардим, гоҳ пахта теримига чиққан қарияларга вақтинча бригадир бўлардим, гоҳ колхоз аъзоларини газета-журналларга обуна қилардим, гоҳ идора ходимларига овқат пишираётган ошпазнинг ёнида ўчоққа ўт қалаб ўтирардим...

Бошқача одам бўлиб бораётгандим. Бирда аямнинг насиҳати, бирда оғир ётган дадамнинг ака-укалар бирлигини йўқотмаслик, оила нуфузини қаттиқ асраш ҳақидаги гаплари тез-тез ёдимга тушар, хулқимни ўнглашга астойдилроқ интила бошлаган эдим.

Олдингидан яхшироқ пул топаётган бўлсам-да, ҳалигача томорқа ололмаётганим, бўш вақтимда ҳовлидаги ишларга уннамай, яна нималарнидир ёзиб-чизаверишим ҳануз аямнинг асабига тегарди. Ҳарбийдан қайтган Акрам укангни уйлашимиз керак, унга жой қани, деявергач, дадам кўрдирган уйнинг биқинига уста Абдуқаҳҳор бошчилигида айвонли иморат солишга киришдим. Шундаям ора-сира шеър ёзаварардим. Колхозимиздаги зафарларга бағишланган бири гугуртнинг, бири сигаретнинг кутисидек келадиған хабар-мақолачалар қаторида гоҳ-гоҳ шеърларим ҳам кўриниб қоларди. Баҳонада, туман газетасидаги барча ходимлар, жумладан, муҳаррир Турсунали Азизов билан ҳам яқинроқдан танишиб боравардим. Гоҳи газетада адабий ходимлик қилувчи қишлоқдошим Эркин Иброҳимовга, гоҳи редакторнинг ўзига шу даргоҳга ўтиб ишлаш орзум борлигини чикитиб турардим. Ҳарбийда юрганимда, узоқ вақт шеър жўнатмай кўйганимдан таажжубланиб, обуна ташвиқоти баҳонасида уйимизга шоир Миразиз Аъзамни юборган “Ғунча” журнали жамоаси билан ҳам эски алоқани тиклаб олдим – хатда шеърлар йўллашни давом эттирдим.

Колхоз парткоми котиби Қаҳҳор акага мажлислар протоколини расмийлаштириб, папкаларга тикиб боришда, коммунистлардан аъзолик бадаллари йиғишда, юқори ташкилотдан келган кўрсатмалар қандай бажарилаётгани юзасидан ҳисоботлар тайёрлашда кўмаклашиб турар эдим. Шу боисдан у мени бот-бот қистовга олиб, баъзида кўлингидан ҳатто партияннинг махфий ҳужжатлари ўтяпти, сизни партияга қабул қилмасак бўлмайди, дейишга тушар; мен эсам, бирон-бир коммунист хотинини қаттиқроқ хафа қилиб кўйса ҳам, аямай пўстагини қоқаверадиган партияга аъзо бўлишдан чўчиб, ишни пайсалга солаверардим. Ваҳоланки, ўша даврда, айниқса, зиёлилар, мутахассис кадрлар орасида партияга киришга уринувчиларнинг сони бесаноқ эди; партия эса, ўз сафида кўпроқ оддий ишчи-деҳқонлар бўлишини истарди, бундайлар билан умумий тил топишиш осон эди, чамаси.

Темур ҳазратлари 1370 йили Балхда бўлган қурултойда Туркистоннинг амири деб тан олинганидан сўнг, орадан роппа-роса олти юз йил ўтиб, 1970 йилда турмушимдаги энг қувончли, энг эсда қоларли воқеалардан бири юз берди – ўғил кўрдим, “ота” деган унвон олдим. Эшон бобомизнинг хотирасини эъзозлаб, биринчи фарзандимга Баҳром деб от қўйдим.

* * *

Баҳромбойнинг қадами қутлуғ келди, ўша йили хонадонимизга янги уй қўшилди, у туғилган октябрь ойида колхоздагилар маошимни оширишди. Яна десангиз, 1971 йилнинг бошидаёқ туманимиздаги “Пахта учун” газетасига ишга чақирилиб, биринчи февралда адабий ходим лавозимига тайинландим. Эркин ака ўрнини менга бериб, ишдан бўшаб кетган бўлим мудирининг жойини эгаллаганди. Шу давргача босиб ўтган йўлимдаги турли-туман ишларни тиқиштириб ўтирмайин, Тангрим умр берса, пенсияга чиқишимда бундан буёнги меҳнат фаолиятимнинг ўзи етиб ортади деб, редакцияда янгитдан “Меҳнат дафтарчаси” очтирдим.

Журналистиканинг “одми қолипи”га тушишим осон кечмади. Шоирчиликда гапнинг гажагини бураб, жумлаларга бадий қалпоқ кийдириб ёзишга ўрганиб қолган эканман, қайсидир бригада аъзолари пахта топшириш планини туманда биринчилар қаторида бажарганлиги тўғрисидаги кичкинагина оддий хабарни ҳам қуюқ рангларга тўлдириб, фалон бригада Алпомишзодалари халқпарварликда тенги йўқ ҳукуратимизнинг табаррук топширигини оҳудек илдам қадамлилар сафида шараф билан дундиришга мушарраф бўлдилар, каби жимжимадор сўзларни қалаштириб ташлардим. Бўлим мудирини буларни индамай таҳрир қилар, агар битганларим шундайича редактор ўринбосарининг қўлига бориб қолса, жайбиллоси қўзиб, шовқиндан хона деворларининг сувоғи кўчгудек бўларди. Дастлабки чоғларда танбеҳларни менсигим келмай, ўзлари чиройли ёзишолмайди, удаллагани кўришолмайди, деб ранжиб юрган бўлсам, бора-бора эпақага келиб, икки-уч ойда шароитга деярли тўлиқ мослашдим.

Адабий ходим деган номни тузукроқ оқлаш учун олдин газетанинг тўртинчи бетида “Шанба саҳифаси” деган рукн ташкил этиб, устига ўзим суратли рамка чизиб бердим; сал ўтиб, редакция қошида адабий тўғарак очдим. Тўғаракда ойига икки марта машғулот ўтказиб турилар, қатновчилар сони йигирмадан ошиб қолган, улар орасида кейинчалик шоира сифатида кенг танила бориб, Ёзувчилар уюммаси аъзолигига қабул қилинган Энахон Сиддиқова (Эркабоева), Мақсуда Эргашевалар ҳам бор эди. “Шанба саҳифаси”да тўғаракчиларнинг шеър ва ҳикоячаларига биринчи навбатда ўрин бериларди.

Турсунали ака ўзи ҳам шеър, ҳажвиялар ёзиб турарди. Мен гоҳида русларнинг “Крокодил” журналидан ҳажвиялар таржима қилиб, “Шанба саҳифаси”да берсам, қаламингиз бор, шунақа нарсаларни ўзингиз тўқийлмайсизми, дерди. Илгариям ҳажвия жанрида салгина машқ қилиб юрардим, астойдилроқ қўл урдим. Баъзан Турсунали ака бирор мавзуни шама қилиб қолса (кейинчалик, ҳатто, шама қилмаса ҳам), ҳажвия ёзиб, кўпинча иккаламизнинг номимиздан босардим.

Бир йилдан сўнг мени қишлоқ хўжалик бўлими мудирлигига тайинлашган бўлса-да, “Шанба саҳифаси”ни чиқариш барибир зиммамда қолаверди. Матбуот бошқармасидаги танқидлардан кейин, муҳаррирининг айтганини қилиб, дастлабки даврларда асосан замонани, меҳнат қаҳрамонларини улуғловчи шеърларни бериб бордик, тепадагилар қайтиб инжиқлик қилишмагач, гоҳ-гоҳ “ўткирроқ”ларини ҳам қўша бошладик.

У даврда оммавий ахборот воситалари устидан давлатнинг қатъий назорати ўрнатилган, нашриётлардаги китоблар, республика, вилоят газеталари, телерадио материаллари олдин цензурадан ўтказилиб, сўнг оммага тарқатиларди. Туман газеталарини эса, назоратчи кадрлар сони камроқ бўлса керак, чиқиб бўлганидан кейин, бир ойлигини тўпича текшириб, эътирозлар туғилса, редакторга маълум қилиб туришар, каттароқ хатога йўл қўйганларни партиядан ўчириб, ишдан ҳайдашгача бориб етишарди.

Бир галги жумада, ишлар тугагач, Турсунали ака мени хонасига чақириб, буни бировга кўрсатиш мумкин бўлмаса ҳам, сизга ишониб беряпман, уйга олиб кетиб, шанба-бозор ичи яхшилаб ўқиб чиқинг, унда ёзилганларни бошқаларга гапириб юрманг, дея қўлимга юпқагина китобчани тутқазди. Бу – газета ишида нималарга алоҳида эътибор бериш лозимлиги ҳақида цензурачилар томонидан тайёрланган қўлланма экан. Ўқиб кўрдим: фалон-фалон йўналишдаги завод-фабрикалар ҳақида умуман оғиз очмаслик керак; фалон-фалон корхоналар ишини ёритса бўлади-ю, режалар ошириб бажарилаётганини мақташ билан чекланиб, қандай турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани айтилмасин; далага самолётларда кимёвий дори сочилаётганини ёзиш мумкин, самолётларнинг умумий миқдорини кўрсатиш, ҳатто фалон жойдаги эскадрильяга қарашли дейиш мумкин эмас; аскарларни мақташга ижозат бор, улар қай ҳудудда жойлашган қисм ихтиёрида эканини маълум қилишга рухсат йўқ ва ҳоказо, ҳоказо.

Муҳаррирининг нияти нималигини душанба кўни китобчани қайтариб берганимдан кейин билдим.

– Кўриб юрибсиз, ора-сира бир-икки кун даволаниб туришимга тўғри келяпти, – деди у. – Ўринбосарим андак масъулиятсизроқ одам. Бундан кейин йўқлигимда саҳифаларни ўзингиз ўқиб, босишга ўзингиз рухсат берасиз. Манави ўқиган китобчангизда нимаики

тақиқланган бўлса, бошқаларга тушунтириб ўтирмай, мақолалардан индамасдан ўчириб ташлайверасиз.

Муҳаррир ўринбосарининг кўнгли нозиклигини эслаб, мен турганда, саҳифага нега бу бола қўл қўяркан, деб Ёқуб ака хафа бўлмасмикин, десам, бир кўзингиз ожизлигини ўйлаб, сизни хатга кўп тикилтириб қийнагимиз келмаяпти, дейман-да, деб кулди муҳаррир. Шундан кейин муҳаррир ишга чиқолмаган кунлари саҳифаларни ўқиб, босишга мен рухсат берадиган бўлдим. Бундай эътибор, бундай ишончлардан жуда қувонардим, ўзимни босишга қанча уринмайин, секин-секин ҳаволаниб ҳам бораётгандим.

Орзулай-орзулай, зўрға топган ишимни келгусида бежавотир давом эттириш учун Тошкентдаги университетнинг журналистика факультетига сиртдан бўлсам ўқишга киришим зарур эди. Йўқса, қачондир дипломли журналистлар кўпайиб, менга ўхшаган “малакаси”лар табиий равишда суриб чиқарилади. Шуни мулоҳазалаб, 1972 йилнинг ёзида Тошкентга бордим. Суриштириб билсам, сиртки факультетга ҳужжат топширувчилар камида икки йил бирон редакцияда ишлаган бўлиши шарт экан. Орзуни кейинроққа суришга тўғри келди. Имкон туғилганидан фойдаланиб, менга ғойибона устозлик қилиб юрган Миразиз Аъзам билан учрашиш ниятида “Ғунча” журнаliga кирдим, ўзимни танитганимдан кейин, сизни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку, деб илиқ сўраша кетдилар. Бир папка шеърлар олиб борган эдим, икки-учтасини танлаб олишди.

Миразиз ака бу пайтда комсомол-ёшларнинг “Ёш гвардия” нашриётига ўтиб ишлаётган экан, излаб бориб, у билан умримда биринчи бор юз кўришдим. Ишдан сўнг уйига олиб кетди, папкадаги шеърларни бирма-бир кўздан кечириб, тузуккина тўплам бўлибди, менга қолса, шу йилиёк босмаҳонага туширтирдим, лекин бизда ишлаб чиқариш режаси бир йил олдин тузилади, етмиш учинчи йилники аллақачон тасдиқлаб бўлинган, бу шеърларингизни етмиш тўртинчи йил режасига киритиб, китоб қиламиз, деди.

Мен ҳали илтимос қилиб улгурмасимдан айтилган бу гапдан сўнг ҳушимдан кетиб йиқилишимга оз қолди. Нима дейишни билолмаётгандим. Миразиз ака буни тушуниб, ўзининг самимий чехрасига ярашиқли чиройли табассум билан менга зимдан мулойим боқиб турарди.

– Энди “Обиджонов”ликдан қутулинг, – деди Миразиз ака. – Китобга нима деб ёзайлик? Анвар Обид дебми, Анвар Обиджон дебми?

– Билмадим, – дедим ҳануз ҳушимни йиғолмай. – Сиз нима десангиз, шу...

Миразиз ака билан гоҳ хат ёзишиб, гоҳ телефонлашиб турдим. Унинг маслаҳатига кўра, 1973 йили яна Тошкентга бориб, тўпламни янги ёзган шеърларим, бахиллар футбол жамоаси, соткин бароқ ҳақидаги эртақлар билан тўлдирдим. Бу гал ҳам устознинг хонадонида тунаб, онаси Хатира ойининг сўхбатини олдим, Сиддиқа келин опамиз пиширган мошкичирини ўғиллари Мирсодиқ, Мирвосил, Мираҳмадлар билан талашгудек бўлиб тановул қилдим.

Эртаси куни ҳайит эди. Миразиз ака мени барвақт уйғотди, қўлимга жойнамоз тутқазиб, Ҳастимом мачитига бошлаб борди. Намоз ўқишни билмасам-да, ҳамма эгилганда эгилиб, тикланганда тикланиб туравердим. Ортага қайтаётганимизда, коммунист одам бўлсангиз, бирортаси бошлиқларингизга айтиб қўйса, гап тегмайдим, десам, қандайдир айғоқчидан қўрсам-у, Худодан қўрқмасам, шу тўғри бўладими, деб кулимсиради Миразиз ака. Эътиқодни кўринг! Юракнинг бутунлигини қаранг!

Ўша йили университетнинг журналистика факультетига ўқишга кириб олдим. Сал кейинроқ партиёга ўтдим.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тугатгач, энди туман қишлоқ хўжалиги бошқармасида бош агроном бўлиб ишлаётган Абдусалом ошнамнинг эскидан эски “Газик” машинасида кечқурун далама-дала кезиб, сувчилар ишини текшириб юрсак, оқ “Волга” қоронғиликдан чиқиб келиб, олдимизда тўхтади, ундан тушган туман партиё қўмитасининг биринчи котиби Зокиров мени кўриб, э қойил, мухбир дегани сизга ўхшаб кечани кеча демай ишласа-да, деб мақтай кетди. Журналистликка кириб олганимизга эшитган экан, қўлимни сиқиб табриклади. Кейин, сиздақалар партиё сафида бўлиши шарт, индинига бюро ўтказамиз, редакторингизга айтинг, тезда ҳужжатларингизни тайёрласин, деди. Икки кундан сўнг компартия аъзолигига номзод этиб қабул қилиндим.

Ўша палладан туриб қаралса, 1974 йил мен учун жуда “серҳосил” бўлди. Ниҳоят, китобим ҳам чиқди. Уни кеч кузда, вилоят партиё қўмитаси қошидаги малака ошириш курси тингловчилари билан бирга Марғилондаги “Атлас” фирмасини томоша қилишга бориб, орада китоб магазинига кирганимда, биринчи марта қўлимда ушлаб кўрдим; борини сотиб олиб, бир қисмини шерикларимга тарқатдим, бир қисмини уйга олиб кетдим.

Ишга қайтган кунимоқ редакциядагилар китобни ювишди. Ўшанда ўн икки мингдан зиёд нусхада чиқувчи “Пахта учун” газетасида туман миқёсидаги бу катта янгилик баралла овоза қилинди.

Шундай “хаёв-хаёв”лардан кейин ҳам ўзимни камтарроқ тутиб, катта-кичикнинг хизматида доим шай туришга, ижрочи ва итоаткор бўлиб кўринишга уринавердим. Олдингидан фарқи,

энди руҳим баландлашиб, кимдир зуғум қилиб қолишидан безиллаш туйғуси кўнглимдан буткул ғойиб бўлган, қайсидир зўравон мени бу туманга сиғдирмаслиги мумкинлигидан кўрқадиган жойим қолмагандек эди. Сиғдиришмасе, бошқа жойга кетиб ҳам, бундан яхшироқ кун кўра оламан, деб ўйлардим.

* * *

Китобим чиққач, шоирликка кучлироқ берилдим. Ҳануз болалар ва катталар учун аралаш-қуралаш ёзардим. Ҳажвий ҳикояларга қўлим анча келиб қолганидан чуччам кўтарилиб, насрга ҳам кенгроқ кўламда қўл ура бошладим. Кулгилироқ бир қисса ёзиб кўрдим, кўнглимга ўтирмади. Уни четга суриб (бу асарчага кейин ҳам қайтиб қўл урмадим, ундаги баъзи эпизодлардан бошқа қиссаларимда фойдаландим), “Уйқудаги қотил” деган детектив қисса ёздим. Маслаҳат олиш учун муҳарриримизга берсам, ўқиб кўриб, тантилиги кўзиди-ю, газетамизда сонма-сон бера бошлади (бу ҳам газетада чиққанича қолиб кетди, бирорта китобимга киритмадим). Кейин дилимда Аламазон исмли шарттаки бола ҳақидаги қувнок қисса ғояси туғилди. Айрим парчаларни ўша маҳаллардаёқ қораламалаб қўйган эсам-да, ёзишни бошлаёлмай, миямда пишитиб юравердим.

Биринчи китобим бирорта танқидчининг назарига тушмаган бўлса ҳам, барибир, асосан болалар учун ёзаверишим керак, Миразиз ака айтганидек, шу жанрда назарга тушиш имкониятим кўпроқ, деб ўзимга йўл кўрсатардим. Қўлим бўшади дегунча, тўшака чўзилиб ёзаверардим.

Болаларга аталган яхши китоблар камлиги, ўзбек болалар адабиёти Иттифок даражасидан анча орқадалиги, миллий адибларимизнинг кичкинтойларга аталган асарлари орасида Худойберди Тўхтабоевнинг “Сеҳрли қалпоқча” сигина кенг шуҳрат қозона олганини мунаққидлар кўп таъкидлашарди. Болалар шоирлари ичида Миразиз Аъзам янгича овози билан ажралиб бораётганини гоҳо андак шамалаб, Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўминларнинг болаларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги хизматларини тез-тез дўмбиралаб туришарди. Бу жанрда ичингни қайнатадиган китоб йўқ ҳисоби эди. Асосан катталар адабиётини ўқирдим.

Навоийга тишим ўтавермас, Машраб, Фурқат, Муқимий, Оғаҳий, Маҳтумқули, Бобурларни кўп мутолаа қилардим, ўзбекчага ўгирилган шоирлардан Есенин, Гейне, Бёрнс назмини беҳад хуш кўрардим. Ўзимизнинг замонавий шоирларимизга келсак, “Коммунистлар гуллатмиш бу озод Осиёни”, “Осмондаги юлдузни санаб етоман дема, Ҳамроҳингман ёнингда, ташлаб кетоман дема”, “Бизларга устоз доно партия, Эрксева халқнинг суянган тоғи”, “Осмондаги ойга қаранг, Кўринади кўзга аранг. Тўйингизга ўзим бориб, Уйнаб берай қилмай таранг”, “Жон Москва – пойтахтим, салом сенга Хоразмдан”, “Эй, улуғ партия, минг яша, яша” каби шеърлари кўшиққа айланиб кетган номи улуғ унсурларни четлаб ўтардим, адабиёт отбозорига уриниб-суришиб бош суқаётган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Рауф Парфи каби “бошқачалар”нинг китобларини қидириб топиб, қаърига шўнғирдим. Бунақа пайтда, қаламим яна ўз-ўзидан катталар шеърияти томон бурилаверарди. “Бошқача” шоирларнинг баъзи сатрлари тагига яширинган ғалаёнларни кўпинча айрим зукко шеърхонлардан эшитибгина англаб етардим, шеъриятдан янгича олам кашф этаётгандим.

Катталар шеъриятида кун кўриш мураккаброқдек туюлар, бу “ўрмон”даги сон-саноксиз, турли-туман “дарахт”лар орасидан бўй чўзиб чиқиш, кўзга ташланиш мушкулдан мушкуллигини англаб олиш кишидан катта ақл талаб қилмасди. Кўнглим эса, ақлимга қулоқ солавермасди, қаламимни ҳадеб катталар шеъриятига етаклайверарди. Катталар адабиётида торгина жой эгаллай олиш учун керакли омиллар етарликдек эди – тақдир тақозоси билан, ҳаётнинг кўп оғирликларини кўрдим, кўряпман; оддий кишиларнинг энг митти дардларигача менга боламдек таниш; миллат дегани нима эканини, “эрк” сўзининг салмоғи “мол-давлат”, “обру-мартаба”, “шон”, ҳатто “жон”никидан минг-минг баравар ортиқлигини Тошкентдаги зиёлилар гурунглирида чуқургина ҳис этиб улгурдим...

Ҳа, Ватан эрки, миллий ғурур борасидаги тушунчаларнинг менга шу дамгача нотанишроқ бўлган уруғлари кўнглимга энди қалингина сепилиб, улар тобора гуркираб унаётган эди. Буларнинг ҳаммаси “Муштум” журналида босмачиларни мазахловчи уч-тўртта латифачаларим эълон қилинишидан бошланди. Миразиз Аъзам буларни ўқиган экан, бир гал Тошкентга борганимда олдига ўтиргизиб олиб, босмачиларнинг нимасини ёмон кўрасиз, деб ўқрайди. Бу – устознинг менга биринчи марта кўрс муомала қилиши эди, довидраб қолдим.

– “Босмачи” деган ҳақоратли номни қизил большевиклар атайлаб тўқиб чиқарган, – деб куйканди у. – Аслида, улар юртимизни келгиндиларга бермаймиз, ўзбекни қулдорларга қарам қилиб қўймаймиз, деб жонини аямай курашган ботирлар, миллатимизнинг энг ориятли кишилари.

Миразиз ака, шу тариқа, мени эзаверди, эзаверди, қанийди, бирданига ер ёрилса-ю,

оёгим осмондан бўлганича тубига ағанаб тушсам. Юрагим увушиб бораётганди. Бунақа ишни сотқинлар қилади, деворди-я устоз, энди алоқани чирт узиб, бетимга буткул қарамай кўйса-чи?

Кейинроқ Ўттам аканинг уида Миразиз ака, Маҳкам Маҳмудов, Тоҳир Малик сингари адиблар иштирокидаги ошхўрликда ҳам миллат ғурури, миллий орият мавзуси давом эттирилди. Бири грузинлар ўз юртидаги “катта оға”ларни умуман менсимаслиги, уларни асосан “қора иш”ларга ёллашидан сўзласа, бошқаси Болтиқбўйи республикаларидаги ерли аҳоли совет ҳукумати ҳалиям очикчасига “оқкупант” дейишдан кўркмаслигини ҳайратланиб ҳикоя қиларди.

Дамо-дам ўйланиб қолардим. Агар руслар кетиб, бизни барибир каттароқ бир давлат босиб оладиган бўлса, нима ўзгаради? Улардан қайси бири инсофлироқ? Ё у, ё бу зўравоннинг оёғи остида яшашга маҳкум эсак, қай бири “ўзимизбоп”роқ бўлсайкин?

Буларга жавоб тополмасдим. Фақат, мутуйибасимон бир ўй бошимда лип этиб ёниб-ўчарди – ҳартугур, ўрисча гаплашишни биламан...

Шу тариқа, бир қатор шеърларимда исёнкорлик, эрксеварлик, миллатпарварлик учкунлари яллиғланиб, алангага айланиб бораверди. Улардан айримлари марказий нашрларда ҳам кўрина бошлади. Бош муҳаррир Асқад Мухторнинг муруввати билан, ўшанда киоскалардан сотиб олиш тугул, миқдори чеклаб кўйилгани туфайли ҳатто обуна бўлиш мушкул ҳисобланмиш доврўкли “Гулистон” журналида босилган “Мартин Иден” сарлавҳали шеърим кўпчиликнинг эътиборини тортди, биринчи ўринда Миразиз ака мени телефон орқали табриклаб, астойдил мақтаганидан бошим осмонга етди.

Катталарга аталган шеърларимнинг талайи севги мавзусида эди. Буларда нимадир етишмаётганга ўхшайверарди. Ўйлаб-ўйлаб кўрсам, мени мактабларда, қисман техникум ва ҳарбийда куйдириб юрган нозанинларим энди йўқ; гоҳ томорқада бодринг чопаетган, гоҳ букчайиб кир юваётган, гоҳ даладан юлиб келган ўтларини ҳансираб офтобга ёяётган, гоҳ молга терит қораётган, салга жиззакиланувчи, янгироқ рўмоли йўқлигини ҳам фожиага айлантирувчи хотинингга тикилиб эса, кесатибми, ҳазиллашибми, ачинибми уч-тўртта шеър ёзиш мумкиндир, аммо у ҳақда ичкикиб-ичкикиб хаёл суролмайсан, тинимсиз ўртанолмайсан, ёниқиб тўлғанолмайсан.

Ҳа, аллақачон пайқаб улгурганингиздек, юрагимни бетўхтов жазиллатиб турувчи битта хушбичимроқ, ўжарроқ “севикли ёр” камлик қилаётганди менга. Бунақаси ҳадеганда олдимдан чиқавермади. Дуч келавермагач, камтарликка ўтиб, уни ўзим қидиришга тушдим. Босмаҳонамизда боши очик қизлар кўп эди, яқинроқда бўла қолсин деб, “объект”ни шуларнинг орасидан излаб юрганамизда, бирдан редакциямизнинг ўзида ишловчи санокли қизлардан бири лоп этиб саҳнага чиқди. Бир куни у писмайиб туриб, хотинингизни яхши кўрасизми, деб савол берди.

– Кўрмай-танитай уйланганман-у, барибир ёмонмас, – дедим.

Қизи тушмагур яна сўроққа тутди:

– Шеър ўқишни ёқтирадимми?

– Шеърни гапирасиз-а, – деб кулдим мен. – Ўзининг отини зўрға хатосиз ёза олади боёқиш.

– Мен шеърятни жуда яхши кўраман, – деди қиз. – Дафтарларингизни бериб турулмайсизми? Босилмаган шеърларингизни шунақаям ўқигим келадики!

Ана-а, бор экан-ку! Туйқусдан қўлга тушди шўринг курғур! Қидириб топишимни кутмасдан, мени ялинтириб-нетмасдан, ўзи чанғалимга кўниб ўтирибди-я! Ҳе, сабрсиз! Ҳе, лодон! Нима бўлгандаям, энди мендан кутулиб бўпсан! Шу пайтнинг ўзидаёқ сенга дабдабали ном берганим бўлсин – “Севгилим”! Гап тамом!

Ишни пайсалга солмадим, кейинги йилларда тўлдирилган шеърини дафтарларимдан бирини эртасигаёқ олиб келиб, Севгилимнинг қўлига тутқаздим. Дафтарни уч-тўрт кун ўтиб қайтаргач, тушликдан сўнг ҳовлидаги фонтанчали ҳовузча ёқасига кўйилган боғурсида ўтириб, олган таассуротларини ўртоқлашдик. Сатрларимдан анчагинасини, баъзи шеърларимни тўлиғича ёдаки айтганидан бир қувонсам, булар аллақачон китоб бўлиши керак эди, зўр китоб бўлади, деганидан икки қувондим. Кейин аста-секин “интим” гапларга ўтдик, мен турмушдаги бир хилликлардан жуда зерикиб бораётганимни айтдим, у эса, бу олди-юлди ҳаётда кунлари мазмунсиз кечаётгани, уйдагилар оила қуришга қанча қисташмасин, лоақал салгина дидлироқ йигитни учратолмаётганидан нолиди.

Ана энди шеър ёзишми! Семиз-семиз “умумдафтар”ларни баъзан икки ой ўтиб-ўтмай тўлдириб ташлайман, ичимдаги илҳом парисининг қитиққўзар дугонасига айланаётган Севгилим уларни бир бошдан олиб ўқийверади, мени мақтайверади, ўзининг қиёфаси, қилиқлари бўртиб турувчи шеърлардан гап очиб, булар кимга аталган, дея сирли жилмаяди. Ишдан қайтгач, тунлари танамда ҳузурли титроқ ўрмалаб ўйлайман: ҳозир Севгилим шеърларимни ёниб-ёниб ўқиётгандир, ўзига очик шама қилинган жойлари учраса, балки юраги оқишни бошлагандир. Йиғлаётган бўлса, янаям яхши...

Туман газетасидаги салкам етти йиллик фаолиятим даврида шоирчилигимда кескин ўзгаришлар кузатилаётган эса-да, оиламиздаги аҳвол ҳалиям ўша-ўша эди. Аям тикув машинасини туну кун ғалдириб, чеварчиликдан пул топишда давом этар, бу тушум ёнига менинг ва ҳарбийдан сўнг ўрта маълумоти билан мактабда жисмоний тарбиядан дарс бераётган Акрам укамнинг маоши, аскарликдан қайтибоқ четга сабзавот олиб чиқиб сотишни ўрганган Тоҳир укамнинг орттиргани кўшилиб ҳам, тирикчилигимиз барибир яхши томонга ўзгармаётганди. Айниқса, Акрам укамни уйлантиришдаги харажатлар эндигина тикланаётган тирикчилигимиз кўрғончасини қайтадан нуратгандек эди.

Баҳромнинг ёнига энди Баҳодир ва Бобур ўғилларим келиб кўшилган, Акрам укамда ҳам бирин-кетин фарзандлар пайдо бўлаётган бу тиқин-тўпалон хонадоннинг бурчак-бурчакларига биқиниб бўлса-да ижод қилишдан кўра, камхарж рўзғорда қалашиб ётган икир-чикирларга ҳадеб қоқинавериш мени кўпроқ толиқтираётганди.

Леонид Брежнев йигирма йилда коммунизм қуришни ваъда қилган хомхаёл Никита Хрущёвдан ҳокимиятни олиб олиб, коммунистик ғояни бутун дунё ишчи-деҳқонлари кўнглига чуқурроқ синдиришга берилиб кетган даврларда партияга ҳақиқий аъзоликка ўтиб, “ишончли зотлар” сафига сукулиб улгурган мен шилдирвоқини Севгилим билан бўлган муносабатларнинг бир кунмас бир куни қалтис нуктага етувими, ёки тумандаги айрим ахлоқи нотўқис “гражданка”лар билан гоҳо пана-панада шивирлашиб туришимми тугалай бадном қилиши мумкиндек туюлар, буни ўйласам, юрагим нотинч тепарди. Хайриятки, ишдан кетишимга тамоман бўлак нарсасиз, обрўйимга қаттиқ раҳна солмайдиган бошқа бир воқеа сабабчи бўлди.

Бунгача муҳаррирнинг менга бўлган муносабати ҳар доимгидек илиққина эди. Ўзбекистон милицияси ташкил топганининг қирқ йиллиги шарафига 1975 йили ўтказилган республика конкурсидан пул ишлаб олиш умиди билан атайлаб ёзган “Милиция солдатлари ўлмайдилар” деган дostonим Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, Эътибор Охунованинг қандайдир асаридан сўнг учинчи ўринни олганидан кувониб, мени ҳаммага мактаб юрганди. Дostonни газетадаям босганди.

Муҳаррир гапимни иложи борича ерда қолдирмасди. Ёшлар номидан қилган илтимосим билан бизга аввал стол теннис, сўнг биллиард столи олиб берди. Қишда ҳам ўйнашимиз учун алоҳида спорт залчаси қурдирди. Гоҳ Шохимардон, гоҳ Арслонбоб, гоҳ Йигитпиримга саёҳат уюштирилса, ғазначиликни битта менга ишонарди. Тўнғич ўғлини журналистликка ўқишга киритишда яна меҳрибонлиги тутиб, орада шеърларингизни редакцияларга тарқатиб келарсиз, дея мени Тошкентга эргаштириб кетди. Кўпинча йиғинларга мени ё бирга олиб борарди, ё машинасида ўзимни юборарди. Баъзан соғлигимдан ташвишланиб, иш кетаверади, курортгами, санаториягами бориб дам олишни ўрганинг, деб қистар, шу туртки боис бир гал Болоғоевдаги туристик базага йўлланма олиб, баҳонада ҳарбийда орттирган эски қадрдонларимни йўқлаб келгандим.

Қисқаси, муҳаррир менга аёвли муносабатда эди, у билан ака-укадек бўлиб бораётгандик. Кейин... ораминг бирдан бузилди...

Шафозат аммамининг ўғли Машраб тимсоҳсимон Россиянинг думи бўлмиш Камчаткага тез-тез қатнаб турар, у ердаги базаларга жўнатиловчи мева-сабзавотни Фарғона тайёрлов идораси вакили сифатида топшириб қайтарди. Вагонлардаги давлат юклари орасига ўзиникини ҳам озгина тиқиштириб, уларни “бозор учарлари”га қиммат нарҳда кўтарасича бериб юборишдан, базадагилар билан келишиб, топширилаётган маҳсулотнинг бир қисмини ириди-чиридига чиқариб юборишдан катта пул ишлаб олар эди. 1976 йилнинг кузида бир ойлик таътилга чиққан кунларим у уйимизда меҳмон бўлиб ўтириб, ишга қайтгунингча мен билан Камчаткага бориб келсанг-чи, вагондаги юкларни кузатиб борувчи қилиб расмийлаштираман, бир ёқдан – яхшигина ҳақ тўлашади, иккинчи ёқдан – кўрган фойдамиздан улуш оласан, деб қолди. Суюнганимча кўндим.

Кўнибман-у, бу ишлар қанчага чўзилишини суриштириб кўрмабман. Вагонларга бир ҳафта пиёз урдик, жўнатдик. Ўзимиз ўн кундан кейингина уочқа ўтириб, Владивосток шаҳрига бориб кўндик. Борсак, вагонларимиз эндигина етиб келган экан, пиёзлар портга туширилиб, юк кемасига жойлангач, тўрт кун денгизда сузиб, Камчаткага йўл олдик. Пиёзларни у ердаги базага топширишга ҳам ўн кунча вақт кетди.

Ҳарбийдаги Аваз укам Владивосток шаҳридан олисроқдаги Олга деган бухтада хизмат қиларди, уни йўқлаб бориб, командирлари билан биргаликда уч кун айш-ишратга берилдик. Шу асно, салкам икки ойда ишхонамга кириб келдим.

Кириб борсам, муҳаррирнинг қовоғидан қор ёққан, ўринбосари шовқин кўтарган, ходимларнинг сўрашиб-кўришишида ҳам қандайдир ноқулайлик. Жуда узоқда эдим, аҳволни телефонда тушунтиришга, таътилимни ўз ҳисобимда чўзиб туринглар дейишга имконим бўлмади, деган гапларимни раҳбарият ҳатто эшитгиси келмаётганди. Мени аллақачон бўлим мудирлигидан бир хона пастлатишган экан. Эртасига муҳаррирнинг олдига сокин

кайфиятда кириб бориб, ўз хоҳишим билан ишдан бўшатишларини сўраб ёзган аризамни қўлига тутқаздим. Унинг бирдан авзойи бузилди, э, қанақа одамсиз, шунга шунчами, деб аризамни йиртиб ташлади.

– Чиқинг, ишланг! – деб пўписалади у. – Тоқат қиптуринг-чи, амал керак бўлса, яна кайтариб берармиз!

Хонадан чиқиб, аризани бошқатдан ёздим-да, уни бу гал ўринбосарга топшириб, гап битта, энди бу ерда ишламайман, дедим. Бу нарсани мен эмас, муҳаррир ҳал қилади, дея у мени ўтирган жойида совуқ кузатиб қолди.

Шу тариқа, 1976 йилнинг ноябрида ишсиз қолдим. Аямга ёлғон гапирдим, ишдан ўзим аразлаб бўшадим, десам қаттиқ жаҳли чиқишидан чўчиб, мени ҳайдашди, дедим. Тергамади. Раҳми келди.

Ишдан хўрланиб ҳайдалганимга ўша кунлари, негадир, ўзимни ҳам ишонтиргим келаверди. Бундан қанча ғазаблансам, кучимга шунча куч қўшилаётгандек, қадримга етмаганларга тезроқ ўзимни кўрсатиб қўйишга бўлган иштиёқим тошқинланиб, турмушнинг қандайдир янгича поғонасига бўлган интилувим ошаётгандек эди. Бу ғалати ҳолат сабабини орадан неча йиллар ўтиб англадим. Ушанда шундай қилишим зарурати туғилган экан: Тошкентга бориб ижодимга кенгроқ йўл очишни тез-тез орзулаб турсам-да, аямни бунга кўндиришим амримаҳол эканини билиб, зўрға чидаб яшаётгандим, энди кутилмаганда қулай вазият туғилди, бундан фойдаланиб қолиш учун воқеани уйдагиларга бўрттириб кўрсатишим керак, токи бош олиб кетишдан бошқа иложим қолмаганига иқрор бўлишсин. Бу қишлоқдан шунақа қилиб қочмасам, қутулишнинг бошқа йўли йўқ. Кетмасам, бу баракасиз муҳитда ўлгунчаям овим юришмайди, “ов”нинг энг гавжум жойига бориш учун эса “аслаҳалар”им етарли. Ана, Миразиз Аъзам охириги дафтарларимдаги шеърларни ўқиб кўриб, агар ихтиёр менда бўлса, болаларга аталганларини ҳозироқ китоб қилиб чиқарардим, булар тамоман янгича нарсалар, деб турибди. “Гулистон”даги, “Фунча”даги, “Муштум”даги танишлар ҳам жон куйдириб, имкон бўлса, пойтахтга келинг, қишлоқда юриб назарга тушиш қийин, дейишгани дейишган.

Хуллас, Тошкентга кетишга кўпдан баҳона излаб юрардим. Мана, ниҳоят катта баҳона топилди...

Ўзингни ноҳақликка учраган муштипарга солгин-да, пойтахтга ғизилла. Дангал жўнайверсанг-чи, ландавур!

Кейинчалик “Ялтироқ тугма” асаримда битганимдек, барча ақли расо саркардалар каби забткорликни бугдой ўримида бошламай, Кўкони қаҳратонда қамал қилган Бухоро амири Насруллога ўхшаб, юриш қилишга туруп пишиғида киришдим. Камчатка сафари чоғида, Машраб ошнамнинг маслаҳати билан, биз томонда камёб бўлган бахмал матодан икки тўпини почта орқали уйга жўнатгандим, шундан қолган фойданинг ўзи аямни қониқтиргани учун, топган мўмайроқ пулимнинг кўпроғини ўзимда олиб қолгандим, шу маблағнинг ҳовури билан пойтахтга тетик кайфиятда келдим.

Бирон ишга кириш учун энг аввало паспортимни Тошкентга қўнимдор (прописка) қилишим шарт эди. Масаланинг энг қийини шу бўлиб, у замонда ўзбекларнинг вилоятлардан, айниқса қишлоқлардан “қочиб келиб”, ҳузирижон пойтахтда тирбандланишининг барча йўллари тўсиб ташланган, бу масалада фақат икки тоифага катта имтиёз бор эди: бири – четдан ишга чақириб олинган керакли мутахассислар, иккинчиси – Россияда хутор системасини тугатишга қаратилган ҳукумат қароридан сўнг, рус қишлоқларидан тўп-тўпича оқиб келаётган сариқочлар. Шу “қалтис масала”нинг кетидан бир ойча югурдик, баъзи амалдорларни ўртага солдик, пора таклиф қилдик, барибир ишимиз битмади. Охири Ўктам аканинг Тошкент вилоятига қарашли Янгибозор шаҳарчасида яшовчи ошпаз таниши Тўхтасин аканинг хонадонига бир амаллаб қўнимдор қилиндим.

Сўнг иш қидиришлар бошланди. Эндиликда Ғафур Ғулом нашриётида муҳаррирлик қилаётган Миразиз ака олдин ўзи ишлаган “Ёш гвардия” нашриётидан менга бирор ковакча топилишига аминдек эди. Лекин, бош муҳаррирга учраб, сизларда корректорлик лавозимида битта бўш ўрин бор экан, шу нашриётда китоби чиққан бир йигитни ўша жойга олсаларинг-чи, деса, бизга шоир эмас, малакали корректор керак, деб жавоб қилибди. Директорга кирса, ўзи нашриётимизнинг қоровулигача шоир бўлиб ётибди, дея қўлини силтабди. Гоҳ Миразиз акага, гоҳ Ўктам акага, гоҳ Маҳкам Маҳмудовга эргашиб мен бош суқмаган нашриёт, газета-журнал қолмади. Ҳамма жойда икки хил жавобдан бири: “Ҳе, аттанг, паспорт пропискаси Тошкент вилоятида экан, Тошкент шаҳрида яшовчиларгина ишга олинсин деган кўрсатма бор”, ёки “Ҳозирча бўш ўрин йўқ!”

Бир куни Миразиз ака мени Ёзувчилар уюшмасига бошлаб бориб, болалар адабиётининг йўғонбиллак югандорига айланиб турган Пўлат Мўминга йўлиқтирди, олдин таърифимни келтириб, сўнг ишга жойлашимга кўмаклашишини сўради. Ўта дабдабали тарзда дастхат битилган китобчамни олаётиб, бир ўйлаб кўрармиз, деди-ю, ўйлаб юриши жуда узоққа

чўзилди. Балки, мени қайтиб эсламагандир ҳам. Шоирлик даъвосида дайдиб юрганлардан кўпи бораканми!

Биргина “Ғунча” журналидагилар очик юз билан қаршилаб, одамдек гаплашишди: “Ёши ўтиброқ қолган иккита ходимимиз бор, ё униси, ё буниси пенсияга чиқадиған бўлса, сизни жон-жон деб ишга олардик”. Орқасидан пойлаб юриб, шулардан бирини машинанинг тагига итариб юборсаммикин, деб кулимсирардим ичимда.

Баҳор ўтди, ёз охирлапти, ҳануз ишсизман. Заҳирадаги пулларим аллақачон тугаб бўлган, бир нав қишлоққа бориб олсам, қайтишимда аямдан ташқари укаларим ҳам чўнтагимга беш-олти сўм тиқиб қўйишади. Хотиним дайдилигимдан шикоятланиб, ҳар гал ичимни хуфтон қилиб жўнатади. Тагин қачон келасиз, деб ўғилларим кўчагача эргашиб чиқади. Бундан юрагим оқади, ўпкам бўғзимга тиқилади, додлаб юборгим келади. Болаларимнинг мунгли нигоҳлари ҳафталаб кўз олдимдан кетмай қийнайверади.

Бир жумада яна қишлоққа бордим. Уйда икки кун тунагач, кечки 559-поездда Тошкентга жўнашга (бу поезд пойтахтдан Андижон сари қайтишда 660-га айланарди) шайланиб, бошқа хонадонларда камдан-кам учровчи, ҳосилдорлиги пастроқ, лекин шираси тилни ёрадиган, дадам Мамасоли деган миришкор танишиникидан олиб келиб эккан карсиллоқ ҳасайни узумларни халтага жойлаётсам, болаларингни тентиратиб, қачонгача шу аҳволда юрасан, ўғлим, дея аям қайтадан куйканишга тушди. Бор қоним тепага йиғилаётгандек туюлди, ҳозир бошим гумбурлаб портлайди-ю, мия парчаларим тирқираб учиб, деворларга чапланиб қолади, деб ўйладим. Халтани ерга ташладим-у, гандираклагудек одимлаганимча бориб, уйдан қизил қутини кўтариб чиқиб, қопқоғини очдим-да, манавилар ҳаммаси пул, ая, дедим Аламазон ҳақидаги қисса, болаларга аталмиш пьеса ва туркум ҳикоялар солининг папкаларни пеш қилиб. Кейин ўшанда сони қирқтага яқинлашиб қолган, кўплари тўқсон олти бетли умумдафтарлардан айримларини варақлаб кўрсатдим:

– Манавилар ҳам пул! Пайти келиб, булар китоб бўлади! Китоб бўлса, ҳар битта сатрига камида етмиш тийиндан тўлашади! Кўргансиз, биринчи китобимга етти юз сўм беришди! Ҳали каттароқлари чиқса, уч минг, беш минг сўмлаб оламан! Озгина тоқат киптуринглар, худо хайрингни бергурлар!

Икки минг сўмга кичикроқ уй қурса бўлади, бу ҳоббонининг безрайиб беш мингдан келишини кўринг! Олдин беш сўмга бир кило гўшт олиб беришга қурбинг етсин-чи.

Кечки овқат татимади. Кетаётганимни билиб, болаларим тагин мўлтираб туришибди. Улар қиммат кийимлар, чиройли ўйинчоқлардан кўра доим ёнларида бўлишимни кўпроқ исташаётганга ўхшарди. Наҳотки, менга ўчакишиб, йўқлигимда буларни атайин ўксинтираётган бўлишса? Йўғ-е, бунчаликка боришмас...

Тошкентдаги жонқуярларим менга бошқа иш топишди, республика радиосининг қишлоқ хўжалик бўлимига олти ойлик синов муддати билан югурдакликка қабул қилиндим. Югурдакликнинг маъноси шуки, синов даврида ишга расмийлаштиришмайди, бўлимдагиларнинг топшириги билан тайёрлаган эшиттиришларингга қалам пули олмасан холос. Қалампули ёмон эмас, чидаб кун кўрса бўлади. Энг муҳими, бўлимдагилар билан қалинман, ўртада совуқ гап ораламади.

Ярим йил ҳам ўтиб, ниҳоят мени ишга оладиган бўлишди. Қувониб турганимда, кадрлар бўлимидаги музқўз қария паспортим Тошкент шаҳрида кўнимдор эмаслигини баҳона қилиб, ишнинг белига тепди, бўлимимиз бошлиғининг илтимоси ҳам ўтмади. Тарвузим яна кўлтигимдан тушди. Энди нима қиламан? Яна қаерга бориб ялинаман?

Шунча ташвишлар ичда университетдаги ўқишимнинг ғалвалари ҳам бор эди. Гоҳ синов иши, гоҳ курс иши ёзасан, имтиҳон ойи келса, умринг аудиторияларда ўта бошлади, “қониқарсиз” баҳо олмаслик учун муаллимларга пой-патак бўлишга тушасан. Дарс тайёрлашга вақтинг бўлмай, гоҳ бирига “Талабалар шаҳарчасидан МУМга саёҳат” каби қизиқ шеърларингдан ўқиб бериб, гоҳ иккинчисига тишинг қаттиқ оғриётганидан шикоят қилиб ўтириб, минг найранг билан имтиҳондан ўтасан.

Аҳволим оғирлашаверди. Олтиариққа шалвираб қайтишга бетим чидамасди, Тошкентда яшашга қурбим қолмаганди. Хонани ижарага берган кампир кўнгли юмшоқ аёл эди, топганда пул тўлардим, вақтида тўлолмасам, қистовга олмасди. Барибир бу хонадондан кетишимга тўғри келди. Гоҳ Миразиз аканикига, гоҳ Ўктам аканикига, гоҳ қишлоғимиздан келиб турли жойларда ўқиётган танишларимникига бориб тунайман, овқатларига шерик бўламан. Бир неча марта темирўл вокзалига бориб, узункурсида мудраганча тонг оттирган кунларим ҳам бўлди. Бир култум винони Тангрининг чексиз инояти сифатида қабул қилувчи уйсиз саёқларнинг юзак қараганда ўта қувноқдек туюладиган, уларнинг ўрнига ўзининг қўйиб кўрсанг, беҳад аянчли бўлган турмуш тарзи билан шу жойда тобора яқиндан танишавердим. Ўзимни ухлаганга солиб, уларнинг ўзаро суҳбатларини зўр қизиқиш ва ҳаяжон ила тинглаб ўтирардим баъзан.

Нонуштадан тортиб кечки овқатимгача бир хил таом – бор-йўғи, тўрт тийин турадиган, биров “ухо-горло-нос”, биров “беданакабоб” деб атайдиган гумма сомсачалардан тўрт-

бешта олиб, чапиллатиб-чапиллатиб ейман, ҳиқичоқ тутса, артизоннинг сувидан босиб ичаман. Ҳеч илож қолмаганда, аҳволи меникидан яхшироқ бўлмаган Ўктам акага кўшилиб, тиламчиларнинг олдида тўпланиброқ қолган тангаларни талашда ҳам қатнашардим. Бу – жуда уятли, жуда изтиробли эди.

Болалар нашрларида, гоҳо “Муштум” журналида исмим кўриниб турарди, аммо плагиатлик авж олган, баъзилар туман, вилоят миқёсидаги газеталарда босилган шеърларни йиғиб, пойтахтда ўз номидан китоб қилиб чиқаришгача бориб етган, бу кўчирмачилар ҳақида фельетонлар босилаётган муҳитда битганларимни туркум-туркум тарзда бировларнинг кўлига топшириб қўйишни истамасдим, редакцияларга уч-тўрттадан шеър тарқатиб турардим, холос. Худди шундан чўчиб, саргардонликда ёзиб тугалланган “Аламазон ва унинг пиёдалари” деган қиссамни ҳам анчагача бировга кўрсатмай юргач, кейинроқ “Шарқ юлдузи”га, наср бўлими мудир Шукр Холмирзаевга топширдим. У икки ойчадан сўнг остига фамилия қўйилмаган тақризни қўшиб, папками қайтариб берди. Тақризда кўрсатилган камчиликлардан ўринлироқларини тузатган бўлиб, қиссамни яна олиб бордим. Шундан кейин ора-сира йўлиқиб турдим, аммо мудир асар ҳақида бошқаларнинг ҳам фикрини эшитиш учун кимгадир бергани, кимлиги эсида йўқлигини айтарди. Охири суриштирмай қўйдим.

Ҳозирда ўша дамларни ўйлаб қолсам, қанчалар оғирчиликлар кўрмайин, ёзганларимни тезроқ нашр қилдиришнинг орқасидан қувавермай, ўзим таг-тагигача тушуниб етмаган ҳолда, асосий вақтимни ёзишга сарфлайверганим зап тўғри иш бўлган экан, деб қўяман. Зеро, вақт ўтиб, ёшлиқдаги кучни ҳам, кўнгил ёниқликларини ҳам топиб бўлсан!

Бир куни қишлоқдош студент ўртоғимнинг квартирасида тунашга бориб, телевизор кўриб ўтирсам, Озиқ-овқат саноати министри (вазир) Воҳид Содиқов билан суҳбат намойиш этила бошланди. Бу одам олтиариқлик экани эсимга тушиб, уч-тўрт кундан сўнг унинг ҳузурига бордим, журналистликка қўйиётганим, пойтахтда ишлашга уринаётганим, ҳозирда турар жой масаласида қийналиб қолганимни айтсам, у киши ўзингизбоп жой топилгунча Тошкент Ёғ-мой комбинатида ишлаб турунг, умумётоқдан алоҳида хона ҳам берамиз деди.

Шундай қилиб, 1977 йилнинг ўнинчи октябрдан эътиборан Тошкент Ёғ-мой комбинатида “боғбон” деган штатда иш бошладим. Янгиободдаги умумётоқдан бир хонали ҳужра ҳам беришди. Ётоғим алоҳида-ю, ошхона, душхона, ҳожатхона кабилар умумий.

Комбинат директори Пўлатов “министрнинг одами” эканимни назарда тутиб, вазифамга кўра дарахларни суғориш, гуллар остини ўтлардан тозалаб туриш ишларига мени яқин йўлатгиси келмади; журналист экансиз, Раъно опангизга қарашиб юрақолинг, деб мени комбинат бошланғич партия ташкилоти котибининг ихтиёрига юборди. Яна ўша “Ленинобод” колхозидagi аҳвол такрорланди – коммунистлардан ҳар ойда бир марта партия бадалларини тўплайман; йиғилиш ўтказилса, котиблик қиламан; ё ўша куни, ё эртасига мажлис баённомасини ёзиб, папкага тикаман. Кўпинча одамларни ишдан қолдирмаслик учун мажлис ўтказилмас, лекин барибир “ўтказилди” деб баённома ёзилаверарди. Фалон куни фалонча коммунист иштрокида КПССнинг фалон қарори муҳокама қилинди, йиғилишда фалончи-фалончилар сўзга чиқиб, фалон-фалон фикрларни билдиришди, деган жумлаларни ҳаводан олиб тўқишга тушаман. Буларни ўқиб кўриб, жуда чиройли тайёрлабсиз, дея Раъно опанинг оғзи қулоғига етади.

Коммунистлигим жонимга ора кираётганди. Шаҳарнинг энг баланд тепалигига чиқиб, партияни шарафлаб қачқиргим келарди: Гапфуруш большевиклар ўйлаб топган сиёсий дабдабаларга минг тасанно! Бу дабдабалар маҳсули бўлмиш барча қоғозбозликларга миллион-миллион офаринлар бўлсин!

Деярли бекорчихўжа эдим. Ойлигим тўқсон сўмгина эса-да, ҳарқалай, лоақал тушлиқда тузукроқ овқатланишимга, қишлоққа олдингидан серқатновроқ бўлишимга учма-уч етиб турарди. Ишхонага ҳафтада бир-икки марта бош суқиб кўярдим. Қолган кунлари каравотдаги кўрпамни полга тўшаб чўзилганимча, шеър тўқганим тўқиган эди. Маош олган кунларим қишлоққа кетиб, баъзан бир ҳафта ўтказиб қайтардим. Қайтгач, кўлим бўшасаёқ, яна тинимсиз шеър битишга тушардим. Болаларга аталган туркум шеърларимнинг асосий қисми шу умумётоқдаги бор жиҳози бир шкаф, бир каравот, бир стол, бир стулдан иборат бўлмиш торгина хона деворлари орасида дунёга келган. Пиёниста кўшнилари уфатчиликка чорлашларидан, таниш жувонларнинг дам олиш кунлари залда ташкил этиладиган “танца”ларга судрашларидан безиб, эшикни ичкаридан қулфлаб олиб ёзардим. Айрим қилиқларимни ахлоқсизликка йўйиб, тепадагиларга арз қилиб юрмаслиги учун қишлоқдан олиб келган мева-чевалардан бир қисмини умумётоқ комендантига бериб турардим. Шу боис, мажлис бўлиб қолса, менинг интизомимни, хонани тоза тутишимни мақтагани мақтаган эди.

Ижоддан бош кўтаролмай қолсам, кўзларим зўриқишдан қизариб, киприқларим остида ярачалар пайдо бўла бошларди. Бундай дамларда гоҳ қадрдонларимни уйларига бориб

йўқлардим, гоҳ редакцияларга уч-тўрттадан шеър тарқатиб чиқардим, гоҳ тушлик чоғи таниш адиблар билан ошхонада гурунг қурардим. Торроқ доирадаги суҳбатларда кўпинча мавзу яна миллатимиз тақдирига, эрксизлигимиз фожиаларига бориб тақалаверарди. Бунинг сайин, истибоддони қоралаш, юрт мустақиллигини орзулаш катталар учун ёзганларимдагина эмас, болаларга аталган асарларимда ҳам кенг аксини топиб бораётганди.

Энг хавфлиси – тобора миллатчига айланаётганим эди. Қишлоқлардаги ўзбек болалари ҳатто тўп тепиб чигил ёзишга майдонча тополмаётган, эғни тузукроқ либос кўрмай яшаётган бир пайтда, бошқа миллат вакилларининг ясаниб олган болалари истироҳат боғларида бири аргимчоқ учиб, бири отўйинда айланиб қувнаётганини; барча қулайликларга эга бўлган спорт мактаблари, турли-туман тўғарақлар шуларнинг ихтиёрида эканлигини кўрсам ҳам юрагим эзилишга тушарди. Идоралардаги маъмурий ходимларнинг аксарияти европаликлар, кўча супурувчиларнинг бари ўзбек. Қайсидир ҳинд киносидаги бир шофёр инглизларга қарамликдан қутулиш йўлида курашиб, кўзида жиққа ёш билан ўзини қурбон қилаётганида, унга қўшилиб хўнг-хўнг йиғлай бошлардим, оддий ўзбекларнинг ҳамма-ҳаммаси қачон шундай олий тушунчага эга бўларкин, дея олдимдаги телевизорни тепиб синдиргудек кепатада тутоқар эдим.

1978 йилнинг ўттизинчи январида тўртинчи ўғлим Ботир ҳам туғилди. Учгудек бўлиб, қишлоққа бордим. Чақалоқни кўриб, кўзим қувонгандан қувониб кетди – Яратганга минг қуллуқки, дадам раҳматлининг ўзгинаси-я!

Тўрт ўғил, тўрт севинч, тўрт юпанч... тўрт баравар эҳтиёж...

Бош омон бўлса, буларни Худо ризқисиз қўймас, қорнини амаллаб тўйдирарман, ундокроқ бўлмаса, мундокроқ кийинтирарман. Лекин, ёнларида доим парвона бўлиб, тузукроқ тарбиялашга вақт, имкон топа олармиканман? Пайти келиб, етарлича ғамхўр бўлполмаганимни таъна қилишмасмикин?

Бутун бошли умумётоқ каби менинг хонам ҳам қишда яхши исимади, электр плитаси сотиб олишга камбағаллик қилдим. Комендантдан тагимга қўшимча матрас сўраб олган, ёпинчиғим устидан пальтомни ташлаб ухлашга ўтган эсам-да, туни билан дилдирайверардим. Бошим тумовдан чиқмай қолди; бир йўтал тутса, ўпкам узилгудек бўларди; суюқларим қақшай бошласа, ревматизмим қайтовланишидан қўришга тушардим.

Баҳорга чиқиб, негадир, қувватим қочиб бораверди. Ўнгланиб кетарман деб, аввалига парвосиз юрдим; иштаҳам кескин пасайиб, кўнглим тез-тез айнийдиган бўлгач, ўлсам ҳам уйимда ўлайин, Тошкентда даволанишга ётадиган бўлсам, ким ҳолимдан хабар олади, деган хаёлга бордим. Май ойида ишимдан бўшаб, қишлоққа жўнадим.

Шу тариқа, Тошкентга қилган ғаввоғав юришим батамом мағлубиятга учрашим билан тугади. Бу – асабим буткул дош беролмай қолса, руҳимни умримнинг охиригача тикланмас даражада синдириб ташлаши мумкин бўлган жуда шармандали, ўта қақшатқич мағлубият эди.

Яна Олтиариқдаман. Касалхонада ётишни азал жиним суймаса-да, соғлигим тез ёмонлашиб бораётгани важҳидан дўхтирга учрашишга мажбур бўлдим. Текшириб кўришса, сариқ касалига чалинган эканман. Юсуфжон дўстим бу маҳалда туман марказий касалхонасида бош врач ўринбосари эди, унинг меҳрибончилиги туфайли мени чўлнинг бир четидаги “инфекционний”га жўнатмай, темир йўл станцияси ёнидаги нефтчилар шифохонасига ётқизишди. Алоҳида хона бериб, касалим бошқаларга юқмаслиги учун, имкон қадар бўлимнинг ўнг қисмидан нарига ўтмаслигимни тайинлашди.

Ўша даврда сариқ касали бутун республикада эпидемияга айланиб бораётганди, бундан анча олдин хотиним ҳам шу ташхис билан ётқизилиб даволанган, қишлоқларда у ёки бу кишиси ушбу дардга чалинмаган хонадонни топиш амримаҳол эди. Америкаликлар Вьетнам урушида аҳоли устига ҳарбий учоқлардан ўта захарли “Бутефос” химикати сочганини бир пайтлар ҳаммадан баланд овозда қоралаб юрган СССР ҳўжайинлари, ҳозирга келиб, ўзимизда айнан ўша “Бутефос”, ундан-да кучлироқ бўлган “Меркоптофос”, “Би-58” кабилар қишлоқ уйларига туташ пахтазорларда ҳам қўлланилаётганини била туриб билмаганга олишаётганди.

Инфекцион касалхона тўлиб-тошиб кетгани боис, нефтчилар шифохонасидаги терапия бўлимининг ўнг қаноти ҳам “сариқ”ларга ажратилиб, бу ерга нуфузлироқ шахслар, ёш болалар ётқизилар экан. Бу шифохонада беҳад ҳассослиги билан доврўғ қозонган, гоҳо вилоят касалхонасидаги врачлар ҳам баъзи масалаларда маслаҳатлашиб турадиган Доронина деган ҳуштабиатгина аёл ишларди. Касални жуда ўтказиб юборибсан, жигарни буткул ишдан чиқаришингга оз қолибди, ҳозирча фақат ошқовоқ еб тур, икки ҳафтагача ҳатто нон ҳам емайсан, деб буюрди у.

Касални ўтказиб юборганим рост шекилли, бошқаларга қараганда узоқроқ даволандим. Соғайиб қайтганимдан кейин ҳам ўзимни лоҳас ҳис қилавердим.

Оиламиздагилар уриниб-тиришиб яшашда давом этарди. Акрам укам мактабдан маош

оларди, Тоҳир укам мева тижоратидан маблағ топиш йўлини ўрганаётганди, томорқачиликни уддалаётган Авазбек укамнинг ҳам қўли пул кўра бошлаганди. Хотинимнинг далада ишлаб топгани, ҳарқалай, бир-икки қоп унга етгулик эди. Йил сайин кексайиб бораётган аям энди аввалгичалик бетиним ишлай олмас-да, барибир чеварлигини ташламай, тикканларини ҳафта оралаб бозорда сотиб келарди.

Дўхтирим қанчалар такрор-такрор уқтирган бўлмасин, касалхонадан чиққанимдан кейин парҳезга амал қилмадим; амал қиламан деганимдаям, бу бирқозонли уйда менга алоҳида овқат пишириб беришнинг иложи қаёқда дейсиз. Бунинг устига, асабни тинчлантиришга бўлган ички иштиёқ мени ароққа кўпроқ етаклайверганими; кечалари туз тотмасдан, кетма-кет чекиб, шеърлар, болаларга аталган туркум ҳикоялар, пьеса, Қодирий қаҳрамонларига тақлидан ҳажвиялар битишга ружу қўйганимми жигаримни зўриқтирди шекилли, сариқ касалим қайтовланиб, яна нефтчилар шифохонасига ётдим.

– Ҳа, биринчисидан ўлиб кетишнинг мумкин эди, организмнинг иттиқидек чидамли экан, омон қолдинг, – деб жеркишга тушди дўхтир Доронина опа. – Майли, яна бир даволаймиз, аммо бундан кейин ўзингни эҳтиёт қилмасанг, ўлишинг аниқ.

Зора ўлақолсам, деб ўйладим ўшанда. Ҳеч нимадан ташвишланмай, тинчгина ухлайверасан, ухлайверасан, ухлайверасан. Сени на ўнлаб йилларга чўзилган очлик безовта қила олади, на кимларнингдир устингдан тепалаб ўтиши.

Доронинанинг ибораси билан айтганда, иттиқидек қаттиқ жоним мени яна оёққа турғазди. Бу сафар ҳам парҳезга қатъий амал қилолмаган эсам-да, спиртли ичимликлардан нарироқда юришга астойдил интилдим. Кеч кузга бориб, олдинги бардамлигимни топгандек бўлдим.

Бекорчилик қанча чўзилса, юрагим шунча сиқилаверди. Энди, кичикроқ ковакларни титкилаб бўлса-да, астойдил иш қидиришим керак, деган қарорга келдим. Тўғри-да, бу аҳволда ўтмаслашиб, ҳатто занглаб қолиш ҳеч гапмас.

Хайрият, аммамнинг қизи Матлуба опамиз танишларидан суриштириб юриб, салкам тўққиз ойга чўзилган бекорчиликдан сўнг, охири шаҳардан менга иш топди, 1979 йилнинг ўн саккизинчи январидан Фарғона радиосининг муҳбирига айландим.

Раисимиз Дониёр Эргашевнинг очикўнгиллиги бошқаларга ҳам юқиб борганими, жамоадаги муҳит мусаффо, ходимларнинг кўпчилиги дилкаш кишилар эди, баҳрим очилиб ишлай бошладим.

Мени энг қийнаётгани – Олтиариқдан йигирма беш километр масофадаги шаҳарга кунда қатнашга мажбурлигим эди. Эрта саҳарда туриб, шоша-пиша нонушта қиламан; қишнинг қирчиллама қирқида Тоҳир укам берган куёнтери оқ теплакнинг қулоғини тушириб олиб, пулни тежаш мақсадида тўрт километр наридаги туман марказига пиёда чиқиб бораман. Энгимда Ақрам укамнинг куёвлик костюм-шимми, оёғимда оҳори кетган қишқи ботинка.

Бошимдан ҳовур кўтарилганича туман автобекатига кириб бораман. Шаҳарга қатнаб ишловчилар, бирон-бир юмуш билан кетаётганлар одатдагидек бесаноқ, барчаси эрталабки автобусга улгуришга ошиқади; “ЛАЗ”ларнинг бунига бўлмас, унисига базўр илашиб, тирбанд салонда тик турганча йўлга тушаман. Совуқ кучайиб кетган ёки ишим кўпайган кунлари аммамникида, гоҳо Матлуба опамникида тунаб қоламан.

Аҳволим мушкуллигини сезган бўлса керак, бир куни раисимиз меҳмонхонанинг калитини қўлимга тутқазиб, зарурат туғилса, диванда ётиб юраверинг, аммо бошқа одамни киритманг, деб тайинлади.

Бир нав баҳорга чиқиб олдим. Бу фаслда менга боғлиқлик томони бўлмаган иккита кўнгилсиз воқеа юз берди. Биринчиси – сел келиб, Фарғонани сув босди. Иккинчиси – Минскка учиб бораётган, 1960 йили олий лигага ўтганидан буён ашаддий ишқибози бўлиб келаётганим “Пахтакор” футбол жамоаси авиаҳалокат туфайли деярли тўлиқ таркибда нобуд бўлди. Чарм ғилофли репортёрни елкага илиб, қанчадан-қанча корхоналарни, муассасаларни, дала-боғларни кездим, неча-неча эшиттиришлар тайёрладим.

Бекорчиликнинг зах ўрасидан зўрага қочиб чиқиб, энди яйраб-яйраб ишлаётганимга қарамай, тинимсиз елиб-югуришларданми, вақтида тузукроқ овқат еб туриш имконим йўқлигиданми, учинчи бор сариқ касалим кўзиди. Врач дўстим Юсуфжоннинг маслаҳати билан, бу гал шаҳар инфекцион касалхонасига ётдим. Азамат жигарим мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, “сариқ ажал”нинг учинчи зарбасидан ҳам мени омон олиб чиқди.

Тошкентдан улкан ютқиқ билан қайтганим рост. Кейинроқ билсам, бир ўчоқ “мағлубият куллари” остида сочин-сийрак “ютуқ чўғлари” ҳам аралаш экан, яширин кўрланиб тургани учун ўшанда сезмабман. Пойтахтдаги дайдиликлар тугалай бесамар кетганини кейинроқ пайқай бошладим.

Бу даврда, энг зарури, тинимсиз шарақлаб қайнаётган адабий муҳит қозони таомларидан иссиғида, имкон қадар мўндароқ тановул қилиб, миямни тез тўйинтириб бордим; кўп танишлар орттирдим, уларнинг феъл-атворини, қай бирига қайси ёқдан ёндашмоқ қулайлигини идроклаб етавердим. Оташин миллатпарвар Миразиз Аъзам, мутолаасевар олим Маҳкам Маҳмудов, қайтмас курашчиларга айланаётган ёш китоббоз ёзармонлар билан бўлган суҳбатларда ўтмишимиз Римникидан-да улуғворлигини, маданий меросимиз битмас-туганмас хазина эканини, маънавиятимиз остдевори жамики инсоният ҳавас қиладиган даражада мустақамлигини ёрқинроқ англаб бордим, етти эмас, етти минг пушти покиза элдан тарқганимни билиб, ўзимни бошқатдан кашф этдим.

Талай китоблар ўқидим. Ўз классикларимиздан ташқари, Жек Лондон, Мопассан, Дюма, Гунтегин, Байрон, Толстой, Бальзак, Есенин, Айтматов, Несин, Ҳамзатов сингари “сеҳрарлар”нинг русча ёки ўзбекчадаги асарлари билан чуқурроқ танишдим. Савиям юксалишида рус тили зўр суянч бўлди.

Шеърый тўпламимни ўқиб кўришга бериб, фикрини ололмаган бўлсам-да, Эркин Воҳидов билан лоақал бир лаҳза юзма-юз гаплашишдек улкан орзум рўёбга чиқди. Уктам ака билан уйига йўқлаб бориб, Ҳабибий домланинг кўлидан чой ичганим; “Мартин Иден”имни эълон қилганидан сўнг менга алоҳида эътибор билан қарашни бошлаган, ижодкор деган банда бўрини пойлаётган овчидан-да тоқатлироқ бўлиши лозимлигини қайта-қайта таъкидловчи, ҳузурига бостириб киришга анча-мунча қаламқашнинг юраги бетламагучи Асқад Мухтор билан суҳбат қурганим, болалар адабиётида ғазал жанрини тирилтирганимни олқишлагани, шеърларимни шахсан ўзига кўрсатиб туришдан тортинмаслигимни тайинлагани катта бахт эди.

“Муштум”да масъул котиб бўлиб ишловчи Неъмат Аминов билан ҳам илгари сал танишиб олгандим, юмористик шеър ва ҳажвий ҳикояларимни журналда ора-сира ёритиб турарди. Хат орқали юборган Мирзақанд туркумидаги ҳажвияларимни ёқтириб қолиб, кетма-кетига чоп этишни бошлади-ю, мени ўзига тобора яқин тутиб, Тошкентга борсам чой ичдирмасдан жўнатмайдиган бўлди. Ҳажвияларим ҳатто атоқли адиб Саид Аҳмадга ҳам маъкул келганини айтиб, бир гал мени жуда шодлантирганди.

Тошкентда орттирган дўстларимдан бири қашқадарёлик ёш шоир Муҳаммад Раҳмон эди. Талаба Юсуф Ҳамдамовникидаги ўтиришда танишганимиздан сўнг у билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Курсдошим Акрамжон, Усмон Азим, Эркин Аъзам кабилар иштирокидаги бир улфатчилигимизда магазиндан вино олиб, кўчада ичишга идиш тополмаганимиз, шунда мен бозорчадан катта сариқ бодринг топиб учини кесганим, ичидаги уруғни бармоғимда қовлаб чиқариб стакан ясаганим, ундан шароб ҳўплабоқ четидан озгина тишлаб газак қилаверишимиз оқибатида қадаҳ тобора кичрайиб бораверганини Муҳаммаджон доим кулиб-кулиб эсларди. Шу ошнам энди университетни тамомлаб, “Ёш гвардия” нашриётида муҳаррир бўлиб ишлар, болаларга аталган шеърый тўпламим унинг жонкуярлиги билан 1980 йил нашр режасига киритилган эди.

Радионинг адабиёт бўлимида ишловчи Усмон Азим шеърларимни гоҳ эфирга тарқатиб, тузуққина қалампули жўнаттириб турарди. Ғафур Ғулом нашриётининг бўлим муҳаррири Шавкат Раҳмон бир туркум битигимни “Ёшлик баёзи” тўпламида чиқариб берди.

Тошкентда дайдиб-дайдиб қайтмаганимда, булар қаёқда эди.

* * *

Радиоода тўртта бўлим бор эди – ўзбек, рус, тожик, қрим редакциялари. Қайнотамдан сўнг Шафоат аммам вафот этиб, Бунёд ўғлим туғилган 1980 йилнинг феввалида мени ўзбекча эшиттиришлар бўлимига бошлиқ этиб тайинлашди.

“Бахромнинг ҳикоялари” деган иккинчи китобим ҳам шу йили босилиб чиқди. Қани энди, ўн қоп пулим бўлса-ю, охириги тийини тугаб битмагунича “ювди-ювди”лардан бўшамай, табрикка оғиз жуфтлаган банда борки, ҳар бирига алоҳида зиёфат бераверсам!

Афсуски, ёнчиғим ҳамон юпқа эди. Тошкентга ров бориб, муҳарририм Муҳаммад Раҳмон орқали йиғилган ёш ижодкор оғайнилар учун қуюғидан суюғи кўп ўтиришча қилиб беришга зўрга ярадим.

Ҳарқалай, сўнги пайтларда рўзғоримизга анча қут кира бошлаганди. Аям чеварчиликдан топиб турибди, менинг чўнтагим олдингидан қаппайганроқ, укаларим тобора қад ростлапти – Акрамники оиласига етиб турибди, Тоҳир Россияга мева-сабзавот олиб бориб сотишдан тузуққина наф кўряпти, Файзиобод бетон буюмлар комбинати ошхонасида ошпазлик қилаётган Авазбекка маошдан ташқари ҳафтасига қўшимча хом харажат бериб туришади, армиядан қайтган Дилмурод милиционерликка жойлашиб олган. Фақат, ари уясини эслатувчи хонадонда ғужланиб яшаш билан боғлиқ қийинчиликлар баттардан ошиб бораётган, Тоҳир укамнинг уйланиши бир муаммога ўн муаммо қўшгандек эди. Хайрият, ёш келинни ёлғиз ташлаб Россияда ҳафталаб юришни истамадим, Тоҳир укам аввалига майда-чуйда юмушларга ўралашиб вақт ўтказди, кейин Шаҳодат опам яшайдиган Рудник-кондан ёғлиқроқ иш топиб, шофёрлик қила бошлади. Кўрпа-тўшакларини машинага

юклади-ю, ижарахонага хотинини ҳам олиб кетди.

Ёппасига тупроқтом уйлардан иборат бўлган, отамиз энг катта мерос қилиб қолдирган, нураб бораётган дуволларидаги ҳар қайси кесақдан тортиб, қаровга муҳтожликдан зардаланмай озми-кўп ҳосил тухфа қилиб турувчи дов-дарахтигача юрагимизнинг бир парчасига айланиб улгурган ғарибгина ҳовлимиз ечими қийин муаммоларга лиммо-лимдек кўринарди. Аммо ўзимиз сезиб-қадрламаган ҳолда, энг улкан бахт, энг катта бойликка бўғзимизгача кўмилиб яшаётгандик – ҳаммамиз соғ-саломат эдик.

Минг шукурки, ўзимнинг ҳам соғлигим жойида эди. Четдан кузатганлар буни бир нарсадан сезиб олиши қийин эмасди – қорнимнинг оч-тўқлиги, шароитнинг бор-йўқлигидан қатъи назар, кўлим сал бўшасаёқ, тинимсиз ёзаётган, ёзаётган, ёзаётган эдим.

Радиода ишлаётганимнинг учинчи йили бошланиб, 1981 йилнинг қиши тугаётганида, раисимиз Дониёр аканинг одамгарчилиги, ишни тезлаштириш учун ходимимиз Тоштурғун аканинг ёнимда идорама-идора юриши натижасида, Тўқимачилар шаҳарчасига туташ массивдан менга икки хонали уй берилди. Янги уйланган Авазбек укам Тоҳир акаси бўшатиб кетган уйда яшаётгани учун ҳозирча ҳовлимизда жой етиб турганди, оилам билан шаҳарга кўчишга шошилмадим. Ишда юмушларим кеч тугаса, янги уйимга бориб, одамдек овқатланадиган, бемалол ухлайдиган бўлдим. Қишлоқдагилар бирда бир меҳмонга келиб, супуриб-сидириб кетишарди. Баъзан ошна-оғайнилар, баъзан бу ердан сал нарида яшовчи Машраб жияним қартабоз шериклари билан йиғилиб, тун бўйи улфатчилик қилишар, хонанинг ўртасига тўшалган юпка ипшолча устида маст-алас ғужанакланиб қолгунча ичишарди. Инсондек ухлашни ишташганда ҳам, бу уйда ўзимникидан бошқа кўрпа йўқ эди.

Бошпанали бўлганимдан сўнг, радиодаги ишимга янада унум қўшилди. Гоҳо юқори идораларнинг кечки мажлисларида қатнашардим, гоҳо тунги соат тўққиз-ўнғача ишхонада қолиб, каттаконлар топшириғига кўра шошилиш тайёрланган материалларни кичик техник Насиббахон ёрдамида эрталабки эфирга тахт қилгач, уйга кўнглим хотиржамланиб қайтардим.

Ходимларимиз ўзаро суҳбатда, раисимиз бу йигитни ўзига ўринбосарликка тайёрлапти, деб қўйишаркан. Ишдошим Абдумутал ака бир куни шу ҳақда шама қилиб қолди. Э, қўйсангиз-чи, шу ишимни эплаб турсам ҳам катта гап, дедим-у, бошимда ўз-ўзидан бир ўй чақнади: “Шу пайтгача қизиқиб кўрмабман-а, ўринбосаримиз қанча ойлик оларкин?”

Дониёр ака, сал ўтмай, вилоят партия кўмитасининг ташвиқот бўлими бошлиқлигига кўтарилиб кетди-ю, бундай тусмол гаплар ўз-ўзидан барҳам тоқди. Шу кўмитада учинчи котиб бўлиб ишлаб юрган Роза Каримова бизга раис этиб тайинланди.

“Ялтироқ тугма” деган қиссамни бир йил олдин ёзишга киришиб, асосий қисмини қораламалаб бўлган эдим. Янги уйдаги тинч шароит кўл келиб, шуни чалароқ тарзда бўлса ҳам баҳор ичида охирига етказдим. Қисса, балки ўша йилнинг ўзидаёқ мукамал шаклга эга бўлармиди, лекин бирдан шароит ўзгариб, ичимга тугиб қўйганларим – айрим жойларга қўшимча киритишлар, жумлаларга қайта жило беришлар ниятлигича қолиб кетди.

Ёзининг бошларида, жонтортар дўстларим қаторида турувчи Муҳаммад Раҳмон ишхонадаги телефонга кўнгироқ қилиб, муҳим бир гап бор, тезда Тошкентга келиб кетинг, деди. Бордим. Матбуотчилар ошхонасида бирга тушлик қилаётиб, жуда шошилиш чакриб қолдингиз, яна бирорта китобимни чиқармоқчимисиз, деб ҳазаллашдим унга.

– Бундан ҳам зўрроқ масала бор, – деди Муҳаммаджон. – Ишқилиб, Худо йўлингизни очсин. Билсам, “Ёш гвардия” наشريётининг янги бош муҳаррири Эркин Воҳидов “Баҳромнинг хикоялари” тўпламининг босмахонага топширишдан олдин ўқиб кўриб, китоб муҳаррири Муҳаммаджонни хонасига чақирибди, мен ҳақимда сўраб-суриштиришга тушибди. Муҳаммаджон ҳайрон бўлиб, бу йигит ўзингизнинг Олтиариғингиздан-ку, танимайсизми, деса, бир-икки кўришганимиз-у, тузукроқ гаплашганимизни эслолмайман, дебди. Сўнг шеърларим жуда ёққанлигини айтиб, булар менга болалар адабиётида янгиликдек бўлиб кўринди, ё адашдиммикан, деб савол берибди.

– Бир Тошкентга келиб, иш тополмай кетган эди, – деб гапни керакли мавзуга бурибди Муҳаммаджон. – Шу йигитни Тошкентга олиб келолмайсизми?

Буни эшитиб, Эркин ака кулиб юборибди:

– Ўзим ҳам худди шуни ўйлаб турувдим. Бошқа жойдан иш топсак, уларга нимасидир маъқул келмай қолиши мумкин. Яхшиси, ўзимизда бирорта ўрин бўшашини кутайлик. Бўшаши биланоқ, тезда эсимга солинг.

Бундан икки-уч кун олдин бир муҳаррир бўлак ташкилотга ишга ўтиб, ўрни бўшаб қолган экан. Муҳаммаджон ўша куниеқ Эркин аканинг олдига кириб, мени ёдига солибди. Бугундан қолдирмай чақиринг, бир гаплашиб кўрайлик-чи, дебди Эркин ака.

– Бу жойга ишқибоз кўп, – деди Муҳаммаджон. – Ўзимиздаги кичик муҳаррирлардан тортиб, четдагиларгача фizzo-ғиз бўлишни бошлашди. Эркин ака директорга сизни шипшитган

бўлса керак, ҳозирча бировга ён бермай турибди.

Аслида, муҳаррирлик лавозими у ёқда турсин, китоб чиқаришга оид ҳужжатларни расмийлаштириб ўтирувчи кичик муҳаррир, имловий хатоларга жавобгар корректор (мусахҳих), ҳатто куни нашриёту босмаҳона ўртасида бўзчининг моккисидек борди-келди билан ўтадиган югурдак техник ходим бўлиб ишлашга ҳам шай эдим. Илон бошини ковакка сиғдириб олса бас, кейин сичқон ундан қутулиб бўпти!

Соат учларда Эркин аканинг олдига кирдик. Муҳаммаджон гап-гапга қовушгунча пича ўтирди-ю, мен ишлаб турай, бўлмаса, деб чиқиб кетди. Эркин ака диплом бўйича касбимни, қаерларда ким бўлиб ишлаганимни, турмуш шароитимни бир-бир суриштира кетди, мен борини борича айтавердим. Гап оилавий аҳволимга бориб тақалганда, Эркин ака наъра тортиб юборай деди:

– Бешта?! Ҳаҳ ҳў-ў! Шунча бола билан Тошкентга келиш учун жасорат керак бўлади одамга. Жасоратга тобингиз қалай?

– Ҳаммасига чидайман, – дедим дадил. – Ҳатто уйсизликкаям.

Эркин ака уй муаммосини бирор йилда ҳал этишга ҳаракат қилишини айтган эса-да, тўрт-беш йил бошпанасиз юришга ҳам рози эдим.

– Тугунингизни тугиб тураверинг, – ниҳоят, кирганимдан бери мен илҳақ бўлиб кутаётган гапни айтди Эркин ака. – Директорнинг олдидан яна бир марта ўтиб, ишни пиширай. Кейин сизга хабар қиламан.

Бошим кўкка етди деган сўзнинг туб маъносини англаш учун киши менинг шу топдаги ҳолимга тушиши лозим бўлади. Осмонда бўлгандаям, еттинчи осмонда эдим. Қуёш тизимида ҳарча кезгичлар аллақачон пастда қолиб кетганди.

Ўша куни бошқа бир нарсадан ҳам қувондим – қишлоқдош дўстим Абдусалом билан полкдош бўлган эски оғайним Аҳмаджон Мелибоев бу нашриётга яқинда бош муҳаррир ўринбосари этиб тайинланган экан. “Ёш ленинчи” газетасида ишлаётганида, бутун иттифоқ миқёсидаги зарбдор жабҳага айланган Қарши чўлини ўзлаштиришга бағишлаб битган “Қаршига қарши” дostonимни чиқаришга кўп уринганди; ҳатто бош муҳаррир ҳам босишга мойил бўлиб турганида, катталигидан газетанинг бир саҳифасигаям сиймаяпти, беролмайдиган бўлди, деб бирдан айниб қолишди. Газетанинг маданият бўлимида, бир опа ишларди, икки йилча олдин унга кўрсатган шеърларимни маъқул эмас деб қайтарганида, озгина айтишиб қолган эдик; билсам, шу аёл яна монелик қилибди.

Сал ўтмай, Тошкентдан хушxabар келди. Июньнинг ўн бешинчи кунида раисимиз Роза Ўринбоевнага ишимдан озод этиш ҳақидаги аризамни олиб кирсам, сизни анча-мунчага кўлдан чиқармасдим-у, кўтарилишингизга тўсқинлик қилолмайман-да, деб кўл кўйиб берди. Ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб айтганда, баъзида ишдан бўшаш ўзинг суймаган хотин билан ажрашаётгандек ҳузурбахш туюлади. Шу топда эса, Тошкентга қанчалар интиқиб талпинаётган бўлмайин, бу ишхонадагилардан ҳам айрилгим келмаётганди.

Агар туғма ланж бўлмасанг, яхши кайфиятда бошлаётган юмушинг унум келтирмай қолмайди. Тошкентни забт этишга қаратилаган иккинчи юришим олдиндан чеҳрам яшноқ, кўнглим сокин эди: опаларим бир этак-бир этак болаларини эрлари Собирвой, Аъзамбой, Тўлқинбойларга боқтириб, тинчгина яшаб ўтиришибди; Акрам укамга колхоз томонидан қурилган кооператив уйлардан бири тегиб, чўлда кун кечириб азобларидан фориг бўлди; Авазбек магазинчиликка ўтиб, ўзини янаям ўнглади, мотоцикл сотиб олди, оиламизнинг умумқозони жазлари, асосан, унинг бўйнида; Дилмурод ҳануз милиционер, лейтенантлар мактабига киришга уриняпти; ака-укалар ўртада тўй қилиб, каттароқ ўғилларимизни мактаб ёшига етмасидан “кестириб” олганмиз...

Бу пайтда Тоҳир укам юк машинасида доvon оша Қирғизистоннинг шимолий минтақаларига қатнайверишдан толиқиб, Рудник-конда буфетчилик қилишга ўтганди, тоғ-тошда юрмасдан шу ерга келиб яшайвер, деб шаҳардаги уйимни унга бердим. Яхши ўйлаган эканман, укам кейинроқ амманнинг ўғли Машрабга қўшилиб, Камчаткага мева-сабзавот топшириб келадиган бўлди, картмони бўртиб, қишлоқдаги оиламизнинг пишиққина таянчига айланди. Аямни кўпдан бери хавотирлантириб юрган эски дўнғалак уйни бузиб, пастакроқ бўлсаям, бошқа иморат қуришимизга катта улуш кўшди, гоҳо ҳатто болаларимнинг кийим-пийимига ҳам парво қилиб турди.

Тошкент сари шайланувни радиодаги меҳмонхонада тунаб қолганимда кечалари машинкалаб юрган шеърларим ва насрдаги бири битган, бири чала кўлёмаларимни картон папкаларга йиғиб, жомадонга жойлаб қўйишдан бошладим. Буларнинг аксариятини болаларга аталган асарлар ташкил этарди, энг ишонган кузур қарталарим шулар эканига “Баҳромнинг ҳикоялари” китобимга мақтовлар кўпайгани сайин тобора иқроор бўлиб бораётгандим.

Эркин аканинг таклифи ҳақида ишхонадагиларгаям, уйдагиларгаям охириги паллагача

ҳеч нима демагандим, тўйдан олдин ноғора чалишни илгаритдан ёқтирмасдим. Тошкентга ишга ўтаётганимни аямга радиодан бўшаб борган куним айтдим. Аям хайратга тушиб, қачон кетишимни сўраган эди, бугун кечқурун поездга чиқаман, дедим.

ТУГАЛЛОВ

*Ўзинг бир ботқон балчиқзорга
боратуриб, ковушингни тозалаб ол.
Гулмат Шоший*

Умримнинг, асосан, қишлоқда кечган даври якунига етганди. Ҳаётимнинг бу қисмида илк бор инсон фазога учгани (СССР), Ой кезгичига қадам қўйгани (АҚШ), совет фазогирлари ҳалокатга учрагани; руслар эндигина синовдан ўтказаетган ҳарбий ракета воситасида америкаликларнинг “У-2” айғоқчи учоғи уриб туширилгани; Корея уруши, бир миллатнинг бўлиниб кетуви, Вьетнам уруши эса, ажратиб ташланганларнинг бирлашуви билан барҳам топгани; икки уммонни туташтирувчи қазилма Сувайш канали, Мисрда Осуан тўғони фойдаланишга топширилгани; чапани Хурушчёвнинг “омон-омон”ида юз минглаб сиёсий маҳбуслар, урушда душманга асир тушгани учун қамалган аскарлар озодликка чиқиб, халқ душмани сифатида отилганлардан кўпининг номи оқлангани; Отатурк қайта шакллантирган Туркияни бут асраб қолиш ниятида ҳокимиятни ҳарбийлар қўлга олгани; рангли телевизор, қўполдан қўпол симсиз телефон, нейлон мато, нейтрон бомбаси, одам аъзосини кўчириб ўтқазиш кашф этилгани; Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги урушни тўхтатиш юзасидан иккала давлат раҳбарлари Ўзбекистонда музокара олиб бориб Тинчлик шартномасини имзолагач, ҳиндлар етакчиси Лаъл Баҳодир Шастри Тошкентда бандаликни бажо келтиргани; совутгичлар, магнитофонлар, кир ювиш машиналари қишлоқларга кириб келаётгани; жаҳонда энг узунлардан ҳисобланмиш Байкал-Амур темир йўл магистрали барпо қилингани; қирғинбарот Афғон уруши бошлангани; Тошкентда метрополитен пайдо бўлгани каби тарихий воқеаларнинг шохидига айландим.

Жавоҳарлал Неру, Сталин, Мао Цзе Дун, Ким Ир Сен, генерал Де Голл, Анвар Саодат, Чемберлен, Жон Кеннеди, Анвар Хўжа, Индра Ганди, Фидел Кастро, Хошимин, Ёсир Арофат, Салвадор Алйенде янглиғ шов-шувчи давлат арбобларига; жанубий америкалик Чегевара, жазоирлик Жамила, америкалик Мартен Лютер Кинг, россиялик Солженицин, африкалик Манделла каби бири халқининг ҳақ-ҳуқуқи, бири юртининг озодлиги учун жонини тикиб курашган кўламдор исёнчиларга озми-кўп муддат замондош бўлдим.

Тагин айтсам... Газета парчасига ўраб чекиладиган бадбўй маҳорка; найчадум “Красная звезда”, “Прибой”, “Север”, “Беломор канал”, “Казбек” папирослари; “Памир”, “Прима”, “Махорочная”, “Лайка”, “Космос”, “Шипка” сигаретлари замонидан тортиб, советлар юртига ниҳоят четдан (асосан, Болгариядан) кириб кела бошлаган “Ту-134”, “Стюардесса”, “БТ”, “Родопи”дек филтрлилар, ҳатто Куба сигараларни кўзкўзлаб тутатиш давригача бўлган йўлни босиб ўтдим.

Миллатчилик туйғуси кўнглимда ўз қўрғонини кунма-кун мустаҳкамлаётгандек эди. Бу туйғу ҳаётда ўз бошимдан ўтказган, жисмимда оғир асоратлар қолдириб улгурган айрим касалликлардан-да хатарлироқ ҳисобланмиш руҳий хасталик эканини тушуниб етишим учун ҳали анча вақт керак бўлади.

Кимларга замондош бўлмадим, неларни кўрмадим. Насиб этса, ҳали яна кўраман.

Советлар мамлакатадаги каби Ер кезгичида ҳам аҳоли тинимсиз кўпайиб бораётганди. Хомтамаликни қарангки, миллиардлардан бири бўлиб турган Анвар Обиджон шу тортиқинлик ичра алоҳида кўзга ташланиш учун ўзича терлаб-потирлаб ирғишлаётган эди.

Эркин Воҳидов билан учрашганимдан сўнг, бошкентга кетишим ойдинлашиб қолган чоғларда, куну тун уйланиб, ўзимни тергаб юрдим. Ўпкангни янаям босиб ол, шоир. Эндиям энгилсанг, бари тамом дегани. Чоҳга ағдарилиш тугул, қаттиқроқ қоқинишдан ҳам асранишинг шарт. Емиши ерда бўлса-да, туяларга тепаланмаслик учун тўрғай учини ўрганди. Тўрғай тажовузчи эмасди, шу боис туялар унинг ўзларидан баландда эканлигини малол олмади, зиён етказишга уринмади. Ҳар юмушда етти ўлчаб бир кесишинг, етмиш ўйлаб бир сўзлашинг; оғирчиликларга, ноҳақликларга, қадрланмасликларга, ифвогарликларга, ҳаттоки камситишларга – ҳамма-ҳаммасига сабр-тоқат билан чидашинг; ўзингни гоҳ анқовликка, гоҳ омиликка, гоҳ карликка солиб яшашинг; бири биридан дағдағадор девларнинг оёғи остида мажақланганча буткул ном-нишонсиз йўқолиб кетмаслик учун тиришиб-буришиб

кучанмоғинг керак бўлади. Яна бир муҳими – эски кин-гиналарни кўнглингдан ёппасига су-пуриб ташла, янги жойга топ-тоза юрак билан кириб бор. Салобатини йўқотиб бўлган оиланинг нуфузини бошқатдан кўтармоқчи бўлсанг, шуларга қатъий амал қилишга қувват топ. Энг аввало, ўта шармандали ишга қўл уришдан, жиноят кўчасига кириб қолишдан, айниқса, эҳтиётсизлик ёки жаҳолат боис аҳмоқона ўлиб кетишдан ўзингни асра.

Кўриниб турибди, бу қадар эҳтиёткорлик, бу қадар ҳуркаклик кўнглимга мустаҳкам ин қуриб олса, бўйин қисиб яшаш даражасида қўрқоқлашиб кетмайманми; турмушда ўта қалтис вазиятга тушиб, назокатли туйғуларни четга суриб туриш зарурати туғилса, бу кўникмалар қуршовидан лоақал вақтинча суғурилиб чиқа оламанми, деб безиллаяпсан. Буни билмадим, лекин у томонини ўйлаб ўтираверсанг, бу томонда сезиларли силжиш юз бериши қийин...

Бунақа ўйларнинг адоғига ҳам, тагига ҳам етиб бўлмасди. Хаёлларга нуқта қўйишга интилардим – бу ёғини Худонинг ихтиёрига ҳавола қилиб, йўлингдан дангал бораверсанг-чи. Аммо бошга тушганнинг барини ҳам Худодан кўраверма, кўпига, барибир, ўзинг сабабчи бўласан.

Қандайлиги менга тузуккина маълум бўлган манзилда мени номаълум бир қисмат кутмоқда эди. Ўшанда ўттиз беш ёшга тўлаётгандим. Тошкентга кетиб, яна шунча яшайманми, йўқми, билмасдим. Униб-ўсаманми, тугалай оёқости бўламанми, буниси ҳам қоронғи эди. Тангрисини ҳануз хира-ярим таниб юрган мен чаламусулмон банда фақат бир нарсани – шу дамгача қай тарзда кун кечириб келганимни билардим, холос. Болалик – пошшолик, ўсмирликдан бошлаб эса, нуқул бахтимни қидириб яшадим.

Баъзан бошимда ажиб бир ўй эловланиб, ғойибдан келаётган товушдек, мени саволга тутарди – Яратгучининг амри ила ҳаётни янгитдан бошлашни истарминдиги?

У вақтда қандай жавоб қайтаришни билмасдим, энди эса, ҳеч иккиланмасдан айта оламан: нелардан яйраб, нелардан ўксиган, кимларга талпиниб, кимлардан безиган бўлмайин; худди ўша муҳитда, айнан ўша одамлар билан бирга бошқатдан яшашга розиман. Бегона муҳит – бировнинг уйи, у ерда бирон-бир нарса кўзга иссиқ кўринмоғи даргумон. Берсангиз, яна ўзимнинг кечмишимни беринг. Фақат, жоиз топсангиз, биттагина саволим бор – янги ҳаётга, озгина бўлса-да, энг зарур ўзгартишларни киритиш мумкинми?

Мумкин бўлса, биринчи галда, лоақал, дадамни имкон қадар камроқ ранжитган, аямга кўпроқ дам берган бўлардим; тили ҳали бурроланмасдан вафот этган Ҳомитжон укам, Зуҳрахон синглимни кўз қорачиғимдек асрардим, уларни ўша лаънати дардларга чалинтирмасдим; болалигимда бошини тошда чақиб ўлдирган гуноҳсиз чумчуқчани энди секингина ердан олиб, тутдаги инига авайлабгина жойлаб қўярдим. Кейин... агар-р, яна мумкин бўлса...

Яна нималар қилай? Нималарни қилмайин? Ўзингиз шипшита қолинг, яхшилар...

Тамом

Назм


**Ханифа
СОЛИХОВА**

1939 йилда тугилган.
Андижон Давлат
институтининг
филология факультетини
тамомлаган. Филология
фанлари доктори,
профессор.
Тўртта монография,
адабиётшуносликка
оид ўнлаб рисоалар ва
юзга яқин мақолалар
муаллифи. “Севги
сирлари”, “Диёрга
таъзим”, “Кўнгил
пиёласи”, “Юлдузлар
чақнаганда”,
“Қуёш маликаси”,
“Шайдойингман Ватан”
шеърий китоблари чоп
этилган. “Дўстлик
ордени” соҳибаси. Олий
таълим аълочиси.

ҚУЁШДАН ПЕШОНАМ ЯРҚИРАР

Ўзбекистоним

Дунёда ягонам – Ўзбекистоним,
Тенги йўқ улугим, гўзал бўстоним,
Қалбимга жо этгум, эй меҳрибоним –
Ўзбекистон – жоним, жаҳоним ўзинг!

Осмоннинг лабидан ранг олган маҳал,
Ойнинг нурларидан сен олган зарҳал,
Қуёшдан пешонанг ярақлар ҳар гал –
Ўзбекистон – жоним, жаҳоним ўзинг!

Бағринг шунча кенгдир, иссиқ онамдай,
Қумуш тоғлар каби ҳиммат отамдай,
Тоza – виждон янглиг қалбинг оташидай –
Ўзбекистон – жоним, жаҳоним ўзинг!

Богларда очилган гулларинг қийғос,
Зарингга кенг жаҳон қиларкан ҳавас,
Аҳлингдан наф кўрар эллар беқиёс –
Ўзбекистон – жоним, жаҳоним ўзинг!

Фарҳоддай тоғларни айладинг талқон,
Лочиндай йигитлар юртингга қалқон,
“Ҳеч кимдан кам эмас”, элига посбон –
Ўзбекистон – жоним, жаҳоним ўзинг!

Шундай яшамоқлик одатий ҳолдир,
Ўзбекистон тилингдан тўкилган болдир,
Жаҳон минбарига ярашган ҳолдир –
Ўзбекистон – жоним, жаҳоним ўзинг!

Райҳоннинг ҳидидан маст кўнгил

Рухим эмаклайди, қанот қоқади,
Райҳоннинг ҳидидан маст бўлиб ҳайрон.
Рухим дарё каби суздай оқади,
Рухим сенга ошно, мен ўзим бийрон.

Райҳон ҳидларига маст кўнгил қайда,
Райҳонга руҳ бўлиб қўшилганим рост.

*Рухим кўшиқ бўлиб айтилган жойда
Райҳоннинг ҳидидан карахтман ҳақрост.*

*Рухим осмонларга тўхталиб бирдан,
Оллоҳим қўлласса, тоза руҳ райҳон.
Уйқашиб ҳамроҳ мен, мен ошиб қирлар,
Райҳоннинг атридан мен бўлиб ҳайрон.*

*Мен руҳни авайлаб бокира қилгум,
Энг нозик ҳисларга қалбимни бердим.
Қиблагаҳ томонга райҳонни илдим,
Ҳаётдан мисқоллаб бахтимни бердим.*

*Шундайдир яшамоқ имконим менинг,
Рухимга хуш ёқар шундай райҳонгул.
Тоза руҳ халқим бор – асил меъморим,
Райҳоннинг ҳидидан чарақлар кўнгил.*

Оқ рўмол

*Онамнинг бошида нурли оқ рўмол,
Зарҳалдай зеб берар ҳурли оқ рўмол.*

*Оқлиги оппоқ тоғ каби муаззам,
Оқ пахта тимсоли бошда мунтазам.*

*Қалби оқ оламдай ясанган диёр,
Бошида рўмоли онамдай эл ёр.*

*Оқ рўмол сайқали дилга оромдир,
Бойлиги, оқлиги, элга оламдир.*

*Оқ рўмол ётинчиқ аёл рухсори,
Оқ рўмол қоқиндиқ кўнгил сарвари.*

*Дунёда янграган она овози,
Юлдуздир ёки ой, жарангдор сўзи.*

*Онамдай оқ рўмол бошда оқила,
Донолик рамзидир, дили бокира.*

*Онамнинг бошида ҳилтирар қуёш,
Нурларга чўмилар оқ рўмолли бош.*

*Онамдай бўлсам мен, неки буюрса,
Кокилли санамдек сочим ўраса.*

*Оқ рўмол иффатли, поклик рамзидир,
Онамнинг дардидай умр қарзидир.*

*Оқ рўмол бошида сўзлар онажон,
Фарзандлар камолин кўзлар онажон.*

*Оқ рўмол бошида яратган боғлар,
Осмонга интилиб оқ қорли тоғлар.*

*Онажон жаҳоним – Ватан оқ рўмол,
Оппоқ нур бошида яшнар истиқлол.*

Майсалар лаб очган кунда

*Осмоннинг қовоғи осилган кунда
Майсалар лаб очган адир-қирларда,
Ҳавонинг ним салқин этақларида
Қушчалар чириллар жарангдор унда.*

*Ҳорғин тупроқ тафти эпчил қўлларда,
Майсанинг кўк рангин қилар дабдаба.
Майсалар севмайди қуруқ сафсата,
Лаб очган майсалар чопқир йўлларда.*

*Иймони бутунми ўша майсанинг,
Лаблари гулмиди ёки хон писта?
Майсадай ким нозик ҳар дақиқ эсда,
Ҳиммати ўзгача дардкаш майсанинг.*

*Осмондан тушганда еттита малак,
Майсанинг лабида нурли бир сеҳр.
Майсадан оламга ёғилган меҳр,
Майсадан ҳал бўлар энг олий тилак.*

*Наврўзи оламда лаб очган майса,
Ҳурларнинг юраги, тилаги бўлди.
Яхши ва ёмоннинг элаги бўлди,
Келиндай ясаниб, гул очган майса.*

*Майсалар лаб очган кунда, ўша дам
Очилди дилкашнинг бахт-саодати.
Майсадан шод кўнгил халқим одати,
Бу юртнинг сайқали, майсалари ҳам.*

Андижон



ЧОРШАМЪ

1955 йилда тугилган.
Тошкент Давлат
университетининг
журналистика
факультетини
тамомлаган. Унинг
“Шарқий қутб”,
“Маҳак тош”, “Афанди
алдамайди”, “Айро
йўллар”, “Севгини
согиндим”, “Ошиқлик”,
“Сайланма” китоблари
чоп этилган.

РУҲИМДА ЧАЛИНАР ЗАНГИЛА

Бир алфозда

Бир алфозда минг йиллар
Тураолур харсанг тош.
Бир алфозда чинор ҳам
Яшашига топар бардош.

Индамасанг йўллар ҳам
Ўзгармайди минг йиллар.
Минорлар ҳам туну кун
Чарчамас кўкка қараб.

Бир алфозда кечади
Қишу баҳор, ёзу куз.
Бир алфозда нега мен
Тураолмайман, афсус?

Овозсиз дунё

Овозсиз кўраман дунёни,
Тафаккур этаман бир йўла.
Англа деб зулмат ва зиёни
Руҳимда чалинар зангила.

Куйига боқаман ҳар саҳар:
Маҳзунми ёки шўх янграгай.
Шу оҳанг измида ҳар сафар
Кўнглим ҳам булбулдай сайрагай.

Сиз уни туйсангиз қанийди,
Бир согинч тилардим жон нафас.
Тафаккур этмоққа арзийди
Овозсиз турган ҳар хору хас.

Фарғонага кетгим келади

Юрак ютиб ёруғ дунёда
Бир кун жазм этгим келади.
Битта ўзим пою пиёда
Фарғонага кетгим келади.

Отабек от солган йўллардан,
Қумуш боқиб толган йўллардан,
Муҳаббатим қолган йўллардан
Фарғонага кетгим келади.

Водилида яшар у дилдор,
Қирмизи лаблари нақ анор,
Соғинаман тунлари бедор
Фарғонага кетгим келади.

Фарғонанинг йўллари олис,
Қалбни ёмон қийнайди бир ҳис,
Балки мени кутар ўша қиз,
Фарғонага кетгим келади.

Тўрт унсур фалсафаси

Сокин ҳаёт ёқмайди менга,
Яшиолмайман тупроққа ўхшаб.
Интиламан ҳампиша кўкка,
Қолмагайман бир ерда тўхтаб.

Ҳаво керак, мусаффо ҳаво,
Симирганда яйрайди таним.
Фақатгина ҳаволаб кетмоқ
Балосидан асрасин Тангрим.

Чиқишмайман сув билан сира,
Нам вужудни хароб этади.
Кўпни кўрдим, суюлган ҳамон
Жарликларга оқиб кетади.

Зарра учқун етади менга
Ва пайтида топилган қалов.
Рухим – жоним яйрайди шунда,
Ахир, менинг унсурим олов.

* * *

Попукли қушчани томоша қилиб,
Онам турардилар ҳовлида ёлғиз.
Гоҳо кулардилар қувончга тўлиб,
Гоҳо қолардилар ўйчан ва маънос.

Шу маънос нигоҳлар чўкди ёдимга,
Жудолик азоби беҳад ўртади.
Фақат Ўзи етди менинг додимга,
Одамзод дегани сира етмади.

Қушлар, паррандалар ила дўстлашиб,
Уларнинг тилини ўрганар бўлдим.
Гарчи, сўзлашмоққа ҳали имкон йўқ,
Ҳарқалай нимадир англадим, билдим.

Энди мен тураман ҳовлида ёлғиз,
Онам турган жойда хаёлга тўлиб.
Ва гоҳо кўзимга ёшлар қалқийди
Попукли қушчани томошо қилиб.

* * *

Кошки эди, йиғлай олсайдим,
Бўшатардим кўнглимни тўйиб.
Кетар эдим узоқ-узоққа,
Ҳамма, ҳамма, ҳаммасин қўйиб.

Кошки эди, кула олсайдим,
Бўшатардим кўнглимни тўйиб.
Кетар эдим, яна узоққа,
Ҳамма, ҳамма, ҳаммасин қўйиб.

Аросатда ўртанаман жим,
Ҳур ҳаётни соғиниб чунон.
Қандай маҳзун, қанчалар гамгин,
Севгисини йўқотган инсон.

* * *

Бу қиз мунча гўзал, мунча ораста,
Соатдай юради, қушдай туради.
Ҳаммаёқ саранжом бўлар бир пасда,
Торгина ҳовлида жаннат қуради.

Кейин, зимдан боқиб, сўзлайди нозли,
Вужудинг ёндириб кетади бу сас.
Шунчалар сирлики, шунчалар нурли,
Уни севмаслигинг сира мумкинмас.

* * *

Табиатан гамгин одамман,
Худо лойим шундайин қорган.
Болаликдан феълим товланиб,
Қўрғошиндай қотгану қолган.

Уни тубдан ўзгартирай деб,
Кўп уриндим, сира бўлмади.
Қанча туйғу, тафаккур сўлди,
Аммо сабил одат ўлмади.

Шундай яшаб ўтарман, энди,
Ўзгаришлар кўп бўлмас тайин.
Бироқ... инсон табиатидан
Ҳар нарсани кутмоқлик мумкин.



Жумагул СУВОНОВА

1961 йилда туғилган.
Самарқанд Давлат
университетини
битирган. Филология
фанлари номзоди.
Ҳозирда вилоят
Ўрта махсус, касб-
хунар таълими
бошқармасининг
“Улугбек ворислари”
газетаси муҳаррири.
Унинг “Тиллақош”,
“Йиғлаётган оху”, “Мен
сизмаган дунё”, “Оловли
фасл”, “Одамқуш
қўшиғи” сингари шеъррий
“Умр қарвони”, “Қирмиз
қизнинг қиссаси” номли
насрий тўпламлари чоп
этилган.

ОРЗУЛАРИМ ЙЎЛИ

Тупроқ исси

*Шу муаттар тупроқ сувратин,
Жон-жонимга солиб юрибман.
Унда неки бўлса, барини
Нигоҳимда олиб юрибман.*

*Йўлим буриб, ўзига томон
Ҳаёт мени тортиб боради.
Қанча узоқлашсам, тупроққа
Шунча меҳрим ортиб боради.*

*Неки ифор чорласа бари,
Не тароват ёзса исмини.
Ҳеч биттаси босолмас, отам,
Кучиб ётган тупроқ исини.*

*Шу тупроқнинг гардиман, ахир,
Орзуларим йўли...
Қисқаси...
Келганимдан буён топганим,
Тупроққа туташини қиссаси.*

*Севгимни ҳам, озоримни ҳам,
Ёзаяпман,
Қўлларим толиб.
Бораяпман,
Мангу эзгулик –
Диёрига, бошимни олиб.*

Наъматак

*Гулбута тикони
Жуда ҳам аччиқ,
Тегса қони кафтга
Хино бўлади.
Қутсангиз бир қуни
Меваси пишиб,
Барча дардингизга
Шифо бўлади.*

Гулбута тикони
 Жуда ҳам аччиқ,
 Тегса тилар ҳатто
 Дилингизни ҳам.
 Парвариш қилсангиз
 Ўзидан ортиб,
 Гулга бурқар сизнинг
 Умрингизни ҳам.

* * *

Хов, ана,
 Кўриниб турибди йўлда,
 Ҳали оппоқ қорлар
 Ёполмаган из.
 Тун бўйи
 Юлдузга термилиб, ўша
 Гулдор рўмолини
 Сийпалаган қиз.

Унинг эгнидаги
 Эски жомакор
 Ҳали дош беради
 Қанча қор, дўлга.
 Фақат юрагига
 Тегиб бўлмайди,
 Юраги
 Тўкилиб боради
 Йўлга.

* * *

Кўнғир рўмолини
 Кифтига солиб,
 Шамолда тебраниб,
 Маст каби беҳол.
 Бемалол ажриққа
 Ўтириб олиб,
 Дарахтлар
 Кун бўйи
 Суради хаёл.

* * *

Шамол бошин уради боққа,
 Талмовсирар дарахтлар беҳол.
 Зардасини сочиб ҳар ёққа,
 Ғичирлайди кекса боботол.

У шамолга бўй бергиси йўқ
 Ва илтифот кутар осмондан.
 Тол ишига қилиб қасдма-қасд
 Шамол бўса олар райҳондан.

* * *

Мен – майса.
 Мен – япроқ.
 Мен – хок бўламан.
 Балки бир дарё
 Ё иккита қирғоқ бўламан.
 Мен узоқ қоламан ҳали сиз билан,
 Кетсам, бир кун сизга қайтар
 Булоқ бўламан.
 Бу ҳаёт...
 Мен ўлим кулбасида ҳам,
 Бори ҳисларимни
 Куйга соламан.
 Икки дунёда ҳам
 Сўроқ қилсалар:
 "Муҳаббат бор!" дея,
 Айта оламан.

* * *

Кетсам...
 Кетишим тайин
 Қадамларимни ўлчаб,
 Дайди итлар тополмас,
 Ҳуришларига сабаб.
 Қанча кесиб, сермаманг,
 Яшовчан менинг жоним.
 Ўтаётган дунёдан
 Ахир, менинг карвоним.

* * *

Аламнинг,
 Азобнинг,
 Қайғунинг
 Либосини ечиб ташлаяпман, мен.
 Хазон сингилларим билан
 Қувлашиб,
 Бирга қанот қоқиб,
 Яшаяпман, мен.
 Борлигидан кечдим,
 Энди дунёнинг.
 Заминни бўйини бўйламоқчиман.
 Сўнги нафасимнинг гашитини,
 Учиб,
 Хазонлар тилида
 Куйламоқчиман.

Самарқанд

Муаззам Шарқ хазинасидан



Абу Али Ибн СИНО

ИШҚ ҲАҚИДА РИСОЛА

Олтинчи фасл¹
Аҳли дил (илоҳий қалблар) ишқи

Ҳар бир ҳақиқий мавжуд ашё қайсидир бир эзгуликни қабул қилар ёки ҳосил қилар экан, ҳайвоний руҳлар гўзал шаклларни севгани каби уни ўз табиатига кўра севади. Ҳар бир ҳақиқий мавжуд ашё сезги туйғуси ёки ақл-фаросат билан табиий равишда ўз турмушига фойдали ишларни бажаради. Бу ишларга табиатан ихлос ва муҳаббат билан киришади. Айниқса, шахсий ҳаёти учун зарур ва эътиборга молик ишларни зўр ихлос билан бажаради.

Ҳайвонларнинг емишга, болаларнинг ота-оналарига бўлган интилиши худди шунга менгзади. Яна шундай ҳам бўладик, у ёки бу мавжуд ашёнинг бошқа бирига эришмоғи, яқинлашуви ва яқин алоқада бўлиши унинг даража ва устунлигини оширишга хизмат қилади. Бунда ўша нарса иккинчисига ўз табиатига кўра, катта иштиёқ билан интилади. Бу худди ишчи шогирднинг уста (устод, пир)га интилгани каби бўлади.

Яна, агар руҳлар, у инсонга тегишлими ёки фариштагами, қатъи назар, Хайр ул-Мутлақ (офариниш, малакут, жабарут оламлари) ҳақида етарлича илмга эга бўлмаса, илоҳий руҳ эгаси, деб аталмайди. Чунки бундай қалбларга ақлий тушунчалар ҳақида тўла билимга эга бўлгандан кейингина ўша сабабларга боғлиқ равишда камолот бахш этилади. “Азалий сабаб” (ҳаюло олами) “Чин сабаб” (ашёлар олами) тўғрисидаги илмни эгалламасдан бу нарсалар ҳақида мушоҳада юритиш

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

Таржимонлардан

Ўрта асрлар Ғарбий Европа мамлакатларида черков ҳукмронлик қилиб, турғунлик узок давом этган бўлса, Шарқда қадимги ҳинд фалсафаси, зардуштийлик, монийлик, янги афлотунчилик, эллинизм маданий меросини ўрганиш ва энг муҳими, исломият маданиятида илм-фанларни излаш оқибатида калом, ҳадис, адаб фанлари гуллаб яшнади. Уйғониш – маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Беруний, Абу Бакр Розий, Ибн Сино, Зайниддин Ғаззолий, Маҳмуд Замаҳшарий, Ибн Божжа, Ибн Туфайл, Ибн Арабий, Ибн Рушд ва бошқа алломаларнинг илмий-ижодий мероси кейинчалик Ғарб Уйғониш даврининг бошланишига кучли таъсир кўрсатди.

Абу Али ибн Сино тиббиёт илми даҳоларидан бири, Арасту ва Форобийнинг издоши, руҳшунослик, тиббиёт, фалсафанинг турли соҳалари – мантиқ, ахлоқшунослик, эстетика, онтология (борлиқни ўрганиш), гносеология (билиш назарияси), калом-

мумкин эмас. Бу ҳақида табиат (физика) тўғрисида илк мулоҳазаларимизда ҳам айтиб ўтганимиздек, Аввалги сабаб, Азалий сабаб бўлмаганда эди, ақл бовар қилувчи нарса (ашё)лар ҳам бўлмас эди.

Азалий сабаб моҳияти жиҳатидан мутлақ соф, эзгулик демакдир. Бунинг исботи қуйидагича: Илк сабаб ҳақиқий борлиқ ҳисобланади. Ҳақиқий табиатга қарашли қолган барча мавжуд нарсалар маълум эзгуликдан мосуво эмас. Эзгу-хайр ё моҳиятли, ёки мутлақ, ёхуд эришилган (кейин қўлга киритилган) бўлади. Азалий сабаб бу – эзгулик, унинг эзгулиги моҳиятан ёки мутлақ ва ё эришилган бўлиши мумкин. Агар эришилган бўлса, иккидан бири: ё унинг мавжудлиги ўз ҳаёти учун зарур, у ҳолда унинг манбаи илк сабаб (азалий сабаб) бўлади. Азалий сабаб ўз қувватида манба мавжудлиги сабабчисидир, деб ўйлаш бемаъниликдир. (Чунки) уни ўз борлиғи учун зарур, деб айтиб бўлмайди. Бу ҳақда юқорида тушунтириб ўтган эдик. Лекин биз сўнги хатоларга раддия бермаганимизда эди, бу масала очиклигича қолган бўлар эди. Биз агар бу хайрлиликни ўз моҳиятидан ажратсак, барибир, унинг моҳияти хайр сифатида таърифланар ва мавжудликда давом этаверарди. Агар у (кейин) эришилган бўлса, биз туганмас бухрон (фасод)га эга бўлардик. Бу эса мумкин эмас. Агар у моҳиятли (жавҳарли) бўлса, фикримизнинг исботи шудир.

Мен яна таъкидлайманки, Азалий сабаб ўз вужудида моҳиятли ва заруриятли бўлмаган қандайдир хайрлилик (эзгулик)ни қаердандир олган, деб бўлмайди. Бу – мумкин эмас. Азалий сабаб баркамол эзгуликни ўз моҳиятига таянган ҳолдагина қўлга киритади. Чунки Азалий сабаб “эзгулик” деб аталган ўша сифатларга ўз моҳиятига таянган ҳолда эришмаганда эди, улар фақат яширин куч-қувват орқали мавжуд бўлганда эди, унда Азалий сабаб уларни бошқа бир нарсадан олган бўлур эди. Аммо унга нисбатан бошқа бирон нарса йўқки, унинг нарсаларига яқиндан боғлиқ бўлмаса. Бундан келиб чиқадики, у эришаётган ана шу хайрли сифатларнинг бошланиши сабабчиси ҳам Унинг ўзидир... Аммо Азалий сабаб тўғрисида эришилган эзгулик бошқа бир нарсга орқали келиб чиққанда эди, унда бу хайрлик Азалий сабабда эмас, қандайдир у билан ўрин алмашадиган бошқа бирон нарсда бўлган бўларди. Бу эса ғирт бемаъни гапдир буни юқорида исботладик.

Азалий сабабда ҳеч қандай айб ва нуқсон йўқ, (у ҳар қандай нуқсондан ҳоли)дир. Бу қуйидагича исботланади. Баркамолликнинг акси нуқсондир.

Нуқсон комилликнинг етишмаслигидан пайдо бўлади. Агар бошқада учрамайдиган бирон нарсанинг имкони бўлса, ўша нарсанинг келиб чиқиш сабабини унинг ўзидан ахтарардилар. Бироқ аниқлаганимиздек, Азалий сабабнинг комиллиги борасида бошқа ҳеч қандай сабабга ҳожат йўқ. Демак, унда комилликка қарама-қарши бўлган бирон нуқсон ҳам йўқ. Азалий сабаб ўзига нисбатан ўхшаш бўлган барча хайрли сифатларга эга бўлади. Юксак хайрли сифатларни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Улар шундай хайрли сифатларнинг маъно-мазмунидирким, фақат унда (Азалий сабабда) бўлиши мумкин.

Шундай килиб, Азалий сабаб ўзига нисбатан ўхшаш бўлган сифатларнинг барчасига эга эканлиги аниқ бўлди. Яна шу нарса ҳам маълум бўлдики, Азалий сабаб ўз моҳиятига кўра хайрликдир, шунингдек, бошқа мавжуд ашёларга сабабчи ҳамдир. Чунки У борлиқнинг мавжудлиги ва сақланишига Бош сабабчидир. Унга хос бўлган камолот

илоҳиёт соҳаларида қолдирган нодир асарларини жаҳон олимлари минг йилдан буён ўрганиб келмоқдалар. Ибн Сино ҳажман кичик, лекин мазмунан жуда кенг қўлампли бўлган “Ишқ ҳақида рисола” асарида Форобий фалсафасини янада ривожлантириб, табиатдаги барча мавжудотларнинг озиқланиш, ўсиш, ҳаракатланиш, интилиш ва хавф-хатардан сақланиш, жон, нафс, руҳ қувватлари асосида ҳаётга муҳаббат, нурга – ёруғликка, гўзалликка, заминга меҳр, ўз умрини авлодлари орқали абадий давом эттиришга, вайронликка эмас, балки ўсишга, гуллаб-яшнашга интилиш қонунияти амал қилишини теран фалсафий мушоҳадалар билан далиллаб беради.

Ибн Синонинг Шарҳ ва Ғарбда машҳур бу асарини заковатли замондошимиз, серқирра илмлар соҳиби Нажмиддин Комилус ўзбекчага таржима қилмоқчи эканлигини суҳбатларда айтган эди, аммо афсуски, насиб бўлмади. Биз яқин дўстимиз ишини давом эттириш маъносида бу асарни Грузия олими К.Серебряков тадқиқ этган арабча ва русча матни бўлган Тифлис нашридан ҳар икки тил асосида таржима қилдик.

борлиқ ва интилиш баркамоллиги учун ҳам хосдир. Шунга кўра, Азалий сабаб барча нисбатларда хайрлик ва эзгудир.

Қадимданоқ ким хайр ва эзгуликни билган бўлса, уни ўз табиатига кўра ёқтиради, бундан маълум бўладики, Азалий сабаб муҳаббат манбаи сифатида аҳли дил (илоҳий қалб)ларнинг ишқ манбаи ҳисобланади.²

Етук инсоний руҳ ва фаришталар руҳи Эзгуи мутлоқнинг моҳиятига тенглаштирилган ва лаёқати жиҳатидан ўзига ўхшаш ақл бовар қилувчи ашёлар мушоҳадаси билан боғлиқдир ва сахий инсонлар қалби сингари ҳақиқат йўлида қилинган ҳаракатлар туфайли содир бўлади ҳамда туғилиш, қабз бўлиш навбатининг давомийлигини сақлашда Эзгуи мутлоқнинг моҳиятига эришиш билан самовий моҳиятларни уйғотади. Бундай тақлид Эзгуи мутлоққа яқинлашиш мақсадида пайдо бўлади ва бу яқинликдан мақсад, комиллик ва ҳиммат эгаси бўлмоқдир. Бу Азалий сабаб ёрдами билан амалга оширилади ҳамда Унинг моҳиятидан келиб чиқади. Бу худди севган нарсага яқинлик қилиш (йўлини) излаганга ўхшаб кетади. Биз аниқлаганимиздек, Эзгуи аввал барча аҳли дил (илоҳий қалб)лар учун муҳаббат манбаидир.

Биз юқорида аниқлаганимиздан маълумки, Мутлоқ эзгулик барча аҳли дил (илоҳий қалб)ларнинг ишқ манбаи сифатида намоён бўлади. Бу ишқ ҳеч қачон сўнмайди, ҳамиша комиллик ва комилликка яқин даражада бўлади. Улар комиллик даражасида бўлган тақдирдагина севги улар учун заруриятга айланади. Комилликка яқин даражада бўлса, уни инсоний севги дейилади, фаришталар севгиси деб аташга ҳали вақт эрта. Зеро, охиргиси (яъни фаришталар севгиси) абадий комиллик касб этади. Аввалгиси (яъни инсоний муҳаббат) комилликка яқин даражадаги севгида одам қалби ҳали ақл бовар қиладиган ашёларни ҳис қилишнинг табиий истаги билан тўла бўлади. Унинг комиллиги шу билан белгиланадики, мушоҳада жараёнида у кўпроқ комиллик касб этишга ҳаракат қилади ва барча нариги дунё – охиратни мушоҳада қилишга ўтади. Ҳар бир ақлий неъмат (қадрият), аввало, қалб орқали илғаб олинади ва якка (ўзига хос) жавҳарда мавжуд бўлади. Бунинг сабабчиси бўлган илк ақлий неъматнинг хусусияти шундай. Бундай қалблар ўз борлиқларида азалдан туғма ишққа эга бўладилар. Биринчидан, Мутлоқ ҳақиқатга, иккинчидан, ақлий неъматларга муҳаббат ана шу ишқнинг асосини ташкил этади. Акс ҳолда, уларнинг ўз камолотлари сари интилиши бекорчи бир нарса бўлиб қоларди.

Демак, инсоний ва фаришталар муҳаббатининг ҳақиқий манбаи (Соф эзгулик – Оллоҳ)нинг ўзидир.

Еттинчи фасл Фаслларнинг хотимаси

Биз ушбу хотимада куйидагилар ҳақида тўхталмоқчимиз: мавжуд бўлган ашёларнинг барчаси муҳаббат билан йўғрилган Олий неъматни севади. Олий неъмат севгисига мубтало бўлганларга У албатта кўриниш беради (яъни Ўз жамолини кўрсатади). Аммо бу кўриниш ҳар кимда ҳар хил кечади ва ҳар ким ҳар хил кўринишда тавҳидга эришади. Қўрбатнинг (Оллоҳга яқинлашишнинг) энг олий даражаси Ул зотни ҳақиқий табиати билан ҳис қилмоқдир. Бу тариқатлар ичида энг комили ҳисобланади. Буни сўфийлар Оллоҳ бирлиги, ягоналиги, яъни "тавҳид", деб атайдилар. Биз айтамызки, барча яратилган махлуқотда ўз комиллик даражасига қизғин интилиш бўлади (шу интилиш туфайли у Оллоҳ инъомига эришади), шунга асосан махлуқ (ашё) қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, ўз эзгу ниятига эришади. У (махлуқ) азалда қандай севимли қилиб яратилган бўлса, яна ана шунга сўзсиз қайтади. Бу соҳада Азалий сабабдан комилроқ, мукамалроқ, муносиброқ хилқат йўқ. Уни барча жисмлар (махлуқот) севади. Аммо ашё (жисм, махлуқот ва хоказо)ларнинг кўпчилиги Уни (яъни Азалий сабабни) билмайди. (Бироқ) комилликка туғма ишқ борлигини инкор ҳам қилмайди.

Азалий эзгулик моҳиятига кўра, бутун мавжудот олдида ўзини намоён қилади. Агар Унинг моҳияти яширин тарзда бўлганда эди, Уни билиб ва англаб бўлмас эди. Ундан ҳеч қандай тухфа ҳам олиб бўлмас эди. Агар Унинг моҳияти қандайдир бошқа бир нарсанинг таъсири остида намоён бўлганда эди, ўша бегона нарса Унинг моҳиятига таъсир кўрсатган бўларди. Бундай деб ўйлаш бемаънилиқдир. Аксинча, Унинг моҳияти

² Яъни, масалан, Пайғамбар (с.а.в.)ларнинг руҳи сингари.

ўзини ўзи намоён қилади. Агар яширин ҳолатда бўлса, бу айрим ашё (жисм)ларнинг Уни англаб олмаслиги оқибати бўлади. Ул зот ҳимояси (паноҳи)нинг яширинлиги туйғуларнинг ожизлиги, лаёқатсизлиги ва зиёнкорлигини билдиради. Унинг васли эса моҳиятининг ҳақиқий табиатидан келиб чиқади. Илоҳиёт уламолари таъкидлаганларидек, соф моҳият эгаси фақат Удир. Бу моҳиятни У Ўзида ёки Ўзи орқали намоён қилади. Ул зотнинг олийжаноб моҳияти ўз-ўзидан намоён бўлади. Шунга кўра, файласуфлар уни "Буюк ақл – шакл-сурати", деб атадилар.

Ҳар томонлама (ривожланган) ақл эгалари бўлмиш илоҳий фаришталар (Оллоҳ жамоли) тажаллийсини биринчи бўлиб илғайдилар. Унинг тажаллийси худди ойнада акс этган шакл каби жавҳар томонидан кўзгудаги ўхшаши сифатида қабул қилинади. Фаол ақл-идрок унинг ўхшаши бўлса, иш тахминан юқоридагидек бўлади. Аммо (бундай деб айтишда) эҳтиёт бўлиш керак. Чунки у ҳақиқатан зарурий мавжудотдир. Инсон англаганларининг ҳаммаси жуъз ва кулл – якка ва умумият (индукция) орқали юзага чиқадиган сабаб туфайли зоҳир бўлади. Бу худди гулхан ҳарорати у ёки бу танага "иссиқлик" деб аталувчи ўхшаши томонидан таъсир ўтказилишига ўхшаб кетади.

Сифат ва миқдорга доир бошқа кучлар ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Ақл-идрокли дил бошқа бир ақл-идрок эгаси бўлмиш дилга ўзига ўхшаш туйғуларни ўтказиш йўли билан таъсир қилади. Масалан: қилич нарсага ўзининг ташқи шакли, яъни ўткирлиги билан таъсир ўтказади, яъни кесади, қайроқ, пичоқни қайрашда унинг юзига ўзига ўхшаш силлиқлик ва текислик беради.

Қуёш ҳам қиздиради, ҳам қорайтиради. Аммо иссиқлик ва қора ранг қуёшнинг ўхшаши эмас. Буни шундай тушуниш мумкин: ҳамма нарса ва ҳодисалар ҳам бир жисмнинг иккинчи жисмга таъсири натижасида келиб чиқади, оқибатда, таъсирланувчи жисм таъсир қилувчи жисмга ўхшаш бўлиб қолади, деб ўйламаймиз. Таъкидлаймизки, ҳаракат бу – таъсир ўтказишнинг яқин бошланиши; таъсирланувчи жисм биринчи жисм томонидан ўтказилаётган таъсиротни қандайдир бошқа, бир ўхшаш (жисм) воситасида қабул қилади. Қуёш тўғрисида ҳам худди шундай гапларни айтиш мумкин. У (қуёш) ўзига яқин таъсиротни қабул қилувчи жисмга таъсир ўтказади, шу йўл билан ўзига ўхшаш нурни (ёруғликни) юборади. Жисм нур (ёруғлик)ни қабул қилганда, унда иссиқлик пайдо бўлади, қуёш таъсирини қабул қилувчи жисм бошқа бир жисмни иссиқлик ва у ҳам ўз навбатида бошқа жисмга ўз ўхшашини, яъни айнан ана шу иссиқлигини ўтказиб яшиллик ҳосил қилади. Оқибатда, бошқа жисм бу иссиқликни қабул қилар экан, исийди ва ранги ўзгаради. (Аммо бу ўзгариш ҳам ёруғлик ва иссиқлик, ҳам тупроқдаги озуқа моддалари билан ўсиш ва мева беришга таъсир кўрсатади – тарж.)

Мавзуга қайтиб, шундай деймизки, Фаол ақл Азалий ва Абадий зотнинг тажаллийсини бевосита Унинг моҳиятини англаган ҳолда қабул қилади. Бошқа ақлий неъматлар ҳам ундан (Фаол ақлдан) таъсирланади ва доимий ҳамда фаол ҳолатда бўлади. Ақлий неъматлар – тушунчалар, мушоҳада қилинувчи ашёлар туйғу ва тасаввурга таянмайди, сўнгиси аввалгилари³ туфайли ақл юргизади, агар сабабга эга бўлса ўша сабаблар туфайли, тубан (паст) бўлса юқоридагиси туфайли бўлади.

Кейин, аҳли дил (илоҳий қалб)лар тажаллийни бевосита қабул қилади, агар билвосита қабул қилган тақдирда ҳам фаол ақлдан кўмак олади. Агар гап уларни салоҳиятдаги ҳолатдан (ақл бил-қуввадан) бил-феъл ҳолатга ўтказиш ва қобилият ҳамда ақлий мушоҳада ҳақида кетаётган бўлса, бунда ақлий мулоҳаза ва тамкин (хотиржамлик) қолади.

Сунгра (бу тажаллий) ҳайвоний қувват кўринишида, кейин ўсимлик қуввати ва охирида ақлий ва руҳий қувват сифатида намоён бўлади. Нимаики, тажаллийни ўзига қабул қилган бўлса, буни ўзининг имкони даражасида, ундан олинган нарсага мослашишга ҳаракат қилган ҳолда қабул этади. Табиий нарсалар ўз табиий ҳаракатларини унга мослаштирган ҳолда мақсад сари интиладилар. Бунинг маъноси шуки, ўзига хос ҳолатга эришмоқ учун айнан – табиий ўринларни эгаллаганларида, ҳатто мақсадга эришишнинг илк бошланишига нисбатан мослашмасан-да, айнан ҳаракатга нисбатан мослашади. Худди шундай ҳолат ҳайвон ва ўсимликлар жавҳарларида ҳам мавжуддир. Улар ўзларига хос бўлган ҳаракатларни ўз мақсадларига мослашган ҳолда содир этадилар. Улар ана шу мақсадга эришмоқнинг илк бошланишига нисбатан, масалан: қўшилув ва озикланишга нисбатан тақлид қилмасалар ҳам турни ёки жисмни сақлаб қолиш ёки қандайдир қувват ҳамда қобилиятни намоён этиш учун ҳаракат қиладилар.

Инсоний нафс (жон, руҳ) ҳам худди шундай хайрли ва ақлий ҳаракатларини, ҳатто

³ Сўнги ашёлар ўтмишдошлари туфайли.

билим олиш мақсадига эришмоқнинг илк бошланишига тақдидан эришмаган ҳолда содир этади. Ҳайвон ва ўсимликлар пайдо бўлиши ва ҳалок этилишида наслнинг давомийлигини сақлаб қолишга тақдид қилган ҳолда ўз фаолияти ва ҳаракатини бошқаради.

Фаришталар руҳига келганимизда, улар ўз моҳияти, мақсадига мослашган ҳолда абадий етишади ва улар яширин куч-қувватдан ҳосил этилгандир. Зеро, улар доимо ҳис этган ҳолда, доимо севган, идрок қилган ҳолда, доимо мослашган, куйиб-ёнган ҳолда севадилар. Улардаги эҳтироснинг улуғлиги Олий зотни мушоҳада қилиш, Унга етишиш билан ўлчанади.

Агар Мутлақ эзгулик тажаллий этмаганида, ундан ҳеч нарса олиб бўлмасди. Ундан ҳеч нарса олиб бўлмаганда эса ҳеч нарса мавжуд бўлмайди. Шундай қилиб, агар Унинг тажаллийси бўлмаганида, борлиқнинг ўзи ҳам бўлмасди; демак, Унинг тажаллийси бутун борлиқнинг сабабчисидир. Олий зотга бўлган ишқ қанчалик Унинг улуғлиги учун бўлса, ишқ ҳам шунчалик улуғвор бўлади. Унга бўлган севгининг ҳақиқий манбаи унинг тажаллийсидадир. Унинг тажаллийсига илоҳий қалблар ана шундай эришадилар. Шунга кўра, айтиш мумкинки, илоҳий қалблар Унга бўлган ишқ манбаининг моҳиятидир. Қуръони каримдаги ушбу муқаддас сўзлар худди шунинг учун айтилгандек: “Агар бандам мени севса, мен ҳам уни севаман”.

Шундай қилиб, Оллоҳга иқтидо қилмоқ ва Унга етишмоқ ва Унинг амр-фармонларини бажармоқ Ул олий зотни мамнун этади, ўлим фаришталарига иқтидо қилмоқ (яъни ўзига ўлим тиламоқ) эса Унинг қаҳрини кўзгайди. Зеро, (бу ҳолда, ҳаётни севмай, ўлимни севишда) Яратган эгамга иқтидо қилишдан мақсади охиргача ушалмайди, ўлим эгаларига тақдидан кўзланган мақсад эса тўлиғича амалга ошади.

Шундай қилиб, биз ҳам мақсадга етдик, Яратган эгам – Улуғ Оллоҳ ёрдами билан рисолани ёзиб тугатдик.

Маҳкам Маҳмудов ва Зайниддин Баҳриддиновлар таржимаси



Маҳкам МАҲМУД

1940 йилда туғилган. Ёзувчи, олим ва таржимон. Ўрта Осиё дорилфунуни филология факультетида ўқиган. “Талант ва ижод фалсафаси”, “Абадият лаҳзалари”, “Орифи маоний”, “Кешга баҳор келди” каби ҳикоя ва қиссалар муаллифи.

Зайниддин БАҲРИДДИНОВ

1941 йилда туғилган. Шоир ва таржимон. Самарқанд Давлат университетиде таҳсил олган. Унинг “Мезон”, “Тонгги қўшиқ” номли шеърлар ҳамда “Бунёдкорлик” очерклар тўплами нашр этилган.





Жалолиддин РУМИЙ

МАЪНАВИЙ

МАСНАВИЙ

(1 дафтардан парча)

Подшоҳнинг бемор канизакни севиб қолгани ва уни муолажа қилишга чора ахтаргани

*Дўсту ёр, бул қиссадир тингланг бу он,
Ҳошимизнинг тўғриси айлар баён.*

*Битта шоҳ ўтганди кўп йиллар бурун,
Измидан чиқмасди дин, дунё бутун.*

*Шоҳ сарой аҳлини жам айлаб бутун,
Чиқди ногоҳ бир кун ов қилмоқ учун.*

*Йўлда бўлгач бир канизакка дучор,
Бўлди шоҳ унга гулом беихтиёр.*

*Жон қуши титраб, қафасдан зорланар,
Олди шоҳ ул қизни, сарфлаб молу зар.*

*Олди шоҳ ул қизни, сўнг бахт бўлди ёр,
Ногаҳон бўлди каниз дардга дучор.*

*Топди эшишак, жабдугин топмай гаранг,
Топди жабдуқ, бўри, лек, солганди чанг.*

*Кўза топган чоғда, сув қолмиш тиниб,
Сувни топгач, кўза кетмишидир синиб.*

Буюк асарлар ўз мухлисларини ҳамиша ўзи томон чорлайверади. Улар ўз-ўзини ҳар гўшадан излаётган Руҳни ёритувчи фонус ўлароқ порлайди.

Туйғуга ақлни, ақлга туйғуни пайванд айлаб, Инсон аталмиш Оламга унинг бирлик меваларини армуғон этган буюк мутасаввиф шоир, олим, файласуф Жалолиддин Румийнинг машҳур “Маънавий маснавий” асари ўзбек тилига иқтидорли ижодкорлар Жамол Камол ва Асқар Маҳкам томонидан ўзига хос тарзда таржима қилиниб, таржимашунослигимизнинг бойишига хизмат қилди. Муҳтарам журналхонларимизга муносиб тухфа бўлгулик навбатдаги таржима шоир Одил Икром қаламига мансуб. Ушбу таржима аввалги таржималардан ўзбекона ифодаси билан ажралиб туради. Журналимиз имконларидан келиб чиққан ҳолда, “Маснавий”нинг янги таржимасидан муайян парчалар эълон қилиб боришни мўлжалладик.

Румий оламига яна бир мутаржим раҳнамолигидаги улуғ сафар барчамизга муборак бўлсин.

Таҳририят

Йиғди шоҳ не-не табиблар, излабон,
Деди: “Сизнинг қўлдадир бул – икки жон.

Ҳеч – бу жоним, барча жоним жони ул,
Хастадирман, дардларим дармони ул.

Бўлса дармон хаста бул жонимга ким,
Унгадир бор ганжу дур-маржонларим”.

Ул табиблар дерди: “Бирмиз ушбу дам,
Ҳам қилайлик фикримиз бир ерга жам.

Барчамиз олам аромиз бир Исо,
Бизда бор ҳар дардга зўр малҳам, шифо”.

“Гар Худо хоҳлар” дейишмай кибр ила,
Этди Оллоҳ барин оғиз бир йўла.

Тарки истисно – бағиртошлиқдир ул,
Аслидан кечмоқ, бағиртошлиқ тугул.

Гарчи, кўп инсон, ки “истисно” демас,
Жони “истисно”га жуфтдир, айримас.

Қилдилар ҳар не илож бор, не даво,
Ортди дард, ҳеч бўлмайин ҳожат раво.

Қилдайин озмиш каниз, топмай шифо,
Қонли бир дарё мисол ёш тўқди шоҳ.

Кўргулик шарбатни сафро айламиш,
Ҳам миждоз бодомли ёғдан қақрамиш.

Меъда ҳам қотмиш, ҳалийла айлагач,
Ўтти сув нафтдай тагин олдирди авж.

**Канизакни даволашда ҳақимлар оғиз
эканлиги маълум бўлгани, подшоҳнинг
Оллоҳ даргоҳига юз бургани ва
тушида бир авлиёни кўргани**

Кўрди шоҳ, буткул ҳақимлар ҳоли танг,
Чопди сўнг масжидга ул оёқяланг.

Юз буриб меҳробга, масжид ичра шоҳ,
Тўлди сўнг кўз ёшга буткул саждагоҳ.

Ўзга келгач ул фано гирдобидан,
Сўзга лаб очгай дуо, мадҳлар билан:

Эй, жаҳоннинг қурби, қудрат ҳар замон,
Сенга не дей? Сенга бор дардим аён.

Эй, мудом муҳтожга бўлдинг сен паноҳ,
Йўлдан оздик, биз тагин, қилдик хато.

Айтасан: “Гарчанд, сиринг ошкор-аён,
Сирларингдан зоҳиринг қилсин баён”.

Бир ажиб тугён чиқиб шоҳ жонидан,
Тошиди мавж ул мағфират уммонидан.

Йиғлаётди қолди ухлаб шул заҳот,
Сўнгра туш кўрмиш, кўринмиш кекса зот.

Деди: “Эй шоҳ, ҳожатинг кетгай битиб,
Эрта биздан бир гариб келгай кириб.

Ул кириб келгай, ҳақим, ҳозикдир ул,
Бил садоқатлик, амин, содиқдир ул.

Кўр, илож, имконидан сеҳрин тайин,
Топ, унинг тимсолидан Ҳақ қудратин”.

Сўнгра келмиш ваъдаланган ўша кун,
Чиқди Шарқдан ҳам қуёш порлаб бутун.

Мунтазир эрмиш назаргоҳ ичра шоҳ,
Токи, не асрор бор, солсин нигоҳ.

Кўрди бир сиймони, фозил, баркамол,
Соялар қуришовада офтоб мисол.

Эрди нур сочгувчи порлоқ ой мисол,
Бору йўқдай эрди ул гўё хаёл.

Гарчи, кўринмас хаёл жон ичра жим,
Бўйсунар, лек, унга олам бетиним.

Сулҳ тажовузлар хаёлдандир мудом,
Фахру номуслар хаёлдандир мудом.

Ул хаёлким, авлиёлар бандидир,
Боги Ҳақ ойюзлиларин аксидир.

Ул хаёлким, кўрди шоҳ туш интизор,
Бўлди меҳмон шаклида пайдою бор.

Соқчилардан шунда шоҳ олдин юриб,
Олди гайб меҳмонин ул дарҳол кутиб.

Икки денгиз бирлашиб кетди бу он,
Риштасиз, ипсиз бирикмиш икки жон.

Деди: “Улмас, маъиғимсан ушбу дам,
Бесабабмас, лек, бу дунё кори ҳам.

Мен учун сен Мустафосан, мен – Умар,
Хизматинг-чун боғлагум дарҳол камар.

Олий тавфиқ Оллоҳдан, ҳар қандай ҳолатда, одоб, ҳурмати тавфиқнинг сўралиши ва одобсизликнинг кўрқинчли зарарлари баёни

Қил, адабнинг тавфигин Ҳақдан талаб,
Маҳрум ўлди лутфи Ҳақдан беадаб.

Беадаб этмас, фақат, ўзин адо,
Балки, ўт кўйгай бутун олам аро.

Инди дастурхонда кўкдан ризқу рўз,
Тинди буткул можаро ҳам гап ва сўз.

Ул Мусонинг қавмидан бир тўда зор,
Дерди: “Мош ҳам ул саримсоқ қайда бор?”

Қилди кўк таъқиқ бутун ноз-неъматин,
Қолдириб ўроғу меҳнат заҳматин.

Сўнг Исо қилгач шафоат, Ҳақ тагин
Берди дастурхонда нозу неъматин.

Шубҳа-шак айлаб, адабдан чиқдилар,
Оч гадо янглиғ таомлар йиғдилар.¹

Ўтиниб Ийсо уларга дер, таом,
Ерда бордир, ҳеч қачон бўлмас тамом.

Бадгумонлик қилдилар, ҳирсу ҳузур
Эрди ул неъмат учун буткул кифр.

Ул гадолар ҳирс-ла қилгач таъмасин,
Қилди қўл етмас, у ризқлар дарчасин.

Ман қилинган ул закот, ёғмас само,
Ҳам зинолар келтирар офат, вабо.

Сенга келган ҳар на зулматдан алам,
Шубҳа-шак, лоқайдлигингдандир бу гам.

Дўстга йўл олганда, лоқайд бўлса ким,
Оздирар мардларни йўлдан бетиним.

Бул фалак тўлғай, адаб сочганда нур,
Ҳам малак бўлғай, адаб келганда хур.

Беадабликдан тутилган ул Кўёш
Қилди рад, шайтон кўтарган чоғда бош.

Шоҳнинг тушида аён этилган авлиё билан мулоқоти

Қўл очиб ёнбошидан қучган замон,
Худди шиқ жону дилин қамрар чунон.

Ўпди онинг манглайи ҳам қўлидан,
Бирма-бир сўрди мақому йўлидан.

¹ “Моида” сураси, 114-115 оятларга ишора.

Сўрди ҳол, етгунча токи тўр қадар,
Деди: “Тоқат айлабон, топдим самар”.

Деди: “Эй, мушкулкушо Ҳақдан дарак!
Сендадир “Ас-сабру мифтоҳ-ул-фараж!”²

Ҳар савол-чун, эй жавоб, чеҳранг тугал,
Айлагайсан жим туриб, мушкулни ҳал.

Қалбимиз тилмочидирсан сен, ахир,
Кўллагайсан, қай аёқ гар лойдадир.

Марҳабо, эй мумтоз, эй муртазо!
“Ин тағиб жоа-л-қазо зоқа-л-фазо.”³

Анта мавла-л-қавми ман ло йаиштаҳи
Қад радо калло лаин лам йантаҳи.”⁴

Улни шоҳ элтмиш, йигин ўтгач, кутиб,
Сўнг ҳарам томонга жим, илкин тугиб.

Подшоҳ табибни, ҳолини кўрсин дея, бемор олдига бошлаб боргани

Сўйлагач шоҳ хаста, бемор ҳолидан,
Шоҳ, табиб жой олди бемор ёнидан.

Кўрди рангин, кўрди ушлаб томирин,
Ахтариб дардининг аломат, зоҳирин.

Деди: “Не малҳам ва дармон қилдилар,
Айламай соғлому вайрон қилдилар.

Қалбининг тарзин улар билмай бутун,
“Астаъизуллоҳа миммо йафтарун”.⁵

Кўрди бемор иллатин англаб аён,
Тутди, лек, шоҳдан, унинг дардин ниҳон.

Эрди дард сафрою савдомас бутун,
Ҳар яғочнинг ийсини бергай тутун.

Кўрди, ул зор эрди, кўнги эрди зор,
Жисми соғ, дардларга қалб бўлмиш дучор.

Хаста дил зорланса, шиқ ўртар бағир,
Хаста дилнинг дардидай дард йўқ, ахир.

Барча иллатдан жудо шиқ дарди чин,
Шиқ устурлобидир Ҳақ сийратин.

Гарчи, шиқ ул бошу бул бошдир нуқул,
Оқибат йўлбошичидир бизларга ул.

² Сабр кушойишларнинг калитидир.

³ Сен бўлмасанг, қазо келиб фазо тораяди.

⁴ Сен қавмининг устозисан, кимки сени хоҳламаса, у ҳалокатга дучор бўлгусидир.

⁵ Ёлгонлардан ўзинг асра, Худойим!

Қанча қилмай ишқни мен шарҳ қайтадан,
Унга дуч келсам қачон, шармандаман.

Гарчи тил қилгай аён, этса баён,
Лек, баёнсиз ишқ унингдан-да аён.

Ул қалам ёзгай мудом тезроқ, жадал,
Ишққа келгач, лолу ночор ҳар маҳал.

Шарҳлар, ағнаб эшак янглиг ақл,
Ишқу ошиқликни айлар ишқ нақл.

Ул қуёш-чун, бил, қуёш ёлғиз далил,
Бўлса гар даркор далил, юз бурмагил.

Қўлка гар бўлгай қуёшдан бир нишон,
Лек, қуёш жонларга нурдир жовидон.

Қўлкалар эртаксимон ухлатса гар,
Сўнг қуёш чиққанда, “инишққа-л-қамар”.⁶

Йўқ қуёш янглиг гариб дунёда, бас,
Жон қуёши мангудир, ўткинчимас.

Четда гар порлоқ қуёш танҳо мудом,
Лек, тасаввур ичра ул пайдо мудом.

Бил, фалак жон шамси бирлан биргамас,
Зехну идрок жон қуёшин илгамас.

Фикру ўйдан унга кенглик қайдадир?
То хаёл-ўй улдайин очсин бағир.

Етди Шамс рухсоридан сўз ушбу дам,
Тортди бош тўртинчи осмон шамси ҳам.

Тилга келгач исми, шартдир ушбу он
Айламак инъомининг рамзин баён.

Бир нафас ул этагин жисмим тутар,
Сўнг Юсуф кўйлагининг атрин туяр.

Неча суҳбат ҳаққи, сўйлаб бирма-бир,
Бизга сен ул ҳоли хушлардан гапир.

Ер ва осмон шодланиб, топсин шуқуҳ,
Яйрасин ҳам ул нигоҳ ҳам ақлу руҳ.

“Ло тукаллифни фаинни фи-л-фано,
Каллат афҳоми фало уҳси сано.”⁷

Куллу шаъин қолаҳу ғайру-л-муфиқ”,⁸
Ушбу аҳд ҳам ушбу жаҳд, лоф “ло-йалиқ”.⁹

Айт, на дей, бир томирим ҳушёрмас,
Ёрга ул Ёрдан бирор жон ёрмас.

Бул жигардан қон, жудолик ҳамда дард
Сўйлагум шарҳин бирор бир бошқа пайт.

Деди: “Атъмни фаинни жоёун,
В-аътажил фа-л-вақту сайфун қотёун”.¹⁰

“Сўфи – ибну-л-вақт”,¹¹ аё, дўст, ҳар нафас,
“Эрта” деб айтмоқ – тариқат шартимас.

Сен, наҳот, мард сўфимасдирсан бу дам?
Нася бор жойдан йитар сўнг нақди ҳам.

Сўйладим: “Соз, ёрда сир бўлса ниҳон,
Сен ҳикоят қаъридан ахтар нишон.

Гар ниҳондир ёрда сир, пайдодир ул,
Ўзгалардан тингласанг аълодир ул”.

Деди: “Сен сўйла мудом ошкор-аён,
Яхшидир дин зикри, фош бўлгай қачон.

Парда тортгил ўртадан, урён гапир,
Ётмагум кўйлақда, ёр бирлан, ахир”.

Сўйладим: “Ошқору урён бўлса ул,
Қолмагай атроф, тириклик, сен тугул.

Орзу қилгин сен, бироқ меъёрни бил,
Битта сомон парчасин тоғ билмагил.

Нур, қуёш оламга бергай ёғдулар,
Гар яқинлашгай бироз, олам куяр.

Фитна, хунрезлик, гараз ахтарма, дўст,
Шамс Табризийдан энди дема сўз.

Бул ҳикоят сўнги йўқ, айтгин тагин,
Қайтадин сўйла ҳикоятнинг барин”.

**Валийнинг подшоҳдан, канизак
дардини аниқлаш учун хилватда
қолдиришни сўрагани**

Деди: “Эй шоҳ, бўшашиб уйни бу дам,
Чиқ ва чиқсин бунда бор бегона ҳам.

⁸ Инсон фано ҳолидан ҳушёрликка қайтгач, айтганларини хотирлай олмайди.

⁹ Арзимайди.

¹⁰ Деди: “Менга таом бер, чиндан ҳам мен очман ва шитоб айла, чунки вақт кескир қиличдир”.

¹¹ Сўфий – вақт фарзанди.

⁶ “...ва ой парчаланди”. “Қамар” сураси, 1-оят.

⁷ Унинг неъматларидан сўз очишни менга таклиф қилмагин, чунки мен фано ҳолида экан, фаҳмларим ўтмаслашиб қолади.

Солмасин ҳеч ким қулоқ даҳлизда ҳам,
То каниз бирлан қилай суҳбат бу дам.

Сўнгра кулба бўшагач уй аҳлидан,
Қолди ёлғиз ул табиб бемор билан.

Сўрди секин: “Сўйла, шаҳринг қай диёр?
Ҳар шаҳарнинг дори ҳам дармони бор.

Ул шаҳардан ким қариндошинг, гапир,
Ақрабо, пайваста этган ул надир?”

Кўрди ушлаб томирин, сўнг бирма-бир
Сўрди, олам айламиши қандай жабр?

Кирса гар оёққа қандайдир тикон,
Тиззасин устига олгай ушбу он.

Игна бирлан сўнг учин излайди ул,
Топмагач, ўрнин, қилар лаб бирла ҳўл.

Бир тикон олмоқ оёқдан гар азоб,
Не қилар гар дилга киргач? Бер жавоб!

Дил тиконин кўрса гар ҳар битта хас,
Бормикан ғамдан хабардор бир нафас?

Ботса хор эшиак думи остига гар,
Шатта отгай бетиним, кўп қийналар.

Ул тикон ботгай тагин, чопган сайин,
Сўнгра бир зукко суғургайдир, тайин.

Ул тикон захми азоб бергач, хачир,
Шатталаб, буткул танин айлар ягир.

Бил, суғургувчи тикон – доно ҳақим,
Қўл билан дард ўрнини излайди жим.

Ул каниздан худди бир дostonсимон,
Сўрди, ким дўст унга ҳам ёрдир бу он.

Бор сирин тўккай ҳақим-чун бошидан,
Ҳам мақом, ҳам хожса, ҳам юртдошидан.

Ул ҳақим тинглаб каниз қалбин шу дам,
Англамоқ истарди томир зарбидан.

Токи томир қайси номдан урса тез,
Унга жонин истагин сўйлар бу кез.

Юрт аро бор дўстларин бир-бир санаб,
Тинглагай сўнг ўзга юрт номин атаб.

Деди: “Бўлгач ўз диёрингдан йироқ,
Қайси бир юрт ичра сен қолдинг узоқ?”

Айтди, бирмас, неча юрт номин шу дам,
Ўзгариш бўлмасди юз, томирда ҳам.

Кўп шаҳар ҳам хўжалардан сўйламиш,
Нону туз, жойи, кўчалардан сўйламиш.

Сўрди юрт, ҳам уйма-уй, ким бор таниш,
Топмайин томир ва юздан ўзгариш.

Урди султ томир бутунлай беҳато,
Ул Самарқанд шаҳридан сўргунча то.

Сўнг қизармиши шунда, титраб қилди ҳис,
Ул Самарқанд заргарин ҳажрин у қиз.

Англагач ногоҳ табиб бемор сирин,
Топди сўнг дарду балонинг томирин.

Деди: “Ул қай бир макондир, қай гузар?”
“Ул Сарипул – деди қиз, – ул Ғотфар”.

Деди: “Билдим, англадим, дардинг надир,
Тез халос қилгум бу он, айлаб сеҳр.

Шоду озод бўл, қилай дарддан йироқ,
Худди сув қилгандайин гулзорни пок.

Чекма ғам, меҳримни қилсам гар нисор,
Юз надарнинг меҳри қалб, жонимда бор.

Бўлмасин ошкор бу сир, қўйгин билиб,
Қўймагил, шоҳ сўрса ҳам, ошкор қилиб.

Бўлса дил-кўнги, сиринг-чун гўр агар,
Шунда бергай мақсадинг тезроқ самар.

Деди Пайгамбар: “Сирин ким сир тутар,
Тез ушалгай унда мақсад, орзулар”.

Гар уруғ қилганда ер остин макон,
Яшинаган бўстон сирин айлар ниҳон.

Сийму зар гар бўлмагай кўздан ниҳон,
Сир тутиб, олтин, кумуш асрарми кон?”

Ул ҳақимдан ваъдалар ҳам лутф-карам
Қувди бемор кўнглидан кўрқувни ҳам.

Ваъдаларнинг ростии бор – кўнги тилар,
Ваъданинг ёлғони бор – ғамгин қилар.

Рухга ёр – пок қалбу дилдан ваъдалар,
Рухга озор – ноаҳилдан ваъдалар.

**Валийнинг канизак дардини
аниқлагани ва бу дарддан подшоҳни
огоҳлантиргани**

Сўнг Ҳаким кўзгалди, беморларга хос
Ҳолни ул подшоҳга айтмоқ-чун бироз.

Деди: “Шул тадбир, чақир ул мардни тез,
Келтириб, сўнг биз қувайлик дардни тез.

Чорлагил заргарни олис шаҳридан,
Аврагил, сарпою зар, алдоқ билан”.

Тинглагач подшоҳ, Ҳаким пандин чунон,
Жону дил бирлан қабул этмиш шу он.

**Шоҳ заргарни келтириши учун
Самарқанд шаҳрига элчиларни
юборгани**

Шоҳ юбормиш ул тараф бир тўп вакил,
Эрдилар зукко, адолатлик, асил.

Ул Самарқанд сори сўнг етгач улар,
Бердилар заргарга подшоҳдан хабар.

“Эй билимдон, эзгу зотдирсан, даҳо,
Шухратинг буткул таралмиш эл аро.

Шоҳимиз чорлайди, отлан, ушбу кун,
Сени бош заргар қилиб қўймоқ учун.

Ол, кумуш, олтин ва сарпо, рози бўл,
Сен сарой аҳлин улуг, мумтози бўл”.

Молу мулк, бойлик-бисотлар берди панд,
Юртидан, фарзандидан юз бурди мард.

Тушиди шод йўл узра, шоҳ айлаб назар,
Жонга қасд қилганлигин билмай хатар.

Елди ул чопқир шамолдай, от миниб,
Жони ҳам қон эвазин сарпо билиб.

Йўлчи, эй сен, ихтиёр айлаб сафар,
Ўз аёгинг бирла бординг хавф қадар.

Унда нафс, иззатталаблик эрди зўр,
Ул ажал “Бор, сен улуг, зўр”, дейди, кўр.

Етди сўнг манзилга йўлдан ул гариб,
Кирди бошлаб шоҳга сўнг дарҳол табиб.

Элтдилар шоҳ-чун, қилиб бор ҳурматин,
Токи, куйсин ҳис қилиб Тийроз шамин.

Кўрди шоҳ, сўнг айламиш таъзим бажо,
Этди кўп олтин, кумуш, ганжлар ато.

Сўнг Ҳаким дер шоҳга: “Эй қудратга ёр,
Хожа-чун бўлсин каниз инъом, нисор.

То висол қиз қалбидан доғни ювиб,
Дилда ўт ўчсин, туйиб васлин сувин”.

Этди бахи заргарга шоҳ ойчехрасин,
Бўлди сўнг ҳар икки сирдош жуфт, яқин.

Олти ой қўйгач улар ҳамроҳ қадам,
Қиз сиҳат топмиш, бутунлай кетди гам.

Сўнг табиб шарбат ясаб бергач ажиб,
Кўрди қиз, заргар озиб кетмиш, татиб.

Қийналиб, сўнг сўнди заргар ҳусни ҳам,
Қиз азобдан ўртаниб, кўп чекди гам.

Саргайиб, заргар юзин қоплаб ажсин,
Кетди музлаб қизда кўнгил кун сайин.

Бўлса гар ранг ҳамда тус, шиқдан нишон,
Сўнгидир шармандалик, шиқмас, ишон.

Кошки, бошдан бўлса заргар нуқси бор,
Гамга ҳеч бўлмасди ёлгонлар дучор.

Кўзидан қон оқди сой янглиг азим,
Ҳусни бўлгач жонга қаттол ёв, ганим.

Бил, ганимдир пат-қанот товус учун,
Ўлдирар шоҳларни ион-шавкат бутун.

Деди: “Мен ул оҳуман, сайёд букун
Киндигимдан тўкди пок қоним бутун.

Тулкидирман чўл аро, ногоҳ пусиб,
Кетдилар, пўстим учун бошим узиб.

Битта филман, сўнгагим кўзлаб бу дам,
Тўкди фил боққувчи сўнг қонимни ҳам.

Мени ким гар бир илинждан ўлдирар,
Ўлмагай қоним, бироқ билмас улар.

Менга бул кун, унгадир ул эрта, кеч,
Мендайнлар қони ҳайф бўлгайми ҳеч?

Гарчи девор соя ташлар кўп узун,
Лек, тагин қайтар асилликка бутун.

Бул жаҳон – тоғ, хулқимиздир бир нидо,
Бизга сўнг қайтар нидолардан садо”.

Берди жон заргар, бу сўз айтиб шу пайт,
Этди сўнг ул қизни тарк ишқ бирла дард.

Чунки марҳумларга ишқ ҳеч манғумас,
Чунки марҳум биз тараф қайтмайди, бас.

Ишқни асрар пок, тирик жон ҳам қарог,
Фунчадан ҳар лаҳза покдир, ярқироқ.

Сен тирик ишқ танлагин, боқийдир ул,
Жонга майдир, майга ҳам соқийдир ул.

Танла Ул ишқин, фақат, бор анбиё
Улга машғул бўлса, сўнг топгай зиё.

Айтма: “Биз-чун қайда йўл то шоҳ қадар”,
Меҳрибон зотга бу осон қанчалар.

**Заргарнинг заҳарланиб ўлдирилиши,
беқарор нафс ва бузук фикру хаёл
оқибати эмас, балки илоҳий ишорат
эканлиги баёни**

Гарчи ул заргарни ўлдирмиш Ҳаким,
Бир умид эрди бу на қўрқув, азим.

Улни шоҳ этмасди маҳв истак билан,
Амру илҳом келмагай то Тангридан.

Бир гўдакнинг бўғзидан кесмиш Хизр,
Лек, авом халқ-чун аёнмас уибу сир.

Олса Ҳақдан ҳар савол-чун ким жавоб,
Неки ул амр айлагай – буткул савоб.

Берса жон ким, жонни олгай, ҳаққи бор,
Улки Ноиб, қўллагай Парвардигор.

Бошни Исмоил каби тик, бўл ризо,
Айла, тигдан шоду хандон, жон фидо.

Токи жонинг яйрасин буткул, Аҳад
Бирла Аҳмад жони қолгандай абад.

Унда ошиқлар фараҳ жомин сузар,
Маъшугин илкинда сармаст жон узар.

Тўкмагай шаҳватни деб шоҳ қон, бироқ
Сен гумон, гавғоларингдан бўл йироқ.

Қилмагин, булганди шоҳ деб сен гумон,
Покка гард қўнғач, ҳаром бўлган қачон?

Шул сабаб, кўргач жафо, қийноқ, азоб,
Сўнг кумуш чиққай ўчоқдан софу ноб.

Яхши-ёмонлик синови бунда жам,
Қайнагач, сиртга чиқар зар занги ҳам.

Солмагай гар қалбга илҳом, ишқ, Илоҳ,
Бир қутурган ит, кучук, шоҳмас у шоҳ.

Ҳирсу шаҳват ҳам ҳавасдан ул йироқ,
Яхшилик қилгай, хунук юзлик, бироқ.

Теҳса ҳам гар кема, денгиз ичра, лек,
Бил, Хизр қилган ҳар иш – юз яхшилик.

Лек, Мусо янглиг ҳунарманд, нурли зот,
Билмагай ул сирни, учманг беқанот.

Ул қизил гўлдир, уни хун демагил,
Ул ақлдан маст, Мажнун демагил.

Бўлса мўмин қони унга муддао,
Кофир ўлғум, номин олсам тилга то.

Мадҳ этилгач нобакор, титрайди ариш,
Мадҳидан – тақво элининг қўнгли гаши.

Эрди ул шоҳ, эрди огоҳ ҳаммадан,
Эрди ул хос, берди ёлғиз Ҳаққа тан.

Шундайин шоҳ ўлдирар эркан агар,
Элтадир олий мақому бахт қадар.

Қаҳрида гар кўрмаганда наф, паноҳ,
Ҳеч ато этмасди қаҳрин унга шоҳ.

Гар табиб тиг тутса, гўдак қўрқадир,
Шодланар, лек, она, гар ўртар багир.

Ул ярим жонинг узиб, юз жон тутар,
Ўй-хаёл сиздирмаган имкон тутар.

Бир қиёс олдингу сен ўздан, бироқ,
Кўп йироқдирсан, йироқ, боқ яхшироқ.

Форсчадан Одил ИКРОМ таржимаси

1960 йилда туғилган.
Шоир ва таржимон.
Ленинобод Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимида таҳсил олган. Унинг Заҳирий Самарқандий, Лойиқ, Жалолиддин Румий, Бедил, Нақибхон Тўғрал, Муҳаммад Иқбол, Нодир Нодиртур каби етук ижодкорлардан қилган таржималари нашр этилган.



Наср


**Абдунаби
БОЙҚУЗИ**

1954 йилда туғилган.
Тошкент Давлат
университетини
тамомлаган.
Ғафур Ғулом номли
Адабиёт ва санъат
нашриётида,
“Муштум”
журналида, “Совет
Ўзбекистони”,
“Халқ сўзи” “Оила
ва жамият”
газеталарида фоллят
юртган. “Ғуборингни
ёзгайман”, “Сени
излаб келдим”,
“Кўзи дарёйим”,
“Беш наво”, “Беш
сўмлик кеккайиш”
номли китоблари чоп
этилган.

ТЕШИКМОЗОР ҲАНГОМАЛАРИ

Ҳажвий қисса

Биринчи қисм

Тешикмозор қишлоғи Андижондан юрсангиз Пойтуққа кираверишда...

Қишлоқнинг номи нега Тешикмозор деб ҳайрон бўлманг. Бунинг ўтмиш билан боғлиқ асосли сабаблари бор. Изоҳи, энди, алоҳида мавзу.

Тешикмозорнинг, мен сизга айтсам, ҳар бир фуқароси хангома. Айниқса, Оташ хоббони ва Бўташ гупир билан боғлиқ гапларни йиғиб китоб-питоб қилинса борми, мақтаняпти демангу, бир ажабсанда асар бўларди-да.

Ҳа, тешикмозорликларнинг дунёни лол қилгулик жуда кўп хангомалари бор. Фақат бир камчилиги, бу манзил-макон билан боғлиқ беғараз, бетакрор шумлигу қитмирликларни элга манзур тилда ифодалаб берадиган зўр ҳажвчи ёзувчисининг йўқлиги. Тўғри, Тешикмозордан беш-ўн қақирим атроф доирада, доврўғи довлонлар ошган Қамчибек Кенжа, Абдулла Комил, Наби Жалолдин деган машҳур адиблар чиққан. Бироқ уларнинг “ҳазил-мазак”, “олди-қочди гаплар”га унчалик тоблари йўқроқ, десам хато бўлмайди. Ноумид бўлмаймиз. Жиддий жанрларда қалам тебратадиган машҳур адиблардан шунчасини берган Худо хангомасуярларини ҳам ато этиб қолса ажаб эмас. Ҳозирча, бу вазифани, баҳоли қудрат бажариб туриш бизнинг чекимизга тушганга ўхшайди. Ош бўлмаса, оби ёвғон ҳам овқат, дейдилар-ку, машойихлар.

Шундай қилиб, Тешикмозор халқи ёппасига ҳазилкаш. Икки одамнинг боши қовушса, гап нишоби лақабингизга бориб тақалаверади. Бу мулоқотлар тагидаги маъноости қатламларини тешикмозорлик бўлмаган одам фаҳмламаслиги мумкин. Ҳа, энди, икки тешикмозорлик бир-бири билан шунчаки, модернча усулда ҳол-аҳвол сўрашяпти-да, деб кетаверади.

Аслида, бундай ҳол-аҳвол сўрашиш асносида, икки тешикмозорлик ўзларининг ибораси билан айтганда, бир-бирининг “энасини Учқўрғондан курсатаётган” бўлади.

Мана қаранг, йўлда икки тешикмозорлик учрашиб, сўрашяпти: “Яхшимисиз, Аблазиз ака? Қалай, бола-чақа, қозон-товоқ, мол-ҳол... омонми?” “Раҳмат Эрқабой! Пермер болагаям раҳмат, мени бедапоёға байлаб кўйган. Ўшетта юриппиз, ризқимизни чимдиб, е-еб”.

Бу гапларнинг қаери қинғир? Сал ҳазилнамо, демаса, бинойидай гаплар. Шундайми? Ҳа, яшанг! Аммо, ана шу, сал ҳазилнамо гаплар остида фақат тешикмозорликларгина пайқаши мумкин бўлган анча-мунча маъно-мазмун, нозик қочирим, имошора ва энг муҳими, ҳозиржавоб топқирлик ётипти.

Ана энди сирни очай: Аблазиз аканинг лақаби, демак, сигир

ёки бузоқ, Эркабойники эса эшак ёхуд хўтик бўлиб чиқади.

Бу ажабтовур суҳбат завқини ўша икки тешикмозорлигу, яна англаса... шу тешикмозорликларнинг ўзлари англайди, холос.

Тешикмозорга келиб, ҳазил ёки аския қилиб қойил қолдириб кетаман, деган одам икки чучваранинг ўртасини епти. Тешикмозорликни афдан-бафдан келиб ҳали бирон кимса “энасини Учқўрғондан кўрсатиб” кетолмаган. Тешикмозорликнинг энасини фақат шу тешикмозорликнинг ўзи уч эмас, нақ ўнча кўрғон наридан кўрсата олади. Тешикмозорлик бўлмаган биронта одам, мен тешикмозорликнинг энасини Учқўрғондан кўрсатдим, деса бу гап лофдан бошқа нарса эмас. Ҳа, айтганча, лоф масаласида. Лоф айтишда ҳам ҳали ҳеч ким, тешикмозорликларчалик лоппиллай олмаган. Гапимиз қуруқ бўлмасин учун бир воқеани эслаб ўтай. Тўрақўрғонлик Ҳафизхон лофчи тешикмозорлик Маташбой лофчининг дарагини эшитиб, бир жуфтгина лоппиллашай, деб Тешикмозорга келибди. Қишлоққа кираверишда Маташ лофчининг саккиз ёшлар чамасидаги Абдураҳмон деган ўғлига йўлиқибди.

“Йўл бўлсин, амаки?” – деб сўрабди бола.

“Шу қишлоқдан Маташ лофчининг таърифини эшитаман. Ўша киши билан бир-икки жуфт лоппиллашай, деб келдим. Қайси уйда яшайди, айтолмайсанми?”

“Адашмабсиз. Мен ўша кишининг тўнғичи бўламан. Отам уйда йўғидилар”.

“Ундай бўлса, келгунича дарвозахонанглардаги сўрида попирис-мопирис чекиб ўтириб турсам...”

“Кутиб қолмасмикисиз, амаки? Отам эрта билан обдан чилим тортувди. Тутунини пуфлаш учун одам сийракроқ жой излаб Тўққизадирга чиқиб кетди. Эҳтимол, мен билан лоппиллашиб қўяқоларсиз?”

Ҳафизхон лофчи боланинг гапига жавобан, пўнғиллабди:

“Тутунни чеккан жойида пуфласа бўлмасаканми?”

“Ия, нима дияпсиз, амаки! – дебди бола. – Кашандаларимизнинг ҳаммаси тутунини шу ерга пуфласа Тешикмозорни булут босиб қолади-ку!”

“Менга қара, ҳей тирранча! Шунча йўлни сен билан ади-бади айтишаман деб келганим йўқ. Менга отангни рўпара қил”, – дея зардаланибди Ҳафизхон лофчи.

Бола бошқа ҳеч нарса демабди. Меҳмоннинг олдига патнисда иккита нон, чойнақда доққина кўк чой, пахта гуллик пиёла ва беш-олти чақмоқ оқ қант келтириб қўйибди-да, узрини айтиб, айвон саҳнидаги экинлар тагини юмшатишга киришибди. Икки соатдан ошибди ҳамки, Маташ лофчидан дарак бўлмасмиш. Тоқати тоқ бўлган Ҳафизхон лофчи Абдураҳмонга дебди:

“Отанг уйга бугун-эрта қайтадиганмиди ўзи?”

Абдураҳмон энди пинагини ҳам бузмай, шундай жавоб қилибди:

“Яна андак сабр қиласиз. Отам ичидаги тутунларни пуфлаб бўлди. Энди фақат йўталиши қолди. Ўзингиз биласиз, чилим тортгандан кейин бир соат, ярим соат биғиллаб йўталиши керак-ку, одам!”

Ҳафизхон лофчи, тирмизаги шу бўладиган бўлса, отасига йўлиқмаганим маъқул, деб, изига қайтиб кетган экан.

Ошириб-тошириб гапириб қўйиб, соддаҳайронлани-иб туришда ҳам тешикмозорликларнинг олдига тушадигани йўқ. Оташ хоббони билан Бўташ гупир бу борада нафақат Тешикмозорда, балки, бутун Фарғона водийсида пеш десак бўлаверади. Уларнинг бир-бирига қилган ҳазиллари, мен сизга айтсам, менман деган қизиқчиларнинг ҳам етти ухлаб тушига кирмайди. Биттасини мисол келтирайми? Ҳай, эшитинг:

Бир кун, турмуш ташвишларидан чарчаган Оташ хоббони уйининг орқасидан шарқираб оқиб ўтадиган ариқнинг бўйида, дуррачаси билан елпини-иб ўтирса, эски, шалағи чиқиб кетган “Жигули”сини варанглатиб, Бўташ гупир ўтиб қолибди.

“Ҳа-йов! Йўл бўлсин, Бўташвой?!” – дея бўйинини чўзибди Оташ хоббони.

Бўташ гупир ҳам, оғайнимга бир гуппиллаб қўяй, деб келаётган экан. Ойнадан калласини чиқариб, машинасига ишора қилиб, дермиш:

“Жонободга! Манови, қари қирчанғи қисир қолувди. Исломидиннинг “Волга”сидан қочириб келай!..”

Оташ хоббонига бу гап айил ботибди:

“Вой қисталоғ-ей, – дебди ичида, – шалағи чиққан аравасини пеш қилиб, менга гап едириб кетди-да, ўзича!”

Кўп ўтмай, Оташ хоббони ҳам, кишнаб турган “ГАЗ-21” сотиб олибди. Қутлуғ бўлсинга, улфатлар қаторида, табиийки, Бўташ гупир ҳам кирибди. Шу фурсатни пойлаб турган гупир хоббонига теккизиб нима дермиш: “Айрим одамларнинг, айрим масалаларда, жонободликларга қатнаб, жони ҳалак бўлятганидан орият қилдик. Бўташвой! Мабодо, жигулингиз яна куйикиб-нетиб қолса, тортинмасдан олдимишга келоврасиз!”

Тешикмозорликлар, ҳазил-мутуйибага жиддий ёндошишади. Анча-мунча, ҳазилчалиш

гапларни оғизларига олиб, гапни хашакилаштириб ўтиришмайди. Ҳазил-мутойибанинг ҳақиқий “Фирменний тешикмозорский”ларини топиб-топиб гапиришади. Улар чайнаб ташлаган хангомаларни, пойтахтнинг номдор қизиқчилари, катта концерт залларида, қайта-қайта чайнашиб, бола-чақа боқади. Обру ва унвонлар олишади. Бироқ улар бу гапларга парво ҳам қилишмайди. Чунки, тешикмозорликлар учун ҳазил-мутойиба, аския деҳқончилик-да. Ўзлари бир пайтлар айтган хангомаларни бировлар тилидан эшитиб қолишса, “Майли-да, ҳосилдан капсан-папсан ҳам берилади-ку”, деб қўяқолишади.

Шу ўринда ниҳоятда меҳнатқаш, ўзларининг тили билан айтганда, ўлардай кетмончопқир, хангоматопқир ҳамқишлоқларимиз ҳақида Шўролар сиёсати обдан гуриллаб турган йилларда ёзилган бир шеърни эслаб ўтиш имконияти туғилиб қолди. Эшитиб кўрасизми? Марҳамат!

Тешикмозор – ўзбеки қишлоқ,
Бу ерда ҳам пахтадир борлиқ.
Фуқароси беармон ишлаб,
Армон билан чиқарар ҳордиқ.

Бироқ, элим, шундай қовулки,
Кулфатин ҳам айтар кулдириб.
Демак, демак боқийдир кулги,
Аскияни бўлмас ўлдириб.

Тонг, бунда ҳам отади эрта,
Тун, хузур не билмай ўтади.
Пайкалнинг у боши уйғонса,
Этагини уйқу элтади.

Биров келса уйингиз сўраб,
Таомил шу – беради овоз.
Фақат, етти маҳалла узра
Лақабингиз қилади оғоз.

Кундузлари, шундай узунки,
Ярим йўлда ҳорийди қуёш.
Аламзада офтоб забтига
Фақат, қизлар беради бардош.

Бизга чин, сизга муболаға,
Кимдир ўлса, очилса аза.
Мархум исми қолиб бир ёқда,
Лақабига ўқир жаноза.

Касалманд кул томирларидай,
Қорадарё борадир қуриб.
Нима қилай, Тўртқўлариғай-й!..
Тушларимга кирса айқириб.

Ана шундай, бизларнинг қишлоқ,
Яшамоқни обдан билади.
Кулги билан йиғлайди, кўпроқ,
Йиғлаб туриб кулги қилади.

Туғён урар дилда иштибоҳ:
Бахт бунчалар бўлмаса оний.
Бу ердан ҳам ҳақиқат йироқ,
Бу ерда ҳам мустарлик ғаний.

Ана шунақа гаплар...

Тешикмозорликлар, мен сизга айтсам, ҳар бир соҳада ўзига хосликка интилишади. Ишда, яшашда, ошашда, ҳатто, меҳмонга кўрпача тўшашда ҳам, деб қўйишади, қўшни қишлоқликлар.

Биз ёғоч от миниб, кўча чангитиб юрган пайтларимиз экан. Бутун республика пахта усталари ғўзани “квадрат” усулида етиштириб турган бир пайтда бу ерликлар ўзига хосликларини намойиш этиш учун чигитни кўндалангига экишган, дейишади.

Тўғри, тешикмозорликлар яна, мен сизга айтсам, кулги чиқадиган жойга суви бўлмаса ҳам каллачасига ташлашади. Бироқ улар ҳазил-мутойибага қанча ўч бўлишмасин, одамнинг афти буришиб кетадиган даражада ориятли ҳам.

Ҳа, айтганча, тешикмозорликлар ўлардай болажон халқ. Қолаверса, бу ерликларнинг муштдайдан тортиб тошдайгача турган-битгани хангома.

Шундай келишсак. Отаси ҳақида гапириб чарчаганимизда, тешикмозорликларнинг болалари тилидан эшитганларимизни ҳам таппа-таппа қоғозга тушириб кетаверсак, ажаб иш бўларди-да. Демак, розисиз? Келишдик! Демак...

Латифа:

Қачон гапириб берасиз?

Уч ёшли набира бобосининг мешдай бўлиб кетган қорнини эзиб сўраётганимиш:

- Опподада, бу йима?
- Буми? Гап, болам, гап.
- Ҳаммаси-я?
- Ҳаммаси.
- Улайни қачон дапийиб беясиз?

Энди юқорида айтганларимни исботламасам, бўлмас. Мана, бўлиб ўтган, қорнимизда сақланаётган ўша воқеалардан айримлари.

Хотин, дамингни чиқарма!..

Саккизинчими, ё... Йўқ, аниқ тўққизинчи синфда ўқирдик. У пайтларда янги йилни улфатлар билан бир ерга йиғилишиб нишонлаш тоза расм бўлган. Ҳар йили гоҳ у, гоҳ бу ўртоғимизникида кутиб оламиз. Албатта, йиғилишиб янги йил кутишнинг ҳам ўзига яраша даҳмазалари бор. Гўшт, ёғ, яна анча-мунча биров билмас, шиша-пиша, дегандай. Аялманд оиланинг боласи сифатида мен бундай хотамтойлик қилолмасдим.

Отамиз ўша йили Ўнтом деган томонлардан шоли экиб, ҳосилини биз ўрта уй, деб атайдиган омборхонамизга, қанорқопларга санжоб қилиб жойлаб қўйганди. Ниманидир қидириб ўша уйга кирсам, дунёнинг чумчуғи ғужғон уйнаяпти. Шартта эшикни ёпдим. Кўлимни ҳавога ёлғондакам сермасам, тўрт-бештаси чангалимга илинади. Бир-бир калласини узиб, кир ювиладиган тоғора шу ерда экан, ўшанга ташлайвердим. Тоғоранинг катталиги, нима десам экан, ўн учта чулдирвақаси бор оиланинг кир тоғораси биласизми, қанча бўлади? Хуллас, ўша тоғора чумчуққа тўлиб-тошдиям, учиб юрганлари тугай демайди. Қўйингки, бир дуйсанба куш гўшти. Уни оиламиз билан бир ҳафта есак, тугатолмаймиз. Хаёлимга зўр бир фикр келди. Бугун кун нима? Ўттиз биринчи декабрь. Шу янги йилни ўртоқларим билан бизнинг уйимизда кутсакчи! Ўзимнинг ақлимга ўзим қойил қолдим.

Ўрта уйда амалга оширганим қирғинбаротни бориб даврабошимиз Муталлибжонга айтдим. У Аҳмаджон, Ҳақимжон, Холматжон ва яна кимларнидир етаклаб келди. Бир ғарам, боши йўқ чумчуқ. Кўриб турибман, ҳаммаси ҳайратда – оғзининг таноби қочиб кетди.

“Зўр бўпти!” – деди даврабошимиз. – Гап бундай, бу сапар янги йилни Ҳабишларникида – шетта кутамиз. Ҳабиш, сен кечкурунча, чумчуқларни тозала. Қолган нарсаларни ўзимиз опкеламиз”.

Хуллас, кечкурун, тенг-тўшлар бизникида йиғилиб, чумчуқхўрликни бошладик. Қовуриб едик, қайнатиб едик, кўрга кўмиб, қозонга димлаб едик. Қўйингки, бор чумчуқни янги йил кирмасиданоқ соб қилдик.

У пайтларда қишлоқларда, асосан, вино ичиларди. 26, 53 деган тоза хўроз винолар бўларди. Эллик учидан йигирма олтинчисининг юқумиям, ютумиям яхшироқ бўларди. Ўшанисидан икки-учтасини ағанатганимиздан кейин, йигирма олтинчиси тугаб, фақат эллик учинчилари қолди.

Кимдир:

– Энди 26-си отилмасин! – дея хитоб қилди.

Ўша пайтларда, шу номдаги бадиий фильм машҳур бўлган. Кинотеатрларга келиб қолса, ҳамма ёпирилиб борарди. Биз ҳам энди 26-сини отмай, 53-сига ўтдик. Отишма роса қизиганда, чумчуқ гўшти тугади.

– Уйда мол гўшти бор экан, – дедим мен.

– Йўқ, бугун куш гўшtidан бошқаси бекор! – деди кимдир. – Фақат, куш гўшти еймиз.

Чумчуқ эти ва винога бўкиб олган улфатларимиздан икки-учтаси қаёққадир ғойиб бўлиб қолишди. Бу маҳалда, соат миллари тунги хуфтонни кўрсатиб турарди. Худо бергандай, ташқарида гупиллатиб, қор ҳам ёға бошлабди.

Кўп ўтмай, ҳар бири биттадан-учта товукни қўлтиқлаб, шерикларимиз пайдо бўлишди. Қаердан, кимникидан, деган саволларимизга ҳеч бири чурқ этишмасди. Нима бўлса, бўлган, астойдил ёпишиб, товукларни сўйиб, тезроқ саранжомлаш керак эди. Қассоблик Холматжоннинг чекига тушди. Оёғидан боғланган макиёнлар қалин қор устида “ғулқ, ғулқ”лаб ётибди. Ҳамма ҳар хил фикрда.

Кимдир:

“Пичоқни, бисмилло, деб, хиққилдоғидан торт, – деса, бошқаси:

“Тўғри келган жойидан сўявер. Барибир, вино ичиб, жонлиқни бежон қилганинг учун дўзахнинг нақ ўтхонасига тушасан, ярамас! – дейди. – Фақат, қақағлатмасдан сўйсанг, у ёқларга олкетийшётганида, ўзининг жонингни ҳам дод дегизмасдан олишади”.

Товуқларни ими-жимиди, овоз чиқармай сўйишга келишдик.

Холматжон бир амаллаб уларни ҳалоллади. Ичак-чавоғини ағдараркан, келишув ёдидан чиқдимми ё ҳайратини босолмадимми, ҳаяжонли овозда деди:

“Во!! Ичидан тухумиям чиқди!”

Қассобимиз икки дона оқ-сарик нарсани Аҳмаджоннинг кафтига ташлади.

“Тухум экан, – деди Аҳмаджон ҳам, ва эзиб кўриб. – Пўсти ҳали қотмабди”, деб қўйди.

Бу пайт, тунги гап-гаштагини тугатиб келган отам, шундоқ тепамизда турарди.

“Ҳа, ҳормайнар, йигиллар?!”

Ҳаммамиз турган еримизда қотдик. Отам бир менга, бир чавақланиб ётган товукларга қарайди. Дамимиз ичимизда. Нима дейишни билмаймиз. Жимликни отамнинг ўзи бузди:

“Кимникдан опкелишдинг?!”

Қани энди, биронтамиздан жўяли жавоб чиқса. Ким ўтирган, ким энкайган, ким тик... Бундай ажабтовур инсон манзараларини, ҳаётим ҳаёт бўлиб, бошқа кузатмадим.

“Бўлар иш бўпти! – деди, отам охири, пўписа билан ва буйруқ оҳангида кўшиб қўйди. – Энди, тезроқ пишириб еб, уй-уйинга жўнаш! Тузукми?”

Шундай деб, отам ичкарилади. Ундан у ёғи... товуқларни қандай пишириб, қандай едик. Нима деб, нима қўйдик. Янги йилни кутиб олдикми, йўқми. Тўғриси, эслаёлмайман.

Эртаси куни тонг саҳарда отамнинг меҳмонхонасида юзага келган ҳолат ҳақида эса эшитганларим кечагидай ёдимда. Хуллас, отам, меҳмонхона улфатлари нонуштага йиғилгач:

“Биродарлар, кеча кечқурун кимнинг уйдан товуқ йўқолди?” – деб сўрабди.

Қарангки, шу савол бўлганда янги ёққан қор устида ўзининг ҳовлисидаги катақдан бошланган ўғри излар бизнинг дарвозамизга келиб кириб кетганини кўриб индамай изига қайтиб кетган ва:

“Хотин, дамингни чиқарма, товуқлар нозик жойга кетди!” – деб, аёли Ўқтамхон аянинг оғзини ҳам ҳеч қачон очилмайдиган қилиб ёпиб қўйган Худойберган бува ҳам шу ерда ўтирган эди. Турган гапки, бу ажойиб инсонлар, аввало, учтагина товуқни деб, отам билан ўрталаридаги узоқ йиллик дўстлик ришталарига совуқчилик ўрмалашини, қолаверса, яхши-ёмон оғизларда уйига ўғри тушибди, деган гап сақичдай чайналишини ҳам истамаган экан, энди ўйласак.

Латифа:

Ақлли бўлганмисиз?

Тешикмозорлик Қўйлиной отанинг беш ёшли набираси Жавоҳир бобосидан сўраётганимиш:

- Опподада, ошни қачонгача ўнг қўлда ейман?
- Ақлли бола бўлгунингча.
- Сиз ҳам ақлли бола бўлганмисиз?
- Бўлганман, болам, бўлганман.
- Унда нега ошни ҳалиям ўнг қўлда ейсиз?

Нортуядай бақувват

Тўлқинбой бригадир Тешикмозорга Жонободдан қатнарди.

Анчагина дароз, елкалари билинар-билимас бўртиброқ кўринадиган бу йигит истаралигина, киришимлигина эди. Бировни ака, бировни ука деди. Аёлларни катта бўлса опа, кичик бўлса синглимади. Тез орада, қишлоққа сингишиб кетди. Келгинди раҳбарларга бўй беравермайдиган тешикмозорликлар Тўлқинжон Қодировни шу ернинг одамидай ардоқлашиб, нима иш буюрса бўйин товламай, сидқидилдан бажариб кетишаётганининг боисини билолмай, туманнинг катталари ҳам анчагача ҳайрон бўлиб юришди. Бу апоқ-чапоқликнинг сабаби бор эди. Гапни чўзиб нима қилдим, айтиб қўяқолай. Тўлқинжон ҳам тешикмозорликларнинг ўзларига ўхшаб, одамнинг ҳавасини келтирадиган, янаям диркиллантиброқ айтсак, икки ўрқачли... лўмбиллабгина юрадиган жонивор номи билан боғлиқ лақаби бор эди.

Бу сирни энди қаламга олсам, биров мени айбламайди. Чунки ҳар қандай, ҳатто, ҳарбий маълумотларни ҳам йигирма беш йилдан ортиқ сир сақлаб бўлмайди. Иккинчидан, биз билган Тешикмозорнинг одамлари лақаби йўқ одамни одам ўрнида кўришмайди. Борди-ю, бирон бегона одам билан танишиб мириқиб суҳбатлашмоқчи бўлишса, лақаби борми йўқлигини пайпаслаб кўришади. Лақабсизлигини пайқаб қолишса енгил-елпигина саломлашган бўлишади-ю, жуфтакни ростлашади-воради. Тузуккина лақабингиз бўлиб, анча-мунча ҳазил-мутойибага қинғайиб, чиртинг-пиртинг қилмаслигингизга ишонч ҳосил қилишса,

“Э, азиз биродар! Қаердаги, одам топмас қишлоқларда юрасизми хор бўлиб. Келинг, сизнинг жойингиз бизнинг Тешикмозорда! – деб, сизни кўчириб опкегишлари ҳам мумкин. Лақабингиз киройи жаранглайдиган лақаблардан бўлса худо берди, деяверинг. Ўзлари, ҳашар йўли билан ҳовли-жой солиб, шу ерлик бирон лақаби йўғонроқ марҳумнинг бевасига уйлантириб қўйишса ҳам ажаб эмас.

Мавзудан манғиб кетдиг-а? Узр.

Хуллас, Тўлқинбойни олиб келиб бригадирликка тайинлаётганда, раисимиз Абдусамат буванинг:

“Тўлқинжон, болам, шу оғир участкани бугун сенга юкляппиз. Эртага “Бў-ў”, деб

юбормайсан-да! Астойдил бўласан. Мана шу оғир қарвон қишлоқнинг олдига тушиб ёруғ манзиллар сари етаклайсан, энди” – деганида, мажлис аҳли орасида ҳақкам-дуккам кулги ҳам кўтарилган эди.

Тешикмозорликлар ўшандаёқ билишган эдиларки, янги бригадирнинг лақаби... Ҳай, майли, бу ҳақда кейинроқ. Хуллас, ўшанда раис бир ўқ билан икки қуённи урган. Бу гапи билан тешикмозорга қаердаги, “белақаб одам”ни олиб келмаганини, энг муҳими, оғирқарвон деб ном қозонган бунақа бригадани тортиб кетиши учун мана шунақа, Тўлқинжонга ўхшаган нортуюдай бақувват кадрлар шарт, деган сиёсатини ўтказа олган экан.

Тўлқинжоннинг лақабини айтмадингиз дейсизми? Неча марта айтдим, ахир! Ҳаҳ, ўқувчим-а! Тешикмозорлик эмассизда, эмассиз!..

Латифа:

Ҳарфлар қочиб кетмасин

Тешикмозорлик Қўйлиной буванинг набираси Жавоҳир бобосидан яна сўраётганимиш:

- Опоғдада, китоб ўқиётганингизда нега кўзойнак тақиб оласиз?
- Ҳарфлар қочиб кетмасин, дейман-да, болам...
- Унда нега бувимга қараганда кўзойнагингизни ечиб қарайсиз?

Ошқовоқ эксам!..

Тўлқинжон бригадир ҳам, ўзвак кўрингани билан, бироз маҳаллийчилиги бор экан. Тракторчиси бошқа бригадага ўтиб кетгач, ўрнига ўзи томонлик Собиржонни етаклаб келди. Собиржонни ҳам ўзидан ўтган ўзвாகан. Бир куни Тўлқинжонга:

“Тўрткулқанда бўларидаги лойқа кўтармага, ошқовоқ экиб олсаммикин?” – деб, маслаҳат солибди.

Собиржонни тушмагур-ей, бошқа экин қуриб кетгандай, ошқовоқ экаман, дейдими? Қовун-повун, ҳеч бўлмаса, тарвуз экаман, демайдим. Икки ўрқачлик, деган ажойиб лақаби билан аллақачон тешикмозорлик бўлиб кетган Тўлқинжоннинг ҳам шу ерда тешикмозорча шумлиги тугибди.

“Жуда яхши-да. Отанга раҳмат! – дебди у, Собиржонни янада рағбатлантириб. – Уруғини Камол акангдан сўрайсан. Сўртавуғ, ётволи-иб бўладиғанлари, ўша кишидан топилади, дейишади”.

Собиржон, кўтармага экиладиган уруғни ўзича чамалаб, тўрт-беш килолар кетса керак, деб ўйлади ва Камол аканикига йўл олди. Камол ака ҳам уруғларидан сўраб келишганидан ўзида йўқ хурсанд эди. У негидир хохолаб кулар, кулган сари ошқакидай сап-сарик қошу кўзлари, киприклари, офтобда қизарган, серажин юзлари баттар олтинланиб, товланиб кетарди. Камол ака бу шумликнинг ортида кимлар турганини аллақачон сезган эди.

“Қанча керак?” – деб сўрайди, кулгидан ўзини аранг тўхтатиб.

“Тўр-беш килоси етар”, – дейди Собиржон.

Камол ака, “Ҳозир-да!”, дея ичкарига кириб кетади. Бир зумдан кейин, тўрт қарич, беш қарич келадиган бешта қизчасини олдига солиб, етаклаб чиқади.

“Мана, беш килолигиям, олти килолигиям бор. Танлаб, ёққанини олиб кетаверасиз!”.

Собиржон ҳеч нарсани тушунмай, серрайиб туриб қолди.

“Мен... мен, сиз билан ҳазиллашгани келганим йўқ, ака!” – деди у.

“Мен ҳам ҳазиллашмаяпман. Уруғларимизга ишқибоз бўлиб келасизу, биз бермаймизми?!”

Камол аканинг уйдан қуруқ қўл билан қайтган Собир тракторчи Тўлқин бригадирга ёзғирди:

“Бу, Камол ака дегани жинни-пиннимасми? Уруғ сўраб борсам сариқ-суруқ қизларини суняпти!..”

Ҳангомани уюштириб жилмайиб турган Тўлқинжон ҳам, унинг атрофидаги бошқа аъзолар ҳам тешикмозорчасига мириқиб кулдилар. Ўша куни нима деярини билмай, анграйиб қолган Собиржоннинг эса тешикмозорлик бўлишига ҳали беш-олти қовун пишиғи борлиги билиниб қолди.

Камол аканинг ҳам лақабини айтмадим.


“Айтмасангиз, қаердан биламиз?” – дейсизми? Эҳ, содда ўқувчим! Сизнинг ҳам, тешикмозорлик бўлишингизга ҳали а-анча қовоқ пишиғи бор...

Давоми келгуси сонда

Бу бўстон саҳнида



Самар БОНУ
(1837-1891)



БОНУ БУЛОҒИДАН

XIX аср Фарғонаси ўзбек шоирларининг бадиий салоҳияти жуда юқори бўлганлиги билан ажралиб туради. Бу аср ўзбек адабиётига Увайсий, Нодира, Маҳзуна ва Самар Бону каби забардаст шоирларни туҳфа этди. Бону (асл исми Самар Бону Сирожиддин қизи) 1837 йилда Уш шаҳрида улуғ файласуф шоир Ҳувайдо мерос қилиб қолдирган юқори даражадаги адабиёт муҳитига эга бўлган, ўз даврининг кучли адабий-фалсафий доирасининг маркази бўлган оилада таваллуд топган. Самар Бону тарбияни, аввал, оқила, фозила аёл бўлган онасидан, кейинчалик отаси – шоир ва олим Маглавий Сирожийдан олган. Самар Бону 1855 йили отасининг шогирди Андижоннинг Мингтепа қишлоғи (ҳозирги Марҳамат тумани)да яшовчи Шарифжон исмли йигитга турмушга чиққан. Ун ой турмуш қурган Самар Бону эри фожиали ўлдирилганидан сўнг, 19 ёшида янги туғилган ўғли Заҳриддин билан бева қолган. Унинг “Бону ғариб” шеъри бу оғир жудалик ва мусибатдан, ўзи каби аёллар қисматидан, замонасидаги ҳақсизликлардан зорланиб битилган.

Самар Бону 1891 йили 54 ёшида Мингтепада вафот этган.

Самар Бону поклиги, маънавий камолоти, шеърий истеъдоди жиҳатидан Нодира, Увайсийлар даражасида бўлса ҳам, жасорати ва мустаҳкам иродаси билан эътиборни янада кўпроқ жалб этади.

Камина Бонунинг оддий мухлиси. Шу боис Бону шеърияти билан боғлиқ маънавий меросимизни чуқурроқ ва тўлиқроқ ўрганиш адабиётшуносларимизнинг, айниқса, ёш олимларимизнинг муқаддас бурчи, деб ҳисоблайман.

Бону маънавий булоғидан олинган бир ҳовуч зилол сув шеърият шайдоларига манзур бўлади, деган умиддаман.

Ортиқали ҲУСАНОВ,
"Турон" ўқув маркази раҳбари

ҒАЗАЛЛАР

*Бону айтур бу оламдаки, ғамсиз юрмадим ҳаргиз,
Бу дунё даврини шодмону хандон сурмадим ҳаргиз.*

*Жаҳонда юрдиму турдим, неча чектим жафоларни,
Жафосин кўрдум, эй дўстлар, вафосин кўрмадим ҳаргиз.*

*Аё дўстларки, мен ёлғиз, ғариби бенаво қулмен,
Топаё аҳли аёл, атфол деюб қайгурмадим ҳаргиз.*

*Ки саккиз йил бўлур отам шикоря Ёркент айлаб,
Муборак юзларин кўруб кўзум тўйдурмадим ҳаргиз.*

*Ки кўрмакни қўюб, эй тан, бўлак эмди талаб қилгил,
Шарифим сарри пойидин ўзум жўкурмадим ҳаргиз.*

*Жаҳонда ҳар бало бўлса, баҳам бўлди ғариб бошим,
Ситам бирла аламларни суруб, ёндирмадим ҳаргиз.*

* * *

*Кўрунг бир дилбари золим менинг ҳолим хароб айлаб,
Ёқуб ишқ оташин жонимга, бағримни кабоб айлаб.*

*Кўзим термултуруб ёттим, баса, кўп хор бўлди бош,
Кириб хилватда ҳолим сўрмади чандин азоб айлаб.*

*Тилокимдур анинг васли, туну кун ёлвориб ҳақдин,
Очиб илгим дуога, йиғладим, кўзлар пуроб айлаб.*

*Ётиб ҳажрингда беморе, бўлубман беҳуду хомуш,
Аё тан, сен нечук деб сўрмадинг, мунча итоб айлаб.*

*Талабкори висолингмен, нечукдин билмадинг ҳолим,
Кириб олдимга бир соат, чиқарни кўп шитоб айлаб.*

*Яқинлик айладим чун ўтларингга, хижлатим кўндур
Мени куйдурғали шамъи юзунгни бениҳоб айлаб.*

*Хумор айлаб кўзингни ҳам қабоқингни сузиб боқсанг.
Битай шаънингга юз дафтар мошоирлик китоб айлаб.*

*Кўзинг жаллоди бераҳму камон абрўларинг ўқлар
Мени бечоранинг чун ўлтурурга изтироб айлаб.*

*Ғаҳи хушман, ғаҳи нохуш, ғаҳи беҳуш, ғаҳи боҳуш
Бу Бонуни хароб эттинг сочинг мушкин таноб айлаб.*

* * *

Ёр жабр этти дилим гарду губорин тозалаб,
Ширину Азроу Лайли онлара андозалаб.

Гулгун этти ашки селобим тўқуб ҳар рўзу шаб,
Усмау элик, уфоу ҳам кўзини гозалаб.

Дилбарим қаттиқ кўнгуллик, маҳвашим нозук бадан,
Тешти кўксум, эзди бағрим ноз узра нозалаб.

Фош этма, эй табибо, ишқи дардин тут ниҳон,
Иста мақсудинг Худодин ўзлгингни созалаб.

Эй ҳақим аҳли, билиб дардимни изҳор этмаким,
Топмади ҳеч шайъ муроде кори ишқ овозалаб.

Ғорат этти мулки танни шоҳи ошиқлар келиб,
Бир қуше учди қўлимдин кўк сари парвозалаб.

Фақр аро маҳвашлара қочди бу Бону бош эғиб,
Ал-амон этти рақиблардин, билинг дарвозалаб.

* * *

Манга маккори золим макр этиб юз шўридин сад, дод,
Бериб минг ваъдани қилмас вафо, айёрдин сад, дод!

Бошимга ёғдурур борони гамни ёзу қиши тинмай,
Кўруб кажликни, дедим мен, фалак озоридин сад, дод!

Оғиз оша етушканда, бурунни тегдуруб тоша,
Анга қул бўлдим, эй дўстлар, жаҳон маккордин сад, дод!

Вафо тоғини кавладим, бошимга текдуруб теша,
Қилибдур пора-пора, золими хунхордин сад, дод!

Висоли бокамолидин айирмоқ қасдини кўзлар,
Ёқиб рашиқ ўтининг ишқ эллара, азёрдин сад, дод!

Бу гам гирдобидан фориғ бўлолмай кўз ёшим оқти,
Деди Бону амон бермас манга ҳар кордин сад, дод!

* * *

*Бу фалак кажравлигидин бўлди дил хуноблар,
Ашкборимдин тўкилгай коса-коса облар.*

*Зулми агёра чидолмай, шиқ майини нўш этиб,
Кунда-кунда хун ютиб, бағрим тўла зардоблар.*

*Фурқату гам бир сари, шиқнинг балоси бир сари,
Жон қутулмас иккисидин бас бўлиб бетоблар.*

*Шарҳи дилни арз этарга дардмандон топмадим,
Сабру тоқат қолмади, кетти кўзумдин хоблар.*

*Муддаойинг не, санам, қилдинг ситам уст-устина.
Юргузуб ҳукмингни ҳардам қулдугинг иштоблар.*

*Офтоби гамда қолдим, қил бошимга соя бахт,
Толеи шумум синиқдур, синди дурри ноблар.*

*Муштарий, Миррих ситоранг сувга тушиди, Бонуё,
Кўз ёшинг дарё бўлиб тортти сени гирдоблар.*

* * *

*Мени кўрган кунимни кўрмасун ҳеч қайси инсон ҳам,
Кўруб ҳолимга раҳм айлар тамоми номусулмон ҳам.*

*Кима мен меҳрибон бўлуб, анга сарф айладим дил, жон,
Манга номехрибон бўлди тамоми ёру жонон ҳам.*

*Кўринг бетолеимни айланур каж бу жаҳон чархи,
Манга қолгонда беодил тамоми беғу султон ҳам.*

*Кими кўрсам суюб жону дилимдин парвариш эттим,
Манга раҳм этмади инсон ичинда ҳеч мусулмон ҳам.*

*Менингдек бормукин асло вафо излаб жафо кўргон,
Умрни зое ўтқарган менингдек борму нодон ҳам.*

*Тасаддуқ зоти покингдин, менга эмдики сен яхши,
Топмай изласам мен ахтарурда Чину хоқон ҳам.*

*Жаҳонда тургонимга юз туман бисёр таишишмен,
Ғаминг хат бирла ёз, Бону, узатма сўзни ҳар ён ҳам.*



Исақжон СУЛСТОН

1967 йилда туғилган.

ТошДУнинг

журналистика

факультетини

тамомлаган.

“Муножом”,

“Ойдинбулоқ”,

“Боқий дарбадар”,

“Озод” каби китоблари

нашр этилган.

Ж.Нерунинг

“Ҳиндистон” китобининг

“Бобур” қисмини, Д.Буццати,

Р.Акутагава, У.

Сайфиддин кабиларнинг

асарларини ўзбек

тилига таржима

қилган.

ОНАИЗОРИМ

Қисса¹

*Ўлмасой опамнинг
азиз хотирасига бағишлайман*

Муқаддима

Баҳор тоғларнинг устларидан то нигоҳ етмас олислардаги яйловларгача ястаниб кетган бепоён кенгликларни саноксиз рангу тус, шаклу қиёфадаги анвойи гул-чечаклар билан безайди, шамоллар қатида исларини, гулчангларини ва уруғларини кўтариб учиб, бошқа ерларга сочади, турли-туман қушлар у ризқлардан чўкиб сайраб юришади. Гуркираб ўсган буталар бағрида қурту қушлар турлича сасланишади, чигирткалар сакрайди, чумолилар емиш илинжида ҳар ёққа тарқалишади.

Ҳаволарни алмаштирадиган ва табиатни жўштирадиган икки унсур бор бу ерда: шамол ва сув. Шамол куртакларни очади, гулкосаларни тўкади, ерни уйғотади. Сув тупроқ бағрида яшириниб ётган уруғларгача сингиб боради. Шу икковлон тупроқни илҳомлантиради, гўё қулоқ эшитмас, ақл бовар қилмас бир садо ила ҳар нарса бирданига ҳаракатга келади.

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсадилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Шамол забтида толлар, тутлар, тераклар чайқалади, қамишлар шовуллайди, бугдойзорлар шитирлайди, қовға попилтириқлари момақаймоқ уқпарлари билан ҳар ён қўшилиб учади, ёввойи ўтлар атри экинлар ва дарахт гуллари иси билан қўшилиб хузурли, ғалати бўй ҳосил қилади.

Биринчи қисм

Қишлоқ томорқалари аро олинган сарғиш гувалак девор устига қуёш чиқмасидан нинчилар кўниб олишган. Улар турли-туман. Масалан, кичкина сариқ ниначи заиф бўлади, тез чарчаб қолади. Қизғиш тусли яна бир тури ҳам бор. Энг каттасини, кўк ранглисини от ниначи деймиз, у сира толиқмайди. Бошқалари тонгги шудрингда намланган қанотини гувалак ёки ердаги кесак устида қуришиб ўтиради, каттаси эса қаноти нам бўлсаям учаверади.

Томорқа адоғида баланд тераклар бўй чўзган. Остларида ўтлар гуркираб ўсган, печаклар оппоқ гуллаб, терак танасига чирмашиб, ҳатто учигача чиқиб кетган.

Раъно деган кўзлари чақнаб-чақнаб турадиган бир қизча мана шу ҳовлида дунёга келган.

У – шиддати, ғайрати ичига сиғмас қизалоқ. Ўздан катта челақларни кўтариб, даранглашиб юриб қолади. Югуриб тинмайди, гулдор кўйлақларни яхши кўради, аммо ўйинга берилганидан кир қилиб қўяди, “кир бўпти-ку” дейишса, “вой ўлай” деб эгилиб этагини кўтариб қарайди.

Дарахтлар бениҳоя баҳайбат ва ажойиб, шохларидаги қушчалар Раънога анқайиб қарашади. Улкан соялар аро

¹ Журнал варианты.

шунақанги тез чопадики! Наъматак буталари оппоқ гуллайди. Шафтоли пушти, ўрик оқиш, гилос қизғиш гул очади. Момақалди роқ гумбурлаб, жала куйганида барининг гули тўкилиб, сувларда чайқалиб туради, шунда Раъно яланг оёқчалари билан сувларни сочиб ўйнайди.

Кўшни бир қизалоқ ҳам бор, исми Хосият. Хоси деб қақиради Раъно уни.

– Хоси, ўйнасанми?

– Йўқ, онам иш буюрган.

– У ишни битириб кўйиб, кейин ўйнасаки-чи?

– Майли.

Хосиятнинг онаси озғин, баланд бўйли, доим гули ўчган кўйлак кийиб юрадиган аёл.

Биргаллашиб ичи қорайиб кетган ўчоқнинг кулини тозалашади. Кейин ариқда энкайиб, коса-товоқ ювишади. Коса-товоқлар сополдан. Уйда оппоқ чинни идишлар ҳам бор, Хосиятнинг онаси уларни ҳеч кимга ишонмайди. Кундалик ишлатиладиган идиш-товоқларни кўпинча тандирдан ё ўчоқдан кул олиб, ишқаб-ишқаб ювишади. Гоҳо ўтларни юлиб, шу билан ҳам тозалашади.

Икковининг ҳам оёқчалари ингичка, товонлари қорайиб-қорайиб кетган, иккалови ҳам кўзлари чакнаб-чақнаб турадиган ёқимтой қизалоқлар.

Юмушлардан бўшаганларида биргаллашиб ўйнашади. Кичкиналикларида қум ўйнашарди. Кейинроқ чўпга бир бўлак матони ип билан ўраб-чирмаб, аёл шаклини бериб, “меҳмон-меҳмон” ўйнайдиган бўлишди. Бу ўйиннинг хусусияти шундаки, гоҳ унисиникига, гоҳ бунисиникига “меҳмон” келиб қолади. Қизалоқлар меҳмонни кутиб олишиб, тўшак солиб ўтирғизишиб ҳол-аҳвол сўрашишади, кейин бир чеккага қозон-ўчоқ осиб, овқат пиширишиб, дастурхонга таом ҳам тортишади. Кейин қизалоқлардан бирини ё онаси қақиради қолади, ё ўзи:

– Вой ўлай, гаплашиб ўтиравеганимни қаранг, ишларим қолиб кетяпти-ку, борақолай, – дея уйига “жўнайди”.

Ажаб, бу беш-олти яшар бу қизгиналарнинг “болалари” ҳам бор, уларни ўзларича койиб-уришишади:

– Бола бўлмади қол, мунча мени куйдирасан? Буюрган ишларимни қилмабсан-ку?

– Хоси, болаларинг нечта?

– Тўртта. Сеники-чи?

– Меникиям тўртта. Йўқ, бешта экан!

Қишлоқ қизгиналарининг ўйинларидан яна нималарни айтса бўлади? Баҳорда биринчи бўлиб тол оч-яшил тусда куртак ёзади. Тол пўстлоғи мўрт, енгил бураб туриб, ичидаги оқиш чивигини чиқазиб ташлаб, попукли қисмини сочларига кўшиб ўриб олишади, буни толпопук дейдилар. Яшил толпопуклар чиройли кўринади-да. Уғил болалар эса тол новдасидан сурнай ясаб, чийиллатиб чалиб юришади.

Ўйнаганларида кўшиқлар ҳам айтадилар:

*Чумоли чумоли-я,
Майда чумоли-я,
Чумолини уяси,
Дошқозонни куяси,
Алли қиз, балли қиз,
Чиқақолсин Раъно қиз...*

Кўшиқ айтар эканлар, майса пояларида ўрмалаб юрган чумолилар анграйиб қарашаётгандай туюлади, Раънонинг кулгиси қистайди.

Бундай кўшиқлар кўп, Раъно ҳам анчагинасини ёд билади. Кеч кира бошлаганида дарвозахона олдидан болаларнинг жўр бўлиб айтган чорловлари эшитилади:

*Ҳалинчаг-о ҳалинчак,
Ўйдан чиқмаган келинчак!..*

Ўйнай-ўйнай чарчашгач, бу кўшиқнинг терси айтилади:

*Ҳалинчаг-о ҳалинчак,
Ўйига кирмаган келинчак!*

Потирлаб ҳамма уй-уйига тарқалиб кетади...

Шом тушганида кўкда юлдузлар жимирлай бошлади. Узум тоқлари орасидан жуда ёруғ ой самога кўтарилади. Ишқом остидаги сўрида овқатланиб ўтиришса, тўсатдан ғўнғиллаб дарахт кўнғизи ёки бузоқбоши учиб келиб қолади. Раъно бузоқбошидан кўрқади. Кўнғиз эса ягона шохини кўз-кўзлаб, дастурхонни тирмалайди. Ой янада ҳаволаб, кеча қоронғисидан шитирлаётган тераклар учига етганида айвонга қаторасига жой солинади, боши ёстиққа

тегиши билан донг қотиб, болаликнинг мусаффо уйқусига чўмади.

Туш ҳам кўрадимми? Ҳа, лекин у тушлар эсда қолмаган.

Эсида қолгани – айвоннинг ораси очик тахталари, тепадаги вассажуфтлар ва ўша ердан мўралаб турадиган қалдирғоч болалари.

Ҳар ҳолда, у жуда одобли ва ақлли қиз бўлиб ўсмоқда эди.

Хушёр нигоҳи билан теваракни кузатар эди.

Кишиларнинг бари оппоқ яхтак кийиб, белларини яшил ёки кўк ранг белбоғ билан боғлаб, маҳси-этик кийиб юришади, белбоғларида пичоқлари осиглиқ туради. У жуда ўткир, айб иш қилса, катталар ўша пичоқ билан шўхроқ ўғил болаларнинг қулоғини кесиб олишлари мумкин. Қизларнинг қулоғини кесишмайди, қизалоқларни фақат хотинлар чимчилаб-койишади.

Дунё жўшиб ётади-да. Баҳорда ҳар нарса жунбишга келиб, теварак бирпасда турлитуман гул-чечакка бурканиб кетади. Ариқчадаги сув ҳам шўх-шодон оқа бошлайди: ранги бўтана тус олиб, у бўтана аро майда шожалар, ўтларнинг барглари ва гуллари оқиб келади.

Гоҳ-гоҳ уйга бегона кишилар ҳам келишиб, илжайишиб “Ҳой қизча, отингиз нима?” деб сўрашади. Раъно уларга исмини айтгиси келмайди. “Бор-э” деб чопиб кетиб қолса ҳам биров уни койиб-уришмайди, кулиб қўяқолишади.

Ота

Ота баланд бўйли, кенг елкали киши бўлиб, Раъно уни жуда яхши кўради.

“Отанг келганида “Ассалому алайкум” деб, кўлингни кўксингга қўйиб, бурро-бурро қилиб салом берасан, – деб қулоғига қуяди она. – Салом берганингда бақрайиб қараб турмайсан, дарров қайтиб, ишингга уринасан.

Сен қиз боласан, тенгдошларингга салом бермасанг ҳам бўлаверади, лекин катталарга албатта салом берасан.

Катталар сенга салом беришса, алик олмайсан, худди эшитмагандай, шошиб ўзинг салом берасан.

Қизалоғим, ҳар муомаланинг ўз одоби бор. Меҳмон келса, дарров янги тўшаклардан опкелиб соласан, фотиҳа қилинғач, дастурхон ёзасан. Дастурхонни тескари ёзиб бўлмайди, хафа бўлади, юзимни тескари қилди деб. Келган киши саноғига қараб тўртта, олтита ёки саккизта нон, қанд-курс, мева-туршак қўясан. Нонни тоқ қўйиб бўлмайди. Нонни тескари қўйсанг, у ҳам дастурхонга ўхшаб хафа бўлади. Меҳмон кутишнинг ўзига хос одоблари бор, қай тарзда ҳол-аҳвол сўрашишу қай тарзда хайрлашишгача аста-секин ўргатаман, аммо уйда ўзимиз ўтирганимизда ҳам одобга риоя қилишинг шарт. Масалан, кечагига ўхшаб сираям тўрға чиқиб кетмайсан, қиз боласан-ку, ахир? Ҳамма ўтирганида сен ош-овқат опкеласан. Кейин, икки оёғингни чапга букиб, одоб билан ўтирасан, ким чой ичкиси келса, пиёлага ярим қилиб қўясан, бармоғингни учи билан тутиб, назокат билан узатасан.

Агар кимдир чойни охиригача ичмасдан қайтиб узатса, билдирмасдан тўкасан, чой қолдиғи устига яна чой қуймайсан.

Чой дамлашниям ўз усуллари бор, чойнак ичи оппоқ бўлиши керак, қайноқ сув билан чайиб ташлаб, кейин қуруқ чой соласан. Албатта, дам едирасан.

Дастурхонда фотиҳадан олдин ўткир нарса турмасин. Ўткир нарса дуони кесади деганлари ёлғон, аслида тиғига дам берилгани ёки гўшт кесилгани учун олиб қўй дейилади. Ҳамма дуо қилғач, туриб коса-товоқларни йиғиштирасан, кейин дастурхонни “Савобини дунёдан ўтганларга бағишладим” деб қоқасан. Дастурхон одамлар оёқ ости қилмайдиган жойга қоқилади, увоқлари қурту қушларнинг ризқи бўлади, қурту қуш еса рўзғорга барака киради...”

Жамалаксочгина, шаддодгина Раъно мана шуларни кўра-кўра ўсади.

– Эркак кишиларга тик қарамагин, – дейди она.

– Нега?

– Одобсиз қизча экан дейишмасин-да. Эркак киши келаётганида йўл бўшат, қаққайиб турма. Ёнингга кепқолсаю таниш бўлса, ерга қараб салом бер, нотаниш бўлса гапирмаям, қарамаям.

Ҳовлию кўча супуришни азалдан ўрганиб олган. Ёзда сувлар ҳам сепеди. Ҳамма жуда эрта тургани учун саҳарлар онаси “тур, қизалоғим” деганида кўзларини зўрға очади, уйку жуда ширин. Она ҳаммадан эрта туриб, сув иситиб ҳам қўяди. Лекин Раънога ариқчадаги сувда бет ювиш маъқул.

Чунки, жилдираб шўх-шодон оқувчи шу ариқча Раънонинг суҳбатдоши.

– Ариқча, оқяпсанми?

– Ҳа, оқяпман.

– Зўрға турдим, яна ухлаб қолгим келяпти.

– Меҳнат одамни ўлдирмаган, танангда жонинг бор экан, урин, қимирла, ўзингни юмушага ур, – дейди ариқча онасининг овози билан.

Шу тариқа яна бир кун бошланиб кетади.

Гоҳо Хоси иккаласи беҳи остида бир-бирларига сув сочиб чўмилишади. Лекин кунларнинг бирида чўмилишга бориб, беҳи шохига кўниб олган катта бир қушни кўришди. Қушнинг кўзлари сариқ, катта-катта, шохда қимир этмай ўтирарди. Қизалоқлар ҳайқишиб, ортларига қайтиб кетишди.

– Нимага чўмилмадинг? – дея сўради она.

– Бир қуш бор экан, бақрайиб қараб тураверди, уялдим, – деди қизалоқ.

Она қизини ўзига тортиб, бағрига маҳкам босиб юз-кўзларидан ўпди, “Ишқилиб, омон-эсон катта бўлгин, онанг чўри”, деди сочларини силаб.

* * *

Яна бир чақалоқ туғилди.

У ҳеч нимани билмайдиган, гоҳ ўзича кулимсираб, гоҳ чириллаб йиғлайдиган қизиқ бир жонзот эди.

Онаси юмушга уннаб кетганида гоҳо Раънога “Уканга қараб тур”, дер эди. Шунда Раъно қизиқсиниб унинг қўл-бетларини ушлаб кўрарди. Чақалоққа бу ёқмас, гингширди.

Она аллалари ҳам ўчмас бўлиб ёдига муҳрланди:

Тилимнинг узунӣ-ё, алла.

Юзимнинг қизили-ё, алла,

Юрагимнинг тафтига-ё

Тандирлар қизийди-ё, алла...

...Отасининг давлати йўқ, алла-ё алла,

Онасининг роҳати йўқ, алла-ё алла...

Сўзларига эътибор берармиди? “Юзимнинг қизиллиги сен туфайли”, дермиди онаси? “Сен бўлмасанг сомондай сарғаярдим, Худойим етказганига минг шукур” дермиди? “Тилимнинг дўсту душман орасида узун бўлишим сендан, ахир... Йўқса, орзу-армонларим мўл эди, энди эса юрагимда тафтига тандирлар қизийдиган даражада лаҳча чўғлар бор, жоним болам”, деб куйлармиди алласини онаизор?

Гоҳо хотинлар тўпланиб, чилдирма чалиб кўшиқ ҳам айтар эдилар:

Толеим бўлса эди, ёнган чироқ ўчармиди?

Мен суянган тоғларим ости билан кўчармиди?

Йиғлай-йиғлай тиникиб, кейин яна чаққалашиб ўтираверишарди. Қизгина улар кийган кўйлақларга, тақинчоқларга эътибор берар, тезроқ катта бўлгиси, мана шунақа гулдор кўйлақлар кийгиси, тақинчоқлар таққиси келар эди.

Чимчиловчи ғалати махлуқ

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсадилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Уйларнинг омонат томларни кўчириб, хас-хашақларни учуриб, тик қадли терақларни чўрт узиб юборадиган мана шу қувватли шамоллар қатида девлар учиб келишарди.

Улар бувининг ёки онанинг эртақларидан пайдо бўлган хаёлий махлуқлар эдилар.

Баъзиларини эса Раънонинг ўзи ўйлаб-яратиб олган эди.

Шулардан бири – ғоят узун бўйли, баҳайбат, бутун вужуди ялтираб, кўзларининг соққаси тинмай айланиб турадиган чимчиловчи ғалати махлуқ бўлиб, ҳамма ухлаган, ой ҳаволаган маҳалда томорқалар орасидан сездирмай чиқиб келар, мабодо ҳеч ким сезмаса, ўйиб-чимчилаб олиши мумкин эди. Пайдо бўлар маконию ғойиб бўлар жойи ҳам ноаниқ, қилар иши фақат Раънони кўрқитишдангина иборат бу махлуқ қайда яшашинию нима еб-ичишини ҳам билиб бўлмасди. Айвонда ётганида, ой ёғдуси нурли чанг сингари теваракни энлаб, сокинликка чўмдирган маҳалда дарахтлару жўхоризорлар орасидан чиқиб келаверарди. У махлуқни фақатгина Раъно биларди, холос, бировга айтса кулгига қолишини ўйлаб индамасди. Аслида у махлуқ Раънонинг тасавуридагина бор эди, бироқ, қай тарздадир пайдо бўлиб, тепасига келиб ўйиб-чимчилаб олишидан кўрқарди-да. Ўйлаб қараса, шу маҳалгача у махлуқ бирор сўз айтмабди, қилар иши ваҳима уйғотиш бўлибди, холос.

Айёр малла тулки

Шунақа кўрқинчли жонзотлардан яна бири айёр малла тулки бўлиб, кишиларнинг гапи-га қараганда, экинзорлар ва дарахтлар орасида пайт пойлаб яшириниб ётар, ёш болалар уйда ёлғиз қолган маҳалида тепасига келиб қитиқлар, кулдира-кулдира ўлдирар экан. Уни-ям яшаш жойи ва нималар билан машғуллиги номаълум эди. Бепоён томорқазорлар аро баъзан ёлғиз юрганида, кўралар ва жингуллар орасидан ўша тулки чиқиб келишидан кўрқиб

юрди. Бир куни баланд ўсган, барглари сарғая бошлаган жўхорилар орасидаги йўлақдан бораётса, поялар қаттиқ шитирлаб, бир нима отилиб чиқиб келганида қўрққанидан жойида серрайиб қотиб қолди. Жаҳжи юракчаси қинидан чиққудай дук-дук ура, юзлари музлаб кетгандай эди. Қараса, шу атрофда санқиб юрадиган дайди мушук экан. Мушук ҳам рўпарасидаги қизчага анграйиб қараб тураверди.

– Бо-ор, йўқол! – деди Раъно ва йиғлаб юборди. Ердан кесак олиб отган эди, мушук ура қочди.

Кичкина сариқ қизча

У қизчанинг мавжудлигини Раъно ўртоғидан билиб олди.

Сариқ қизча дарахтларнинг шохларида, қалин ва ғуж ўсган қаровсиз жингулзорларда оёқчасини осилтириб ўтирар, айтишларича, пичоқ ва қалампирдан жуда қўрқар, мабодо ёлғиз болаларга дуч келса, бошини айлантириб узоқ далаю яйловларга адаштиргани олиб кетарди.

Раъно мана шулардан жуда қўрқарди.

Кечалари баъзан ўрнидан туриб, уйқутираганича бориб отасининг бағрига кириб кетарди. Ота бағри улкан, тинч ва осойишта, у бағирда таърифсиз тинчлик ва фароғат қўйнига чўмар, сал ўтмай пишиллаб ухлаб қолар, уйқудан уйғонганида эса ўзини ўз жойида қўрар, шунда ота, у ухлаб қолгач, авайлаб кўтариб ўрнига олиб кетиб ётқизганига ақли етар эди. Отасини шунинг учун ҳам яхши кўрарди, йўқса ота у билан жуда кам гаплашарди, чунки ишидан кеч келарди. Аммо келганида қизгинанинг қалби қувончга тўлиб кетар, шуни онасига ҳам, отасига ҳам айтолмасди-да. Шамолларда, ёмғирларда она жаврай-жаврай супра ёйиб, хамир қорар, бир ёқда ука чириллаб йиғлаб, бир ёнда она юмушларига улгуролмай саннаганида, онамга ёрдам берақолай деб чопиб бориб кичкина муштчалари билан хамир қораркан, тезроқ отам кепқолсайди деб орзу ҳам қилар эди. Ажабки, мана шундай пайтларда ота кириб келса, ҳамма нарса ўз ўрнига тушар, ишлар ўз-ўзидан енгил битар, отам қандай зўр-а деган ўй унинг мурғак дилига қувонч бахш этарди, “Отам ҳаммадан зўр” дея Хосиятга мақтанар ҳам эди.

* * *

– Ҳа, ариқча, оқяпсанми?

– Оқяпман.

– Отам ҳаммадан зўр-а?

– Ҳа, сенинг отанг ҳаммадан зўр!

Яна бир нималарни гапиришни истардию ичи тўла ҳис-туйғу бўлгани билан тилига сўз келмаётганини ўйлаб, ҳайрон бўларди.

Тунлари олисларда живирлаётган юлдузларга ҳам термилар, улар нима учун бу қадар олисдалигига ақли етмай, қайси бири менинг бахт юлдузим экан, деб ўйлар эди.

Бахт нима ўзи?

Бахт нималигини тузук-қуруқ тасаввур қила олмасди. Билгани шуки, бир куни улғайиб, чиройли, кўркли қизга айланади, кейин кимгадир турмушга чиқиб, эр-хотин бўлишади, ҳар ҳолда, боласи укасига ўхшаб йиғламайди, ўзиям онасидай жаврамайди, ҳамма ишларни дарров бажариб қўяди, ҳовли топ-тоза, идиш-товоқлар ювилган, ўчоқда ширин овқатлар пиширади, болачасини ухлатиш керак бўлса онасидан ёдлаб олган аллаларини айтади, ҳаёт сира тугамайди, ўзиям сира қаримайди... тасаввури етгани шу эди.

* * *

Улар яна “меҳмон-меҳмон” ўйнар эдилар.

Раъно узун бир чўпни олиб, унга ипдан белбоғ бойлади.

– Бу ким? – деди Хосият, ҳайрон бўлиб.

– Отам, – деди Раъно. – Ишдан келди.

– Ҳа, яхши ўтирибсизларми? – дея кириб келди “ота”.

– Шукур. Яхши келяпсизми?

– Ҳаҳ, ишиям курсин, чарчадим, – деди “ота”.

– Чойингдан борми, опкелақол.

– Болангизни яна мазаси бўлмапти, – деди она, ўчоқ бошига кетаркан.

– Ия, нима қипти?

– Яна ичи ўтяпти.

– Ҳозир яхши қипқўяман.

Ота “бола”ни кўлига олди.

* * *

– Ҳа, ариқча, оқяпсанми?

– Оқяпман.

– Бугун укам ўлиб қолди.
 – Вой, нима бўлди?
 – Билмадим... Қўрқиб кетяпман, ариқча.
 – Қўрқма...
 – Яхши болача эди... Қўлчаларини ўйнатиб, чуғурлаб ётар эди. Илжайиб туриб, чувиллатиб сийиб ҳам қўяр эди...
 – Ҳа, уканг яхши бола эди.
 – Онам нима қилади энди?
 – Бечорага қийин бўпти.
 – Юпатаман деб, “Онажон, хафа бўлманг, яна битта укача туғиб оласиз” десам, роса йиғлади.
 – Энди сен унга мадор бўл, хаёлини чалғит.
 – Отам-чи?
 – Отанг нима қиляпти?
 – У ҳам йиғлаяпти. Аммо онамга ўхшаб эмас. Томорқаларни айланиб юради-да, кейин бошини дарахтларга, гувалак деворларга уриб-уриб йиғлайди.

* * *

Укачанинг ўлиб қолгани ёмон бўлса-да, вақт ўтгани сайин у мусибат унутила борди. Қариндош-уруғлар, маҳалланинг чоллари тез-тез кириб туришар эди, кейин камроқ йўқлайдиган бўлишди. Онаизор отанинг енгига осилиб “боламни олдига бораман” деб йиғлар, ота гоҳ уни уришар, гоҳ эса индамай қайларгадир – укачанинг олдига олиб кетар эди.

“Қора ерларда ётаверадими болам?” дея йиғлар эди боёқиш.

Селлар келганида болам қўрқмаяптимикин деб, куз ёмғирларида ётган ери намланиб кетмадимикин деб, қишларда музлаб-совқотмаяптимикин деб йиғларди-да, шўрлик.

– Боламни олдига бораман! – дея хархаша қиларди онаизор.

– Ҳой ақли паст, борганинг билан қўлингдан нима келади?

– Билмайман, бораман!

– Ҳамманинг боласи бор, меники йўқ.

– Ҳамма хотинлар ўсма-хинолар қўйиб, ясаниб юришибди. Мен эса жинниларга ўхшаб тентирайман, ит ҳам қарамайди. Болам бўлганида мен ҳам чиройли бўлардим...

* * *

Кичкина Раъно нима қиларини билмас эди.

Худо нимага укачани олиб қўйди?

“Нимага олиб қўйдинг” деб сўрарди Худодан.

Худо жавоб бермас эди.

“Онам қийналиб кетди-ку? Отам сўрида бошини эгиб ўтириб қолмоқда-ку? Мен ҳам соғиниб-соғиниб кетяпман-ку?”

– Ариқча, Худо нимага укачамни олиб қўйди?

– Билмадим, ўртоқжон. Унақа нарсаларга менинг ақлим етмайди.

* * *

Баҳор келди.

Она кетмонни олиб, томорқа чопди. Ҳамма ишни отанга ташлаб қўйиб ўтираверишимиз инсофдан бўлмайди, деди у. Томорқалар бир-бирига туташиб кетган, нариги ховлиларда ҳам бола-чақаси билан ер чопаетган кишилар кўринар эди. Шунақа ишларни ҳам ўрганиб олақол, вақти келиб керак бўлиб қолади, деди онаизор. Ерни бир ярим кетмон чуқурлигида чопасан. Тагида унумдор қатлами бор, у қорамтирроқ бўлиб ажралиб туради, чопганингда олган тупроғингни ағдариб кетаверасан, шунда унумдор қатлам тепада бўлиб қолади, ана ўшанга уруғ қадалса, ҳосил яхши бўлади.

У рўмол билан бошини бойлаб, оёғига этик кийиб олган эди. Она ёнида баравар ер чопа бошлади.

Кетмон ғувуллаб тушганида эски томирларни тиккасига кесиб юборар, ер остига ин курган курту қумурскалар жонҳолатда ҳар тарафга қочар эдилар. Бўлиниб кетган чувалчанглар тўлғонарди. “Бориб товук катагини очиб юбор, бир мазза қилишсин” деди она, кулимсираб. Юзи қип-қизил бўлиб бўғриқиб кетган эди. Раъно чопиб бориб, сим илгагини тушириб, катак эшигини очган эди, товуклар чопилган ер бўйлаб ёйилиб кетишди. Қайдандир қушлар ҳам учиб келиб, учиб-қўниб ризқ излай бошлашди.

– Ўлсин-а меҳнати, – деди она, рўмоли билан пешанасининг терини артиб. – Белим қотиб қолди.

Шу тобда у жудаям истарали эди. Раъно қараб туриб, маҳкам кучоқлаб олди.

– Сизни яхши кўриб кетяпман, – деди юзини кўйлагига ишқаб.

– Айланай жоним қизимдан, – деди она ҳам. – Бўлақол, ишимиз кўп.

Шу маҳал онанинг укалари – тоғалар ҳам етиб келишди-да, барчалари биргалашиб кеч-гача ер чопишди.

Шом маҳали кириб келган ота буни кўриб мамнун бўлди.

– Кечикиб кетяпти деб ташвишланиб юрувдим, яхши қипсизлар, – деди онага. – Бугун ўзим бир ош дамлаб берай сизларга.

Отанинг ош дамлаши қизиқ эди. Раъно унинг гўшт-ёғ қовуришини, туз-намагини тотиб кўришини анграйиб томоша қилди. Ия, отаси ҳам овқат пиширишни билар экан-да? Бир маҳал ош сузилди, жуда ширин бўпти, мақтаб-мақтаб ейишди.

– Овқат еяётган кишиларга маҳтал бўлиб туради, – деди она. – Уни мақтаб-мақтаб ейиш керак.

– Эр кишини ўчоқ-қозонга яқинлаштирмайсан, – деди. – Бугун отанг ийиб кетиб, ўзи ис-таб ош қилиб берди, аммо қозон-ўчоқ хотинларнинг жойи.

Қозон тагида қирмочи қолган, она уни капгир учи билан кўчириб, косага солиб кўйган экан, Раънонинг егиси келди. Қараса, ширин экан, ҳаммасини еб кўйди.

– Қозон қирмочини есанг, тўйингда шамол эсиб, ёмғир ёғади, бошқа емагин, – деди она.

Эртасига жўяк олдилар.

“Қизим, жўяклар тўппа-тўғри қилиб олинади, суғорганинда сув тез оқиб кетмасин ё кўллаб ҳам қолмасин”, деди она. Жўяк олингач, сув очиб келишди. Сув кесакларни иви-тиб, эгат ораларини аста-секин тўлдирди. Раъно майда ҳашаротларнинг жон ҳалпида қочишларини томоша қилиб ўтирди.

“Энди бир кун турса селгийди, тупроқ намни эмиб олади, – деди она. – Шундан кейин уруғ қадасак ҳам бўлади”.

Эртасига сахарлаб туришди. Бодринг уруғи қовун уруғи билан бир хил экан. Тўртбурчак қилиб олинган полларга эса пиёз, укроп, кашнич экишди. “Ер чопиш қизиқроқ эди, экин экиш сира қизиқ эмас, бел оғриб қоларкан”, деб ўйлади Раъно. Полларнинг четига она гуллар қадади. Томорқанинг ҳовли билан туташган ерларига райҳон экилди.

“Райҳоннинг бир неча тури бор. Садарайҳон, оқ ва қора райҳон. Оқ деганлари сира оқ эмас, балки жуда оч яшилтоб тусда, баргчалари кичкина, қора ва садарайҳоннинг ҳиди ўткир бўлади”, деди она.

Ота сахарлаб бозорга бориб, беш-олти туп кўчат олиб келди, уларни сувли чуқурчага солиб кўйишди. Кейин ота дарахтларни буташга тушди. Раъно отасининг ёнида юрарди.

– Ота, нимага шохларини кесяпсиз?

– Новдаси кўп бўлса, дарахтнинг кучи етмайди, қизим, – деди ота. – Мева қиладиган шохчаларини қолдириб, қолганларини кесиб оламиз.

Кейин кўрсатди:

– Қара, мана шу кесилган жойидан ён новдачалар ўсиб чиқади. Бу дарахт жуда итоат-кор, биз қанақа шакл беришни истасак, ўша қиёфага киради. Тикка шохларини атай кесдим, она қизим ҳосил пишганида узиб олишга қийналмасин, деб.

Ота қуруқ шох билан нам шохни кўрсатди:

– Кўряпсанми, қуруғида ҳаёт асари йўқ. Нами эса тирик. Аслида бу дарахтларнинг бари жонли, болам. Дарахт ҳам одамга ўхшаб умр кечиради. Мана, ҳозир кўчат экасан.

– Ота, нимага сиз экмайсиз? – деб сўради у.

– Ой қизим, сендақа ёш болалар қадаса, барака мўл бўлади, – деди ота.

Шундай қилишди. Раъно кўчатларнинг нам новдасини ушлаб турди, ота эса “бисмилло” деб тупроқ билан илдиз қисмини кўмди. Шиббалаб, сув ҳам кўйдилар.

– Булар – сенинг дарахтларинг, – деди ота. – Ўзинг қараб тур энди.

Кесилган шохлардан ҳали нам кетмаган, қўлга муздай тегарди. Энди булар қиш келгани-да ўтин бўлади, деди ота. Болта билан уриб-кесиб саржинлади, саранжомлаб, пўстлоқдан белдамчи ясаб бойлаб ҳам кўйди. Тўплаб, қўрага босишди.

– Ой қизим, роса меҳнат қилдик, – деди она. – Энди сенга янги гулли кўйлак обераман.

У шодланиб ухлаб қолди. Тушида ой жилмайиб турганмиш, у ҳам гулдор кўйлак кийиб олганмиш.

* * *

Экинзорни ёввойи ўт босди.

Булар ариқдаги сув билан оқиб келган ўт уруғлари эди. Нам жойларда семизўтлар ўса бошлади. Раъно уларнинг ҳаммасини диққат билан кузатиб чиқди.

Жўяклар орасида курмаклар бўй чўзибди. Тўқ яшил узун баргли, тез ўсувчи бу ўтни сигиру кўйлар яхши кўради, деди она. Курмак улар учун жиззали нондай ширин туюлади. Курмак илдизи патаксимон, оппоқ булади. Ерга қаттиқ ўрнашмайди, тортсанг, салга кўпорилиб чиқади. Шўралар ҳам бор экан, улар икки тур – оддий шўра ва маккашўра. Оддий шўра баланд ўсмайди, аммо

илдизи ўқ илдиз бўлади, чуқур кетади. Маккашўранинг ҳам илдизи шунақа, унинг танасию барги кўпол, тукли. Катталашиб, бутадай бўлиб ўсиб кетиши мумкин. Энг заиф ўрнашадигани семизўт, уруғи доимо сувда оқиб келади, танаси ҳам нуқул сувдан иборат. Қуриртгани офтобга қўйсанг, кўнғир тусли енгил хасга айланиб кетади. Ажриқ – энг ашаддийси. Бошқа ўтларнинг танасини эгсанг синавермайди, юмшоқ букилади, ажриқнинг танаси қаттиқ бўлади, буксанг, қирс этиб синади. Ҳар бўғинидан илдиз отаверади, офтобда қолиб қуригани ҳам нам тегса, дарров сергакланиб, ўса бошлади. Ажриқ босган ерни тозалаш қийин бўлади. Шунинг учун юлинган ажриқларни тупроқ устида қолдириш ярамайди, битта бўғими қолсаям бир неча кундан кейин қарасанг, кўпайиб кетган бўлади. Яна бангидевона билан итузум ҳам бор. Итузум худди узумга ўхшайди, аммо еб бўлмайди, уни итлар ейди. Бангидевона катта-катта тикан солади, ичида қоп-қора, учли уруғлари бўлади, мана шу уруғни мол еса, ақлдан озиб қолади. Агар юлиб ташламасанг, уруғи етилганида пўсти куруқшаб, оралари очилади, кейин уруғларини ерга сочади. Дарахтлар остида ва экинзорда печак ҳамда қоқиўт-момақаймоқларни ҳам кўрасан. Печак заиф нарса, экинга чирмашгани ёмон, момақаймоқ эса беозор, чунки у ўз ҳолича экинга зарар бермасдан ўсади, дарров оппоқ попилтириқ чиқаради, ҳар попилтириқ остида биттадан сарғиш уруғи бўлади. Шамол эсганида у уруғни кўтариб ариқлар, экинлар, томорқалар узра учади, кўнган ерида ўрнашиб урчийверади.

– Шуларнинг барини жони бор, ўсиб уруғ солай деб уринишади. Уринса уринаверсин, аммо ўсиб кетишса, ернинг кучини сўриб олиб, сену менинг ризқимизни йўққа чиқаришади. Ушан-чун ҳам барини юлиб ташлашимиз керак, юлганларимиз сигир-қўйларга емиш бўлади, кейин сигиримиз мўл сут беради, қаймоғи ҳам кўп бўлади, – деб тушунтирди онаизор.

Раъно онасининг ёнига тушиб олиб ҳафсала билан ўтоқ қилар эди.

“Мана сенга”, деб жаҳл билан юлар эди бегона ўтларни.

Орадан ўн беш кунлар ўтгач, “Энди жўхори билан макка экамиз”, деди она.

– Нимага, экинлар етилмади-ку?

– Жўхори билан макка қадаб чиқсак, ҳосил пишгунча бир-икки қарич ўсиб улгуришади, – деди она. – Сабзавотларни йиғиштириб олганимиздан кейин бемалол ўсаверишади. Ҳосил пишганидан кейин эксак, ўн-ўн беш кун ютқизиб қўямиз.

Раъно тешача билан чуқурча қазийди, кичкина кафтига уч-тўртта макка донасини олади-да, чуқурчага ташлаб, устига тупроқ тортади. “Осон экан-ку” дейди қониқиш билан. Она унга сув изини кўрсатди. Мана шу издан тепага ҳам, пастга ҳам экма, деди, чунки суғорганимизда илдизига сув етиб бориши керак. Пастроққа эксанг, нам кўплигидан чириб қолади, тепароққа эксанг, сув етиб бормай, қурийд...

У шундай қилди.

Макка дони катта, сариқ, уч тарафи оқиш, учли эди. Жўхори дони эса кичкина, юмалоқ. Аммо орадан беш-олти кун ўтиб, экилганлар униб чиққанида ҳайрон қолди: дони турлича бўлса-да, унган ниҳоллар бир-бирига ўхшаш экан. Она айтдики, кейинроқ булар ўзгаради, макка баргининг четида сариқ ҳошия пайдо бўлади. Жўхорининг барги камбарроқ, тукли, макканики эса энли, силлиқ бўлади.

– Ой қизим, ер ишига доим хотинлар қараб келишган, – деди. – Ҳамма ишни отанг қилаверса, чарчаб қолади-ку? Аёлда барака бор, дейишади. Ушан-чун куч-қувват керак бўладиган ишларга отанг, майдаларига сен билан мен қараймиз. Отанг саҳарлаб уйдан чиқиб кетиб кечгача меҳнат қилади, шом маҳали ҳориб-чарчаб қайтади, шу ишларни бажариб қўйсак, хурсанд бўлади. Жоним қизим, буни рўзғор дейдилар. Ҳамма бараварига уриниб-тиришмаса, рўзғор бўлармиди? Қара, экин ерларимиз саранжом-саришта, ҳовлимиз топ-тоза. Озгина бўш ер қолган бўлса, дарров гулу райҳон қадаб қўямиз. Оқила аёл шунақа бўлади, қизим. Ҳали катта бўлгин, ўзингни рўзғоринг бўлади, ўшанда сен ҳам шунақа қиласан.

– Ҳа, шунақа қиламан, – деди Раъно, ишонч билан. Она қизини бағрига босиб, ўпиб-ўпиб олди.

Беҳи остидаги ариқча ҳануз жилдираб, шўх-шан оқар эди. Теграсидаги ўтлар баланд ўсибди, ажриқлар учта ёки тўртта учли кўкиш гул очибди, курмаклар эса гулламабди, печаклар оппоқ, майда, бангидевона тўқ напармон ҳошияли катта карнайсимон гул ёзибди. Яна аллақанча отини билмайдиган ўтлар ҳам бор экан, сув тўла турли ўтларнинг уруғи эди

– Ариқча, оқяпсанми?

– Ҳа, қизгина, оқяпман.

– Сувинг уруғларга тўлиб кетибди.

– У ўтлар айёр-да. Келиб юлиб ташлашингни сезиб, уруғларини сувларимга сочишди. Оқиб бориб, бошқа хавфсиз жойларга ўрнашишсин, дея.

– Мен ҳаммасини юлиб ташладим. Энди экинзоримиз топ-тоза.

– Яша, қизгина. Жуда ақлли қизсан-да.

– Бўпти, ариқча, мен кетдим. Хоси билан ўйнайман десам, Хосиникидаям иш кўп экан.

– Майли, қизалоқ, яхши бор.

* * *

– Кун сайин ўсаяпсан, тикишниям ўрганишинг керак, – деди онаси. – Ҳали ўнта боланг бўлса, кийим етказа олармидинг, бир жойи йиртилса, ўзинг тикиб берасан-да.

Раъно игнага ип ўтказиб, кераксиз матоларни бир-бирига чапиштириб тикишни ҳам ўрганиб олди. Тикиш икки тур бўларкан: оддий, маҳкамламасдан ўтказиб-ўтказиб тикиш, иккинчиси ўрмоқлаб тикиш. Урмоқлаб тикилган жой мустаҳкам бўлса-да, эгри-бугри бўлиб дўппайиб қоларкан, тўғри тикилганида эса чок текис чиқса-да, осон сўкиларкан. Игна бармоғига кириб оғритди, она унга ангишвона ишлатишни ҳам ўргатди.

* * *

– Хоси-и! Ҳуу-ув Хоси!

– Ҳа?

– Уйнайсанми?

– Йўқ, ўйнагим келмаяпти.

– Нимага ўйнамайсан?

– Чунки, йиғлагим келяпти.

– Нимага?

– Отам онамни урди, ўшанга.

– Нимага урди?

– Билмайман, ўртоқжон. Кўчада ичиб кепти. Сенларни боқаман деб умрим зое кетди, биттанг ҳам қадримни билмайсан деб роса йиғлади, кейин онам бир нима деган эди, бақириб олдига солиб қувди... Қўрқиб кетганимдан йиғлагим келяпти. Аммо йиғлаганиям кўрқяпман.

– Йиғлашгаям кўрқадими одам?

– Отам келиб, мениям урса-чи?

– Ҳа, унда юр, маккалар орасига кириб оламиз, ўша ерда йиғлайсан.

Шу тариқа икки қизалоқ қўл ушлашиб, ялангоёқлари қуёшда қизиган шўр ҳовлида қуя-қуя, томорқа адоғига йўл олишди.

Аммо йиғлашга имкон бўлмади. Тўсатдан катта бир қуш пайдо бўлиб, шундоққина уч қадам нарига қанотларини потирлатиб шовқин солиб тушди-да, бир нимани чангаллаб яна тепага кўтарилиб кетди.

– Жўжа ўғриси! Вой, жўжа ўғриси! – дер эди ҳаяжонланиб Хоси. Йиғламоқчи экани ҳам аллақачон эсидан чиқиб кетган эди. – Кўрдингми қанотларини ёйганини? Жуда катта экан-а?

– Ҳа-ҳа, – дер эди Раъно ҳам. – Нимани кўтариб кетди?

– Билмадим, бориб қараймизми?

– Яна кепқолса-я?

– Келмайди, узоққа учиб кетди-ку.

Бориб қараган жойларида ҳеч нима йўқ эди.

– Ишқилиб, ейдиган бир нимани кўрди-ю опкетди.

– Балки унияем болалари бордир? – деди Хоси.

– Қушларни болалари дарахтда, саватчада ўтиришади, – деди Раъно. – Бултур мен боласини кўраман деб теракка чиқиб, йиқилиб тушганман. Полапонлари кичкина, туқлари тиккайган бўлади. Яқинига борсанг, кўрқиб чий-чий қилишади. Янаям яқинлашсанг, чўқиб ҳам олишади.

– Чўқиса оғрийдим, – деди Хоси. – Уйда мени товук чўқиб олган.

– Товуғинг жўжа очдимми?

– Кўрсатайми, олтига жўжаси бор.

– Юр!

Икковлон ҳамма нарса эсларидан чиқиб, катта бўлиб қолган жўхори поялари орасидаги йўлакчадан товук катаги томон чопиб кетишди.

* * *

Қушларнинг турлари кўп эди.

Чумчуқлар дарахт кавакларига ин қуришар, гала-гала бўлиб учишар, анчайин сурбет эдилар. Мусичалар айвонга ин қуришарди, ҳар баҳорда ку-кулаб, тумшуғида хас-хашак ташир, отаси унинг эпсизлигидан қуларди. Қалдирғоч лойдан халтачага ўхшатиб ин қуларди, отаси бу қуш ҳар лойни ҳам олавермайди, етиб келгунича тумшуғида пишитиб, юмалоқлаб келади дерди. Қарқуноқ ҳам борийди, кўримсиз бу қуш пишган жўхорилар узра ёпирилган чумчуқлар галасини ҳайдар, ҳавода чангал соларди. Баъзан зағчалар пайдо бўлишарди, булар янада сурбетроқ бўлиб, бир-бирлари билан чағиллашиб уришиб ҳам қолардилар. Қизилиштоннинг эса улар билан иши йўқ, кун иссиғидаги жимлик аро тўсатдан дарахт танасини тўқиллатиб тешаётгани эшитилиб қоларди. Яна сассиқпопишак билан сариқсўфиён деган қушлар бор эди, сариқсўфиён “Куёв-куёв, кимга куёв” дея сайрарди.

Баъзан кўм-кўк самода қанотини ёйиб бамайлихотир айланиб учаётган калхат пайдо бўлди. Жўжа ўғриси шу эди. Айланиб-айланиб зериккач, узоқларга учиб кетар, Раъно унинг ортидан қараб қоларди.

Қисқаси, Раъно яшаб турган мана шу кичкина ҳудуднинг жонлиу жонсизи, тиллиу тилсизи, дарахтиу тупроғи – ҳаммаси бир бўлиб, ана шу тарзда, қавму қариндошлар каби ҳаёт кечирар эдилар.

Иккинчи қисм

Раънонинг бўйи чўзила боргани сайин юмушлар ҳам орта борди. Ёзда ҳосилни тўплаб, иссиқда макка сўталарини қайириш, она билан бирга жўхори ўриш, дасталаб бойлаш, ил-дизларини кўчириб томорқа адоғига тўплаш, қуригач, бостирма остига олиб бориб босиш каби юмушларнинг адоғи кўринмасди. Гоҳо Раъно онасига кўшилиб ҳамир ҳам қорарди. Хамирга хамиртуруш қўшарди, қўшни – Хосининг онасининг хамиртурушининг мағзи ширин, ўшандан опчиқарди. Вақт шомга яқинлашганида онасига кўшилиб овқат ҳам пиширарди.

Турли ўтинлар ёнганида турли ислар чиқарарди. Тут ўтини сарғиш-қўнғир учқунчалар ҳосил қилиб оч-яшилтоб тусда ёнса, ўрик ўтини шиддатли ёрқин тилларанг аланга ҳосил қиларди. Терак шохи эса тез ўт олар ва дарровгина ёниб бита қолар, Раънога ўрик ва тут ўтинининг иси ёқарди.

– Оз масаллиқ билан ширин овқат пиширишни ўрганишинг керак, қизалоғим, – дер эди она, қозонга ёғ солиб, жизиллатиб пиёз ташларкан. – Рўзғорда ҳар доим ҳам тўкин-сочинлик бўлавермайди. Тўкин-сочинлик бўлганидаям шу қоидага амал қилишинг шарт. Қара, отанг ҳамма майда-чуйдаларни уйга опкелди. Энди буларни бир ҳафтага етказишинг керак. Гўштни тузлаб, шамолли жойга осасан, шунда у қоқ гўштга айланиб, анча муддат бузилмай туради. Сабзиларни ерга кўмасан, ўрада салқинда турсин, пиёзни эса кўмиб бўлмайди, у “Эгам мени экиб қўйди”, деб ўйлаб ўсиб кетиши мумкин.

– Вой, шунақа деб ўйлайдими? – деб қиқир-қиқир кулди Раъно, пиёзнинг аҳмоқгарчилигини кўз олдига келтириб.

– Одамнинг қорни озгина нарсага ҳам тўяди. Шунинг учун кўп овқат пишириш шарт эмас. Ҳар пайшанба ва бозор кунлари палов пиширасан. Бошқа кунлари эса мастава, шавла, шўрва, нонпалов пиширсанг ҳам бўлаверади. Манти, чучвара кабилар кўп меҳнат талаб қиладиган нарсалар, уларни аҳён-аҳёнда, кўпинча меҳмон келганида ҳозирлайсан. Тушликка овқат пишириш шарт эмас, ҳамма уйда бўлган кунлари қайнатма ёки қовурма шўрва қилганинг маъқул, шўрвага мўл-қул пиёз, қуқат соласан. Қовурманинг бир бўлак гўштини сарёғда қовуриб олсанг янаям ширин чиқади. Истасанг пишишига бир-иккита тухум чақиб юборасан, сабаби – гўшт қиммат, тухум эса арзон нарса, уни сотиб олмасанг ҳам ўз товукларимиз туғиб турибди, – дея ўғит берди она.

– Шўрвани тўлдириб қўймайсан. Ширин овқат пиширишнинг ўзи бўлмайди, уни чиройли қилиб сузишинг, қилган меҳнатингни кўрсата олишинг ҳам керак-ку.

Кеча қотган нонларни узунасига кесган эдик, эсингдами? Улар қуёшда роса қуриди, ўшаларни шўрвага қўшиб берсанг, ҳам нон исроф бўлмайди, ҳам ширин бўлади. Нонни шамолда ё шабадада қолдирма, нонқутига солиб, дастурхон билан ўраб қўй. Очиқда қолса, ноннинг сувини шабада қуритиб кетади.

Эна

Эна – қўллари ғадир-будир, ёноқ суяклари туртиб чиқиб турадиган илдам кампир эди.

Энаникида ҳам табиат жўшиб ётар, бир қарич бўш ер йўқ, аммо ҳовлининг тупроғи нима-ғадир шўрлашган, ёзда оппоқ оқариб ётарди. Эна доим бир хилда тўқ яшил тусли энги узун кўйлак кийиб, тоғанинг яхтагини бошига ёпиниб олар, қизиғи шундаки, саватми-дастурхонми, бошига шундоқ қўйиб олиб кетаверарди. Шу нарсани кейинроқ онасида ҳам кўрди: кузда бепоён далаларга чиқиб, узундан-узоқ тутқаторлар тагида ўсган ўтларни ўришди, бир ғарам бўлгач, ана маҳкам бойлади-да, бир зўриқиб бошига кўтариб, илдам кетаверди. Раъно ҳам озгина ўт ғарамини шундай қилиб кўрган эди, оғирлигидан йиқилиб тушгудай бўлди. Буни кўриб она кулди, ҳали ўрганмагансан-да, деди.

Буваси, яъни онаизорнинг отаси анча йил бурун ўтиб кетган, ҳозир тоғалари билан эди. Учта ўғил бирин-кетин етилиб келмоқда, қандай қилиб уйлаб-жойлаб оларканман, дея койнар эди эна. Гоҳо онаси Раънони энага ёрдамга жўнатар ҳам эди.

Энаникидаги ишлар ҳам ўз уйидаги каби эди. Томорқани сувда оқиб кетган уруғлар туфайли ўт босар, уларни юлиб тозалашар, хазонларни тўплаб, супуриб-сидиришар, уй “кўтаришар”, идиш-товоқларни саранжомлашар, фарқи шундаки, у хонадонда сигир-бузоқ ҳам бор эди. У – кўшиқни яхши кўрадиган ола сигир эди, бир нимани хиргойи қилиб турмаса, туёғи билан пақирни даранглатиб тепиб ағдарар, кўпириб турган оппоқ сутнинг бир қисми

ерга тўқилар, шунда эна жони ачиб, сигирни уришиб-койирди.

– Ҳаҳ ўл, – дерди. – Сутингни қизғаянпсанми? Ана, бузоғинг эмиб олди-ку, энди мени болаларимгаям бергин-да?

* * *

“Қиз тушмагур, кўйлагинг дарров калта бўққопти, ўсаверасанми?” дея ҳазиломуз койийдиган бўлди уни онаси.

Гапирадиган қушлару дарахтлар Раънони аллақачон қизиқтирмай кўйган, энди у ходисалар ўзининг тасавури туфайли шундай туюлганини биларди. Беҳи ҳам гапирмас экан, аммо у билан суҳбатлашганлари Раънонинг эсида эди, албатта. Шохчасига чиқиб олиб, шириндан-ширин меваларини егани учун ўзича миннатдор ҳам бўлган эди. Пахта беҳи деб атарди уни Раъно, чунки мевасининг сирти текис йилтироқ бу нав сувли ва жуда мазали бўлиб, нарироқдагиси тош беҳи, қизиғи шундаки, у Раъноники эмас, кўшникики бўлиб, болалар шохларига чиқиб меваларини ейишса ҳам эгаси лом-мим демас, жилмай-ибгина кўярди. “Мевали дарахтнинг қўшни томонга эгилган шохи – кўшникики”, дер эдилар.

Болалигида Раънони кўрқитган нарсалар ҳам узоқлашган, жўнлашган, жингул шохларига ажиначалар аллақачон ўзлари чиқиб келган хаёлий маконларга жўнаб кетишган, бир маҳаллар кўрққанларини эсласа, уялар ҳам эди. Ажабки, у хаёлий махлуқлар бирон марта зарар етказмабди, яъни у, ўзи ўйлаб чиқарган нарсаларидан ўзи кўрқибди, холос. Қилич кўтарган қора киши, ўрама тўфонлар, ажинанинг уйи ва шунга ўхшаш болалик тасавури хосилаларининг бари сезилар-сезилмас оддийлашиб, олислашиб борар эди.

* * *

Бир куни она, холасининг касал бўлиб қолганини айтиб, “кўргани бориб келамиз”, деди.

Она тандирда нон ёпиб, сомса пиширди. Сомсага оқ пиёздан тўғрайсан, бироқ гўштини ўзинг чоп, деди. Учбурчак қилиб сомса ясашди. Сомсалар қип-қизариб пишди. Еб кўрса, жуда ширин чиқибди, яна егиси келдию аммо ўзини тийди.

“Ўзингни тиясан-да, болам, – деди она. – Жуда кўп нарсалардан тийилмасанг бўлмайди. Жон қизим, масалар, меҳмонга борсанг, егинг келган нарсалардан ҳам тийиласан. Чунки у одам бисотида борини олдинга кўйган бўлади”.

Кейин она қозон осди, тагига олов ёқиб, тухум аралаш гўшт қовурди.

“У ернинг овқати овқатми, уйникига нима етсин”, деди.

Таомни чинни косага солиб, гулли янги дастурхонга яхшилаб ўрашди. Сўнгра она-бола йўл ёқалаб касалхонага жўнашди.

Хола кўзлари киртайиб, озғин қуруқшоқ бармоқлари билан кўрпани чангаллаб ётган экан. Уларни кўриб хурсанд бўлди, “Мени кўргани жияним кепти” деб суюниб, Раънонинг бетларидан чўлп-чўлп ўпди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач:

– Нима дард келақолди сенга? – дея сўради она.

– Билмасам, ичагим буралиб оғрийверди, ўтиб кетар десам, ўтмади. Дўхтирга келсам, ётқизиб кўйди, – деди хола.

– Қанақа дорилар ичяпсан?

– Қайдам, сўрабманми? – дея кулимсиради хола. – Ишқилиб, бир нималар беряпти. Ичяпман, хийла тузукман, шекилли.

– Ранг-рўйинг бинойидай, – деди она. – Сира касалга ўхшамайсан.

Раъно анграиб қараб турарди. Ахир, холанинг ранг-рўйи сираям бинойидай эмас-ку? Авваллари унинг уйига бир-икки борган эди. Уй битмаган, аммо янги, кўчаси тошлоқ, томорқаси ҳам сариштамас, маккалар пишиб-сарғайиб кетган, ўриб олишга одам йўқдай, ариқ бўйидаги ялпизлар ҳам ўсиб, уруғ солиб юборишган экан. Бу хотин ўшандаям соғ эмас эди.

– Энди хафа бўлмайсан, қизим, чой кўйиб, дастурхон ёзай десам, аҳвол бу, – деди хола Раънога, ўнғайсизланиб, хижолат тортиб.

Уйга қайтаётганларида Раъно онасидан сўради:

– Холам бинойидай эмас-ку, нимага унақа дедингиз?

– Ҳа, анча путурдан кетиб қопсан, дейми? – деди она.

– Гапингизга ишониб қолса-чи? – деди Раъно, чопқиллаб борар экан.

– Одамнинг кўнглини шу икки оғиз ширин гап билан оласан-да, болам. Ҳамма ҳам шу икки оғиз сўзга зор. Айтган гапинг учун биров сендан бир нима сўрармиди, бор-йўғи, оғзингни бир четидан чиқадиган нафас, холос.

“Одамнинг кўнглини олиш учун ёлғон гапирса ҳам бўлаверармикин?”, деб ўйлади Раъно.

Энди у одамларнинг тутумларига диққат қила бошлаган эди. Бировнинг уйига борилса, дарвозадан ўтилади, аммо ичкарига кирилмайди. Дарвозахонадан туриб овоз бериб чақирилади. Келгувчи эркак бўлса, унга эркак киши пешвоз чиқади, уйда эркак йўқ бўлса, майда ўғил болалар чиқиши мумкин. Майда болалар ҳам йўқ бўлгандагина аёл чиқа олади,

шундаям юзининг бир четини тўсиб туриб гапиради.

Келганлару кетганларнинг бари билан ширин муомала қилинади. Касал киши эркак бўлса “сира касалга ўхшамангиз” деб, хотин киши бўлса “бир чиройли юриписиз-ку” дея, касали оғирроқ бўлса “тезда тузалиб кетасиз, фалончи ҳам шунақа ётган эди, бир неча кунда оёққа туриб кетиб, ҳозир туппа-тузук юрибди” деб мисол ҳам келтириб қўйилади, хулласки, бир илож қилиб муҳтож одамнинг кўнглини кўтариш керак бўлади.

Одамнинг кўнглини синдириш гуноҳи азим, болам. Ҳатто шунчаларки, айтайлик, ким биландир гаплашиб турибсан, бошқа биров чақириб қолди дейлик. Биринчи кишига кескин қилиб “Сиз кутиб туринг, мен ҳозир...” демайсан, балки “Ҳозир-а...” дея, овозингни оҳанги билан ҳам ноқулай вазиятга тушганингни шундан ўнғайсизланганингни ҳам билдириб қўясан.

“Баъзан “Ҳа” деган гапнинг маъноси “Йўқ” бўлади, баъзан эса “Йўқ” деганининг маъноси “Ҳа” ҳам бўлиши мумкин”, деди онаизор ва мисол келтирди. Эркакларнинг “Ҳа” дейиши билан хотинларнинг “Ҳа”си ўртасида анчагина фарқ бор. Эркак кишига ҳеч қачон “Ҳа” демайсан. Кун келиб оила қурасан, қандайдир иш буюрса, индамай бажараверасан, нимадир сўрашса жавоб берасан, бўлмаса йўқ. Бирор жойга чақиришса, “Қани, кўрармиз” дейсан, йўқса сени меҳмонга чақирганлар “Ул-а, кўзи учиб турган экан, дарров рози бўлди”, дейишлари мумкин. Билиб қўй, ҳамма сўзларнинг маънолари аслидагидай бўлавермайди. Айтдим-ку, одамнинг кўнглини синдириш гуноҳи азим деб. Масалан, кимдир қарз сўраб келди дейлик, ўшанда ҳам узил-кесил “Йўқ” демайсан. “Бировда бироз пулим борийди, ўша қайтариб бериб қолса, майли”, дегандай жавоб қилинади, шу билан қарз берилишини ўша кимгадир боғлиқ қилиб қўйилади. Қолаверса, уйда пулинг йўқ бўлсаям бордай, зориққанимиз йўқ дегандай тасаввур ҳосил бўлсин. Билиб қўй, уйдаги гапни кўчага чиқармайсан. Зориқиб ўлаётган бўлсанг ҳам, ўзингни тўқ кўрсатасан. Янги оҳорли кийимларингни кўчага киясан, меҳмонхона билан уй ташқарисини чиройли қилиб бўяйсан. Энг қимматли, оҳорли дастурхонингни меҳмонга ишлатасан. Ўзингни қорнинг бир бурда нонга ҳам тўяди, токи келган киши хурсанд бўлиб кетақолсин. Ҳамма шунақа қилади, сен ҳам шундан ўтиб қайга борардинг?”

– Нега энг ширин нарсаларни ўзимиз емаймиз?

– Чунки меҳмон ҳаммасидан улуғ, болам. Меҳмон сенда йўқ нарсани сенга бериб кетади.

– Нима у?

– Меҳмон дуо қилади. Дуо кўзга кўринмас шаклда кўк тоқига кўтарилади. Фаришталар ҳам дуо қиладилар. Ўша ерда катта бир хазина ҳосил бўлади. Бир куни ўша ерга борганингда хазинангни кўрасан. Ширин таомингни бир ўзинг пишириб есанг маза қиласан, аммо қанчадир вақт ўтиб, яна қорнинг очқайди. Меҳмонга берганинг ўзингни, еганинг ерники, болам.

Раъно бу гапга чиппа-чин ишонди, боз устига, она айтдики, демек, албатта риюя қилиш керак. Керакмасдай ёки ҳатто зарарлидай туюлаётган қанча нарсалар бор, уларни Раъно фақат она айтгани учунгина бажарарди-ку? Масалан, ҳар куни тонг саҳарда туриб, кўча супуришни кимга кераги бор? Кўча чиннидай қилиб супурилиши, кейин сув ҳам сепилиши керак, токи саҳарлаб кўчадан ўтган кишилар дуо қилиб алқаб кетсинлар. Супуригини тандирга ташлаш керак, хас-чўплар шунда ёниб қулга айланади. У қулни олиб идиш-товок ювишга ишлатса ҳам бўлаверади.

Томорқа ишлари ҳам бирдай давом этарди. Яна дала тозалаш, ғирллаб эсган шабадалар, чайқалган тераклар, куруқшаган поялар.

– Макка пояси ширин бўларкан, шимийсанми? – деди Хоси.

– Йўғ-э, пўсти тилингни қирқиб юборади-ку?

– Эҳтиёт бўлиб шимасан, – деди Хоси.

Шундай қилдилар. Ҳақиқатан ҳам поя ичидаги сув мазали экан.

– Лекин жўхори поясининг суви ундан ҳам ширинроқ, – деди Раъно.

– Жуда қизиқ қизлармиз-да, – деб қулди Хоси. – Тентираб юриб-юриб, бир нималарни топиб еганимизга хайронман.

Пўкаклар ҳам ширин бўларкан. Теградаги дарахтларнинг танасида сирач каби ғалати елимсимон ғуддалар бўлар эди. Шуларни ҳам мазасини топиб кўришди. Ўрикнинг елими ширин экан, буни билиб қолган она “Лекин шафтолининг елимини еб бўлмайди, жинни бўли қоласан”, дея уришди. Беҳиникини ҳам еб бўлмайди. “Аммо беҳи донаси ўтлар орасига тушиб чирийди, ҳолва каби жигарранг тус олади, ўшани яласанг жуда мазали бўлади”, деди Хоси.

Булутлар ўз-ўзидан сурилиб келар, майда ёмғир томчилари теваракни шитирларга тўлдириб юборар, булутларнинг пайдо бўлишларига ва ўтиб қайга кетишларига ҳам қизиқар эди-да.

Дунё қайдан бошланиб, қайда тугашини билгиси келарди.

– Ҳув тоғларнинг ортида ҳам одамлар бормикин?

– У ёқда одамлар яшамайди, – дерди Хоси. – У ёқда девлар, аждарлар яшайди. Одамлар фақат биз томонда, холос.

– Яшаса ҳам бошқача одамлар бўлса керак, қоп-қора, юзи кўк, – деди Раъно. – Йўқ, у ёқларда лўлилар яшайди. Лўлилар келганида уйга кириб яшириниб олиш керак, бўлмаса опкетиб қолишади.

– Э, бизга нима, – деди Хоси.
 – Телевизор кўрдингми? – деб сўради у.
 – Отам рухсат бермайди, – деб жавоб қилди Раъно. – Атай бузиб қўйган. Лекин аввал бир-икки кўрганман. Ғалати кишиларни кўрсатади-ку? Кулишади, беухшов гаплар гапиришади... ўзимизни одамларга сира ўхшашмайди.

Учинчи қисм

Хола тузалиб қолган экан, дастурхонига янги ёпган нонларидан ўраб, уларни кўргани келди.

– Қошингни қораси ювса кетарми? – деди уни кучиб. – Айланай сендан, кўз тегмасин, мунча чиройли бўлмасанг, ўлгур? Қалдирғочни қаноти-я, менга бермайсанми?
 – Бермайман, – деди Раъно, кулиб.
 – Қизғанасанми, а, қизғанасанми? – деди хола. – Унда билиб ол, менинг қошим сеникидан чандон куюқ, қоп-қора эди.
 – Унда қани ўша мақтаган қошларингиз?
 – Болаларимга бўлиб бердим-да, – деди хола. – Бешта болани ҳар бирига бўлиб берсам, ўзимга нимаям қоларди?

* * *

– Боққа кирсам, бир олма роса қизариб пишибди, – деди она кулиб. – Бозорга олиб чиқиб сотиб юборақолсаммикин?
 Ҳақиқатан ҳам боғнинг олмаси бир тарафи тарам-тарам қизғиш, бошқа тарафи оч-яшил бўлиб етилган, яқинига борса, бошни айлантлар ширин исиям гуркираб турарди.
 Раъно энди айтилган гапнинг тагида бошқа гап бўлишини билиб олган эди.
 – Сотиб нима қиласиз, – деди ғаш келиб. – Зарари тегяптими, бечорани?
 – Вой, нимага зарари тегар экан? – деди она. – Мева етилса, узиб эгасига берасан-да! Ерга тўп этиб тушсинми бўлмаса?
 – Тушса тушаверсин, – деди Раъно, зарда қилиб.
 – Қўярмидим? – деб кулди она. – Халқни кўзига катта тўй қиламиз ҳали.
 – Халқингиз билан нима ишим бор? – дея лаб бурди Раъно.
 – Бекор айтибсан, билсанг, боринг ҳам, йўғинг ҳам шу эл, – деди она.
 Шу эл сенга қиймат берса, қадринг ошади, қиймат бермаса, моховдан баттар бўлиб қоласан.
 – Тўй қилсанг ҳам шу элга қиласан, бўлмаса кимгаям қилардинг?
 Маросиминг бўлса ҳам шу халқ келиб қарайди.
 Юкингни кўтаради, шодлигингга шерик бўлади, мусибатингни аритади.
 Ўзингни юртингда ҳамма сенга қавму қариндош, ҳамма сенга жигар.
 Бирор бегона жойга бориб кўр-чи, биров сенга “кел” дермикин?
 Биров иккита нон кўтариб чиқармикин, тўй-тўйчиғида худди ўзингникидай ўйнаб-кулиб ўтира олармикинсан?

* * *

Ота хасталаниб ётиб қолди.
 Куз келган эди. Беҳининг япроқлари олтин ранг олган, терак қирмизи тилларанг, ўтларнинг узун барглари тубидан оч-яшилтоб сарғайган, ариқ суви яшил тус олган эди. Ҳавода мезонлар уча бошлади. Эрталаблари ўтлоқлар шудрингдан жиққа хўл бўларди, экинзорларнинг кулранг тупроғи намдан қорайиб қоларди.
 – Нима бўлди сизга? – деди она.
 – Билмадим, – деди ота ихраб. – Шу, биқиним санчийди. Анчадан бери санчиб-санчиб кўярди, ўтиб кетар деб юраверибман, энди кучайиб кетди.
 – Вой ўлмасам, нима қиламиз?
 – Мақсуд дўхтирни чақирақол, – деди ота.
 Она кўшненикига чиқиб кетди. У ердан “Мақсуд дўхтирникига бориб келинг, болам, акангизни мазаси қочиб қолди”, дегани эшитилди.
 Раъно отасининг ёнида не қиларини билмай ўтирарди. Бир нима деб кўнглини кўтаргиси келарди, ўйлаб туриб-туриб, ахийри:
 – Чой дамлаб келайми, ота? – деб сўради.
 Отанинг атрофи тиришларга тўла кўзида илиқ ифода пайдо бўлди.
 “Жоним қизим”, деди овози алланечук ўзгариб. Яна бир нималар демоқчи бўлиб жим қолди, ўйлари кўзларидан билинар эди. Ҳар ҳолда, суйиб-алқаб анча гаплар айтгиси келган бўлиши мумкин. Кейин қийналиброқ бир ютинди-да:
 – Майли, қизим, – деди.

Раъно отанинг айта олмаган гапларини тушунгандай эди. Ўша маҳалда нималар деги-си келган экан улкан гавдали барваста бу кишининг? Қалб сезиб-туғён кўтарар, ўзини ота бағрига отгиси, тўйиб-тўйиб юзларини ишқагиси, яна аллақанча номаълум истаклар бор ва ҳаммаси қизнинг отага улкан меҳридан бино бўлмоқда эди.

Лекин, ота ҳам бир нима демади, қиз ҳам.

Раъно айвонга борди-да, чой дамлашга тутинди.

Тўртинчи қисм

Бу ерларда шамоллар сурон солиб эсаверадилар: кунботардан кунчиқарга, кунчиқардан кунботарга...

Раъно ўн олтига тўлди.

Ишлар, юмушлар бир зайлда давом этар эди.

Она кўчага камроқ чиқишини тайинлади. Энди у ариқдан сув олгани ёки эрталаблари кўча супургани чиқарди, холос. Шу ўтган бир неча йил ичида деворнинг сувоғи анчайин шўрлашди, уваланиб кўчиб тушди, бир-икки жойида синчлари ҳам хиёл кўриниб қолди. Уваланган жойдан тушган тупроқни ҳам супуриб, тўплаб олар эди Раъно. Вассаларнинг кўчага чиққан тарафи қорайиб, ёрилиб-ёрилиб кетибди.

Шу ўтган бир неча йил ичида теварақда ҳам, кишиларда ҳам анча-мунча ўзгаришлар содир бўлди. У билган дарахтлар қувватга кириб мева тугди, баъзилари қартайди, масалан, этакдаги шафтоли бир тутам бўлиб қолди, шохлари қорайиб, бужури кўпайди, япроқлари ожиз, шу ҳолида ҳам аччиқ-тирсиқ мева солмоққа тиришар эди. Ота ҳам анча букчайди, юзи-даги, бўйнидаги тиришлари кўпайди, она эса нимагадир тўлишиб, эт олди. Бир маҳаллар бежирим ва чиройли юзи кўпчигандай туюларди. Раъно эса янада дуркунлашди, сочлари ҳам қошлари каби қалин, қоп-қора, узун эди. Гоҳ ўзини ойнага солиб диққат билан разм соларкан, ҳуснидан кўнгли тўлмас, гоҳ юзи, гоҳ бурни, гоҳ қулоғи ўзига ёқмас ва ойнадан шарт бурилиб кетиб ҳам қоларди.

Хар холда, сўраб-суриштирадиганлар кўпайиб қолган шекилли, она Раънодан мутлақ озодаликни талаб қила бошлади. Ҳовлининг кўз тушмайдиган энг чеккасида бўлса-да, бир хас қолмасин деди. Ҳаммаёқ озода бўлиши шарт. Қилмайман, деди тўрсайиб Раъно. Ўлсин, келадиган совчиларга ёқаман деб шунақа қиламанми? Озода бўлмасанг менга маломат опкеласан, қиз тушмагур, деди она. Сени биров маломат қилмайди, онаси тарбияламапти-да, дейдилар.

Келган-кетган кўп эди. Ниҳоят, бир куни она Раънога гап очди. Фалончининг бир ўғли бормиш. Келишган, ақлли, оғир-босиқмиш. Оиласи ҳам камсуқум, аммо топган-тутгани ўзларига бемалол етадиган бир рўзғор эгаси эканлар. Биттагина ўғилмиш, авлод-аждоди ҳам тузук одамлар ўтишган экан. Шулар сенга оғиз солишяпти, деди.

Отанг ҳам розидай, деди она.

Отанг кўча-қўйда таниш-билишларидан сўрабди, мен ҳам, амма-холаларинг ҳам “Қанақа йигит экан”, деб суриштирдик. Ҳамманинг бошидаги қисмат сенга ҳам етиб келди, хўп денсанг, тайёргарчиликларимизни кўраверсак?

Раъно не деярини билмас эди.

Бир томондан мана шу эскигина, аммо озода-саришта ҳовлисида сира кетгиси кел-маса, бошқа томондан, ашёлари ловуллаб турган янги хонадон, келинларнинг оҳори мўл либослари, қошларига ўсмалар қўйиб юришлари қизиқтирар ҳам эди. Она айтган тутумларнинг биронтаси бу вазиятга мос келмаётган, “ха” деса ҳам, “йўқ” деса ҳам бўлмайдиган бир ҳолат ўртага чиққан эди.

Қолаверса, отаси “маъкул” дебдими, демак, ҳақиқатан ҳам яхши инсонлар бўлса керак, дея ўйларди. Ота сира адашмаган, ҳамма нарсани биладиган қудратли ва ғоят ақлли зот, модомики шундай деган бўлса, ортиқча гап-сўзга сира ҳожат йўқдай эди.

- Ариқча, оқяпсанми?
- Ҳа, қизгина, оқяпман.
- Отам эрга бераман деяпти, нима қилсам экан?
- Ҳамманинг бошида бор бир қисмат-да, кўнмай қайга борардинг?
- Қайдам... Қандай одам экан, қанақа хонадон бўлар экан, ўйлаб ўйимга етолмайман.
- Ташвиш қилма, Худо сендай қизни яратади-ю бахтинени бермайдими? Худо хоҳласа, ажойиб ҳаёт кечирасан, бир этак болаларинг ҳам бўлади.

Совчилар яна келишди. Энди уларга бериладиган жавоб аниқ эди.

– Саҳар келиб кўчангизни супуриб кетай десам, замон бошқа, аммо шу қизингиз учун йил бўйи ҳар куни супуришга розиман, – дея авради куёвнинг аммаси, семиз хотин.

Ўз амма-холалари ҳам шунда эдилар.

– Сиздай хушмуомала, ҳар нарсани ўйлаб иш тутадиган оилага бермасак, кимгаям берардик, – деди она. – Қошимни остида, кипригимни устида авайлаб ўстирган қизимга ўзимдан ҳам афзал она бўласиз-ку, сизниям, авлод-аждодингизни ҳам яхши биламан.

Бу бир ишора, замирида ўксикроқ ҳайиқиш сезилар, яъни, беришга берармизу аммо шунча йил заҳматлар билан катта қилган қизимга ўз болангиздай қарармикансиз деган илғар-илғанмас бир ўтинч ҳам бор эди.

Нон синдирилди, оқлик берилди. Келганларнинг эркакларига белбоғ, аёлларига рўмол, дастурхонларига нон ва қанд-курс солинди. Совчилар хушхол, юз-кўзлари севинчу мамнуниятдан порлаб, хайр-хўшлашиб жўнашди.

“Худо хоҳласа, энди қариндош бўлдик”, дейишди кетар олдидан.

“Оқлик ҳам берилди, энди бу ёғи тўй, қиз ўлгур”, деди холаси, Раънони биқинини чимдиб, севиб-суйиб.

“Ҳой қиз, энди кўчага чиққанигда қариндош-уруғларидан биронтаси ўтиб қолса қочгин, – деди она. – Йўлинг ўша томонга тушса, у кўчадан юрмагин.

Гапиришса гапирмайсан, кўришаман десаю қочгани иложинг қолмаса, ерга қараб турасан.

Элнинг кўзи сенда бўлади, буларнинг бари сенинг ҳаё-одобингни кўрсатадиган нарсалар, хушёр бўласан”.

Кўни-қўшнилари – кенг-мўл гулдор кўйлак кийган шаддод-шаддод хотинлар кўрпа-тўшак қавигани чиқишди.

Қоқ ерга каттакон палос солинди. Қўшнилари у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, тўшак қавир эдилар.

– Қиз тушмагур, чой-пой дамлаб келсанг-чи, сенга кўрпа қавиймиз деб белларимиз қотиб кетди-ку, – деб ҳам кўйишарди.

– Керак бўлса ўзингиз дамлаб олаверинг, – дер эди Раъно.

– Зарда қилмай қол, – деб кулар эдилар қўшнилари.

Раъно одамлар кўзидан ҳам қочар бўлди. Чунки нафақат тенг-тўшлари, ҳатто кичкина болалар ҳам “Келин! Келин!” дея мазохлар эдилар.

* * *

Икки кундан кейин ўша кишилар, ёнларига яна бир-икки одам қўшилиб, қопларда гуруч, сабзи, саватда янги ёпилган патирлар, ширинликлар, келинга сидирға кўйлаклар олиб, оқ кийгани келишди.

Раъно уйдан чиқмай ўтирарди. Келгувчилар бир нималарни гаплашиб, кўпроқ ҳазиллашиб ўтиришди. Бугун саҳарлаб она ва хола тандирга сомса ёпиб, қатламалар пиширишган эди, келгувчиларнинг дастурхонига шу қатлама-сомсалардан солиб қайтаришди. Улар олиб кетган патирлари қанд-курсларни қўшнилари тарқатиб чиқишди.

Яна бир неча кун ўтгач, “қозон оши” бўлди. Куёв томондан уч киши аравада иккита кўй, битта нимта, ёғ, икки қоп ун, гуруч ва сабзавотларгача опкелишди.

– Ана, сени сотиб бой бўлдик, – деб кулди она.

Кўйлар бостирмага бойланди, нимтадан эса шўрва ташлаб кўйишди, нонлар ёпилиб, юпқа пиширилди. Келгувчиларга тўн, белбоғ, яхтак, аёлларига қора чийбахмал ё банорас тўн берилди.

– Куёвимизга ҳам зиёфат юборсак арзир? – деди хола. У учун атай тикилган “майса беқасам” тўн, хонатлас қора белбоғ, кўй тўши пиширилиб, товоқда пистаю бодомлар билан бериб юборилди.

Тўй куни ҳам шу бугун белгиланақолди.

Тўйдан бир кун аввал “нон-патир” маросими бўлди. Юзталаб нон ёпилди, қатламалар пиширилди. Халққа “бугун фалончиникида “нон-патир”, эртага тўй” деб маълум қилинди.

Куёв томон яна иккита кўй, қопда ун-гуруч келтириб, никоҳ ўқилади деб, маълум қилиб кетишди.

Кечга яқин мулла келди. Куёв ўртоғи билан банорас тўнини ёпиниб келиб турган эди. Ичкари уйга кирилди. Куёв юқорироққа, Раъно эса пойгак томонга ўтирди. Орага бир коса ширин сув кўйилди, мулла бува ҳар икки томондан розилиklarини сўради, куёв биринчи сўрашдаёқ “Ҳа” деб жавоб қилди, Раънодан сўралганида эса лом-мим демай ўтираверди. “Сукут – аломати ризо” деди мулла бува, дўриллаб. Хуллас, никоҳ ўқилди, ўртадаги никоҳ сувидан икковларига ҳам ичирилди.

Никоҳ ўқилаётган маҳал куёв устидан гуруч сепилиб, учи тугилмаган узун оқ ип ўтказилган игна билан тўнининг елка қисмидан тинимсиз тикиб туришди, умр йўллари шундайин оқ, шундайин узун бўлсин, дея.

Маҳр айтилди.

Кечга яқин Раънонинг тенг-тўшлари келишди. Зардўз сўзаналар, рўмолу рўмолчаларнинг

учлари бойланиб, уй теграсига қаторасига осилди, куёвбола ўтирадиган жойга энг чиройли, энг нафис сўзана бойланди.

Бир маҳал “куёвнавкар келди” деган хабар таралди. Ҳамма шошиб қолди. Чилдирма дўп-дўпию карнай-сурнай садоси остида куёвнавкарлар ҳовлига кириб келишди, ишқомлар тагида туриб олиб, қуюндай бўлиб ўйнашди.

Куёвнавкар кирадиган уй остонасига туриб олган амма-холалар “Ҳо-о, кириб бўлсизлар, қани тўнғак пули?” деб туриб олишган эди, аммо йигитларнинг эпчилроқлари уларни елкалари билан суриб, ичкарига кириб кетишди.

Куёв зиёфати тезда ниҳоя топди. Куёв куёвнавкарлар даврасида тўн ёпиниб келиб, тўн ёпинганича чиқиб кетди. Раъно бу маҳал қўшинининг уйида эди, уни ўз уйига қайтиб олиб чиқдилар, исириқ тутатдилар, сочларига оқ пахтадан узун пиликлар бойлаб ўрдилар, оқ сурп кўйлак, маҳси-кавуш кийдириб, паранжи ёпинтиришиб, ота оёғига бош урдирдилар.

Ёр-ёрлар шунда авж олди.

Оқ милтиғ-о қора милтиқ отган отам...

Қолганлар жўр бўлишди:

Ёр ёр-о, отган отам...

Қиз уйидаги ёр-ёр садолари ишқомлар, томорқалар, тераклар узра қалқа-қалқа ҳаволанаверди:

*Ўз қизини-ё бегонага сотган отам,
Ёр ёр-о, сотган отам...*

Ажабки, бу ғалати ёр-ёрни айтаётганларнинг бари шод, бари хуррам эдилар:

*Ўз қизини ўрнига-ё бодом эксин,
Бодом шохи титраса-ё болам десин...
Ёр-ёр-о, болам десин...*

Дарвозахонага яқинроқда тўпланган эркаклар, қий-чув солаётган хотинлар, қувалашиб ўйнаб юрган майда болалар узра ёйилаверди тўй ёр-ёри:

*Узун-узун арғамчи-ё, ҳалинчакка,
Оппоқ кўйлак ярашади келинчакка,
Оппоқ кўйлак енгига-ё тут қоқайлик,
Куёв бола бағрига-ё ўт ёқайлик.*

Раъно ота оёқларини кучоқлаб, бошини уриб йиғлади, кетмайман деб дод солди. Ота кўзлари жиққа ёшга тўлиб, овози титраб, хўнграмоқдан бери бўлиб “Жоним болам, илоё, борган жойингда униб-ўсгин” деб дуо берди.

Шу тариқа, мана шу хонадонда чопқиллаб-чопқиллаб ўсган, юмушларини сира оғринмай адо этган, бўйи етган сайин эси кириб, ҳаммаёқни саранжом-сарашталаган, аммо тақдир чархпалагининг бир айланишида шу қадрдон ҳовлисидан бошқа бир хонадонга тош каби отилиб кетаётган Раъно қизни ота уйдан олиб чиқдилар.

Борар жойингда тошдай бўлгин, дея дуо қилишди амма-холалар. Тошдай тушгину тошдай қолгин, қизгина.

Келин кетаркан, шўрлик онаизори ҳам қизининг сеп-суруғини, бўхчаларини кўтариб, орқасидан жўнади.

Боргунча ёр-ёр айтиб борилди. Гуриллаб ёнаётган олов атрофини уч айлангач, амма-холалар қизни келин уйига олиб киришди. Куёвнинг амма-холаси шу ерда экан, улар қаттиқ-қаттиқ гаплашишар, шарақлаб кулар эдилар. Раънога қатиққа шакар кўшиб ичиришди. Уй деворларининг шифтга яқин қисмига узун чилвирлар тортилиб, келиннинг сеплари осиб безатилди. Рўмоллари, кўйлаклари, дастурхону сочиқларигача осилди, чимилдиқ тутилди.

Ташқарида эски матолардан тўпчалар ясалиб, мойга ботириб осиб кўйилган эди, ўшалар ёқилгач, ҳовли чароғон бўлиб кетди. Тўй кўргани келганлар, бола-чақа, хуллас, ҳамма ўйин-кулги қилаверди.

Аста-аста эсиб турган шамол кечга яқин бирдан кучайди, кунботардан қора булутларни ҳайдаб олиб келди, тўсатдан шаррос жала куйди. Шунда онаизорининг “Қозоннинг қирмочини емагин-а, қизим, тўйингда ёмғир ёғади” деганлари эсига тушди, “Вой, тавба қилдим, рост экан-да” дея ҳайратланди.

Ичкари келин билан бирга келган қизларга тўла эди. Катта ёшли аёллар келишмаган, даврада фақат ёш қиз-жувонлар эди. Улар уй ясатишди. Дастурхон ёзилди, еб-ичиб, ўйин-кулги қилиб ўтиришди.

Ташқаридаги ўйин-кулги тугагач, кетган кетиб, қолган қолаверди. Эрталаб ҳамма ўз уйига жўнади. Онаизор чойнак-пиёла, идиш-товоқларини олиб, хотинлар билан етиб келди, “юз очар” бўлди.

Оқ сурп мато билан Раънонинг юзини ёпдилар. “Келяпти, қайнонаси келяпти”, дейишди хотинлар. Бир маҳал қайнона қўлида супрасию уни билан кириб келди. Супрани ўртага ёйдилар, Раънога “Унни хамир қоргандай қилиб ғижимланг”, дейишди. Раъно чўнкайиб ўтириб, шундай қилди. “Маҳкам-маҳкам ғижимлайверинг, қизим, қўлингиз хамирдан чиқмасин, баракали бўлсин”, дейишди. Шундан кейин амма-холаси икки қўлтиғидан тутиб ташқарига опчиқишди, ўчоққа ўт ёқишиб, идишдаги ёғни уч марта оз-оздан қуйдиришди. “Қозонинг доим ёғли бўлсин, муҳтожлик кўрмагин”, дейишди.

Шундан сўнг куёв тарафнинг ёш болаларидан бири илжайиб туриб, мевали дарахтдан синдириб олинган кичкина чўп билан келиннинг юзидаги сурпни юлқаб олди. “Ҳой бола, олиб бориб онанга бер, сенгям шунақа келин насиб қилсин” дейишган эди, бола уялиб, қочиб кетди.

“Юз очар” маросими мана шундай бўлиб ўтди.

Раънони ичкарига қайтиб опкиришди. Чимилдиқ кўтарилди, куёв томон келинга атаган нарсаларини олиб кира бошлашди: биров палос, биров гилам, бирови тўп мато кўтариб олган эди. Кирганларга тўн, белбоғ, сочиқ, қариоқларига тўшак-болишлар берилди.

Шундан сўнг ҳамма кетиб, янга қолди.

Шундан сўнг куёв кирар бўлди.

“Куёв бола кириб келганида бурчақда кутиб турасан, эгилиб уч марта салом берасан”, деб тайинлашди унга.

Тайинловлар мўл эди. Холалар гоҳ “қоғозга ўраб”, гоҳ очикчасига шаддодлик билан ҳамма гапни айтиб бўлишган, айтгани бошқа гап қолдиришмаган эди.

Шу билан ҳаммаси поёнига етди. Раъно қиз – кеча ўз уйининг йўлакларидеда потирлаб, жайрондай чопиб юрган ўша қизалоқ бугун ойдаи келин бўлди.

Шу бир куннинг ичида жуда кўп воқеалар қаторасига рўй берди.

Бу элда шамоллар сурон солиб эсадилар демаганмидик?

Эҳ-ҳе, шамол роса эсди, тўпчиоқлар ёна-ёна ўчиб қолди, келин-куёв ётган уйнинг даҳлизидеда янгалар бор эдилар, айниқса биттаси жуда барваста ва шаддод экан, ўғри мушук тугул, чивинни ҳам яқинлаштирмади. Хушёр экан, тиқ этган товушга қулоқ солиб ётди. Жим ётиш ўрнига бир нималарни пичирлаб дуо ўқиб ётди, нималар деб пичирлаганини билиб бўлмади.

Бир маҳал тунги осмондаги булутлар супурилиб, озод-озод тўлин ой самоде нур сочди. Бир малак бор эди, келин бўлди, бир жайрон бор эди, қафасга тушди, бир қиз бор эди, турмуш остонасига шу тариқа қадам қўйди. Ана ўша барваста хотин Раънонинг юрагидан кечган туйғулару хисларга ошноликка йўл қўймади, Раъно қиз шу кеч нималарни ўйлади – ҳеч ким билмади.

* * *

Саҳарлаб қуш уйқусидеда хиёл кўзи илинган Раънони холаси даҳлиздан овоз бериб уйғотди.

“Тур, қиз бўлмаи қол, ҳовлиларни супур, ишларингни қил”, деди пичирлаб.

Раъно ўрнидан турди. Оҳорли келинлик либосларини кийди, у либослар ўзида ярашдимийўқми, ойнага тузукроқ қарай олмади ҳам, аммо ранг-баранглиги, ислари ва янгилиги ёқар эди.

Ташқари чиқаркан, у ҳам пичирлаб, холадан:

– Супурги қайде экан? – дея сўради.

– Ҳаммасини топиб қўйганман, – деди хола. – Мен ҳам чиқаман, бўлақол.

Ҳовли кенгина эди. Тўй ўтгач, қолган қавму қариндош ҳаммаёқни саранжомлаб кетишган экан. Бир четде даста-дасте пиёлау лаганлар турар, райҳонлар остидеда Раъно янги супургини кўрди. Холасидан миннатдор бўлиб, ҳовли супуришга тутинди. Кўча эшик олдини икки тарафдаги қўшнилариинг дарвозахонасигача супуриб борди, сувлар сепди, кейин қайтиб кириб, нонушта тайёрлади, бу ораде қайноте-қайнона ҳам туришди. Бир четде қумғонде сув ҳам иситиб қўйган эди, қайноте келинига қарамасдан, бориб таҳоратини олиб келди. У келгунига қадар Раъно шошилиб улар ётган уйга кириб, жойнамосини қиблага тўғрилаб солди. Қайнонага салом берганиде, у нимагадир кўзёш қилиб, пешанасидан ўпди, елкасиге бир сидирға кийимлик мато ташлади. Қайноте намозини ўқиб чиққач, унга ҳам уч бора эгилиб салом берди.

– Баракалла, қизим, Худойим бахтингни берсин, – деб қўйди қайноте ҳам.

– Ўғлингни уйғот, – деди кейин, қисқа қилиб.

Қайнона келинига қараган эди. Раъно “ҳозир” деди шоша-пиша. Кейин тез ўзининг уйига кирди. Куёвбола ухлаб ётар эди.

– Эй, туринг, – деди эрига. – Чақирешяпти.

Кейин қайтиб чиқди.

Юмушларни бажариб юрар экан, юз-қўлини ювиб келиб чойга ўтирган эрига сира караёлмас эди. Худога шукур, деди кейин ичида. Бир тузуккинеда йигит экан-ку. Қийшиқ ё

хунук бўлганида нима қилардим? Нимаям қилардим, кўнардим-да. Кўнгач, умрим бўйи шу билан яшар ҳам эдим. Худойимга шукур, дер эди.

Янги рўзгор мана шу эди. Ўз уйидагидан айтарли фарқи ҳам йўқ экан. Ҳовли адоғида тандир, ости товук катак. Берироқда ўчоқ. Устида узум валиши. Нариги томонда бостирма, молхона. Томорқа ҳам ўз уйидаги каби: маккалари ўриб олинган, адоғида нок, беҳи, олма ва шафтоли бор. Фарқи шундаки, қўшни билан туташ ерида тут ўсибди, ҳовли адоғида эса икки туп ўрик билан ёнгоқ бор экан, булар ўсиб-баҳайбатлашиб кетгани учун остида ўт-ўлан унмабди. Томорқа охирида ариқча оқиб ўтибди, қирғоғида турли ўтлар гуркираб ўсибди.

Куёвбола кўчага чиқиб кетган эди. “Шом тушгунча юрмагин, чиллалисан”, деди она унга. “Хўп-хўп, – деди. – Бир-икки ишим бор, битириб дарров келаман”. Чиллали дедилар, чилла уч кунда битар экан. Уч кунгача кечаси ташқарига чиқсанг ҳам бир ўзинг чиқма, мени уйғот, деди хола. Чилланг тугагидан кейин билганингни қилаверасан. Аммо меҳнатдан қочма, муомалангни ширин қил, жилмайиб гаплаш. Ярим соат кам ухласанг ухлабсан, уйкуга ётишингдан аввал ҳаммаёқ чиннидай саранжом бўлсин. Энг ҳақир ишгаям эринма. Билиб қўй, ҳаммамиз бир қишлоқнинг одамлари бўлсак ҳам, куёв тарафнинг одами ҳар бир қадам олишингдан муомалангача, тутумингдан фаросатингача кузатиб ўтиради. Ҳар қилган тўғри ишинг ота-онанга раҳмат олиб келади, сал нотўғри иш қилсанг, маломат олиб келасан. Иложи борича кам гапир, бир нима сўрашагина жавоб бер, чеҳрангни оч.

“Хўп”, деди Раъно.

Буларни барини адо этиш мушкул эди. Юмушларини бажариб юрар экан, қайнона ва битта-ярим келган қариндош сўрида бақрайиб ўтирар эдилар. Аслида-ку, ҳаммасини ўзи билганича саранжомлаб кўяди, аммо мана шу нигоҳлардан қутулиш қийин, шартта ишини ташлаб уйига кириб кетгиси келса-да, ўзини қўлга олиб, сезмагандай ишида давом этади. Туш маҳали бўлганида шўрва ичилди, улар билан бирга ўтириб, тушлик қилиш ҳам ноқулай бўлди, сувидан бир-икки хўплаб, яна ўрнидан туриб кетди. Коса-товуқларни жойлагач, қайнона ҳам, қайнота ҳам уйига кириб кетди, шунда устунга санчиб қўйилган ўроқни олиб томорқага ўтди, ариқ бўйидан анча ўт ўрди, кейин олиб бориб бир қисмини мол-қўйлар олдига солди, бир қисмини куёшда қуриб қолмасин дея бостирма салқинига ғарамлаб қўйди. Навбат товуқларга келган эди, ўз уйида макка донидан берарди, ўз уйиники миннатсиз эди, “бу ерда ҳам берсам гапиришмасмикин” деб ўйлади.

Кавму қариндош, қўни-қўшни саломга келишда давом этар эдилар.

Кимдир бир бўлак гўшт солиб қовурма қилиб келар, ёнида албатта қирмизи тусда қатлама ҳам бўлар, кимдир манти, кимдир сомса пишириб келар, хуллас, келувчиларнинг охири қўринмасди. Уларнинг дастурхонига у-бу нарса солиб, идишини топ-тоза қилиб қайтариш, устига устак, ким нима опкелганини эсда сақлаб қолиш ҳам керак эди. Булар болалигида “меҳмон-меҳмон” ўйнаганларида билиб олган нарсалари эмасми, ҳаммасини уддалади. Югуриб-елиб хизмат қилар экан, келгучиларни бари бақрайиб қарайверишар, гоҳо ўзига эшиттириб “келин чиройли экан” деб қўйишар, шу бир оғиз гапдан кўнгли кўтарилиб, мана шу ҳовли-хонадон сулоласига меҳр уйғонгандай ҳам бўларди. Ақли “энди сенинг уйинг шу, буларнинг бари энди қариндошларинг” деса-да, кўнгли саркашлик қилар, тан олмас, кўнгил овозини яна ўчиришга тўғри келарди.

Қайнота донишманд ва беозор киши бўлиб чиқди.

– Келининг билан рўзгорга барака келди, – деди қайнонага. – Ҳали қараб тургин, мўл-кўлчилик бўлади.

– Жуда мақтайверманг, талтайиб кетмасин, – дея мақтовни хушламаганини билдириб қўйди қайнона.

– Тавба, ғалати бир нарсани сездим, – деди бир куни қайнота. – Ўтган сафар сенга баракадан гапирганим эсингдами?

– Ҳа, эсимда.

– Қирқ йилдан бери новвойлик қиламан, – деди қайнота. – Шу ёшга кириб сезганим шуки, нон билан ноннинг фарқи бор экан.

– Қанақа экан? – дея қизиқсинди қайнона.

– Ниятга қараб экан, – деди қайнота. – Ҳар куни сотишга икки тандир нон ёпаман. Шулар кўпинча ё оқиб кетади, қийшаяди, ё яхши кўпчимайди. Аммо тўйга нон ёпадиган бўлсам, шунақа чиройли, ширин чиқадики, ўзим ҳам ҳайрон қоламан.

– Э, нонни жони бормиди? – деди қайнона. – Ўзингиз эпсиз бўлсангиз керак.

– Йўғ-э, – дея кулди қайнота. – Никоҳ тўйларини айтмаяпман, гумроҳ, гапни маънисига қарасанг-чи. Суннат тўйларига ёпадиган нонларни айтяпман.

– Шунақа демасизми? – дея, бирданига гул-гул очилиб кетди қайнона ҳам. – Қайдан сезақолдингиз? Гапимизни қарға эшитмасин ё шамол опкетиб ёймасин дейман-да. Худо хоҳласа, тез орада ўшанақа нон ҳам ёпасиз, отаси.

– Худойим, ўзингга минг бор шукур, – деди қайнота ҳам. – Ўша кунга етказсин, илойим. Шунақа нонлар ёпай-ки!

* * *

Раънонинг ҳаётига бахт оралади.

Турмушга чиққан бўлса-да, хаёлида ҳалиям кичкина қизалоқ эди. Ҳалиям ўйнагиси келарди. Ҳалиям шўх эди.

Эрталаб кўнгли айниди. Ёмон нарса еб қўйдимми деб ўйлади, аммо ўқчиқ бошқача, меъда ўқчиғига ўхшамасди. Шу куни онаизор ҳам қизидан хабар олгани келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, ичкари уйга кирганларида яна ўқчиқ тутган эди, она икки қўли билан икки билагидан тутиб, кўзларига тикилиб қараб:

– Ўлгур, нимага ўқчиқсан? – деб сўради.

– Билмасам, эрталабдан бери шунақаман, – деди Раъно.

– Бўйингда бўлмасин тагин?

Раънога бу гап ари чаққандай таъсир қилди. Анграйиб онасига қараб қолди.

– Йўғ-э, – деди ақли бовар қилмасдан. – Шунақамикин?

– Шунақа бўлмасинам-чи, – деди она, кейин уни кучоқлаб олиб, юзларидан чўлп-чўлп ўпди. – Айланай Раъно гулимдан, Худойим бахтингни бергани рост бўлсин. Ҳали паҳлавондай ўғилча туғволсанг борми?

Кейин ҳомиладорлик белгиларини, нималар қилиш кераклигини бирма-бир тушунтирди.

– Бунга айтсаммикин? – дея иккиланди Раъно.

Раъно эрининг исмини айтиб мурожаат қилмас, шунақа пайтларда “бу” ёки “у” деб кўяқоларди.

– Йўқ, ҳозирча айтмай тур. Ҳеч бўлмаса, орадан бир ой ўтсин. Тушундингми?

– Тушундим, – деди Раъно ҳам.

Ташқарига чиққанларида қайнонанинг ўткир нигоҳи Раънода содир бўлган ўзгаришни сезгандай эди. Бир нималарни пичирлаб, ўзини нималаргадир уринаётгандай кўрсатса ҳам, Раънога гоҳ-гоҳо ер остидан қараб кўярди.

Ҳа, Раъно қизга бахт кулиб боқди.

Вужудининг ич-ичида, етмиш икки томири туташган жойда жажжи ва мурғак бир жон пайдо бўлганини ва у кун сайин эмас, соат сайин ўсаётганини тасаввур қилиш қийин, аммо ёқимли эди. Шу игнанинг учидайгина нарса Раънонинг ҳаётини ўзгартириб юборди. “Ҳали дунёга келмасингданоқ менга шунча бахт олиб келдинг-а” дея мурожаат қиларди Раъно, гўдагига. Қанақа экансан? Ўғил боламикансан, қиз болами? Отанга ўхшаган бўйинг баланд, сочларинг қоп-қора, хушсурат бўлармикансан? Ё ўзимга ўхшармикансан? Бир куни дунёга келсанг кулишларинг, қўлчаларинг, оёқчаларинг қанақа бўларкан? Дунёга келиш деган нарсани Раъно сира ўйлаб кўрмаган эди, тасаввурига шу ўй кириб келди. Юрагимнинг остида ҳозирча жимгина ўсяпсан, деди унга. Онанг бўлатуриб, бор-йўқлигини ҳам билмайман, бор-йўғи мени ўқчитиб ўзингдан хабар бердинг, бошқа нарса ўқитганида хавотирга тушган бўлардим, шу озорингдан ҳам қанчалар суюнганларимни билармикансан, жоним жаҳоним, шухгина болажоним? Шу аломатингни ўзиёқ ҳаётимни буткул ўзгартириб юборди-я, ҳеч нарсага қарагим келмай қолди, юрсам ҳам, турсам ҳам сени ўйлайверадиган бўлиб қолдим. Худойим менга сени бериб, шу бандамга бир раҳм қилай деди, бермаса нима қилардим? Тавба, шунгача қайларда бўлган экансан, худойимнинг даргоҳларида дунёга келишингни кута-кута, онам ким бўлар экан деб ўйлаганмикансан... Худоё тавба қилдим, ғалати хаёллар ақлимга келишини қара-я. Ишқилиб омон-эсон дунёга келиб ол, онангни кўзларини қувнатиб-қувнатиб юр, болажон.

Раънонинг пешанасидаги сочи қайсарроқ эди, доим тиккайиб қолавергани учун баъзан қайчи солиб кесар, кесилган сочни эса ўраб-чирмаб, девор кавакларига тиқиб кўярди. Кесилган сочни тандирга ташлаб бўлмайти, жуда иложи бўлмаса холироқ бир жойга ерга кўмиш керак, дея ўргатган эди она. Энди соч кесиб юрмагин-а тагин, деб ўқтирди бу сафар. Шунақа иримимиз бор, болани умрини кесиб қўяди дейишади. Одамлар келганида олдига чиқаверма, кўхлиқинасан, суқ-назар тегмасин. Кўпроқ ҳаракат қил, йўқса боланг катта бўлиб кетиб, туғишга қийналасан. Хамир овқатлардан, янги ёпилган нонлардан ема, кўнглинг бўр ёки кесак тусаб қолса, менга айтсанг, тухумнинг пўстини келида майдалаб туйиб олиб келиб бераман, энди баъзи хил нарсалардан тийилиб турасан, дея ўргатди.

* * *

Қизик, Раъно эрини яхши кўрармиди? Эшитганлари, кўрганлари бошқа, ҳаёт бошқа эканини аввалдан биларди. Эри баланд бўйли, қорачадан келган йигит бўлиб, кўп ҳам гапиравермасди. Ҳар ҳолда бу оилада унга энг яқин кишиси эри бўлса-да, ўз туғишганлари каби яқин ва ўз-ўзиникидай туюлавермасди. Бунга ҳайрон ҳам бўлди, назарида анча-мунча нарсасидан айрилиб қолгандай, турмуш деган нарса ўшалардан жудо қилгандай туюлар, қалбини недир армон ва ғуссага чўмдирарди. Ҳа, бир маҳаллар ариқ бўйларида елдай учиб чопганлари, ўйнаганлари, кулганлари – бари ёруғ ва ғуссали бир армонга айланиб қолган эди. Етишилмаган орзулар армонга айланадилар. Аммо умрининг яшаб ўтилган нурли лаҳзалари ҳам армонга айланар экан. Гоҳо ота уйига борганида ўша сўқмоқлар,

томорқалар, ариқ бўйларини бир айланиб келарди, ўзи ўтқазган олма, шохларида ўтириб олиб, мевасининг сувини оқизиб-оқизиб еган беҳи... уларнинг бари кўзига ажиб қадрдондай ва суюмликдай кўринарди. Ёғочлари иссиқда ёрилиб-ёрилиб кетган сўри ва ранги ўча бошлаган тўшақларгача суйимли, азиз бўлиб, гоҳо исларини ҳам кўмсаб қоларди.

Раъно мана шуларга бошқоронғи бўлди.

Она “яхшиям тансиқ нарсаларга бошқоронғи бўлмадинг” дея, ўша тўшақ, ўша болишлардан уйига олиб келиб берди. Энди она уйнинг иси ўша тўшақлардан келиб турарди, йўқса уйда қанча янги тўшақ, қанча янги болиш борию-ю? Яхшиям узоққа тегиб кетмаганим, дея ўйлади шунда. Узоқроққа текканимда она уйимга боришга қийналардим, албатта. Ўз уйда яшаса-да, она уй тараф юрагининг бир четини илтиб, ўзига тортиб турар эди.

Раъно қиз тўлишди, юзларига доғ тушди.

Тавба, аёл киши иккиқат бўлганида юзига Худонинг аршидан бир нур инади дейишади, деди она. Юз-кўзингдан нур ёғилиб турибди-я, болам. Қараб турсам, кўзимга ўтдай кўриниб кетяпсан. Илоё шу нурдан бенасиб қилмасин Худойим.

У ғалати ёғдуни Раънонинг ўзи ҳам сезарди. Чунки қалби бемисл бир саодат-ла лиммолим тўлган, нукул бахт ичида яшаётгандай сезарди ўзини.

Қайнона “бизлар сиздақалигимизда тиним билмасдик. Урининг-тиришинг, ҳеч нарса қилмайди”, дейишига қарамай, аввалига айтганларини бажариб юрди, кейин эса, қорни бир-икки пастга тортиб оғриганида бас қилди.

“Сенинг дунёга келишинг олдида у ишлар нима бўпти, болажоним”, деди хаёлан боласига. “Сени ўйласам, ўзимнинг борлиғим эсимдан чиқиб кетади-ю? Вужудимнинг ичида питирлашингни, қимирлашингни сезсам, кўзимга дунё чароғон бўлади. Юрганимниям, турганимниям билмайман, гўё эс-хушимдан айрилгандайман”.

“Қиз тушмагур, бўйингда бўлдингу шунақа очилиб кетдинг-ки, – дер эди она. – Ишқилиб, илойим кўз тегмасин, кўйлагингга кўзмунчоқ тақиб юр”.

* * *

Раъно паҳлавондай ўғил туғди.

Тўлғоқнинг қанақа қаттиқ азоб эканини ўшанда билди. Бутун вужуди ихтиёридан ташқари, ўз-ўзидан тиришиб, қорнидаги чақалоқни дунёга келтиришга уринар эди. У кучли оғриқ аро суюқларининг сурилаётганини ҳам билди. Етмиш икки томирию олтмиш олти сўнгагининг бари ғайриихтиёрий ҳаракатга келди, Раъно ўлим нафасини яқиндан сезди.

Ажабки, чақалоқни олиб келиб берганларида ҳаммаси эсидан чиқиб кетди. Азоб-ку эсида, аммо азоб ҳиссиёти унутилди.

Исм танлашга кўп иккиландилар

“Вақтидан бироз ўтиб туғилди, Келдивой деб от кўяқолайлик”, деди эри.

“Йўқ”, деди Раъно, кескин.

Умуман, қишлоқда исм қўйишнинг ўзига хос расм-русумлари борию-ю.

Масалан, Келдивой деган исм бир оила узоқ вақт фарзанд кўрмай юриб, кейин болали бўлганида қўйилади. Исмларга қараб, у оиланинг фарзанд эҳтиёжмандлигини билиб олса бўлади.

Жуман ёки Жумавой – жума куни туғилган бола.

Она қорнида йиғлаган чақалоққа Машраб дейдилар.

Тургун – шу жўжиқ ҳаётда муқим қолсин, тургун бўлсин.

Сотволди – гўё “сотиб олинади”, яъни кўшниларида ёки қариндошлардан бирининг боласидай қилиб, аёлнинг этагига бир юмалатиб олинади, кейин ўз онаси боласини маълум ҳақ эвазига “сотиб” олади.

Тўхтасин – бир оиланинг туғилаётган фарзандлари бирин-кетин вафот этаверса, шундай исм берилади, яъни тўхтаб қолсин, кетмасин деган маънода.

Худойберган – бу исмда ҳам маълум истаклар бор. Фарзандсиз оилалар кўядилар бу исмни.

Холи билан туғилган болага Холмуҳаммад, Холнисо, Холдорали, сафарда туғилса Сафарали, нори бўлса Нормуҳаммад, Анорхон, суннати билан дунёга келса Суннатвой дейдилар.

Айтилган барча исмлар Раънога хунукдай, боласига ярашмайдигандай туюлар, жуда чиройли, бўй-бастига мос исм танлагиси келар, аммо унақа исм тополмас эди.

Ниҳоят, Давлат дея исм қўйдилар.

Давоми келгуси сонда

Янги тадқиқотлар



**Абдугафур
РАСУЛОВ**

1937 йил туғилган.
Ўрта Осий Давлат
университети
ўзбек филологияси
факультетида таҳсил
олган. Ўзбекистон
Республикаси фан
арбоби, профессор.
Олимнинг “Истеъдод ва
эътиқод”, “Бадиийлик
– безавол янгилик”,
“Бетакрор ўзлик”,
“Танқид. Талқин.
Баҳолаш” каби
китоблари, шунингдек,
“Ўзбек адабий
танқидчилиги тарихи”
(хаммуаллифликда)
дарсликлари чоп
этилган. Олим
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган Ёшлар
мураббийи унвони билан
тақдирланган.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Шеърятда фард, байт, рубоий, қитъа сингари кичик жанрлар бўлганидай, насрда ҳам очерк, бадиа, битик, новелла, ҳикоя тоифасидаги мўъжаз асарлар кўп. Шоҳбайт – ғазал султони бўлганидай, фалсафий ўй, юракни ўртаган фикр ҳамиша эъзозланади. Моҳир санъаткор новеллаю ҳикояни сиқик, яхлит қилиб беради. Зўр ҳикоя, новелладаги ҳар бир сўз мисоли шамчиरोқ.

Кичик насрий асар ҳақида пишиқ-пухта тадқиқотлар яратиш имкони туғилади. Матбуотимизга жаҳон новеллистикаси тажрибалари кириб келмоқда. 2013 йилда бир қанча пишиқ асарлар яратилди. Заҳматкаш, истеъдодли ҳикоянависларга узр айтган ҳолда, бир нечагина кичик асар ҳақида тўхталинамиз.

Кўчқор Норқобил изланаётган носир, шоир, драматурглардан. Ўтган йили унинг тўртта драмаси, шеърый туркумлари, қиссаси ва ҳикоялари чоп этилди. Ёзувчининг ижодий биографиясида “Нози... Нозигул” (“Китоб дунёси” газетаси, 2013, 14 август) ҳикояси ўзига хос ўрин эгаллайди. Ҳикоянинг насрдаги драма эканлиги кўп бор исботланган. Драмада қаҳрамонлар моҳияти мукамал ёритилади. Пейзаж, тимсоллар, сўзларнинг танлаб-танлаб ишлатилиши муҳим. Ҳикоя ҳажми қисқа, ихчам бўлиши керак, дейиш хато. Ҳозир роман ҳажмли ҳикоялар, ҳикоядай увоққина романлар пайдо бўляпти.

Қ.Норқобил ҳикоясида Сарвар шоир ва Нозигул парининг севги тарихи тасвирланган. Табиийки, на қиз, на йигит севгисини сўз билан ифодаламайди. Нозигул боғида узум кўп. Сарвар шу узумларни ёқтиради.

Қиз уйидагиларга ҳар хил баҳоналарни айтиб доим узум олиб чиқади. Вазият тоқларни олиб ташлашни тақозо этади. Қиз уйдагиларни, ҳеч бўлмаганда, иккита токни олиб қолишга кўндиради. Қизнинг севгиси аниқ-тиниқ кўрсатиб борилади. Икки ёш севгисини баъзи синфдошлар биларди. Норсулов, Тожи, Ином инжиқ синфдошлар сиридан огоҳ. Сарвар узоқ танаффусдан сўнг қишлоққа келганида шеърхонлар билан учрашди, дўст-ёрлари дийдорига тўйди. Лекин қаерга бормасин, Нозигулни кўриб қолишни орзу қиларди. Синфдошлари гапларига қараганда, Сарвар севгилиси одамови бўлиб қолибди, айниқса, йиғилиш, издиҳомларга умуман келмас экан. Сарвар аламидан ичадиган одат чиқарди. Ином инжиқ тўйида унга катталар ўтирадиган хонадан жой тайёрлаганди. Сарвар атайин амалдорлар даврасига қўшилмади: синфдош-

лари қаторидан жой олди.

Сарварнинг қалбида ҳам, Нозигулнинг қалбида ҳам алам бор... Нозигулнинг отаси кайвони, баобрў одам эди. Қайсидир тўйда кураш бўлди. Душанбадан келган полвон қишлоқ полвонларининг юзини шувут қилди. Барча рақибларни енгди. Шунда баковул Ҳайдар бобо алам, изтироб билан:

– Душанбалик полвонга қарши майдонга чиқадиган мард борми? – деди. Бироз сукутдан кейин майдонга Чори кантуж отилиб чиқди. Қишлоқдош томошабинлар кўзлари чақнаб кетди. Шу пайт бомба портлагандай гап янгради:

– Болам, меҳмон полвонни енгсанг қизимни сенга бераман, – деган нидо, илтижо ҳаммани сеҳрлаб қўйди. Ҳайдар бобо Нозигулни аффонда кантузия бўлиб қайтган Чорига раво кўрганди. Ҳеч ким лом-лим деёлмади. Чори отилишга тайёр милтиқ ҳолатида экан. Қўлларини кенг ёзди, рақиб томон шаҳдам қадам ташлади. Мезбон полвон рақибини даст кўтарди, бошидан ошириб елкаси билан ерга босди. Ҳикоянинг чўққиси – драманинг кульминацияси шу. Ҳеч ким Ҳайдар бобо гапини икки қиллолмади. Сарвар сал ўтмай шаҳарга кетиб қолди, шоирликка ўқиди... Драма рўй берди. Мантиқан у ривожланиши – фожиага айланиши шарт эди. Иккита воқеа рўй берди: Чори ёшгина хотинини ташлаб кетди, ўзини осиб қўйди. Нозигул марҳумдан қиз кўрди, исмини Сарвара қўйди.

Сарвара улғаяверди: Сарвар ва Нозигул юрагидаги алам, изтироб, севги орта борди. Нозигул одамови бўлди, ҳеч қаерга бормайдиган, ҳеч ким билан юракдан суҳбатлашмайдиган бўлди. Йигит ҳам, қиз ҳам оила қурмасликка аҳд қилишган. Тасодифан Сарвар ўн етти ёшлардаги қизни кўриб қолди. У Нозигулнинг яккаю ёлғиз қизи эди. Гап-сўзи, ўзини тутиши баайни онасининг ёшлиги эди. Йигит уйланишга, Нозигул билан оила қуришга, қизчага ота бўлишга қатъий аҳд қилди. Ҳикоя шу нуқтада тугайди. Икки севишганнинг кейинги ҳаёти ҳам мураккаб кечишига ишора бор. “Нози... Нозигул” яхши, самимий, нурли ҳикоя. Лекин унда маромига етмаган образлар бор. Аниқроғи, ғоявий юк бирдай тақсимланмаган. Айниқса, Нозигул синфдош, дугоналари тимсоли тўлиқ очилмаган. Иккинчидан, ҳикояда сюжетнинг чўзиқлиги, кулминацион ривожнинг сустлиги сезилади. Ҳар бир етук асарда янги сўзлар, оҳанраболик туйғулари бўлиши кутилади. Ёзувчи қўл ювғичнинг чумбилини кўради, кураш жараёнидаги янги ҳолатни бетакрор тасвирламайди. Ўзбек насрида кўпқари, кураш тасвири бот-бот тасвирланяпти. Аммо бу турларга оид истилоҳлар, янгича тасвирлар унча кўпмас. Сўз, янгича ифодалар излаган ёзувчининг рейтингги баланд бўлади. Қўчқор Норқобил ҳар томонлама етук ёзувчи сифатида янги сўзларни топиши, қўллаши лозим.

Онгимизга ўрнашиб олган фикр бор: шоирми шеър; адибми насрий асар; драматургми саҳна асари яратсин. Бу – нотўғри фикр. Драматургия диолог, монолог, сўзсиз саҳналарга жозиба бахш этади. Шеър насрга, драматургияга руҳий ҳарорат олиб киради. Қўчқор Норқобил драматургияда, шеърятда, насрда қаламини чархлаб олган моҳир ижодкор.

Луқмон Бўрихон бетакрор услубга эга ёзувчи. У воқеадан воқеа, гурунгу ҳангомадан асар яратиш ҳадисини олган. Новелла, қиёсимча, ҳангомалардан пайдо бўлган адабий яхлитлик, бирбутунлик. Йўл ҳодисалари, йўловчилараро гурунглр новеллага асос бўлади. Ғафур Ғуллом, Саид Аҳмад, Неъмат Аминов сингарилар ижодида новеллалар кўп. Новелла латифанамо воқеалардан ташкил топади десак, хато бўлади. Саид Аҳмаднинг “Қора кўз Мажнун” асари фожиавий новелла. Коптоқдай Қора кўз – трагик тимсол. Кампир ҳам куйиб кул бўлган муштипар. У ўғлини қанчалар илҳақлик билан кутганди. Ноқобил ўғил бошқа динга ўтиб, бўйнига хоч осиб келибди. Саодат кампир бевафо ўғилдан итти аъло, деб билади. Кампир ўлгач, ит ҳаловатини йўқотади: дам кампирнинг қизиникига югуриб кетар, гоҳ кампирнинг уйи олдида тинмай акилларди. Уни отиб ташладилар...

Луқмон Бўрихоннинг “Тумор” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2013 йил, 29 ноябрь) новелласида ғалати воқеа, анойи Тўлқин фермер саргузаштлари тасвирланади. Тўлқин фермер саёҳатчилар таркибида Салжук султони Селим Иккинчининг суюкли хотини малика Дуйғуга аталган тумор сақланадиган амалий санъат музейи бор шаҳарга келади. Қаҳрамонимиз бозордан, айниқса, Чиялдан бошқа жойда бўлмаган.

Унинг тушунчасича, кўргазмага қўйилган буюм, албатта, сотилади. Тўлқин музейдаги туморга харидор бўлади. Тарихий ашёни сотиб олмақчи, хотини Матлубага совға қилмоқчи. Тўлқин жон-жаҳди билан тумор савдосига киришади. Тумонат йиғилади: кимдир содда сайёҳни қўллади, кимдир унинг устидан кулади. Сайёҳлар етакчиси бу машмашадан Тўлқинни ажратиб олади. Барибир, Тўлқин нима хато қилганини тушунмайди. Бош персонажни анойи деб бўлмайди: қимматбаҳо санъат асарига ўзини урди. Айни вақтда, у ўта қолоқ, маданиятсизлигини рўй-рост кўрсатиб қўяди. Бир неча одамга бўлса-да, етакчилик қилади. Фермернинг савияси шундай бўлса, бошқалардан қандай маданият, маърифатни кутиш мумкин. “Тумор” истеъдодли ижодкор томонидан битилганлиги аниқ кўриниб турибди. Лекин Селим Иккинчи, малика Дуйгу, Тўлқин фермернинг хотини Матлуба, ўғиллари Салим, Сардор номи бору, маъно-моҳияти йўқ. Саҳнага осиб қўйилган милтиқ алалоқибат отилиши керак, деган гап барча асарларга тааллуқли.

Новеллада муҳим бир ғоя бор. Пул ҳаммада ҳам бўлиши мумкин. Лекин пул, бойлик одамнинг кимлигини тип-тиниқ намоён қилади қўяди. Ақлли-хушли кишидаги бойлик белга қувват, ақлни ишлатувчи восита. Тадбирсиз одам қўлидаги бойлик, пул – кир мисоли. Ювса, кетади-қолади. Демак, пулдорлик эмас, бойликни билиб, узоқни кўриб, тежаб-тергаб ишлатиш муҳимдир.

Ашурали Жўраевнинг “Ширин пахта” (“Фермер” журнали, 2013 йил, ноябрь) новелласи яқин ўтмиш, Шўро ҳукуматининг 80-йилларидаги қишлоқ ҳаёти ҳақида ёзилган. Пахта етиштириш, уни йиғиб-териш олиш, давлат режасини бажариш масалалар масаласи эди. Пахта очилдими, ёшу қари эгитларни эгаллар, ҳар туп ғўзага сажда қиларди. Фалокат босиб режа бажарилмай қолса, катта-кичик мутасадди уйма-уй юрар, кўрпакўрпача, ястиққа қачонлардир солинган увада пахтани олиб кетарди. Бир куни пахта изловчилар 4-синф ўқувчини аврадилар: яширинган пахтани кўрсатиб берса, “ширин пахта” олиб беришни ваъда қиладилар. Бола уйга кириб кетади, кўрпа орасидаги бир сиқим пахтани олиб чиқади. Оила фожиаси бошланади: уй эгаси олиб кетилади, хонадон ўлик чиққан ғамхонага айланади. Кимдир бола қулоқ-чаққасига тарсаки тортиб юборади. Шунда болақай қилган хатосини тушуниб қолади: “ширин пахта” оқ фалокатга, қоп-қора андуҳга сабаб бўлди. Бир сиқим пахта халқ тарихидаги ўчмас фожиаларнинг дебочаси бўлди.

“Ширин пахта”даги тағмазмун теран ёритилмаган. Бир қанча эпизод қўшилса, оқ пахтанинг қора йўли ишонарли ёритиларди. Шу ҳолатида ҳам А.Жўраев асари тугал новелла сифатида диққатга молик. Асарда “ширин пахта”, оппоқ пахта, увада пахта ишонарли муқояса қилинган. Новелладаги бўзбола кўзи бирдан очилди, ҳаёт сабоғи уни улғайтириб қўйди.

Ҳозир ҳикоя, новеллалар нафақат “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хуррият”, “Моҳият”, “Китоб дунёси” газеталарида, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” сингари журналларда, балки “Ватанпарвар”, “Ҳордиқ”, “Тасвир”, “Фермер”, “Қишлоқ ҳаёти” сингари нашрларда ҳам мўл-кўл босилмоқда. Ҳикоялар кўп, аммо тилга тушадиганлари, бадиий қадриятга айланадиганлари ниҳоятда кам.

Гулруҳ Ёрматованинг “Тиниқ момо” ҳикояси олий мақомдаги “Ўзбек адабиёти ва санъати” (2013, 7 декабрь) газетасида, Санжар Турсуновнинг “Сени яхши кўраман” ҳикояси шу газетанинг 2014 йил, 10 январь сониди, Холиёр Сафаровнинг “Уйга қайтиш” ҳикояси “Шарқ юлдузи” журналида (2013 йил, 3-сон) босилди.

Ёш ёзувчиларнинг кўпайгани яхши. Лекин ижодни бўш-ночор асарлардан бошлаш ўзини сира оқламайди. Санжар Турсунов ҳикоясида Санобар деган исм 13 бор такрорланади. Санобарга йўлланган мактубларни ҳарбий хизматни ўтаётган Бобур деган йигит ёзади. Бош қаҳрамон ҳозир қулоч-қулоч мактуб битиш вақти ўтганлигини билади, лекин Санобарга хат ёзаверади. Санжарнинг кам мутолаа қилганлиги кўриниб қолади. Уруш вақтида хат ташувчилик қилган юзлаб кишилар ҳақида асарлар ёзилган. “Сени яхши кўраман” ҳикояси муаллифи Кенжа почтачи образини юзакигина қилиб тасвирлайди. Ашурмат тегирмончи – уйқучи. Дон тортиргани келганлар дўқ-пўписа қилмагунча, кўзини очмайди. Тегирмончи БМТ ёзувли катта қоғоз ёпиштириб қўйилган жойда ухлайди. Ажаб, БМТ деган “Баққа (айнан шундай – А.Р.) мусор ташланмасин”,

– дегани экан. Бу ўта енгиллик, сийқалик эмасми? Ҳикояда Анзират момо тимсоли бор. Унинг икки ўғли урушда портлаб кетган: она ақлдан озиб қолган. Санжар ҳали кўп ўқиши, бадий асар ёзиш ҳадисини эгаллаши керак.

Гулруҳ Ёрматова ҳикоясининг бош қаҳрамони 90 ёшли Тиниқ момо. Унинг айна балоғат палласида уч ўғли бор. Кичик ўғлининг Қоратўш лақабли отини ўғирлаб кетишади. Ўғил кўксини ерга бериб ётиб олди. Акаси асл зотли той келтириб берди. Бўлмади. Шунда Тиниқ момо ўғлига қаттиқ-қаттиқ, эркакчасига гапиради, юрагига тегди. Ўғил ўрнидан турди. Қизиқ, ҳозир мамлакатимиз аҳлининг 60 фоизидан ортиғи ёшлар. Ашурмат тегиримончи, Кенжа почтачи, Анзират кампир, Тиниқ момо қаёқда-ю, дунё юқини елкасига даст олган ёшлар қайда? Ёш ёзувчилар бир маконда яшасалар ҳам, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни қалбдан ҳис этишлари лозим.

Холиёр Сафаровнинг “Уйга қайтиш” ҳикоясини катта умид билан кўлга олдим. Аммо бош қаҳрамон Умиджон ота-онасининг эрка ўғли. Қийналмасдан ўқишга киради, уни ташлаб кетади. Уйланади, бола-чақали бўлади. Шаҳарга кўчиб келади. Қисқаси, “Олам – гулистон”. На жиддий конфликт, коллизия, кульминация бор. Умиджоннинг сирти, номи бор-у, ўзлиги, моҳияти йўқ. Ҳозир бахт куши ўз-ўзидан бошга қўнмайди. Танилиш – оламга татирлик иш қилиш, ўзликни намоён этиш. Ёзувчининг зўри исмига ёпишиб олмайди: парранда, одамзот, мавжудотнинг моҳиятига киради. Ғояни, концепцияни янги ечимлар орқали очади. Ҳақиқий санъат асари – олам аро бадий олам яратиш. Бу гап янгиликмас. Дунёда донг таратган асар борки, оҳорлилиги, бетакрорлиги билан диққатни жалб этган. Ҳозирги адабиётимизда бундай асарлар, уларни яратаётган истеъдодли ёзувчилар қанча кўп бўлса, чала-чулпа асарлар, хусусан, ҳикоя ёзаётган гўр қаламкашлар ҳам кам эмас.

Сўнги икки йилда Улуғбек Ҳамдамнинг “Янги инсон” достони, “Тўлин ой қиссаси” ҳикояси, мўъжаз “Наъматок” романи босилди. Ҳар бир асарнинг ўз қиёфаси, жанри бор. Улардаги етакчи белги – ижодий изланиш: башарият ва мен; авлодлараро муносабат сингари саволларга жавоб топишдан иборат.

Аммо “Наъматок” романми, деган савол туғилади. Беш бетлик роман – “Наъматок” да (“Шарқ юлдузи” журнали, 2013 йил, 3-сон) икки жуфт ошиқ, олтита ота-она образини яратади. Саккиз-ўн чоғли қаҳрамонларга исм бериш қийин эмасди. Аммо адиб биринчи, иккинчи авлод, деб аташни маъқул, деб билади. Воқеа қаерда-қачон бўлгани номаълум. Уч авлод тили, кийиниши ҳақида гап йўқ. Роман тили ўта сиқик десангиз ҳам, хато бўлади. Тўғри, роман янги, изланишдаги жанр. Ўзбек китобхони А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Л.Толстой, Г.Маркес, М.Шолохов, Ч.Айтматов, П.Қодиров, Ф.Достоевский, О.Ёқубов, Пауло Коэлло сингарилар романларини ўқиган. Роман ҳажми ҳеч қачон чин китобхонни чўчитмаган. Аксинча, романи ўқиб тугатган китобхон маънан-қалбан бойганини ҳис қилган. Роман қалбга сингиб борадиган малҳам. Ақлни ўткир қиладиган муқаддас томчи, кўзни нурафшон айлагувчи тилсим – ойнак.

Жондан кечмасанг жонона, тоққа чиқмасанг дўлона қайда, деган гап бор. Вақтни тежаш учун ҳажмдор романларни ўқишдан воз кечиш тўғри эмас. Ҳар бир ёзувчи роман жанри устида эксперимент қилишга ҳақли. Улуғбек Ҳамдам роман-экспериментида маълум сюжет-коллизия, кульминация, ечим бор. Иккинчи авлод етакчилари ёвлашди: бири дарров вафот этади, иккинчиси авахтада сил касалига йўлиқиб ўлади.

Мен романдаги Наъматокда қат-қат мазмунни кўраман. Устоз Ойбек “Наъматок” шеърида қоя тепасида кўкарган, ҳар баҳорда меҳр (қуёш)га бир сават гул тутиб турадиган дарахтни улуғлаган эди. Улуғбек Ҳамдам романида дала ҳовлидаги ўсимликни, икки қўшни аро аҳиллик ва душманлик гувоҳи бўлган сертикан дарахтчини кўрсатади. Наъматок – камтару камсуқумлик рамзи. Унинг мевасини ҳеч ким териб олмасди, қор остида қолиб кетарди. Ваҳоланки, табиблар наъматок донини минг дардга даво эканлигини доим тайинлаганлар. Биринчи авлод наъматок боис апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Икки оила фарзандлари оила қурдилар, икки ўғил, икки қизли, ўн бир набирали бўлдилар. Иккинчи авлод вакиллари наъматок талашиб ёвлашиб, юз кўрмас бўлдилар. Нафақат – наъматок буталари, балки ҳовлидаги дарахтлар қирқиб ташлана бошлади. Алал-оқибат икки оила қариялари ҳайвонлашдилар. Икки уйдан икки ўлик чиқди. Йиллар

ўтиб, наъматак новдалади, гуллади. Икки оиланинг қизи-ўғли наъматак остида дил розини айтди. Янги оила пойдевори қурила бошлади.

Романнинг ўқ илдизи нақоратда аниқ сезилади:

Қандай кўз-ла боқса, одам оламга

Шундай жавоб айлар олам одамга.

Мўъжазгина асарда нақорат тўрт бор такрорланади.

Олам ва одам муносабати – мангу муаммо. Одам бор, ёқавайрон бўлиб жиққа мушт бўлади. Одам бор, кечиримлилиги, ёқимтойлиги билан оламга, ҳатто Худого ёқади. Одам бор, на олам, на жамият билан иши йўқ, лоқайд. Оламни сув олса, тўпиғига чиқмайди.

Улуғбек Ҳамдам набототнинг камсуқум дарахти Наъматакни, ҳар ойда қайта туғиладиган ойни, мангу уммонлар, виқорли тоғларни улуғлайди. Одам – омонат: дунёнинг бу эшигидан киради, наригисидан чиқиб кетади. Аммо ер сайёрасининг устунни бўлган кучлар мангу қолади.

Одамнинг борлиги, бойлиги ўзида: у яхши-ёмон қилғилиқларга қалбидан жавоб топади. “Наъматак” мини-романида уч авлод бахти ва бахтсизлиги, ҳаётнинг мангу оқими тасвирланган. Бу асар ёшлар орасида обрў топар, ўқишли роман бўлиб қолар. Мен кичкинагина роман ёзган адиб изланиши, жасоратига тан бераман. Лекин роман ўзига хос маънавий куч, бетакрор дунё. Машҳур романлар мутолаа қилинган, унинг (шартли қилиб айтилганда) ДНКси юқади. Қалбга тушган роман энди сизники, маънавий-руҳий бойлигиниз. Китобхон китоб оламига кириш учун, сюжет, конфликт, композиция, тил мураккаблиги, бадиий концепция, фалсафани ўзлаштириши шарт. Буларсиз роман китобхонга “юқмайди”, ДНКсини ишониб топширмайди. Тарих гувоҳ: зурафолар рубоийни англаш учун қанчалар баҳс қилишган. Ҳануз дoston, ғазал шарҳи китобхон руҳини ҳаракатга келтиради. Улуғбек Ҳамдамдан таъсирланиб бошқалар ҳам мини-роман ёзар. Лекин миними, кенг қамровлими, роман қалбга тушиши, сира унутилмаслиги керак. “Наъматак” – яхши асар. Лекин у зинҳор “Ўткан кунлар”, “Кўҳна дунё” бўлолмайди. Буни У.Ҳамдамнинг ўзи ҳам яхши англайди. У мини-романини атайин оммавий маданият кишилари, такасалтангларга ўрнат бўлсин, деб ёзгандир. Эҳтимол, мини-романнинг “жони”, ДНКси аниқроқ ёритиладиган кўринишларини кашф этиш керакдир. Улуғбек биринчилардан бўлиб қисқа роман намунасини яратди. Бу жабҳадаги изланишлар давом этиши лозим. Бошланган хайрли иш зинҳор ярим йўлда қолиб кетмайди.

Ижодий изланиш – ёзувчининг доимий юмуши бўлмоғи жоиз. Изланиш бўлмаса, ҳеч қачон етук асар яратилмайди.

ШЕЪРЛАРИДА ТУПРОҚ ИСИ БОР

Йигирма йиллар нарида, аспирантлар уйдаги адабий суҳбат асноси гап Муҳаммад Юсуфга тақалганида, суҳбатдошлардан бири уни “қўшиқчи шоир” дея менсимайроқ тилга олди, шеърларини ҳаваскор машқ даражасида, деб баҳолади. У пайтлар шеъриятимизнинг ифода бобидаги янги изланишларига, хусусан, модернистик оқимларга маҳлиё бўлиб юрган вақтларим, бунга эътироз қилмадим, ростки, қай бир даражада ўзим ҳам шу фикрга мойил эдим. Энди ўйласам, ўшанда ўзимни “соф санъат”ни тушунатурган хослар қаторига қўйиб кибрга берилган, назарга илмай турганим “жўн” шеърлар муаллифининг шуҳрати муттасил ортиб бораётганига ғайирлик қилгандекман. Ҳолбуки, карвон ўтавераркан... Йўқса, адабиётни ҳеч ким бизча тушунмаслигига қатъий инонган давраимизнинг нописанд муносабатини баҳосига қарамай, Муҳаммад Юсуф шуҳрати муттасил ортиб борармиди?! Кўпчилигимиз адабиёт ҳақида ҳатто ўйлашга ҳам фурсат тополмай, энди китоб ўқийдирган одам қолмаганига деярли инониб қолган вақтлар тўпламлари минг-минглаб нусхаларда чоп қилинармиди?! Ахир, шуларнинг ўзиёқ халқнинг шоирига бекиёс меҳр-муҳаббатидан дарак эмасми?! Муҳаммад Юсуф феномени ҳикмати англашга уринаркан, беихтиёр яна орта ўгирилавераман, яқин ўтмишдаги ўзимни, ўй-қарашларимни тафтиш қилмоққа бериламан... Чорак асрлар муқаддам, иш билан пойтахтга бориб қолганда, адабий гурунглари пойгагида вужудим қулоқ бўлиб ўтириш муяссар бўла бошлаган пайтлар, биринчи марта “ер шоири” деган таърифни эшитганман. Билсам, ҳали расмий доиралар домига тушмаган, кўнгилларида эрк соғинчи сўнмаган ёш ижодкорлар даврасида бу бир баҳо – “теран томирларидан узилмаган”, дегани... “халқдан чиққанман” дея бирушта кўксига муштлашига қарамай, халқдан “чиқиб қолган” шоирлардан эмас, дегани экан. Менга қолса, халқнинг шоирга меҳрини тоблаб турган бош омил шу – то охири нафаси қадар “ер шоири” бўлиб қолгани, деган бўлардим. Ўзига ғоят қисқа вақт берилганини сезган каби, у ижодда янги йўллар қидириб юрмади – эски йўлга тушди-да, бир дарвеш мисоли аввал халқнинг дард-ҳасратини, сўнг қулиб боққан толейни хиргойи қилганича охир манзил томон охида бораверди...

Хуллас, Муҳаммад Юсуф “ер шоири” деган баҳога ҳар жиҳатдан лойиқ десак, айна ҳақиқат айтилган бўладики, гўё эътирозга ўрин йўқдек. Шунга қарамай, юбилей баҳона шундай ўйлашга асос берувчи омилларни яна бир сидра кўриб ўтиш бизни фикримизда собит, бошқа бировларни ҳамфикр этиши мумкинлиги жиҳатидан мақсадга мувофиқ кўринди.



**Дилмурод
ҚУРОНОВ**

1960 йилда туғилган.
Филология фанлари
доктори, профессор.
Андижон Давлат
Тиллар педагогика
институтини та-
момлаган. Олимнинг
“Рухий дунё таҳлили”,
“Истиқлол дарди”,
“Адабиётшунослик-
ка кириши”, “Чўлпон
наصري поэтикаси”,
“Адабиёт надир?”,
“Ғарб адабий-
танқидий тафаккури
тарихи очерклари”
(ҳаммуаллиф), “Ада-
бий жараёнда мом
синдроми”, “Адаби-
ётшунослик лугати”
(ҳаммуаллиф),
“Завқимдан бир шин-
гил”, “Мутолаа ва
идрок машқлари” каби
китоблари
нашр этилган.

Мазкур омиллар ичида биринчи ўринга ҳеч иккиланмасдан шоирнинг ўз Ватани, халқига муҳабатини қўйиш лозим бўлади. Негаки, айнан шу ҳис, аниқроғи, ҳар бир сатри қатига дегудек сингдирилган руҳ Муҳаммад Юсуф шеърятининг поэтик ўзига хослигини таъминлаган белгилловчи хусусиятдир. Муҳими, шоирдаги бу ҳиснинг ўзи бўлакча, яна ҳам тўғрироғи, унга доялик қилган Ватан, халқ ўзгача:

Тупроқ юртим менинг,
Тўпори юртим.
Кўзимга тўтиё ғубори юртим.

Шоирнинг илк ижодига оид ушбу сатрларда ўша пайтлари жамиятда етилиб келаётган ижтимоий кайфият зухур этади. Бу кайфият эса, дейлик, Эркин Воҳидовнинг машҳур “Ўзбегим” қасидаси ёхуд Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеърдаги кайфиятдан фарқли, ҳатто, айтиш мумкинки, уларга зид (албатта, бу ўринда диалектик маънодаги, яъни бутунни ташкил қилувчи зиддият назарда тутилмоқда). Зидлик шундаки, аввалги иккала шеърнинг лирик қаҳрамонлари улуғвор бир хилқат қаршисида (нуқтаи назар пастдан юқорига қаратилган) турса, кейингисида лирик қаҳрамон Ватанига мушфиқ нигоҳ ташлайди (нуқтаи назар юқоридан пастга қаратилган). Сабаби, аввалги икки шеърда миллий ғурурнинг қаддини ростлаш зарурати англаган давр ижтимоий кайфияти акс этган, иккинчисида – Ватан тақдири учун масъуллик теран ҳис этила бошланган давр кайфияти. Айтмоқчимизки, аввалги икки шеър улуғ Ойбекнинг “Бир ўлкаки...” хитоби билан бошланувчи анъана йўлида – уларда Ватаннинг ғуруримизга озиқ берувчи нуқталари урғуланади; кейинги шеър “Бузилган ўлкага” анъанасида: Чўлпоннинг: “Кел, кўзингнинг ёшларини сўриб олай” хитобида шафқат тўлиб тошгани каби, Муҳаммад Юсуфнинг: “Тупроқ юртим менинг” сатрида ҳам шу ҳис устувордир. Албатта, “тупроқ”ни фақат “хокисорлик” маъносигагина тушуниш тўғри бўлмайди. Негаки, шеърнинг давомидаги: “Энг баланд тоғлардан юқори юртим” каби сатрлар “тупроқ” замиридаги “топталган” маъносига зидланмоқда. Демак, илк мисрадаги “тупроқ” сўзи, бир томондан, шоирнинг хокисор юртига мушфиқ муносабатини, иккинчи ёқдан, уни топтаганларга қарши исёнини ифодалайди экан... Сўзнинг маъно қирралари ҳақида шу айтилганлар билан кифояланса ҳам бўладигандек-у, лекин кўнгил кўнмайди, недир қониқмаслик қолади. Сабаби, шоирнинг қўйидаги каби сатрларни битгани:

Шоир шундай кўпки, уларга ер тор,
Ҳаммаси машҳур ва ҳаммаси номдор,
Улуғвор, уларга етмоқ кўп душвор,
Аммо улар ойга босиб юзини
Турганда самонинг бағрига илк бор
Биз олиб борамиз **тупроқ** исини.

Авалло, келтирилган парчада шоирнинг ижодий кредоси акс этганини айтмоқ керак. Ижодий аъмолини белгилаш учун у “юзини ойга босиб турган” шоирларга ўзини қарши қўйиб, улардан фарқланиши, фарқи “само бағрига илк бор тупроқ исини олиб чиқиши”да эканини таъкидлайди. Яъни, айтиш мумкинки, ярим асрлар кейинги воқелиқда Муҳаммад Юсуф 20-йилларда урф бўлган “ер шоири” – “кўк шоири” тарзидаги айирмага келади. Бироқ ўз даврида Чўлпоннинг “кўк шоири” деб маломат қилинганини ёдга олсак, Муҳаммад Юсуф бунга ўзгача маъно юклаётганига шубҳа қилмаса бўлади. Зеро, парчадаги “номдор”, “улуғвор”, “машҳур” сўзлари зимнидаги кинояга қарасак, гап шеър аҳлига хос тахайюл парвози тўғрисида эмас, Ватанини “жаннатдан репортаж” қабилида таърифлаган, шундай ёзгани учун ҳар турли рағбат олган ва, пировардида, рағбат учунгина ёзишга одатланганлар ҳақида экани англашилади. Уларнинг талқинидаги Ватанда “инсон энг хур яшайди”, “инсон қадри фоят юксак...” бунда дала йўқ, “мардлар майдони” бор, дўпписига пахта тераётган болакайлар йўқ, “пахтазор полвонлари” бор... Уларнинг наздида, шунчаки меҳнат йўқ, “пахта fronti”

бор, бас, қурбонлар бўлиши ҳам табиий, кўз юмиб турса бўлади... Хуллас, шу тоифани “юзини ойга босиб турган”, яъни ҳаётдан узилган шоирлар деганида Муҳаммад Юсуф айна ҳақиқатни айтган. Буларга зид ўлароқ, унинг ўзи ҳаётда бор одамларни, уларнинг асл дарду қувончларини, юртининг ҳақиқатда мавжуд манзараларини қаламга олди – Ватанни борича кўрмоқ ва бор ҳолича севмоқ ақидаси билан ижод қилди. Шу боис ҳам турғунликнинг биқик шароитида шоир мудом она қишлоғи – асл одамлару асл туйғуларни соғиниб, уларга талпиниб яшади:

Хиёбонда лола,
Тувақда лола,
Фонтанлар қиқирлаб кулаверади.
Менинг киндик қоним тўкилган дала,
Сени эса кўргим келаверади.

Балки, инжиқроқ ўқувчи эътироз ҳам қилар: “хиёбону тувақда лола бўлса, фонтанлар қиқирлаб турса – нимаси ёмон? Ахир, бу ҳам гўзаллик, инсон қўли билан инсон учун яралган гўзаллик эмасми?” Мундай қараганда, эътироз ўринлидек. Бироқ шундай деб ўйласак, шеърни сўзма-сўз ва тор (яъни “шаҳар-қишлоқ” антитезаси деб) тушунган бўлиб чиқамиз. Ҳолбуки, шеърдаги сўз – луғатдаги сўзга тенг эмас, у образ яратади. Сохталик одатий нормага айланиб, инсоний муносабатлар сийқаллашиб бораётган муҳитдаги шоир наздида тувақдаги гул ҳам, хиёбондаги гул ҳам, фаввора сувининг жилвасию жилдираши ҳам – бари нотабиийлик тимсоли. Улар сохталикдан безган кўнгилнинг қишлоқ – шоир тасаввуридаги табиийлик ва самимият маконига талпинишини ифода этмоққа хизмат қилади. Сохталик шунчалар одатийки, одам самимий туйғулари учун ҳижолат чекади:

Тошкентда сиренлар гулласа, синглим,
Ва яна қандайдир акациялар.
Бедазорними-ей қўмсайди кўнглим,
Бировга айтишга одам уялар...

Авалло, бу ўринда “бедазор” шунчаки беда экилган пайкал эмас – шоирнинг она қишлоғи, яқинлари билан боғлиқ туйғу-кечинмалари, хотиралари умумлашмаси у. Шўро замонида “бедазор” билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ошқора, яна “сирень” ва “акациялар”га зидлаб айтолгани учун ҳам истиқлол йиллари “Римни алишмасман бедапояннга” дегани шунчаки патетика эмас, самимий изҳорлигига бешак ишонамиз. Энди масаланинг иккинчи томонига қарайлик. Қизиқ-да, пойтахти азим бўлса, чор тарафдан келиб, шунда ўрнаб қолиш илинжида ҳар кўйга тушиб ётган истеъдодлар қанча... Қишлоғинга қиёсласанг, комфортнинг олий даражаси, сенга яна нима кам, эй одам, шукр қилмайсанми?! Йўқ, бу асло ношукрлик эмас, соғинчнинг бошқа омилларини мушоҳада қилсак, бунга амин бўламиз. Шоир бежиз “сирень” ва “қандайдир акациялар” ҳақида гапирмаяпти, ахир. Улар мустахлак рамзлари эмасми?! Энди ўттиз йиллар нарини бир эсланг, шоирда “комфорт ким учун?” деган савол туғилиши табиий эдими ё йўқми?! Шу каби саволлар гирдобида қолган онлари “шаҳарга ўрганиб қолган” шоир қишлоғидаги ўзининг “йўлига илҳақ” боқиб, “пахта териб, ўт юлиб маъюс” умри ўтаётган қизни эслайди:

Унинг сочи узундан-узун,
Унинг сочи товонга етган.
Лекин гулга ўхшамас юзи
Қўллари ҳам ёрилиб кетган.

Юрак ёнар уни ўйласам,
Буёғи ҳеч шеърга сиғмайди...

Қаранг, ёр васф этилган банднинг дастлабки икки мисрасида поэтик анъана йўлидан борилган, учинчи мисрада ундан кескин чекинилган: ёр юзи гулга ўхшамайди. Бу “ғўза яганалаб завқи тошган қиз” ва ё “қўшиқ айтиб кетмон чопаетган атлас кўйлакли

гўзал” қабилидаги сатрларга тўлиқ “меҳнат поэзияси”га, “Шарқ аёлини чалдевордан озод қилиб” далага чиқарганларга таъна эмасми?! Кўп қатори ёр юзини гулга ўхшатиб, бечора қиз кўнглини хушлаб қўяқолса бўлмасмиди? Йўқ, бўлмас эди. Негаки, унинг узунсоч қизга муҳаббати, аслида, Ватанга муҳаббатининг ўзидир. Шоир дилидаги улкан муҳаббатни атрофидаги нарсаларга тақсим қилиб ўтирмайди, аксинча, ҳар бирини – жажжи жамбилбаргдан то беқиёс Ватани қадар – барини бирдек улкан муҳаббат билан севади-қўяди. Яна ҳам тўғрироғи, унинг талқинидаги Ватан мавҳумот эмас, балки ўзи учун қадри бениҳоя баланд инсонлар, жой ва нарсалардан таркиб топувчи мавжудликдир. Яъни бедазор ё жийда тағи, қўллари ёрилиб кетган синглиси ё юзи гулга ўхшамайдиган қиз, таниш терак ва ё қора кумғон – барининг тимсолидек шоирнинг Ватани, халқига муҳаббати зухур қилади. Шеърларидан бирида айтганидек, Муҳаммад Юсуф Ватанни “иддаолар қилмай севади”, унинг муҳаббати том маънода бегараз, бас, унинг турланмоғи имкондан ташқари, сохталик эса табиатига мутлақо ёт. Айни шу туйғу, назаримда, Муҳаммад Юсуф шеърларига миллионлаб диллар қулфини очиб берган олтин қалитдир.

Муҳаммад Юсуф шеърларини элга манзур этган жиҳатлардан яна бири, фикримча, уларда таниш туйғуларнинг қаламга олингани ва, муҳими, бу туйғуларнинг содда бир йўсинда ифода этилганидир. Ҳолбуки, у шеърятга кириб келган пайтлари модерн йўсинида – фикру туйғуни мураккаб услубда, рамзу ишоралар қатига жойлаб, туманли ифодалаш урфга киргандики, ҳатто мутахассислар ҳам “шеърингизни тушунтириб беринг”, дея матбуотда чиқиш қилганлар. Ҳозир биз учун неғалиги унча муҳим эмас, балки дилидагилар ҳаммага бирдек тегишли деб билгандир, Муҳаммад Юсуф анъанавий йўлни танлади...

Дарвоқе, “таниш туйғулар” деганим ҳам изоҳталаб. Буюк Толстой: “ҳар қайси инсон қалбида мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча қалблар имконият тарзида яшайди”, деган. Тўғри гап. Лекин ҳар қандай туйғу ҳам кўнглимизга чиппа ёпишиб қолмаслиги ҳам бор гап-да. Бошқача айтсак, ўзга кўнглидаги айрим туйғуларни ҳеч зўриқишсиз кўнглидан кечира оламиз, айримларини қайта ҳис этишимиз эса қийин кечади: фурсатми, тажрибами, машқми... – нимадир етишмай туради. Чиппа ёпишиб қоладиган туйғулар муайян бир кўламда (умумбашарий, миллий, ҳудудий ва б.) универсаллик касб этади. Дейлик, адолат туйғуси умумбашарий (адолат мезонларининг фарқли экани бошқа масала) характерга эга. Шу боис адолат мезони бузилган ҳолларда ҳар қандай шоир кўнгли, миллий ё ҳудудий мансублигидан қатъи назар, исён қилади. Муҳаммад Юсуфнинг илк ижодига мансуб “Қушлар ҳам йиғлар” номли бир воқеъбанд шеър бор. Воқеа қишлоқларимиз ҳаёти учун ғоят одатий: ёзда, биласиз, “ҳаво-жаҳон яхшилигида иморатни битказай”, деб ўзбекнинг жони ҳалак, ака-ука терак кесадилар. Терак қулайди, уяси бузилган она чумчуқ чириллаб қолади. Мана, шу дамда уканинг кўнглидан кечгани:

Баланд бўлар уйимиз тоғдек,
Айвонида устун ул терак.
Биз яшаймиз кўнглимиз чоғдек,
Шунда қушлар йиғласа керак.

Ўсмир нигоҳида адолатсизлик содир этилди: чумчуқ ҳуқуқи поймол бўлди. Тўғри, катта бўлгач, кўпчилик “ҳамма нарса инсон учун” ақидасига биноан бу каби ҳолларни нормал деб ҳисоблай бошлайди. Бироқ биз учун бу ўринда бошқа нарса: ҳолат “мен” тилидан, шоирнинг болалик таассуроти сифатида тақдим этилгани муҳим. Зеро, бу шоир ижодидан қизил ип бўлиб ўтувчи ўткир адолат туйғуси фитратидидаги ҳислатнинг намоёнидир, дейишга асос беради. Худди шу туйғу кейинроқ, масалан, “Ёқуб мерган” шеърда ҳам етакчилик қилади. Ёқуб мерган – урушда оёғини қолдириб келган, қонунга мувофиқ унга “Запорожец” берилиши лозим. Бироқ таъмагир амалдор чолни сарсон қилади, аризасини эътиборсиз қолдиради. Оқибат Ёқуб чолнинг ҳаммадан “кўнгли

қолди, Машинасин бошқа олғир кимса олди”. Адолат топталгани етмагандек, андишасизлик шунчаларки, уруш ногиронининг ҳақиға хиёнат қилган кимса “ялло қилиб юреради”. Ана энди шоирнинг ҳолини кўринг:

Уни кўрсам, чол эсимга келаверар,
 Ғилдираги юрагимни эзаверар...
 Ёқуб чолга беришмаган “Запорож”нинг.

Эътибор беринг, Ёқуб чолга нисбатан қилинган адолатсизликни шоир шахсан ўзига нисбатан қилинган каби қабул қилади. Бу табиий ҳам, негаки, ҳар қандай адолатсизлик энг аввал ҳақиқий шоир юрагида акс садо беради. Шу боис ҳам Муҳаммад Юсуф учун адолатсизликнинг катта-кичиги йўқ – у бутун миллатга нисбатан (“Гдлян”) бўладими, гўдакка (“Турғунлик”) ё аёлга (“Тараққиёт”), элда машҳур инсон (“Шукур Бурхон”) ё оддий бир ҳамқишлоғига (“Мўминжон”) нисбатанми – бариси бирдек қалбини ўртайди. Шеърда шоир кўнгилдан кечирган чин туйғунинг акс этиши эса айни кечинма ўқувчи кўнглига кўчишини, демакки, кучли эстетик таъсирни таъмин этади.

Муҳаммад Юсуфнинг кўплаб шеърларида миллий турмуш тарзимиз, менталитетимиз доирасида универсал туйғу-кечинмалар қаламга олинганки, улар шоир ва шеърхон учун умумий, шу боис ҳам “тушуниш майдони” ғоят кенгдир. Дейлик, миллий тарбия шундайки, фарзанд ота-она орзусини рўёбга чиқариш, хизматини қилиб дуосини олишни ният қилиб яшайди. Бироқ ҳаёт қонунлари шафқатсиз: жамиятда ўз ўрнини топиб, энди-энди ниятларини амалга ошириш имконига эга бўлганинда, афсус, уларнинг фоний дунёдаги сафарлари қариган бўлиб чиқади – ниятлар армонга дўнади. Бу ҳол, айниқса, Муҳаммад Юсуф сингари ўтган асрнинг 50-70-йиллари шароитида туғилиб ўсган зиёлиларнинг аксариятига хос. Негаки, бу даврда, ҳозир эътироф этиш-этамаслигимиздан қатъи назар, маданий юксалиш кузатилган – қишлоқлардан минг-минглаб ёшлар илм излаб пойтахти азимга, марказий шаҳарларга йўл олганлар. Яъни асрлар бўйи шаклланган турмуш тарзи ўзгаришга юз тутгандики, бу, аввало, кўнгилда кечади. Мана, шундай кечимлардан бир зарра:

Ота, гўзангизни сув босиб кетди,
 Чумчуқ вайрон қилди жўхорингизни.
 Менинг китобларим бир жамбилбаргча
 Ёзолмади лекин хуморингизни...

Демак, отага кераклигини ич-ичидан ҳис қилгани ҳолда корига ярай билмаётган фарзанднинг изтиробу армонлари кўпчиликнинг кўнглига чиппа ёпишади десак, асло янглишмаймиз. Худди шу гапни соғинч гирдобига ташлаб кетилган оналар, ака суянчидан маҳрум сингиллар... қисқаси, шаҳарда яшагани ҳолда “шаҳарлик” бўлиб кетолмаётган одамнинг умумий номи *соғинчли армон* ва ё *армонли соғинч* бўлган туйғулари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Таниш туйғулар сирасида яна бири – армонга дўнган муҳаббатни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш лозим. Албатта, катта бўлган сари “бизлар ёш пайти...” дея гўё ҳамма нарса ҳозиргидан яхшироқ эди, деган даъвода собит бўлиб боради киши. Шу дардга йўйманг-у, у даврлар муҳаббат дегани ҳам ўзгача – аксар ёр қўлини гўё тасодифан тутишу жуда журъатли бўлса, яшин тезлигидаги чала ўпичдан нари ўтмаган, балки шу боис ҳам кўнгилга чуқур илдиз отган, покизароқ ва романтикроқ бўлгандек туюлади менга. Шу боис ҳам камина йигитлик чоғлари бу ҳис домига тушган тенг-тўшларим лоақал бир бор, майли, жуда қисқа фурсат бўлсин, кўнглида: “Севиш керак, яшаш шарт эмас!” дея ҳайқирганига ёки ҳофизнинг “Қўйнимда бир ёру, кўнглимда бир ёр”, деган ноласини эшитибок ичларида ажиб бир титроқ туйганларига ишонгим келади. Менга қолса, Муҳаммад Юсуфдан олинган шу икки сатр “зиддиятлар бирлиги” қонуниятини ўзида мужассам этган ҳолда давр учун типик “муҳаббат тақдирини” намойиш этади, деган бўлардим. Зеро, уларнинг биринчиси, юксак романтикага йўғрилган муҳаббатни, иккинчиси, муқаррар айрилиқни ифодалайди. Мазкур сатрлар орасига эса минг-

минглаб олисларда ҳарбий хизмат ўтаётган ва ё илм эгаллаётган йигитлару “баджаҳл ота”дан ё “ўтириб қолиш” эҳтимолидан кўрқиб йиғлай-йиғлай “остонаси тилло уйлар”га кетган қизларнинг муҳаббат тақдири битилгандек...

Ниҳоят, яна ўша “долзарблик” масаласи, ҳар не зериктирган ва ҳозирда урфдан қолган бўлмасин, бунга ҳам тўхталиш зарур. Тўғри, шўро давридан қолган асорат, лекин Муҳаммад Юсуфда бу ҳам ўзига хос: долзарб масала жайдари йўсинда муҳокама этилади-да, чапани хулосага келинади. Дейлик, миллий кадриятларни тиклаш масаласи долзарб турган палла шоир бу ҳақда умумий тарзда эмас, конкрет фикр юритади. Гапни “одамлар дўппи киймай кўйгани”дан бошлаб, пировардида, “бошга лойиқ дўппи қолмадими ё дўппига лойиқ бош?” дея ўқувчи ҳамиятига қаратилган саволни қўяди. Ёдингизда бўлса, савол ғоят тез оммалашган – шеърни ким телевизор ё радио орқали, ким учрашув ё бошқа тадбирда шоир тилидан эшитган-да, охириги сатрлар шундоқ хотирага муҳрланиб қолаверган. Сабаби, бу аксарият ўқувчиларнинг дил тубида, яна бир қисмининг тил учида турган гап эди. Бундай гапни “топиб айтиш” учун эса ҳаёт қозонида халқ билан бирга қайнамоқ керакки, Муҳаммад Юсуф буни уддалай билган чинакам халқ шоиридир...

Ҳар не таниш туйғу ва ё тил учида турган гаплар айтилмасин, шеърга жозиб куч ато этувчи жиҳат қандай айтилгани бўлиб қолаверади. Бас, агар Муҳаммад Юсуф нима дегани билан чеклансак, уни санъаткор сифатида танимаган бўлиб чиқамиз. Ҳолбуки, ўша бироз тўпори ҳислару жайдари фалсафа чинакам санъаткорона маҳорат билан ифода этилган. Фақат бу маҳоратни кўриб олишга, нима десам экан, соддалик бироз ҳалақит қилади. Шоирнинг илк тўпламига ном берган шеърни олайлик:

Қўл ушлашиб турган шаддод қизлардек,
Қошда ўсма, қулоғида зираклар,
Туюлади менга қишлоққа борсам,
Таниш йўллар бўйидаги тераклар.

Авалло, мазкур банд синтактик жиҳатдан битта гапга тенг: мазмунан битта хабар, битта фикрий ва интонацион бутунлик, битта мантиқий урғуга эга. Кундалик мулоқотда ушбу жумла тамом бошқача қурилиши тайин, демак, ҳозирги шакли муайян бадиий-эстетик мақсадга мувофиқ, яъни муаллифнинг хизмати. Дастлабки икки мисранинг сана-наш, учинчисининг пасайиб бориш оҳангидалиги тўртинчи мисрадаги мантиқий урғуни кучайтиради. Натижада, ўхшатиш объектини англлатувчи “тераклар” сўзи урғули позицияга ўтади ва шеърнинг қоқ марказини эгаллаб, образнинг жавҳари бўлиб қолади:

Бу йигит ким?.. ниқташади бир-бирин,
Сергакланиб, сочларини турмаклаб,
Таниб секин уҳ тортади биттаси,
Қиқир-қиқир кулар бири эрмаклаб.

Кўриб турганимиздек, энди тераклар унутилди – қизлар қолди, холос. Зеро, тераклар вазифасини ўтаб бўлди: улар ассоциатив тарзда “шаддод қизлар”ни эслатди, хотирани уйғотиб, тасаввурда ғоят ҳаётий бир манзарани жонлантирди. Аслида ҳам, шеър “таниш тераклар” ҳақида эмас, умрнинг улар ёдга солган онлари, ўша онлар билан боғлиқ ҳаяжону армонлар ҳақида. Шеърда бир борагина қўлланган “тераклар” сўзи шундай жойлаштирилганки, айни ҳислар ҳеч бир зўриқишсиз ўзга кўнгилларга кўчаверади, кўчаверади. Умид қиламанки, “кўриб олишга соддалик бироз ҳалақит қиладиган маҳорат”, деганда нимани назарда тутганим тушунарли бўлди.

Санъаткорона нигоҳ атрофимиздаги кўримсиз, наздимизда, гўё ҳеч эътиборга лойиқ бўлмаган нарсаларда ҳам бир ҳикмат топиш, уларда кўнгил ва ё турмушда юзага келган чигалликлар ечимини кўришга қобил бўлади. Албатта, бундай нигоҳ эгалари ҳам оз

эмас, бироқ фақат ўша нарсалар билан тиллаша биладиганларгина чинакам шоирдир. Муҳаммад Юсуф, шубҳасиз, айна шу сирада. Тиллаша билгани учун ҳам у бармоқ узатганида “эгасиз уй эшиги”нинг йиғлаганини эшитади, “занг илгак сурилса” ўз жойига эмас, юрагига “Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?” деган савол бўлиб қадалади. Тиллаша билгани учун-да, лолақизғалдоқ дардини олмоққа, ялпизга дардини тўкиб солмоққа шошади. Шоирнинг нигоҳи тушиб, унинг поэтик оламига кирганки нарса КЎНГИЛЛИ, яъни ҳис этишга қобил мавжудотга айланади... ҳатто, трамвайлар ҳам. Ўйласам, шу ўринда Муҳаммад Юсуфнинг айрим мухлислари эътироз қилишлари ҳам мумкин экан: “Ахир, трамвай ҳиссизлик тимсоли эмасми?!” Шундай, бир қарашда трамвай ҳиссизлик тимсоли бўлиб кўринади:

Бекатларда мен қоларман-да,
Айтар сўзим қолиб кетади.
Бодомзорга сени ҳар куни
Трамвайлар олиб кетади.

Тўғри, ошиқнинг ҳолига, термилиб қолган нигоҳлардаги унсиз зорига қарамай трамвайлар ҳар куни ёрини олиб кетаверади. Ҳа, жами тўрт бандли шеърнинг учта бандида охири икки мисра таъкидлаб такрорланади. Ҳа, шоир трамвайларни сўколмаслиги, уролмаслигидан афсусланиб, уларни кўролмаслигини олам-ҳайқириб жаҳонга айтади. Бироқ шунда ҳам трамвайни ҳиссизлик тимсоли, демаган бўлардим. Негаки, трамвайлар ошиқнинг ҳолига асло бефарқ эмас, ҳар куни “Темир йўлга бошларин уриб, Филдираклар нолиб кетади”. Нега шоир трамвай ноласини эшитмайди? Ахир, у “юр деб ўзи кетар йўлларга трамвайларни буролмаётган” бўлса, айб кимда? Трамвайдами ё унинг ўзидами? Иккисида ҳам эмас, асли ҳамма гап эътибордан четда қолиб турган темир йўлда. Трамвай нима, ахир, у ҳам шу темир издан юришга маҳкум бир ожизку! Бас, бу ўринда гап тақдири азал ҳақида бормаяптими?! Шунақага ўхшайди. Севгисининг истиқболини кўролмай қийналаётган лирик қаҳрамонимиз – ўз даври кишиси, яъни тақдири азал дегани унутилаёзган, бас, севгисига етишолмаганлар буни асло тақдирдан эмас, бошқа нарсалар (мас., тушунмаган ота-она, эски урф-одатлар, ижтимоий тенгсизлик ва б.)дан кўришга одатланган даврнинг. Ахир, қатор қиссаю романлар шундан сўзлаб, фильмлар шунки кўрсатиб турса, бошқача бўлиши ҳам қийин эди-да! Шундай бир шароитда улғайганига қарамай, шоир савқи табиийси билан юз бераётган ҳар неда тақдирнинг қўли борлигига инонган бўлса, не ажаб?!

Лирик кечинмани ҳаракатга келтирган ҳаётий ҳолатни тасаввур қилиш имконияти қанча кенг бўлса, шеърнинг тушунилиш доираси ҳам шунча кенг бўлади. Лекин шеър дегани эпик тафсилотларни хушламайди, уларнинг салмоғи заруратдан заррача ошмаслиги даркор, акс ҳолда, кечинма ифодаси хиралашади. Муҳаммад Юсуфнинг маҳорати шундаки, бир-икки мисрадаёқ ўқувчини ўша лирик кечинма туғилган ҳаётий ҳолатга кўчиради қўяди. Масалан, илк севги ҳақидаги шеърларидан бири мана бундай бошланади:

Мана шу – мен туғилган гўша,
Уйга етдим – ариқ ҳатладим...

Дастлабки мисраларни ўқибоқ шеърхон ҳеч бир зўриқишсиз маълум вақт олисда юрган одамнинг қишлоғига қайтган ҳолатини тасаввур қилади, руҳан шунга мос эмоцияларни қабул қилишга чоғланади. Албатта, бу ўринда гап шоир тасаввуридаги, у хаёлан мулоқотга киришиб, қаршисида дардини тўкиб солаётган хос шеърхон назарда тугилаётир. Шоир унга ишонади, унинг ҳаёти давомида шундай ҳолатдаги одамга хос элегиявий кайфиятга ошно бўлганини билади ва икки мисра билан ўша кайфиятни тирилтиради қўяди. Давомидан келган: “Шу ерлик бир қизга ёқай деб, Узун-узун шеърлар ёдладим” мисралари эса қалб торларини ўша таниш туйғу – армонга айланган илк севги нолаларини янада назик пардаларда чалишга созлайди. Бу эса лирик қаҳрамон кечинмаларининг ўқувчи қалбида ҳам кечишини, яъни бадиият ҳодисасининг рўёбга чиқишини таъминлайди.

Лирик асарда қаламга олинган ҳолат драматизми нечоғли ўткир бўлса, ҳис-туйғулар ҳам шу қадар теран, таъсирчан бўлади. Негаки, яхши шеърхон ўқиш давомида беихтиёр ўша ҳолатни кўнглида, тасаввурида яшаб ўтади (ўзини лирик қаҳрамон ўрнига қўяди, унинг ролини ижро этади). Мазкур жараёни фикран реконструкция қилиб кўрмоқ учун Муҳаммад Юсуфнинг машҳур бир шеърини мисолга оламиз:

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:
Яшаш керак, севиш шарт эмас.

Илк мисрани ўқибоқ шеърхон мос эмоционал ҳолатни, яъни лирик қаҳрамон наздида, “осмонни-да чўктирган” недир изтиробли ҳолни қабул қилишга чоғланади. Илк мисра уйғотган кайфият оғир: лирик қаҳрамон ўзини ёруғ оламда ёлғиз сезаётир, осмон уни босиб келмоқда ва шу асно “Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас”. Бироқ лирик қаҳрамон бу сасни эшитишни ҳам истамай нигоҳини ерга олади-да, ўзига қадалган “бир маҳалла нигоҳда” ҳам яна ўша ҳукми ўқийди: “Яшаш керак, севиш шарт эмас”. Ҳолат драматизми шунчаларки, лирик қаҳрамон еру осмонга баравар қарши турибди, кўнглида ардоқлаган туйғу шунчаларки, еру осмонга исён ўлароқ ўзининг: “Севиш керак... яшаш шарт эмас!” деган ҳукмини баралла ҳайқириб айтади. Юқорида айтилганидек, жуда кўпчилик ҳаётида лоақал бир бора, атиги бир неча лаҳзага бўлсин, шу ҳолга тушган, бас, ўқилган чоғи шеър уларнинг дил изҳорига айланади, уларнинг *ўппа-ўзиники* бўлиб қолади.

Муҳаммад Юсуф ҳақида гап кетганда, гоҳи “қўшиқчи шоир” дея бироз менсимайроқ қарашга мойиллик сезилади. Буни аҳли қалам орасида табиий ва зарурий бўлмиш рақобатдан туғилувчи, юмшатиброқ айтсам, ноқобил фарзанд – ғайриликка йўйиб қўйсам ҳам бўларку-я, фақат бу ҳолда сабабни юзадан қидирган бўлиб чиқаман, чоғи. Негаки, аслида, бу – шеър билан мусиқа, шеърят билан қўшиқчилик алоқалари нечоғли мустаҳкам ва аҳамиятли эканини англамасликдан келиб чиқади. Ҳолбуки, шеър – оҳанглар қанотида қалб қулоғимизга кириб боруви нутқ, қани уни мусиқийликдан маҳрум қилиб кўринг-чи: бу ҳолда шеър ҳам йўқ бўлади. Зеро, мусиқий оҳанг – шеърнинг зотий сифати. Қўшиққа келсак, у ҳам шеър, фақат унда ўша зотий сифат ғоят бўрттирилгандир... Арузий оҳанглар билан мақомларнинг нечоғли яқинлиги, ҳазрат Навоийдан тортиб Ферузга қадар кўп мумтоз шоирларимиз мусиқийда ҳам моҳир бўлганлари, шоҳ Машраб ғазалларини сетор жўрлигида ҳониш қилиб юрганини эслатмасак ҳам бўлар. Сирасини айтганда, кенг халқ оммаси Чокар, Мискин, Оразий сингари шоирлар ўтганини асарларини ўқигани учун эмас, уларнинг шеърлари билан айтилувчи ашулалар кунда-кун ора радио ё телевизордан янграб тургани учун билди. Яқинроққа келсак, “Ўзбегим” қасидаси ёки “Биринчи муҳаббатим” шеърининг қўшиқ қилингани навқирон муаллифларини ўзбекнинг етти яшаридан етмиш яшаригача маълуму машҳур қилмадимми?! Ахир, кўпчилик кўнглига чиппа ёпишган қўшиқ уларнинг сўзи билан айтилганини билгач, тўпламларини излаб қолмаганми?!

Шунга ўхшаш, Муҳаммад Юсуфнинг шоир сифатида танилиши, яшин тезлигида шуҳрат топишида қўшиқчилик санъатининг ҳиссаси улкан: ҳали илк китоби чоп этилмасидан шеърлари куйга солиниб, иқтидорли ёшлар томонидан тўй-маъракаларда айтиб юрилгани шунга далил. Янги-янги теле ва радио каналлар пайдо бўла бошлаган 80-йиллар адоғидан эса шеърлари пайдар-пай қўшиқ қилиниб, телевизор экранлари, радио тўлқинларидан уззу-кун тушмади десак, муболаға эмас. Ўн минг, йигирма минглаб томошабин йиғилган стадионлар, энг катта концерт залларида кунда-кун ора берилган концертларда “Муҳаммад Юсуф шеъри билан...” дея татанавор эълон қилиб турилганини ёдга олсак, фикримизга бошқа далил ҳожат ҳам эмас.

Хуллас, ҳозирда радио ва телевидение билан узвий боғлиқ замонавий қўшиқчилик

шеърятнинг энг самарали, беқиёс тарғиботчиси эканини, ёқса-ёқмаса, эътироф этишимизга тўғри келади. Тўғри, айни имконлар доирачи ё “усилителчи”дан чиққан қўлбола шоирларни ҳам майдонга чиқараётгани бор гап ва бу кўпчиликининг ғашини келтираётгани ҳам асосли. Бироқ, ахир, айб имконда эмас, ундан қандай фойдаланилаётганида-ку! Бас, “қўшиқчи шоир” дея бурун жийирувчилар шуни эътиборга олсалар тўғри бўлади. Акс ҳолда, “қўлбола шоирлар” билан Муҳаммад Юсуфни фарқламаётган бўладиларки, оппа-очиқ турган нарсани кўролмаётганлари, очигини айтганда, ғайирлик билангина изохланиши мумкин.

Фарқ эса шуки, “қўлбола шоирлар”нинг иш-амали куйга мослаб сўз тизмоқдан иборат, Муҳаммад Юсуф эса ШЕЪР ёзади: унинг қўшиқ қилиб айтилган шеърлари ҳам, энг аввал, кўнгил ҳолининг ифодаси. Фақат ўша ҲОЛ халқона шаклда, халқона оҳангларда шу қадар самимий ифодаланганки, беихтиёр ҳиргойига ўтиб кетасан, киши. Масалан, “Машраб ҳиргойиси” номли шеър:

Донишни қийнаб тўймаган,
Ҳоли жонига қўймаган.
Нодон билан кулиб ўйнаган
Пихини ёрган дунёсан.

Бир қарашдаёқ бу ўринда стилизация усули қўллангани, дарвешлар ҳиргойисига хос оҳанг тиклангани кўзга ташланади. Ўқиганингда, беихтиёр бир маромда қадам босганча ҳиргойи қилиб бораётган дарвешлар сафи кўз олдинга келади. Худди шу шеърни Охунжон Мадалиев бир турли, Юлдуз Усмонова бошқа бир йўсинда ижро этганлар. Умуман, ҳар икки талқин ҳам ўзича яхши – иккаласи ҳам мухлислар олқишига сазовор бўлган. Бироқ, назаримда, иккала ижрочи ҳам Муҳаммад Юсуф шеърни ёзиш чоғи кўнгилда кечирган ҳол – дарвеш ҳолини беролган эмас. Кўнгил ҳоли эса шундай-ки, лирик қаҳрамон дунёдан буткул узилган – руҳан узлатда, айни дамда, у ўзини “Дунё ясениб, жилва қилиб қошима келди, Турғил нари деб кетиға бир шатталаб ўтдим”, дёлган Машраб мақомида сезади. Яъни шеър айни ҳолни ифодалаш, матнда муҳрлаш мақсади билан дунёга келган, унинг қўшиққа айланиши эса – иккинчи ҳаётидир. Яна шуки, агар шеър қўшиқчиликда турли талқинларга изн берар экан, бу унинг бадиий мукамаллиги, бутунлигидан далолатдир. Кейинги мулоҳазаларимиз шоир “стилизация усулини қўллаган”, “шан фикримизга таҳрир киритишни тақозо қилади. Негаки, Муҳаммад Юсуф учун халқона оҳанг ва ифода стилизация, яъни халқ ижодига хос шакл ва оҳангларни шунчаки тиклаш эмас, балки унинг индивидуал услубига ХОС хусусиятга айлангандир. Яъни шоир кўнгил ҳолини кўпроқ халқона йўсинда ифодалашга мойил, тўғрироғи, ҳол изхори шундай оҳангга йўғрилганча оқиб келади гўё. Масалан, мана бундай:

Фирот минган Гўрўғли
Бобом қани, айтинглар.
Қўнғиротлик Алпомиш
Оғам қани, айтинглар...

Қаранг, бунда халқ оғзаки ижоди билан боғлиқлик яна ҳам очиқ-ошкор кўринади. Ҳол-кайфият ҳам бошданоқ ҳис этилади: бугунидан қоникмаслик туғдирган ғоят кучли ўтмиш соғинчи. Шоир бу соғинчини “қўлда кийик овланган дала”, “кокиллари ер ўпган санам”, “қуйиб кетган жон” каби халқона ифодаларда изҳор этади. Юрагидаги дард бениҳоя кучли, лекин ҳар доимгидек, тушунгувчи одам йўқ, шунинг учун:

Кўнглим гулдай эзилиб,
Кўзимга ёш тўляпти.
Эҳ, қуёшга осилиб,
Ботиб кетгим келяпти, –

дея нола қилади. Лирик қаҳрамон ғоят тушкун кайфиятда, лекин уни бадбин (пессимист), деб бўлмайди. Зеро, аввало, бу ўткинчи ҳолат, иккинчидан, теран мушоҳадага ва шундан келиб чиқиб курашга ундовчи ҳолдир. Яна ушбу ҳол-кайфият ижтимоий табиатга эгаллиги, у миллат тарихидаги бурилиш паллада эл-юрт тақдирини ўйлаб яшаётган одам кўнглининг аламлари бўғзига келган чоқдаги сурати эканини айтмоқ керак... Дарвоқе, ушбу шеър ҳам кўшиқ қилинган, бироқ кўшиқчи талқини юқорида мазкур талқиндан фарқли. Бу табиий ҳам, зеро, у кўшиқчилик санъати вакили ўлароқ дунёга келган ва шу мақомда яшайди, у алоҳида асардир. Яъни кўшиқ ижро этилган онидан ўзининг шеърдан айро мустақил ҳаётини бошлаган ва шеърнинг ҳам шундай ҳаёт кечиришига ҳалал бермайди. Икки орада бундай муносабат қарор топиши учун эса, юқорида айтилганидек, шеърнинг кўнгил ҳолининг изҳори ўлароқ дунёга келиши талаб қилинади. Таъкидлаб айтаманки, *Муҳаммад Юсуфнинг кўшиқ қилиб айтилган аксарият шеърлари ушбу талабга тўла жавоб беради*. Шунақа экан, уни аниқ бир ижрочи ва тайёр куйга мослаб шеър битадирган “кўшиқчи шоир”лар сирасида санаш ҳам бориб турган адолатсизлик бўлади.

Ижодида юқоридагича тамойилга таянгани учун ҳам Муҳаммад Юсуф кўшиқчилигимиз бадий савиясини бир баҳя бўлсин кўтаришга хизмат қила билди десак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, бу санъат гуркираб ривожланган босқич – миллий кўшиқчилигимизнинг мустақиллик даври унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Миллий кўшиқчилигимиз тарихида янги саҳифа очган М.Холиқов, О.Мадалиев, Ғ.Бойтоев, Ю.Усмонова, С.Назархон сингари қатор иқтидорли санъаткорлар репертуаридаги сара кўшиқлар Муҳаммад Юсуф сўзи билан айтилгани ҳам шунинг исботидир. Деганим, муваффақиятнинг муҳим омили – талантли шоир шеърларига, асосан, талантли композиторлар мусиқа ёзиб, талантли санъаткорлар ижро этгани. Талантлар ҳамкорлигида яралган кўшиқ эса тингловчини бефарқ қолдирмайди, замонавий қилиб айтсак, хаял ўтмай “хит”га айланади, худди шоир сўзи билан мустақиллик байрамларининг бош саҳнасида туриб айтилган кўшиқлар каби...

Дарвоқе, талантли кўшиқ шеърнинг бизга кўринмай қолган жозиб қирраларини очиб ҳам беради. Ўзимдан, ўз тажрибамдан айтай. Муҳаммад Юсуфнинг: “Мен дунёни нима қилдим, Ўзинг ёруғ жаҳоним” сатрлари билан бошланувчи шеърининг асл қимматини Севара Назархоннинг “Ғичир-ғичир тишимдаги Сўлиғимсан, Ватаним”, деган ноласини эшитгач англадим десам, шунчаки лутф деб ўйламанг. Энди шу шеърни ўқисам, Севаранинг оҳанглари тортиб кетаётгандек туюлаверади, сатрлар қатидаги буюк муҳаббат дардни теранроқ ҳис қилаётгандек бўламан.

Муҳаммад Юсуф буюклик даъвосидан йироқ шоир эди. Ҳатто ўзини “тўпори назм-боз” атагани, “шеърим шухратимга эмас муносиб”, дея эътироф этгани ҳам бор гап. Бироқ бир нарса шубҳасиз: Муҳаммад Юсуф қисқа ижодий умри давомида даврининг, халқининг талаб-эҳтиёжларини теран ҳис этиб яшади; Ватанига беғараз муҳаббат, элининг дилидаги дард билан оғриб, тили учуда турганни айтиб қалам тебратди. Биласиз, ўзбек саломни алиқсиз қолдирмайди: халқимиз ўз шоири хотирасини эъзозлаб кўрсатаётган юксак эҳтиром бунинг ёрқин далилидир.



Назм

УФҚЛАРДА ЗАРРИН РАНИ

Боболардан ўқисам

Ҳазрат Навоийдан ўқисам газал,
Сатрлар ичига кетаман сингиб.
Борлиқ кўз олдимда ўзгариб ҳар гал,
Олгандек бўламан нафсимни енгиб.

Румий ҳикматларин суртиб кўзимга,
Мағзини чақмоққа интилдим кўп бор.
Бир кун туриб боқсам зимдан ўзимга,
Кўксимнинг устида гуллабди баҳор.

Насимий оламин кезиб саросар,
Руҳи покларига қилдим илтижо.
Кўнгиллар уйдан топиб мен хабар,
Метин эътиқодни қалбга этдим жо.

Аттор дўконидан олиб атирни,
Неча бир сўзларнинг туйдим ифорин.
Юракдан англаб мен неча бир сирни,
Кўксимнинг тубига жойладим борин.

Бедил оламига бағишлаб ўзни,
Қайтадан келгандек бўлдим дунёга.
Юракдан айтилган ҳар битта сўзни,
Тенглашни ўргандим нурга, зиёга.

Кўзларига тикилсам

Кўзларига тикилсам
Осмон тушиб келгандай,
Қадамига эгилсам
Гул, чечаклар қулгандай.

Бўйларининг ифори
Маст айлар то қиёмат,
Сочларининг ҳар тори
Шундай ажиб, аломат.

Бир-бир босса қадамлар
Роҳат олар ҳатто ер,
Кўз узолмай одамлар
Кимга насиб қилар, дер.

Жилмайиб ҳол сўраши
Қақшатади жонларни,
Ўқтин-ўқтин қараши
Қайнатади қонларни.

**КЕНЖАБИЙ**

1959 йилда туғилган.
Тошкент Политехника
университетини
тамомлаган.
“Қалбим дунёси”,
“Соғинчларим”,
“Сабрим либоси”,
“Кўксимдаги оғриқлар”
шеърӣ китоблари чоп
этилган.

Юзларида ҳаёнинг
Азал босган муҳри бор,
Овозида дунёнинг
Оҳанграбо сеҳри бор.

Гулдан нафис юзини
Қароғимга жойладим,
Ҳар калима сўзини
Жон ипига бойладим.

Куз

Оёқларим остида
Хазон урган япроқлар,
Азал тақдир дастида
Уватилган тупроқлар.

Мезон тутган ҳавони –
Уфқларда заррин ранг,
Қуришаб олган дунёни
Англаб бўлмас бир оҳанг.

Нафас олар хўрсиниб,
Кўчдан қолган дала-туз,
Ётар гўё ўксиниб,
Алдангандай қари қиз.

Тўшин уриб шудгорга
Ухламоққа чоғланар,
Эрта келар баҳорга
Умидлари боғланар.

Баланд учган турналар
Расмин чизиб юракнинг,
Жануб сари йўналар
Оғушида фалакнинг.

Одимлайман уй томон,
Юрагимда ҳазин куй,
Кўчоқ очган бир замон,
Сигдиrolмас мени уй.

Согинч

Қишлоқни соғиндим, Соғиндим жуда:
Мусаффо, серюлдуз кечаларини.
Гоҳи шовқин тўла, гоҳи осуда
Болалигим ўтган кўчаларини.

Бор экан, йўқ экан, қадим замонда
Эртақлар тингласам момоларимдан,
Жайхун бўйларида, бизлар томонда
Ҳикматлар симирам боболаримдан.

Азалий фаслар шамолларидай
Кезиб юргим келар далаларида,
Жажжи бир ҳайратнинг саволларидай
Болалигим кўрсам болаларида.

Қовун ўғирлаган кунларни эслаб,
Энтикиб қўяман бир ҳузур туйиб.
Вайсақи дўстларнинг суҳбатин қўмсаб,
Кўзим ёшларини туролмам тийиб.

Олисларда қолган муҳаббатимнинг
Сиймосин тикласам хаёлларимда,
Соғинчдан қурилган иморатимнинг
Калитин топширсам висолларимда.

Чел-чебирда ўсган янтоқ, ёвшани
Соғинч гулшанининг ифорларидир.
Лекин, соғинтирган аслида мени
Қишлоқдошларимнинг дийдорларидир.

Тўртлик

Кўнгил ойнасига тушганда кўзим,
Ийманиб, қизариб, чатнайди юзим.
Қилган хатоларим эсимга тушиб,
Ёзгира бошлайман ўзимни-ўзим.

Хоразм

ҚАЛБИМДА БИР АҶИБ ИЛИҚЛИК ТУЙДИМ

Ватан

*Ватан – онам, онам менинг,
Суяр ортиқ болам менинг.
Бобом айтган, отам айтган,
Эрклик деган нолам менинг.*

*Ватан – бешик, тебранади,
Замин чархи айланади.
Киндик қонинг томган жойга
Шу-чун меҳринг бойланади.*

*Ватан – иймон, бил, эй инсон,
Ватан бирла яралгай шон.
Ватан – оринг, қиблагоҳинг,
Бахи эт умринг толиб имкон.*

*Ватан борки, ризқ-рўзинг бут,
Тупроғини кўзингга сурт.
Жаннатмакон сарҳадини
Беҳишдайн қалбингда тут.*

*Ватан дегин ўнгингда ҳам,
Порлаб турсин кўнглингда ҳам.
Шукрона айт, жаҳон кўрсин,
Ватан бастин бўйингда ҳам.*

*Ватан – онам, онам менинг,
Суяр ортиқ болам менинг.
Бобом айтган, отам айтган,
Эрклик деган нолам менинг.*



**Равшанбек
МИРЗАОЛИМОВ**

*1958 йилда туғилган.
Тошкент Давлат
университетининг
журналистика
факультетида таҳсил
олган.
Шеърлари республика
матбуотларида эълон
қилинган.
“Эл-юрт хурмати”
ордени билан
мукофотланган.*

Юрган дарё дерлар

Юрган дарё дерлар, ўлтирган бўйра,
 Мен ҳам олам кездим, юртларни кўрдим.
 Қаерда бўлмайин, о, сени ўйлаб,
 Қалбимда бир ажиб илиқлик туйдим.
 Шунда кенг бағрингни соғиндим яна,
 Юрагим қушдайин талпинди сенга.
 О, қандай буюксан, Ватаним – она,
 Таърифига сўз йўқ, бахт бердинг менга.
 Мен сени бир умр суйиб яшайман,
 Тупроғинг гардини суртиб кўзимга,
 Сендан айрилмасман, сен-ла яшайман,
 Ишон, онажоним, ишон, сўзимга.

Эр йигит юртидан кечмайди

Дунёда яхшилар бор экан,
 Заминнинг зийнати ўчмайди.
 Йигитга ҳамият ёр экан,
 Элидан, юртидан кечмайди.

Чорласа олисда рўёлар,
 Тутилса олтин жом, ичмайди.
 Даф солса умрига соялар,
 Қавмига ҳеч кафан бичмайди.

Минг нозли, карашма парилар,
 Суйкалса беҳаё, қучмайди.
 Йўлига дур сочса ганимлар,
 Сотилмас, бойликка учмайди.

Дунёда яхшилар бор экан,
 Заминнинг зийнати ўчмайди.
 Йигитга ҳамият ёр экан,
 Элидан, юртидан кечмайди.


Отажонларим

Отамни кўрган сиз отажонларим,
 Қалбимга яқиним, қадрдонларим,
 Насллар томирида оқар қонларим,
 Ягона тилагим – доим бор бўлинг!

Сиз кўрган кулфатлар тарихдир бу кун,
 Сиз чеккан заҳматлар қарийди секин,
 Фақат сиз қариманг, қариманг, лекин,
 Ягона тилагим – доим бор бўлинг!

Кездим қанча юртлар, изларингиз бор,
 Голиблик ярашган юзларингиз бор,
 Ақлнинг кўзи – сиз, сўзларингиз бор,
 Ягона тилагим – доим бор бўлинг!

Наманган



Наср

ХУФИЁНА БИТИМ

Ҳикоя

Ахсидан келган машъум хабар нафақат подшоҳ хонадон соҳибларини, балки Андижон аҳлининг ҳам кўнгилларига маҳзунлик солиб қўйди.

Кўк юзига қора парда тортилгандай, Андижон осмонида юлдузлар ҳам кўринмай қолди... Гўё бутун Фарғона мулки ўзининг баланд ҳимматлик ва улуғ доялик подшоҳига аза тутаётгандай эди.

Хуфтон намозига йиғилган намозхонлар шаҳарнинг энг катта – Дувахон масжиди хонақосига сиғмаганидан, ҳовлига, ҳатто кўчага ҳам жойнамозлар тўшалди...

Хожа Мавлонойи қози жаноблари масжид меҳробидан туриб жамоани нохуш хабардан воқиф қиларкан:

– Муҳтарам жамоатин муслимийн! Подшоҳи аъзам Султон Умар Шайх Мирзо жаноблари кеча, рамазон ойининг тўртинчи куни, пешин билан аср намозлари орасида, Ахси қальасида фалокат даст бериб, дорул бақога рихлат қилдилар, – деди қайғу билан.

Мудҳиш хабардан таъсирланган аҳли жамоа беихтиёр: “Ё олло! Ё тавба!” деб юборди. Шов-шув бироз босилгач, қози ҳазратлари раиятга мурожаат қиларкан:

– Қани, аҳли муслимийн, Яратганга илтижо қилайлук. Илоҳо, саховатпеша олампаҳоҳимизнинг охиратлари обод, ётқон жойлари беҳишт боғларида бўлсун! – дея дуога қўл очди.

Сафдаги барча мўминлар ҳазратга иқтидо қилиб, яқдиллик билан кафтларини кўтардилар... Эътиқоди баланд мусулмонлар эса: “Муборак рамазон ойида омонатни топшурмоқ ислом кишиси учун Эгамнинг махфиратиدير”, дея бир-бирларига тасалли берган бўлдилар.

Кимдир:

– Ҳазрат! Олампаҳоҳимизнинг жонлариға суиқасд қилинмадимукин? – деб сўради.

Ҳазрат:

– Йўқ! Беклар маҳкам туруб азмойиш олибдилар, вале ҳеч қандай суиқасд аломатлари топилмабди. Афсуслар бўлсинким, тасодифий фалокат содир бўлғон экан... – деди таассуф билан.

– Бобур Мирзо шу ерда эканларму?

– Майитни Андижонга келтирибдиларму? – деган саволларга жавобан:

– Ҳа, валиаҳд шу ерда эдилар, бугун салтанатни қабул қилиб олди, – деди қониқиш ҳисси билан.

Одамлар орасида: “Хайрият! Хайрият!” – деган сўзлар эшитилди. Кимдир секингина: “Валиаҳдимиз ҳали бола-ку!” деб ўсмоқчилаган бўлди.

– Тўғри айтадурсиз, тахт вориси ҳали ёш, – таъкидлади ҳазрат, – вале, шу кунда, шу ёшда, адолат, шўжоат ақлу фаросат ва муборизлиқта бу темурийзодаға бас келадурғон бирон кимсани нафақат Фарғона мулкида, балки бутун Мовароуннаҳрда ҳам топш амри маҳол...

Кўпчилик бу йил Наврўз айёми кунлари, қабақ уруш майдонида Бобур Мирзо зришган ютуқларни эсга олди.

– Бандаси Рубъи маскунға ҳукмдорлик қилғонда ҳам, Тангрининг олдида жуда ожиз экан! – дея давом этди Хожа Мавлонойи. – Яхши биладурсиз, Искандар Зулқарнайндек буюк фотиҳ ҳам берган ўттиз уч йиллик умрни кўрди. Уни лоқал яна бир йилға, нафақат бир йилға, атиги бир кунға, бир соатға бўлса-да, узайти-



**Дурбек
ҚЎЛДОШЕВ**

*1949 йилда туғилган.
Андижон пахтачилик
институтини
тамомлаган. Ижод
намуналари республика
газета-журналларида
эълон қилинган. “Кўк
қарғалар қайтиб
келмади” китоби чоп
этилган.*

ра олмади! Инсон учун умр ризки – Оллоҳ томонидан берилган искарт экан!

Умар Шайх Мирзонинг ўлимидан кўпроқ ҳирфагарлар озурда бўлдилар. Чунки теурийзода ҳукмдор улуснинг бу қатламини мудом ҳибзи ҳимоясида тутиб, бир неча йиллардан буён барча солиқлардан озод қилиб келарди. Тинчлик-осойишталикдан сўнг аҳли синоатга бундан ортиқ яна нима керак? Жамоа ҳамжиҳатлик билан муқаддас ой охирига қадар ўқиладиган таровиҳ намози ва ундан ҳосил бўладиган барча савобларни Султон Умар Шайх Мирзонинг муборак руҳи покларига бахшида этишга аҳд қилди...

* * *

Тун. Атроф тим-қоронғи зимистон...

Кўкда сузиб юрган бетайин қора булутлар ой юзини тўсиб, ҳавони дим қилиб қўйган. Таровиҳ намозидан чиққан аҳли мусулмон аллақачон уй-уйларига тарқаб, шаҳар кўчаларидаги ҳаракат сепилиб қолган. Аҳён-аҳёнда, эломонни: “Осуда уюқлайверинг биродарлар, юрт тинч!” – деган овози эшитилади...

Сой даҳаси томонга тушган эски чорбоғлардан бири. Унинг ичкари хоналаридан бирида уч киши шамнинг хира ёруғида пичирлашганча ниманидир муҳокама қилиб ўтирарди. Мусоҳаба мавзуси ўта махфий бўлса керакки, эшикни маҳкам ёпиб, ҳовли томонга қараган деразанигини на қия очиб қўйишган. Ним қоронғи хонага кириб қолган бу кимсаларнинг кимлар эканлигини дарҳол билиб олиши мушкул... Синчиклаб назар солайликчи, кимлар бўлди экан?

Тўрда, ҳар замонда чап қўли билан сергўшт гарданини тез-тез қашиб қўяётган киши Аҳмад Танбалга ўхшаб кетяпти... Шамдон унга яқин бўлганидан, қисқ кўзлари, қалин шоп мўйлови остидаги дўрдок лаблари, дўппайиб турган қорни аниқ-таниқ кўринади. Бу тақлид жасад Фарғона мулкида фақатгина унга тегишли... Чорбоғ унинг тасарруфида, хизматкорга барча топшириқларни ўзи беради. У гоҳ-гоҳ: “Хаҳ шумтака”, деб тиззасига муштлаб қўяди, нимадандир, кимдандир қаттиқ норози экани ҳирқироқ овозидан сезилиб туради...

Унг тарафда, унинг биқинида болишни тақя қилган норғул одамнинг гавдаси кўринади. У Ҳасан Яъқуббекнинг бўй-бастини эслатади.

Бир пайт дастурхондан бир нима олиш учун чўзилиб, юзи шамдонга яқинроқ бориб қолганда билинди. Чиндан ҳам ўша – Ҳасан Яъқуббек. Унинг серсоқол тунд башараси, қалин туташ қошлари ифшо этиб қўйди. Суҳбат асносида ундан бирон-бир муҳим фикр чиқмаса-да, ўзини шерикларидан сипороқ тутишга ҳаркат қилар, шу зайл Танбалнинг ҳамма гапларини хушомад билан маъқуллаб ўтирарди.

Учинчиси ким бўлди экан?

Кўринишидан оёқ-қўллари узун бу одам яна бир марта саросима бўлиб, дераза раҳига келди... Тоқчага қўллари тираганча узун бўйинини ташқарига чиқариб, у ён-бу ёнга аланглаб қўйди...

Боғдан чигирткаларнинг басма-бас чириллашларидан бошқа сас қўлоғига кирмас, бироз хотиржам бўлгандай, жойига келиб чўк тушиб ўтирди. Дастурхон четида турган шарбат тўла кўзани қўлга олиб, ҳамроҳларининг косаларини тўлдириб қўйди. Унинг овози деярли эшитилмасди, вужуди қўлоқ бўлиб, шерикларининг сўзларини тингларди, холос. Кўринишидан хийла эҳтиёткор одамга ўхшайди...

Бир пайт Аҳмад Танбал унга:

– Узун! Бурноғи йилги қишда саройда бўлуб ўтғон воқеа эсингдаму? – деб мурожаат қилиб қолди қандайдир муҳим нарсани ёдга олиб.

Ҳа, демак, у ўз номи ўзи билан: Узун Ҳасан!

Суҳбат анчадан бери давом этиб келаётган бўлса-да, ҳамтовоқларнинг боши ҳамон бир жойда. Хуфиёна учрашув, хуфиёна суҳбатнинг поёни кўринмасди...

Умар Шайх Мирзо тириклик чоғи унинг узангисидан бўлиб юрган бу бекларнинг мавкибат аҳлидан ажратиб бундай хилватга ким ёхуд нима етаклаб келди экан?

Подшоҳ хонадонига яқин бўлган кишилар, Андижонда ҳозир бўлган беку амирлар, аҳилиттифоқ бўлиб, жонлар тортишиб турган долзарб бир пайтда...

Марҳумга аза очилган, жами яқинлар уйларига бормай, мотамсаро бўлиб, саройда тунаб қолаётган бўлсалар...

Ўзи азалдан: “Кимга тўй, кимга аза...” экан. Бу кун кекса хизматкорга ҳам қийин бўлди.

“Чорбоққа меҳмонлар келар эмиш” деган хабар етказилгандан бери боёқиш тик оёқда, рўза оғиз ҳолида тиним билгани йўқ. Чарчоқдан кўзлари юмилиб кетаётган бўлса ҳам, “Тилаб қолсалар, гофил бўлуб қолмайин, дағи...” деб айвонда у ёқдан бу ёққа босарди, бир қўлоғи эса мудом ичкарида...

– Ахир саҳарликка туриш лозим, унгача бироз мизғиб олсам эди... – дея кўнглидан ўтказди бобо. Кейин “Астағфируллоҳ! Эркак кишилар ҳам онча кўп гаплашадилар экан-а? На бирон маротаба кулдилар ва на баландроқ овоз чиқардилар”, деб қўйди таажжубда ўзига ўзи.

Ўттиз йилдан зиёд саройда, арк ичида гулчилик билан шуғулланган кекса боғбон уч-тўрт йил бўлдики, Аҳмад Танбалнинг турли ваъдалари билан бу ерга келиб қолган.

Бобо теурийзода ҳукмдорлар хизматида кўп бўлди, дилни яйратувчи, кўзни қувонтирувчи анвойи гуллар етиштирди, шунга яраша мурувват ҳам кўрди.

– Ҳа, майли, Оллоҳ инсоф-тавфиқ берсун буларға... – деб қўйди-да, таомдан хабар

олиш учун аста-аста босиб ўчоқ бошига қараб юрди...

...Иттифоқо, эшик яна тикиллаб, маҳтал бўлиб турган кекса хизматкорнинг:

– Султон Аҳмадбек жаноблари! Ош тайёр бўлғонига анча бўлди, сузиб келайинму, – деган ялинчоқ овози эшитилди.

Бир зум ўтиб, ичкаридан Танбалнинг: “Майлинг...” дея ғўлдирраган жавоби келди.

...Чинни товоқдаги хушбўй таом Аҳмад Танбалнинг иштаҳасини қитиқлаб юборди:

– Узун! Таом ғўр кетмасун! Бир аёқдан, фақат бир аёқдан...

Кейин индамай ўрнидан туриб, тоқчадан баркаш ортига яширилган кўзани олиб келди. Учта косага шаробдан сила қуйиб, илжайганча эгаларига узатди-да, кўзани яна жойига элтиб яширди.

Ҳасан Яъқуббекнинг тил учида:

– Қандай бўларкин, жаноблар? – деган лўқмаси эса оғзида қолиб кетди...

Ҳамтовоқлар қўлларидаги косани тубига қадар сипқориб қўйдилар-да, сўнг таомга қўл узатдилар...

Хуфиячилар ошдан кейин ҳам, тун яримлаб қолаётган бўлса-да, тарқалишга шошилмадилар...

Кекса хизматкорнинг сабри тугаб, ахийри эшик ёнига борди...

“Жаноблари, менда юмушингиз йўқми?” – деб сўрамоқчи, Аҳмад Танбал изн берса, хужрасига кириб ухламоқчи эди. Эшикни тикирлатмоқчи бўлган ерида қотиб қолди.

Во ажаб, Танбал айна шу дамда, хуфиёна суҳбатга яқун ясаётган экан...

– Жаноблар! Хуллас калом, гап шу... Бобур қайсарнинг феъл-атвори ҳаммага маълум... ўз нияти йўлида ҳеч кимни аяб ўлтурмайди... Магар у тахтада бўлур экан, бизнинг йўлумиз банд, илгимиз қисқа! Бас, имкони бўлгон – ўқ, уни салтанатдан четлатмоқ даркор! Келиш-дикму жаноблар?

Икковлари бир овозда: “Йигит сўзи, келишдук, келишдук!” – деган сўзларни бир неча бор такрорладилар.

Бобонинг қулоғига кириб борган бу фитна сўзлар унинг аъзойи баданини титратиб, кўз ўнгини қоронғи қилиб юборганди... Қўрқувни босолмаган кекса хизматкор шу заҳотиёк ўгирилиб, ташқарига отилди. Чиқаётиб даҳлиз остонасига қоқилиб кетди. Боёқиш қаттиқ изтиробдан қадам босолмай, чиққан жойигаёқ ўтириб қолди.

Даҳлиздаги тапир-тупурдан сергакланган Аҳмад Танбал жасадига хос бўлмаган тезлик билан сапчиб ўрнидан туриб важоҳат билан ялангоёқ ҳолда айвонга чиқиб келди...

Кўзининг пахтаси чиқиб кетган Танбал, кела солиб, мўйсафиднинг ёқасига чанг солди.

– Тур ўрнингдан! Ҳамма гапларимизни тинглаб турғон экансан-да! – деганча ердан даст кўтариб, тикка қилиб қўйди. Унинг юзида қон қолмаган, тинмай пишилар эди.

Бобонинг ёқасини қўйиб юбормай, зуғум билан итобга ола бошлади:

– Гапир! Нималарни уқдинг? Сўзимизни пошшо бувинга сотуб, садақа оламен дедингму?

Негадир бобонинг кўрқувидан асар ҳам қолмади. Унинг қаршисида икки йўл турарди: бири бор эшитган гапни айтиб, умрининг қолган қисмини тақдир ихтиёрига топшириш, иккинчиси қутулиб кетиш учун ёлғон гапириш, ялиниш.

Бобо виждони кўрсатган биринчи йўлни танлаб фавқулудда дадиллик билан Танбалнинг чақчайган кўзларига тик боқди:

– Сўзларингизни ҳаммасини эшитдум... Темурийзодалардан нима ёмонлик кўрдингизким, бу болада шунча қасдингиз, адоватингиз бўлса! Бузук ниятингиздин қайтинг! Шайтонга ҳай беринг!..

Қутилмаган бу сўзлардан эсанкираб қолган Танбал:

– Ўчур унунгни, айғоқчи! Менга ақл ўргатма бошқа! Ҳозир-ўқ жонингни суғуриб оламен! – деди ғазаб билан.

– Мен ёшимни яшаб, ошумни ошаб бўлгон одаммен! Ўлимдин нечун кўрқай? Қайтага, шундайин улуғ айём кунлари ўлсам... – дея бир-икки силтаниб, унинг исканжасидан чиқиб кетмоқчи бўлди, бироқ, боёқиш бобонинг мадори етмади.

Аҳмад Танбалнинг бақувват панжалари борган сари чолнинг томоғига ботиб борарди...

Кекса хизматкор муқаррар ўлими олдидан бор кучини тўплаб яна бир нималар демоқчи бўлди, бироқ овози чиқмай қолди. Қотил шундан кейингина чолнинг томоғини чангалидан қўйиб юборди.

Узун Ҳасан шоша-пиша ёнидан дастрўмол чиқариб, тер босган башарасини артишга тутинди... Бутун вужудини қалтироқ босган Танбал жоҳилона нафрат кўзи билан тикилганча мурдадан кўзини ололмай қолганди...

Ҳаммаларининг нигоҳи беозоргина букчайиб қолган кекса хизматкорда эди.

Во ажаб! Майитнинг серажин, нуруний юзида совуқлик аломатлари эмас, адолат қурбонларидагина бўладиган сокинлик зоҳир эди.

Узун Ҳасан билан Ҳасан Яъқуббек қўлларини очиб, худди бобога таъзия билдиргандек, омонатгина юзларига фотиҳа тортдилар... Бобонинг очик қолган кўзларига дош беролмадиларми, ёпиб қўйдилар-да, жасадини хужраси томон олиб кетдилар...

Қора гуруҳ тун ярмидан оққанда чорбоққа қандай келган бўлса, ўша тартибда, биринкетин қоронғи тун қаърига кириб ғарқ бўлди...



Гулноза ОДИЛОВА

1984 йилда тугилган. ЎзМУ хорижий филология факультетини тамомлаган. Филология фанлари номзоди. Етмишдан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. “Митти шамчиноқ”, “Кўнгли кенгликлари” шеър ва таржималардан иборат тўпламлари нашр этилган.

УСТА

Ҳикоя

Уни ҳамма уста деб қақирарди. Чунки у умр бўйи устачилик қилган. Лекин айтишларича, ҳеч ким унинг ишидан барака топмаган. Ёпиб берган томи чакка ўтказган, ясаган эшиклари қинғир-қийшиқ чиқаверган. Яшаб турган жойи ҳам ҳатто мундоқ хунарманд уста яшайдиган ҳовлига ўхшамайди. Шунга қарамай, негадир уни ҳамма уста деб қақирарди.

Олтмишни уриб қўйган уста ҳаёти давомида на дўсту ёр ва на обрў орттирди. Бор-йўқ орттиргани шу – уста деган ном. Лекин гап бошқа ёқда: кунлардан бир кун у бир ром ясади. Деразамас, портрет роми. Ўзиям узоқ ясади. Қаричлари билан тўрт тарафини тўрт юз марталаб ўлчаб чиқдиёв. Унга ўзича нақшлар ҳам ўйган бўлди. Ниҳоят, ишни битирди ва бундан ўзи роса масту мамнун бўлди. Кейин одамларни ҳам ўз иши билан ром этмоқчи бўлди: ясаган ромини кишиларга кўз-кўз қилиб ҳар кун базму жамшид берди, казо-казоларни ўтиришига таклиф этди. Гўёки шу орқали улар қаторига қўшилмоқ ёхуд ясаган ромига ром бўлишларини кўриб завқланмоқ бўлди. Аслида, уни писанд қилмайдиганлар бояқишнинг қозон-қозон ошини еб, устига ағанаб тушай деб қолган ҳовли-жойига қараб бошларини сарак-сарак қилиб кетишарди. Охири, бу юмуш устанинг жонига теғди. Ясаган ромининг ҳақиқий баҳосини одамларнинг ўз оғзидан эшитмоқчи бўлди. Энг аввал маҳалланинг энг бой кишисиникига борди.

– Ясаган ромингга кир, – деди уста. Еб-ичган туз ҳурмати бой кирмоқчи бўлди. Аммо сиғмади.

– Қорин катталиқ қилаяпти, ясаган роминг тор экан, – деди бой норозиланиб.

– Роса мақтаган эдинг-ку? Яна бир уриниб кўр!

– Йўқ! Мақтов сенга керак эди, мақтадим ва сен хурсанд бўлдинг!

– Кир деяпман сенга!

– Нега кирар эканман? Тор жойга хушим йўқ, қорним сиғмайди!

– Мен устаман-ку, ўлчамни аниқ олганман, сен сиғишинг керак! – тутатиб кетди уста бойнинг ёқасига ёпишиб.

– Тупурдим усталигингга! Ёқамни қўйвор!

Устанинг тарвузи қўлтиғидан тушиб бойникидан чиқди. “Уста-уста” деб майда-чуйда ишларини битказиб юрадиган мансабдор кўшнисиникига чопди ва унга ўдағайлади.

– Кир ромнинг ичига!

– Четлари яхши рандаланмаган, менга тўғри келмайди, – тўнғиллади кўшниси, – кийимларимни фалон пулга олганман илиниб, сўкилиб кетиши мумкин.

– Кирасан!

– Нега?

– Қанча юмушингни қилиб бердим, ахир, меҳнатимнинг ҳурмати йўқми?

- Сен қилган ишни кўчадан келган мардикор ҳам қиларди. Ҳеч бир ишни қойиллатганинг йўқ.
- Валдирама! Кир ромга!
- Йўқол кўзимдан, пандовақи!

Уста яна нечаларни ўзи ясаган ромга солиб кўрмоқчи бўлди. Йўқ, фойдасиз. Кимнингдир бўйи, кимнингдир жуссаси ромга тўғри келмади. Уста улар билан энди юз кўрмас бўлди. Ром кўтариб келаётган устани кўрганлар тум-турақай қочиб кетадиган бўлишди. Ҳа, яна нимасини айтай...

Бегона, барибир, бегона-да. Энди жон жигарлари – фарзандларию қариндош-уруғларини киргизади ромга! Киргизади. Кўнглининг туб-тубида ромнинг нимасидир нотўғри эканлигини пайқаган бўлса-да, сиртдан буни у асло тан олгиси келмасди. Қандай қилиб тан олсин? Ахир, у уста бўлса!...

Уғлини чақирди.

– Ромга кир!

– Сигмайман, ота!

– Қани бўл, сиғасан!

– Кирилмайман, тушунинг, ахир.

– Унда хотинингни чақир.

–

– Эркакмисан ўзи?

– Хотиним ўзи ром яساتган, ўшанга киради. Сизнинг ромингиз унга тўғри келмайди, ота.

– Беоқибат фарзанд, кет!

Алқисса, ҳеч ким устанинг ромига киришни истамади. На ака-укаси, на бола-чақаси. Ана шу тариқа жигаргўшалари билан ҳам алоқани узди ҳисоб. Ниҳоят, оғилхонанинг бир бурчагига итқитди лаънатини. Ичи ҳувуллаб қолди. Уйга кириб ётиб олди. Ўтган умрини сарҳисоб қилди. Тавба, ҳаётининг тенг ярми шу ромни яшашга кетган бўлса, қолган қисмини унга кимнидир киргизаман деб сувга оқишибди. Эҳ!.. Натижада, ҳеч ким қолмади. На дўсту ёр ва на қавму қариндош, эссиз, эссиз... Бир маҳал денг, миясига чақиндек урган фикрдан сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ҳамма бахтсизликлари ўша савил ромнинг касофати эканлигини фаҳмлаб етди. Умр бўйи ечолмаган жумбоқ жавобини мана энди топди – ҳамма ўзининг ромига киради! У бутун ҳаётини сарфлаган ромга, аслида ҳам, ҳеч кимнинг эҳтиёжи бўлмаган. Ҳозир шу ромни ёқиб юборади. Бирор зот ичига кирмаган ром кимга керак! Шу ўй билан оғилхонага кириб қараса, қоп-қоронғи зулмат ичида кимдир ҳалиги ромга кириб олиб, унсиз йиғларди. Чироқни ёқиб яқинроқ борди. Хотини экан.

– Сен бу ерда нима қилаяпсан?

– Ўттиз йилдан бери шунинг ичидаман. Гавдамга мос келмаса-да, белим букчайиб, баданларимни рандаланмаган пайрахалар тилса-да, чидаб ўтирибман. Илтимос, мени бу ердан чиқаринг. Ортиқ бу оғриқларга чидай олмайман. Кетмоқчиман.

Уста хотинини ромдан чиқариб қучоқлаб олди-да, хўнграб юборди. Юз-кўзларидан ўпди. Аёлидан далага чиқиб тоза ҳавода айланиб келишини сўради. Узоқ йиллардан бери ромнинг ичида бели букчайиб, ранги синиқиб кетган хотини бўйинини уқалай-уқалай, кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, ҳовлига чопқиллаб чиқиб кетди. Уста узоқ ўйлади ва бир қарорга келди. Пичанни бир жойга қалаб, тепа қилди-да, устига ромни кўйди. Ўзи ясаган “санъат асари”га бир муддат маҳлиё бўлиб турди-да, ичига кирди. Қандай машаққат билан ясаган эди уни. Қанча кўз нуруни сарф этганди шу матоҳга. Тушунмадилар, қадрига етмадилар, сиғмадилар, истамадилар. Уста гугурт чақди... Олов бутун вужудини ёндирса-да, ромнинг ичига кириб олган суратдек қотиб тураверди. Кенг қулочлари билан ромнинг икки ёнини қаттиқ ушлаб олган кўйи жойида мағрур туриб жизғанак бўлди....

...Уста ўз ҳаётини мана шу тариқа яқунлади. Ҳар ҳолда, шундай деб атардилар уни...

Булоқ кўз очди



**Гулзабира
ЖАМОЛОВА**

1990 йилда туғилган.
Қорақалпоғистон
Давлат университети
филология
факультетининг учинчи
босқич толибаси.

ҚОРАҚАЛПОҚ ЁШЛАРИ ИЖОДИДАН

Туғилган элим

Сенда туғилганман, камолга келдим,
Очиқ осмонингни кўрди кўзим ҳам.
Тупрогингда қолди илк бор изим ҳам,
Онамсан – бебаҳо туғилган элим!

Сенинг кучогингда шодланиб қулдим,
Олтин тупрогингни ҳис қилдим шунда.
Меҳнатлар роҳатин кўрганман сенда,
Онамсан – бебаҳо туғилган элим!

Сенинг боғларингда очилди гулим,
Келбатингни кўриб кўзим чақнайди.
Буюклигинг сезиб, сўзим етмайди,
Онамсан – бебаҳо туғилган элим!

Узоқларда юрсам, соғинар дилим,
Фарзанд бўлсам дейман, қадрингни билиб.
Бағринга сингсайдим, талпиниб келиб,
Онамсан – бебаҳо туғилган элим!

Муҳаббат

Учрашганда, дастлаб, боқдинг ўзимга,
Сўнг, тикилиб қарадинг сен кўзимга,
Назар ташлаб, сирли кулиб юзимга,
Юракка из солдинг танҳо муҳаббат.

Кўнглингда не борин кўраолмадим,
Муҳаббатми, ҳавас билаолмадим,
Дилингдагин балки сезаолмадим,
Сиринг оч, энди мен шайдо муҳаббат.

Хаёлимда қолди сирли қарашинг,
Ҳеч ёддан чиқсинми қорақўз, қошинг,
Тақдир ёгдирса ҳам минг марта тошин,
Сендан воз кечмасман асло муҳаббат.

Насибали МАМБЕТИРЗАЕВА
Согиниш

*Денгиз ҳам дарёсин согиниб кутар,
Согинар қиргогин, тўқай жамолин.
Ҳолига булутлар йиғласа нетар,
Тўхталиб қахрли чўлнинг шамолин.*

*Булбул бир согинса, гулни согинар,
Бу туйғуга чидаёлмас парвона.
Қўлда ўсган кийик чўлни согинар,
Тушида ўз юртин кўрар мастана.*

*Боглар ҳам согинар баҳор жамолин,
Ёшлигин қўмсайди қартайса инсон.
Ошиқлар кутади ёрнинг висолин,
Ёрнинг ширин сўзи дардларга дармон.*

*Туғилажак ўз фарзандим – сўзимни
Тунлар сизинаман то тонгга қадар.
Йўлларга қарайсан ёшлаб кўзингни,
Сен кимни согиндинг, азиз биродар?*

Бўларми?

*Ўзингни кўрдим мен, дунёни кўрдим,
Умр ҳам шунчалик гўзал бўларми?
Муҳаббат ўтидан ўртандим, куйдим,
Кўнгилда очилган гуллар сўларми?*

*Юракни кўчирдим оппоқ дафтарга,
Ўқиган ошиқлар сирдош бўларми?
Бахт излаб отлансам узоқ сафарга,
Суюкли ёр бизга йўлдош бўларми?*

*Бу ишқим ўт олди, парвона қайда,
Булбул гулин излаб, сарсон бўларми?
Тоғларга чиқмасанг дўлана қайда,
Ошиқда жон деган қайғу бўларми?*

*Мени тутқин қилиб гўзал бир хаёл,
Келдим, келмасликка юрак кўярми?
Кўнглинг эшигини очиб, кутиб ол,
Меҳмонни ранжитмоқ азоб бўларми?*

Азиза ҚУРБОННИЁЗОВА

Оппоқ қорда

*Оппоқ қорда тўнгич из бошлаб,
Узоқ юрдим кўнглимни хушлаб.
Мен кимнидир кутдим согиниб,
Йўлларига нигоҳим ташлаб.*

*Оппоқ қорда тўнгич из бошлаб,
Хаёл сурдим, ўйларим чексиз.
Гоҳо ўзимдан ҳам олислаб
Кетганимни билмабман, эссиз.*



**Насибали
МАМБЕТИРЗАЕВА**

1990 йилда туғилган.
ЎзДЖТУ халқаро
журналистика
факультетини тугатган.



**Азиза
ҚУРБОННИЁЗОВА**

1990 йилда туғилган.
Нукус Давлат педагогика
институтини филология
факультетининг иккинчи
босқич талабаси.



Ойжамол ЖОЛДАСБАЕВА

1996 йилда туғилган.
Қорақалпоғистон
Давлат университети
қошидаги биринчи
академик лицей ўқувчиси.
Унинг “Бўришот
бағридаги болалик”
номли шеърый тўплами
нашр этилган.

*Оптоқ қорда тўнгич из бошлаб,
Бўлсам дедим... Кичик хонимча.
Қимдир менинг қўлимдан ушлаб
Тортса дейман музлагунимча.*

*Оптоқ қорда тўнгич из бошлаб,
Дунё гўзаллигинг англадим.
Кенгликларга ишқимни хатлаб,
Юрак муҳаббатин йўладим...*

Ҳисларим

*Бог сайлида хаёл учиб,
Қора кўзга бойланаман.
Уйларимда бахтни қучиб,
Ҳисларимга алданаман.*

*Чечак отар баҳор гули,
Баргин ўтиб айланаман.
Чаман ичра мен ҳар кун
Ҳисларимга алданаман.*

*Нози билан ўтга ёққан
Гўзал юздан... Ўйланаман.
Йигит айтган, қанот қоққан
Ҳисларимга алданаман.*

*Дунё тенгмас бу тўйғуга,
Унсиз боқиб, қийнаман.
Келиб туриб сув бўйига,
Ҳисларимга алданаман.*

*Онам айтар: алла-қўшиқ,
Овозидан эсон оламан.
Қалбимда бўй тортган жўшиб
Ҳисларимдан алданаман.*

Ойжамол ЖОЛДАСБАЕВА

Умр

*Ҳаёт – гўзал чаманзорга ўхшайди,
Қарасам бу богда тиканлар ҳам бор.
Қирган одам ортга қайта олмайди,
Инчунун, олдинга интилмоқ даркор.*

*Шу богда юрибман гулларни излаб,
Эртага тиканга айланмасин-да.
Йўлларда қолмасман якка-ёлғизлаб,
Умр-чун кураш бор ҳар нафасимда.*

*Қанча яшасам-да, дунёни кўриб,
Бўшдан-бўш ўтмасин бирор-бир куним.
Умр кечирай қуш мисол чарх уриб,
Тошбақа юришини ёқтирмас жиним.*

*Мангу умр йўқ, биладан аммо,
Ҳаётга интилиб, ёнгим келади.
Минг сон мушкулларга дуч келсам ҳам, о,
Богда гўзал гул бўб қолгим келади.*

Яшайман ўз эртақларимда

Яшайман ўз эртақларимда,
Содда ҳаёл, кўрган-билганим билан.
Ёлгон енгаолмас мени умримда,
Эртақда тез-тез дуч келганим билан.

Ўрганма ҳеч енгил-елти ҳаётга,
Бойлик енгил келса, кетмоғи осон.
Ҳалол меҳнат етказади роҳатга,
Бахтга элтувчи ҳам удир ҳар қачон.

Яшасам ўз эртақларимда,
Кўкдаги юлдуз ҳам ҳавас этади.
Мақсадим – ҳалоллик фоний умрда,
Шунда гамлар сувдай оқиб кетади.

Темурбек ИБРОҲИМОВ**Овулим**

Олис кетсам дарров уни ўйлайман,
Тупроғини қўлга олиб тўймайман,
Елтиб ўсган шамолини қўмсайман,
Согинчларим сабабчиси овулим.

Эслаб сенда ўтган болалигимни,
Ёш қалбим, қингиру чалалигимни,
Согинганда чексиз далаларингни,
Шодликларим гувоҳисан овулим.

Пахта, бугдой бари бизда унадир,
Олма, ўрик боғларга кўрк бўладир,
Ишонмасанг, овулга бир келиб кўр,
Хирмонлари баракотли овулим.

Қорақалпоғистон – қадр гурурим,
Кенг пойтахт – Нуқусим, жонажон сирим,
Овулим – Олтингул, туғилган ерим,
Барига гул очган менинг овулим.

Илҳом париси

Ёнимга келганда илҳом париси
Ўткир қаламимни қўлга оламан.
Кўнгил сўзин оқ қозоғга соламан
Ёнимга келганда илҳом париси.

Кундузми, оқшомми, келсин нур сочиб,
Қаламни тутаман, кўзим кенг очиб,
Ўйқуни ҳайдайман минг бор воз кечиб,
Ёнимга келганда илҳом париси.

Юракда муҳаббат учқунлари бор,
Кутаман кўзимга дунё бўлиб тор,
Кўнглимда қувончлар бўлади такрор,
Ёнимга келганда илҳом париси.

**Темурбек
ИБРОҲИМОВ**

1996 йилда туғилган.
Қорақалпоғистон Давлат
университети қошидаги
биринчи академик лицей
ўқувчиси.



**Маржонгул
ҚАЛЕКЕЕВА**

1997 йилда туғилган.
Қорақалпоқ
Агроиқтисодиёт
коллежсининг иккинчи
босқичида таҳсил олади.

*Бор бўлсанг, кел, энди сени кутаман,
Еттинчи осмонга – кўкка етаман,
Мен – ўзимни худди шундай тутаман,
Ёнимга келганда илҳом париси.*

Маржонгул ҚАЛЕКЕЕВА

Гўзаллик боғида

*Гўзаллик боғида сайр қилганда
Ажойиб туйғулар лол этди мени.
Боғда тебранишиб, гуллар дўланди,
Чертгандай бўлдилар нозик нағмани.*

*Сувлар тошганида шарқирар сойлар,
Кушлар ҳам куйларга жўр бўлиб сайрар.
Шамол елиб ўтар аста юзимни,
Ажиб туйғуларни кўнглим авайлар.*

*Лол айласа мени дунё сирлари,
Қалбим қайнаб-тошиб, жўшар, ниҳоят.
Менинг излаганим олдинда бари,
Бағримга сингийди она табиат.*

Ўйларим

*Ўйларим гоҳ тиниқ, гоҳо довулли,
Ўйларим – ўзимнинг оппоқ қушларим.
Гоҳ булут, гоҳо қор, гоҳо ёгинли,
Севаман дунёнинг товланишларин.*

*Ўтган довларнинг эслаб ҳар бирин
Болалигим кўзга маъсум кўринди.
Ёш гўдак пайтларнинг бегуборлигин
Англаб бораяпман мен энди-энди.*

*Биламан, бахтиёр кунларим олдда,
Ҳаёт ҳам аямас қувонч-кулгини.
Биламан, келади ёшлик бир марта,
Ўтказгим келади қадрлаб уни.*

*Ўйларим, ўйларим, уларга йўқ чек,
Қани ҳамма умридан шодумон бўлса.
Ҳаммага ёр бўлса: қувонч, иқбол, эрк,
Ҳамма омад топса, бахт топса, кулса.*

**Қорақалпоқ тилидан
Музаффар АҲМАД таржимаси**

Дилафрўз АЙТБАЕВА**Она**

*Баҳор эдим, шодон дилим кузлар бўлди,
Бу юрагим нолалардан сўзлар бўлди,
Қалб аламга чидолмайин бўзлар бўлди,
Менга ким ҳам сиздай малҳам бўлар, она?*

*Юрак деган ҳасратларга ин бўларкан,
Дард дегандан қалб остин-устун бўларкан,
Сизсиз ўтган куним қаро тун бўларкан,
Менга ким ҳам сиздай малҳам бўлар, она?*

*Сиз сўзимнинг бошидирсиз ҳам охири,
Қалбингиздир нурли жойнинг жавоҳири,
Дўстларим кўп, лек тушунгай қайси бири,
Менга ким ҳам сиздай малҳам бўлар, она?*

*Жойим йўқдир ўтли бағрингиздан бўлак,
Қадрим йўқдир нурли қалбингиздан бўлак,
Кўйсам, мени овутолмас дунё, демак,
Менга ким ҳам сиздай малҳам бўлар, она?*

Ҳаёт фалсафаси

*Ҳаёт экан улкан синов,
Дилни унсиз овутади.
Гоҳ кўникиш, гоҳ зерикиш,
Юракларни совутади.*

*Бахтнинг қадри борми ўзи,
Йўқотамиз билмай уни?
Ғамга ботсак, йироқлашар
Ойнинг ёруғ ўн беш кунни.*

*Бекорларга талтинманг ҳеч,
Зулмат ёрмас ёғдуларга.
Шўрлик дилни кўмаверманг
Бўлар-бўлмас қайғуларга.*

*Ёмонликни билмай қолсанг,
Ич-ичингдан зил кетади.
Яхшиликка ҳамроҳ бўлсанг,
Бошинг осмонга етади.*

Латофат ТОЖИБОЕВА**Ҳаёл**

*Мен осмонда тентираб юрган
Пар мисоли учарман ҳамон.
Шамол қайга етаклаб кетса,
Ўша жойни айларман макон.*

*Тўфон гоҳо элтиб ташлайди
Жаҳл билан балчиқ ва лойга.
Майин сабо эркалаб гоҳо
Етаклайди осуда жойга.*

**Дилафрўз
АЙТБАЕВА**

1995 йилда туғилган.
Хўжайли педагогика
коллежида ўқиган. Унинг
“Шамолни етаклаб
юрибман” шеърый
тўплами нашр этилган.
Айни пайтда, Таҳиятои
шаҳридаги “Қамолот”
ЁИҲ ташиқилотида
ишламоқда.

**Латофат
ТОЖИБОЕВА**

1991 йилда туғилган.
Нукус Давлат педагогика
институтини филология
факультетининг
тўртинчи босқич
талабаси. Унинг “Хўрлик
мезони”, “Орзу ҳамроҳ”
номли шеърый тўпламлари
чоп этилган.



**Мавлуда
ЭМБЕРГЕНОВА**

1985 йилда туғилган.
Айни пайтда, Қўнғирот
туманидаги 53
мактабда “Камолот”
етакчиси бўлиб фаолият
юртмоқда.

*Баъзан тунда адашиб қолгум,
Қайдан нажот излашни билмай?
Ёруғ тонгинг отишин кутиб
Оввораман ўзимга келмай.*

*Нурафшон тонг отган онид
Бир манзилдан қоним топаман.
Нишонига қадалган ўқдай
Заминдан ўз оним топаман.*

Қор

*Мен эриб кетавераман –
заминга сингиб.
Фидо бўлавераман
майсалар учун.
Мен аввал оқ эдим,
эзгулик эдим,
Энди-чи, ям-яшил
ҳаёт бўлдим, мен.
эриб битмадим.
Ҳали кўп яшайман
чечак лабида.*

Мавлуда ЭМБЕРГЕНОВА

Нега кўрдим?

*Тақдир мен билан ўйнаяптими,
Ё ўзи шундай синаяптими,
Кимлардир устимдан қулаяптими,
Сизни кўрдим қайдан, нега кўрдим мен?*

*Сеҳрли нигоҳингиз ила бир назар солиб,
Ки, телбадек тўғри йўлимдан тониб,
Қўлингиздан сув беринг, ичайин қониб,
Сизни кўрдим қайдан, нега кўрдим мен?*

*Инсоф, диёнатим мендан кетмасин,
Бу туйғуларим, асло, сизга етмасин,
Сизни севишимни ҳеч ким билмасин,
Сизни кўрдим қайдан, нега кўрдим мен?*

Эски йилга ташлаб кетдим

*Сизни эски йилга ташлаб кетдим, жим,
Юрагим дардларин тушинар энди ким?*

*Янги йилда мен сизни эслайман, аммо,
Хаёлимда ҳамон ўзингиз танҳо.*

*Сизни эски йилга ташлаб кетдим, жим,
Кўзимдан ёш оқар ҳар куни сим-сим.*

*Нега бунча қийнайсиз, не учун айтинг,
Илтимос, сиз ҳам бир орқага қайтинг!*

*Сизни эски йилга ташлаб кетдим, жим,
Бу балодан мени қутқаради ким?*

*Сизга қайрилган йўллар гуноҳи азим,
Унда, инсон севгига нега қилар таъзим?*

Дилноза ҚУРБОНОВА**Меҳр**

Ҳаёт фалсафасин яратмоқ учун
Инсон юрагига меҳр кифоя.
Ўша меҳр қалбда нур сочар қачон –
Дилдаги бор губор топгач ниҳоя.

Меҳр-ку, аслида, инсонга қанот,
Кўнгилга яшариши олиб киргувчи.
Меҳрсиз бўлсам бу дунё, ҳайҳот,
Умр мазмунимиз буткул ўчгувчи.

Икки қалб ишқ бирла чирмашар чунон
Ва, энди дунёни этмоқчи барпо,
Меҳрнинг меваси – фарзанд ҳам шу он,
Дунёни безамоқ истаиди ҳатто.

Биласизми, дунё не сабаб тирик,
Балки оби ҳаёт ёхуд тупроқдан?
Бормикан бу сўзда заррача ҳадик,
Ахир, мен яралдим ўша тупроқдан.

Майлига, дунёнинг асоси уммон,
Гар сувсиз яшамоқ мумкин десангиз,
Чанқаганми қалблар меҳрдан ҳеч он,
Меҳрсиз яшамоқ мумкин десангиз?!

Ниятим, дунёнинг асосин топиб,
Сиз – инсон аҳлига билдиришимас йўқ.
Бугун сир йўқ сизга этак-ла ёпиқ,
Асос бўлмоқ мумкин ҳатто майса, чўп.

Орзуни опичлаб

Юраклар додига солмасдан қулоқ
Умидларим ичга ютгим келади.
Энди бардош топдим деганда, бироқ,
Ўша орзуларим қучгим келади.

Агарки орзулар қалбда яшаса,
Баъзида опичлаб чиққим келади.
Умидсизлик келиб дилни гашласа,
Яна орзуларим қучгим келади.

Ғафлат кўчасида умидлар сўниб,
Эҳ, шу орзулардан кечгим келади.
Аммо, мунгли кўзлар ёшларга тўлиб,
Тагин орзуларим қучгим келади.


Кўзёшлар дарёдек тошса қирғоқдан
Орзулар қўлига қўнгим келади.
Қўллар ҳам тополмай толса титроқдан,
Елкамга опичлаб учгим келади.



**Дилноза
ҚУРБОНОВА**

1991 йилда туғилган.
Нукус Давлат педагогика
институтини филология
факультетининг
тўртинчи босқич
талабаси.

Барҳаёт мерос



ГЕГЕЛЬ

ЭСТЕТИКА

(Санъат фалсафаси ёхуд бадиий ижод фалсафаси)¹

САНЪАТ ТЎҒРИСИДА ОДАТИЙ ТАСАВВУРЛАР

Санъат асарлари тўғрисида кенг тарқалган тасаввурларни қуйидаги уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Бадиий асар табиат эмас, балки инсон фаолияти маҳсулидир.

2. Бадиий асар инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида яратилади, ҳиссий муҳитдан муайян даражада ўзлаштирилиб, инсон ташқи ҳис-туйғуларига йўналтирилади.

3. Санъат асари муайян мақсадни ўзида акс эттиради.

1. Бадиий асар – инсон фаолияти маҳсули. Бадиий асарни инсон фаолияти маҳсули деб эътироф этувчи биринчи ҳолат ҳақида тўхталганда, ундан

а) шундай ҳулоса келиб чиқадики, бу қайта яратилган онгли фаолият бошқаларнинг қандайдир ташқи предметлардан ибрат олиши, уларга тақлиди ва гавдалантиришини англатади. Бадиий фаолият қоидаларини эгаллаш ҳар бир инсон қиладиган ишни бошқалар ҳам бажара олиши, истаса, бадиий асарлар яратиши мумкин, деган фикр туғдиради. Юқоридаги назариянинг қоида ва амалий кўрсатмалари шу тахлитда юзага келган.

Бироқ буларга кўр-кўрона амал қилинса, расман тўғри бўлиб кўринган механик ҳолатлар юзага келиши мумкин. Нега деганда, фақат ғайриихтиёрий (механик) ҳаракат бу ташқи хусусиятни гавдалантириши мумкин. Уни тасаввурларимиз орқали ўзлаштириш ва амалда қўллаш учун маънисиз фаолият ва эпчилликнинг ўзи етарли бўлади, бу ерда умумий қоидага мувофиқ биздан бирор-бир конкретлик талаб қилинмайди. Бу қоидалар баъмани бадиий фаолият мазмунига татбиқ этилганда, уларнинг шунчаки ташқи ва ғайриихтиёрий эмаслиги яққол маълум бўлади. Улар бадиий асар мавзуси қизиқарли бўлиши, ҳар бир образ табақаси, ёши, жинси, ижтимоий ўрнига мос сўзлаши юзасидан умумий кўрсатма беради, холос. Ваҳоланки, бу йўл-йўриқлар эркин маънавий фаолиятни амалга оширишга ортиқча эҳтиёж сезмаган ҳолда ҳам ўз вазифасини адо этиши мумкин. Афсуски, улар мазмуни ва санъаткор онгини бойитиш тарафидан ҳам номақбул, негаки, бадиий ижод кўрсатмаларга асосланадиган расмий фаолият эмас.

Санъат маънавий фаолият сифатида ҳам кўрсатмалардагидан кўпроқ даражада турфа мазмун ва индивидуал ижод намуналарини ўз захирасидан танлаб олиши ва намён этиши зарур. Модомики, бу кўрсатмаларда мазмун ва амалиётга боғлиқ жиҳатлар ўрин олган экан, уларни ҳеч бўлмаганда, бадиий ижоднинг ташқи жиҳатларига татбиқ этиш маъқулроқдир.

б) Мутлақ ўзгармас бўлиб туюлган зиддиятли бу қараш бир ёқламалиқдан холи эмас. Гап шундаки, бадиий асарни умумий фаолият маҳсули сифатида қараб чиқиш фикри барча кишиларда энди қарор топа бошлади. У истеъдодли ақлнинг алоҳида қобилиятга

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

мувофиқ фаолияти, умумий қоида, шунингдек, инстинктли-образли ижодий жараёнга зид жиҳатлар билан алоқаси бўлмаган ўзига хос ижоди сифатида эътироф эта бошланди. Шунингдек, у ижодга путур етказмаслик, кўпол хатоларга йўл қўймаслик мақсадида юқоридаги зиддиятлардан ўзини холи қилиши ҳам лозим, деб ҳисобладилар.

Шундай мулоҳазаларга асосланиб, бадиий асар истеъдод ва даҳо ижодининг маҳсули, деб баҳоланди, истеъдод ва даҳонинг туғма жиҳатлари эътироф этилди. Бу қисман жуда тўғри эди. Чунки инсон биргина онгли фаолият билан эришолмайдиган истеъдод – бу ўзига хос малакавий истеъдод бўлса, даҳолик – умумий қобилият; энди бу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Бу ерда биз шахсий фаолиятни ҳар қандай тушуниш бадиий ижод учун нафақат кераксиз, балки зарарли, деган сохта қарашга эътибор беришимиз керак. Бундай фикр кўпинча истеъдод ва даҳо кечадиган илҳомий жўшқинликни назарда тутди. Бундай ҳолат, даҳо қандайдир предмет таъсири, масалан, таъми ширин шампан шишасини кўрганда, шунингдек, қисман унинг ўзи шу ҳолга ихтиёрий кириш мумкинлигида ҳам намоен бўлади.

Бундай фикрлар Германияда даҳолар даври деб аталган йилларда шаклланди ва кенг тарқалди. Бунга Гётенинг илк поэтик ижоди сабаб бўлди, дейиш мумкин; Гётенинг таъсири Шиллер асарлари орқали янада оммалашиб кетди. Бу шоирлар илк асарларидан бошлаб ўша даврдаги қатъий тартиб-қоидаларга қарши турдилар, ўзларига гўё ҳеч қандай поэзия бўлмагандек ижод қилдилар, салафларидан илгарилаб кетдилар.

Мен ўша даврда даҳо ва илҳом тушунчалари хусусида кенг тарқалган чалкаш қарашларни ҳам, фақат биргина илҳом билан ҳамма нарсага эришиш мумкинлиги ҳақидаги устивор тасаввурларни ҳам батафсил таҳлил қилмоқчи эмасман. Санъаткор истеъдоди ва даҳоси табиий қобилият куртакларини ўзида гавдалантирса ҳам, биз учун энг муҳими, тафаккур маданияти, усулларга оид мулоҳазалар, шунингдек, малакаларни чиниқтириш ва эгаллашга бўлган эҳтиёжни доимо ўз такомиллида белгилаб олиш ҳисобланади. Чунки бадиий ижоднинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлган техникавий маҳорат соф ҳунармандчилик даражасидаги маҳоратни ҳам гавдалантиради; бундай хусусият меъморчилик ва ҳайкалтарошлиқда кўп, тасвирий санъат ва мусиқада оз, поэзияда энг кам даражададир. Фақат фикрлаш, тиришқоқлик ва машқ билан ҳеч қандай илҳом етиша олмаган маҳоратга ҳам эришиш мумкин. Санъаткор ҳам ташқи материални қайта ишлаш ва уни мақсадга мувофиқ шакллантириш жараёнида бундай маҳоратга эҳтиёж сезади.

Санъаткор юксак истеъдод соҳиби бўлганлиги боис ўз асарларида пинҳоний жон-дил ва руҳ тэрانлигини ҳар томонлама тасвир этиши лозим, бунга зоҳирий ва ботиний оламга ақл нигоҳини йўналтириш орқали эришиш мумкин. Санъаткор бу мазмунни ўз ниятига етиш ва тегишли материаллар топиш, уларни ўрганиш йўли билан гавдалантиради.

Тўғри, санъатнинг баъзи турлари бу мазмунни англаш ва ўзлаштиришда бошқаларга қараганда кўпроқ эҳтиёж сезади. Масалан, мусиқа оҳангларда фикрга айланмаган номуайян ботиний эмоцияларнинг маънавий кучларига асосланади, маънавий материал мавжудлигига унча зарурият сезмайди. Шунинг учун мусиқий истеъдод кўпроқ инсоннинг илк болалик пайтида, фикр-зикри бошқа нарсалар билан банд бўлмаган, уларга руҳан берилмаган кезларда кўпроқ юзага чиқади, мусиқий истеъдод соҳиби баъзида муайян маънавий ва ҳаётий тажрибага эга рассомга қараганда анча барвақтроқ маҳорат чўққисига кўтарилиши ҳам мумкин. Шу боис мусиқий композиция ва ижрочилиқда жўшқин маҳорат эгалари билан бир қаторда маънан қашшоқ ва ўта қобилиятсизлар ҳам учраб туради.

Поэзияда аҳвол сал бошқача. Унда инсон, унинг соф интилиш ва жонли кечинмаларини фикран мазмундор қилиб тасвирлаш муҳим ўрин тутди. Шунинг учун даҳо бу соҳада мазмундор ва мукамал асар яратгунга қадар етук ақл ва ҳис-туйғу, юксак маънавий кечинма, тажриба ва фикр-мулоҳазалар билан қуролланган бўлиши лозим. Айтиш мумкинки, Гёте ва Шиллер²нинг илк асарлари ўта хом, кўпол, ҳатто дағал эди. Бу илк поэтик тажрибаларнинг аксарияти юзаки, қисман совуқ ва сийқаси чиққан эди. Бу нарса илҳом инсоннинг ёшлик шижоати ва ёшлик даври билан узвий боғлиқ бўлади, деган асосиз фикрларни истисно этади. Ҳолбуки, бу икки даҳо фақат етуклик ёшида гўзал поэтик асарлар яратди, бизга ҳақиқий илҳомбахш, чуқур мазмундор ва шаклан баркамол асарлар ҳадя этди. Мўйсафид Гомер ҳам абадий ўлмас поэмаларини шу тарзда яратган эди.

в) Бу ерда инсон фаолияти маҳсули бўлган бадиий асар ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ учинчи эътироз инсоннинг ташқи табиат ҳодисаларига муносабатига тааллуқлидир. Айтиш керакки, бунда инсон томонидан табиат маҳсулотларидан яратилган санъат асарни куйи ўринда туради, деган оддий фикр келиб чиқади. Негаки, бадиий асар жонли моҳият эмас, балки ҳис-туйғудан холи ва ташқи объект сифатидаги

² Шиллер Иоганн Фридрих (1759-1805) – немис ёзувчиси.

ўлик нарсадир. Биз тирик ҳаётни одатда жонсиз нарсадан устун қўйиб келамиз.

Бадий асар ўз-ўзича мавжуд эмас ва ўз-ўзича ҳаётӣ фаолият касб этмайди, деган фикр билан келишмаслик мумкин эмас. Табиатнинг жонли маҳсулотлари нафақат ботинан, зоҳиран ҳам мақсадга мувофиқ тузилмалардир, улар, айна пайтда, санъат асарлари сифатида фақат ташқи ҳаётӣ кўринишда намоён бўлади, ботинан эса шунчаки тош, дарахт, мато ёки поэзияда нутқ ва ҳарфларда гавдаланган тасаввурлардир.

Модомики, шундай экан, борлиқнинг бу ташқи жиҳатлари асарни санъат намунасига айлантира олмайди. Унинг ҳақиқатда санъатга айланиши инсоний руҳ билан суғорилгани, инсонийлиги ва инсон томонидан эътироф қилиниши, азбаройи руҳ билан ҳамоҳанг тасвирланганлигига боғлиқдир. Бадий асарда инсоний манфаат, маънавий қадрият, шахсий фазилат, хатти-ҳаракат ўз тўлақонлиги ва пировард натижалари билан оддий ўткинчи ҳодисалардан фарқ қилиб туради, соф ва теран тасвирланади. Шунинг учун бадий асар руҳ томонидан табиатнинг қайта ишланмаган ҳар қандай ҳодисасидан аълодир. Масалан, ҳис-туйғу ва тушунчалар уйғунлигини ифодаловчи руҳ асари бўлмиш тасвирий санъат ландшафт атмосферасидан, яъни ташқи табиий ландшафтдан устун туради. Бинобарин, табиатнинг бирор-бир ижоди илоҳий идеалларни санъатчалик гавдалантира олмайди, шундай экан, маънавийлик табиат маҳсулидан устувордир.

Руҳ санъат асарига ўз теран қаъридан излаб топиб киритган жамики нарсага, сиртдан бўлса-да, узоқ давомий муайянлик бағишлайди. Жонли табиатнинг айрим маҳсулотлари бекарор, ташқи кўринишлари ўзгарувчан бўлса, санъат асарлари борлиқнинг давоми эмас, балки табиий воқелиқдан маънавий ҳаётни гавдалантиришда устунлиги билан барқарорлик касб этади.

Санъат асари бу юксак мавқеи уни бошқача тасаввур этишда одатӣ онг билан зиддиятга кириши мумкин. Табиат ва унинг нарсаларини илоҳий қудрат, Худо амри, санъат асарларини эса фақат инсоний ижод, ақл ва қўл яратган, деб айтадилар. Илоҳий ижоднинг табиат оламидан яратган маҳсулотларини инсон фаолиятининг пировард натижаларига зид қўйишдаги бундай англашилмовчилик, яъни Худо гўё инсон тимсоли ва инсон орқали мавжуд эмас, балки ўз фаолиятини фақат табиат доираси билан чегаралайди, деган фикрга асосланади.

Бундай нотўғри фикрлардан биз санъат тушунчасини ҳақиқӣ эътироф этишда холи бўлишимиз зарур. Шунингдек, руҳнинг Худо томонидан яратилишига табиат маҳсулотлари ва натижаларини мадҳ этувчи қарашларни қарши қўйишимиз лозим. Чунки илоҳий ибтидоий асос инсонда шунчаки эмас, балки табиатдан бошқача, яъни Худонинг моҳиятига мутаносиб тарзда гавдаланади. Худо-руҳ, руҳни инсондаги онгли, фаол яратувчи илоҳий муҳит. Ўз аҳамияти жиҳатидан бу муҳит табиатда онг билан тенглашмаган онгсизлик, ҳиссийлик ва зоҳирийлик тарзида намоён бўлади. Худо бадий ижодда ҳам моҳиятан табиатдаги каби фаолдир, бироқ руҳнинг бадий асарлардаги ҳосиласи бўлган илоҳийлик табиатдаги ғайри-ҳиссийликдан бутунлай бошқача бўлиб кўзга ташланади.

г) Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан асослироқ хулоса чиқармоқ учун қуйидагича саволлар қўйиш мумкин: модомики, санъат асари руҳ маҳсули экан, кишиларни қандай эҳтиёжлар ижод қилишга ундайди? Бошқа томондан, бадий ижод тасодифнинг оддий ўйини, қандайдир инжиқлик тарзида қараб чиқилса, у аҳамиятсиз нарсага айланиб қолади, чунки инсонда санъатдан бошқа яна муҳим ва олий интилишлар ҳам мавжудки, санъат буларни рўёбга чиқаришда бундан-да ўзга, янада қўлайроқ воситаларга ҳам эгадир. Бошқа томондан, ўз асосига кўра, санъат анчайин улуғвор майл ва эҳтиёжларга асосланиб, дунёқарашнинг умумий, бутун-бутун давр ва вақти-вақти билан халқларнинг диний манфаатлари билан боғлиқ олий ва мутлақ эҳтиёжларини қондириш муаммоларига ҳам хизмат қилади. Ҳозирча биз санъатдаги бу мутлақ эҳтиёжнинг тасодифийлиги эмас, балки унинг моҳият-мазмунни тўғрисидаги саволга тўла жавоб бериш имконига ҳам эга эмасми, негаки, бу савол унга бериладиган жавобга қараганда анча конкретдир. Шунинг учун баъзи мулоҳазалар билан чегараланамиз.

Санъатнинг расмий томонлари билан бирга юзага келган умумий ва мутлақ эҳтиёжлар инсоний фикрловчи онгда, яъни унинг ўз-ўзи, ўз борлиги ва умуман, мавжудлигини ўзи яратишида намоён бўлади. Табиатнинг нарса-ҳодисалари табиий ва фақат бир марта воқе бўлади, инсон-чи, инсон ўзини руҳ сифатида иккилантиради: у нафақат табиат, балки ўз-ўзи учун ҳам мавжудлиги, ўзини мушоҳада ва тасаввур қилади, ўзи ҳақида фикрлайди, айна шу фаоллик, ўзи-учун-борлиқ сабабли руҳдир.

Инсон ўз-ўзини бундай тушунишда икки хил йўл тутаяди, биринчидан, ўзини руҳан англайди, қалбини ҳаракатлантирувчи ва тўлқинлантирувчи барча нарсаларни тушуниб етади, яъни назарий фаолият юритади. У, умуман, ўз-ўзини кузатиши, тасаввур қилиши, тафаккур моҳиятини ифодалаши, ўзи яратганларни ҳам, ташқи идрок этилганларни ҳам билиши лозим. Иккинчидан, инсон ўзини амалий фаолият орқали англайди. Негаки, инсон ўз-ўзини яратиш қобилияти орқали нафақат табиий фазилат-

лар, ташқи ёт нарсаларни, шу билан бирга, уларни ҳам англайди. Бу мақсадни ташқи предметларни ўзгартириш билан амалга оширади, руҳий ҳаётини гавдалантиради, бугина эмас, ўз фазилатларини қайта кашф этади. Инсон эркин субъект сифатида бу фаолиятни ташқи оламни унинг ўжар ётсирашлигидан халос этиш учун, предметлари кўринишидан завқланиш учун амалга оширади.

Маълумки, гўдак илк бора оламга қизиқишдан бошлаб ташқи предметларни ўзгартира бошлайди. Болакай дарёга тош отар экан, сув юзасида пайдо бўлган дойра ёйилишидан ҳайратланади, негаки, уни ўзининг шахсий ижоди деб идрок этади. Бундай эҳтиёжлар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, турли ҳодисалардан тортиб то санъат асарларида ташқи предметлар идрок этилиб, қайта яратилишигача ўзига қамраб олади. Инсон нафақат ташқи нарсаларга, шу билан бирга, ўз-ўзи, табиий кўриниши, уларни мақсадга мувофиқ ўзгартириш усулларига ҳам шундай муносабатда бўлади. Масалан, хитой аёлининг бежирим оёқча ёки қулоқ ва лабларига чўғ босиш қанча дидсизлик, сохта ва ваҳшийлик, хунук ёки зарарли бўлмасин, одатга айланиб қолган, зеро, безак ва модалар дунёсининг юзага келишининг боиси шунда. Ҳолбуки, маърифатли кишилар учун қадди-қоматни ўзгартириш, ўзни тутиш қонун-қоидалари ва бошқа ташқи жиҳатлар юксак маънавий маданият пойдевори бўлиб хизмат қилиб келган.

Инсоннинг ботиний ва зоҳирий оламни тушунишда ўз "мен"ини ифодаловчи санъатда ақлга мувофиқликка интилиши умумий эҳтиёжга айланган. Инсон маънавий эркинлик таркибидаги бу эҳтиёжни, бир томондан, ўзи-учун-борлиқни руҳан англаш; бошқа томондан, ботиний ўзи-учун-борлиқни зоҳиран гавдалантириш, унинг ўзи ва бошқалар учун ботиний моҳиятини тушунарли ва равшан тасаввур этувчи иккилантириш тамойили орқали қондиради. Ақлга ихтиёрий мувофиқлик, санъатда бўлганидек, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, билимида шундай намоён бўлади. Биз сиёсий ва ахлоқий хатти-ҳаракат, диний тасаввур ва илмий билиш заруриятидан энди санъатга бўлган эҳтиёжнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқишга ўтамыз.

2.Бадий асар инсон ҳиссий идрокига мўлжалланади ва ҳиссий муҳитдан ўзлаштирилади. Юқорида биз инсоннинг санъат асарларини яратишга оид муҳим фазилатларини аниқлаб олдик, энди унинг бошқа белгиларини таҳлил қилиб кўрайлик. Бу – санъатнинг инсон ҳиссий идрокига мўлжаллаб яратилиши ва ҳиссий оламдан ўзлаштириб олиши ҳақидаги масаладир.

а) Санъатнинг бу хусусияти ҳақида гап кетганда, санъат оддий эмас, балки энг муҳим, яъни энг ёқимли ҳис-туйғуларни ҳосил қилади, деган хулоса чиқариш мумкин. Шунинг учун санъатни тадқиқ этиш масаласини унинг таъсирида туғиладиган ҳис-туйғуларни ўрганувчи соҳага татбиқ этадилар. Санъат ҳақиқатда, масалан, кўрқинч ва ғам-алам каби туйғуларнинг юзага келишига сабабчи бўлса, бу туйғулар қандай қилиб ёқимли бўлади? Бахтсизликни кузатиш, мушоҳада қилиш қандай қилиб мамнунлик бахш этиши мумкин, деган саволлар туғилиши, табиий. Эстетик тафаккур соҳасида юзага келган бу йўналиш Моисей Мендельсон³ даврига бориб тақалади ва унинг асарларида шунга ўхшаш кўплаб фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин.

Бироқ бу тадқиқотлар руҳнинг ноаниқ, нотайин соҳаларини ҳиссиётга боғлаб ўрганиш оқибатида узоққа чўзилмади. Ҳолбуки, уларда ҳис этилган нарса ўта мавҳум субъективлик шаклида намоён бўлади, нарса билан ҳиссиёт ўртасидаги фарқлар оқибатида предметларнинг ўзаро тафовутлари ғоят мавҳумлашиб кетади, эътибордан четда қолади. Масалан, кўрқинч, ваҳима, хавфсираш, танглик айни бир ҳис-туйғунинг турли жиҳатлари, қисман унинг миқдори, қисман мазмунига алоқаси бўлмаган ва эътиборсиз шакллари. Масалан, кўрқинчда субъектнинг нафақат мақсад-манфаати, шу билан бирга, бу мақсад-манфаатни йўқотишга қаратилган салбий кучлар ҳам акс этади, бу икки кечинма унинг табиий эмоционал фаолиятида зиддиятли кечади. Бироқ бундай кўрқинч моҳиятан аниқ бир мақсадни англамаслиги ҳам, шунингдек, ўта ранг-баранг ва зиддиятли бўлиши ҳам мумкин.

Бу туйғу баъзида маънисиз субъектив нотабиийлик (аффекция), масалан, умид, андух, шодлик, мамнунлик маъноларини ҳам англатади. Бунга ҳуқуқий туйғу, ахлоқий туйғу, кўтаринки диний туйғу ва шу кабилар мисол бўлади. Бироқ шаклан ранг-баранг ҳис-туйғуларда гавдаланишига қарамай, бу мазмун моҳиятни аниқ ифодалай олмайди, мавҳум тавсифланганда конкрет маъносини йўқотади, бу менинг туйғумга ўхшаш соф субъектив аффекция туйғусидан иборат бўлади.

Санъатнинг ҳақиқий мазмуни ва конкрет моҳияти таъсирида туғиладиган туйғуларни тадқиқ этишда лоқайдлик, четга оғишликка йўл қўйилса, ноаниқ хулосаларга олиб келади. Чунки туйғулар тўғрисидаги мулоҳазаларда тадқиқот мазмуни, бадий асарлар

³ Моисей Мендельсон (1729-1786) – немис файласуфи ва эстетиги.

моҳияти тўғри акс этмайди, субъектив эмоционал ҳолатлар юзаки субъективликдан холи бўлиш ўрнига оддий мушоҳада билан қаноатланади. Бу субъективлик туйғуларда тўла акс этиб қолмайди, аксинча, етакчи ўрин тутаяди; кишиларнинг кўпинча ҳиссий кечинмалар қурбони бўлиб қолишлари боиси ана шунда. Санъат бундай номуайянилик ва маънисизлик таъсирида тадқиқ этилса, асосий эътибор арзимас субъектив жиҳатлар билан машғул бўладиги, оқибатда санъат нафақат зерикарли, балки ёқимсиз нарсага айланиб кетади.

б) Бироқ бадиий асар ҳис-туйғуларга урғу бериш билан чекланиб қолмайди, акс ҳолда, унинг нотиклик, историография, диний ўғит ва бошқалардан айри мақсадлари бўлмасди, зероки, у айни гўзалликнинг ёрқин намунаси бўлганлиги учун бадиий асардир. Шундан келиб чиқиб, кўпинча гўзалликнинг ўзига хос кўркамлик туйғуси ва унга мос идрок қобилияти бўлиш кераклиги ҳақида бош қотиришга ҳаракат қилинди. Натижада, идрокнинг ўз-ўзича гўзалликни фарқловчи бу қобилияти сўқир инстинктнинг турғун, ўзгармас лаёқати бўлолмаслигини кўрсатиб қўйди; бу қобилиятнинг дастлабки омили сифатида маданият, унинг таъсирида нозиклашган гўзаллик туйғуси – дид, деб эътироф қилинди.

Юқорида айтилганидек, дидни такомиллаштиришга кўп бор уринишлар бўлса-да, мавҳум назариялар юзаки ва чегараланган эди. Бу назарияларнинг умумий принциплари моҳиятан талабга жавоб бермас эди. Бундан ташқари, бу даврда алоҳида бадиий асарларни хусусий танқид қилиш ҳам ўта заиф бўлиб, муайян ҳукмларни асослашга қанча уринмасин, дид ривожига шунча акс таъсир кўрсатди. Натижада, дид маданияти номуайян мулоҳазаларни шунчаки эълон қилиш, гўзаллик намоеън бўлиши билан боғлиқ дид туйғуси ҳақида мулоҳазалар юриштиш билан чекланиб қолди.

Дид учун предметнинг ҳақиқий маъноси китобларда назарий жиҳатдан абадий расмийлаштириб қўйилди, чунки бундай маънили ҳолат нафақат гўзалликни идрок этиш, у ҳақда мавҳум фикрлаш, шу билан бирга, ақл тўлақонлиги ва руҳнинг куч-қудратига нисбатан ҳам эҳтиёж сезди. Ҳолбуки, дид моҳиятан ранг-баранг туйғулар ва чекли зоҳирий юзакчилик билан ўралашиб қолганди. Шунинг учун санъат асарлари бахш этган теран таассуротлар қаршида нозик дид ҳайратга тушди, бадиий асарнинг ҳақиқий мазмуни тўла тилга кириб, зоҳирий ҳамда номуҳим белгилар барҳам топа бошлаган жойда эса сукут сақлашга маҳкум бўлди. Негаки, юксак бамаъни руҳ ўз эҳтироси ва куч-қудратини намоеън этган жойда диднинг нозик айирмачиликлари, тафсилотга тўла даҳмазалари устида сукут сақланди. Нафосат туйғуси бу соҳани даҳо бартараф этолмаслиги, бу унинг улкан шижоатига номуносиб эканлиги, бирор нарса айтишга дов беролмаслигини тушуниб етди.

в) Натижада, бадиий асарлар муҳокамасида нафақат дидни тарбиялаш, шу билан бирга, яхши дидни аниқлаш борасида ҳам ғамхўрлик қилина бошланди. Дид соҳиби бўлган танқидчи ўрнида энди закий-билимдон фаолият кўрсата бошлади.

Юқорида биз муайян бадиий асарнинг индивидуал хусусиятларига оид билимлар ва уларнинг ижобий роль ўйнаши ҳақида сўз юритган эдик. Бинобарин, бадиий асарда, авваломбор, унинг моддий ва индивидуал табиатига хос ранг-баранг хусусиятлар, энг муҳими, асар яратилган замон ва маконга оид ҳолатлар устуворлик қилса, ундан кейинги ўринда санъаткорнинг индивидуаллиги билан санъатнинг техник мукамаллик даражаси туради. Муайян бадиий асарни тушуниш ва ўзлаштириш, ундан завқ-шавқ олишда диққат-эътибор лоақал билимдон эгаллаган муҳим жиҳатларга қаратилиши, унинг барча ўғит-маслаҳатлари мамнуният билан қабул қилиниши зарур.

Бундай билимдонлик маълум маънода зарур бўлса-да, бироқ бу нарса руҳнинг бадиий асар, умуман, санъатга муносабатининг ягона ва муҳим усули тариқасида қараб чиқилмаслиги лозим. Негаки, билимдон мубталолар ташқи жиҳат, маҳорат, тарихий шарт-шароит ва бошқаларни ўрганиш билан чекланиши (унинг камчилиги ҳам шунда) ҳамда бадиий асарнинг ҳақиқий табиатини яхши тушунмаслиги ёки умуман ундан беҳабар бўлиши ҳам мумкин. У жиддий тадқиқотларга баҳо берганда ижодий, техникавий ва тарихий билишга қараганда, эътиборсизлик билан ҳукм чиқариши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Тўғри, билимдон қарашларида ҳақиқатда уларнинг аҳамияти чуқур аксини топса, асло йўқолиб кетмайди. Шундай экан, билимдон оқилона ҳукмларга асосланиб уларни яратиш учун муайян билимларни ўзлаштириши зарур; шу маънода, бадиий асарни таҳлил қилишда юзаки баҳо берилса ҳам, унинг айрим жиҳатларини чегаралаб олишга тўғри келади.

г) Бадиий асарни ҳиссий объект сифатида идрок этувчи инсон томонидан ўрганиш усуллари тўғрисида билдирилган бу мулоҳазалардан сўнг биз санъатни объект тарзида қисман бадиий асар билан, қисман санъаткор субъекти, унинг даҳоси, истеъдоди ва бошқалар билан ўзаро алоқада қараб чиқамиз. Бунда санъатнинг умумий тушунчасини билишга алоқадор жиҳатларга эътибор бериб қолмаймиз, акс ҳолда, биз ўзимизни

ҳақиқий илмий заминда эмас, балки ташқи соҳада тургандек ҳис этишимиз мумкин.

а. Бадиий асар ҳиссий идрокка йўналтирилади, ташқи табиат ёки сезиш, ҳис қилишга мойил ботиний руҳиятимиз сингари, зоҳирӣ ёки ботиний ҳиссий мушоҳада ва тасаввурлар асосида яратилади. Масалан, нутқ ҳиссий тасаввур ёки сезгиларга ҳам йўналтирилиши мумкин. Бироқ ҳиссий ўзлаштиришнинг предмети сифатидаги бадиий асар нафақат идрок, шу билан бирга, руҳга ҳам қаратилади. Шунинг учун руҳ ундан таъсирланиши, ўзига таскин топиши зарур.

Бадиий асарнинг бу вазифасидан маълум бўладики, у табиат маҳсули эмас ва биз қанчалик табиат маҳсули олийми ёки уни "бор-йўғи" бадиий асардан одатӣ эътиборсизлик билан қуйи қўямизми-йўқми, бундан қатъи назар, у табиӣ борлиғи билан ҳақиқий ҳаётӣлик касб этолмайди.

Бадиий асарнинг ҳиссий элементи ўз-ўзида эмас, балки инсон руҳиятини қандай ифодалашига қараб яшашга ҳақдордир. Биз ҳиссий ибтидий асос инсонга хизмат қилишини қараб чиқар эканмиз, унинг руҳга бўлган турлича муносабатини ҳам илғаб оламиз.

аа. Бу нарса бадиий асарни соф ҳиссий идрок этиш билан унинг ўртасидаги ёқимсиз, энг номувофиқ муносабатларни англатади. Бунинг маъноси шуки, биз бадиий асарни фақат кўрамиз, эшитамиз, баъзиларига қўл тегизамиз ва ҳоказо. Масалан, баъзи-бировларга маънавий толиқишлардан сўнг жиддий ўй-хаёллар, бетаъсир гаплар, ёқимсиз ҳолатлардан холироқ қолиб сайр қилиш жуда ёқиши мумкин. Руҳ ташқи предметларни кўриш ва эшитиш орқали идрок этиш билан чекланмайди, шу билан бирга, ўзини нарсаларда яна қайта ҳиссий шакллантиради ва хоҳиш-истакнинг ботиний фазилатига айлантиради.

Инсон ҳиссий элемент сифатида алоҳида нарсаларга, ташқи оламга шундай хоҳиш-истаклар маъносида қарама-қарши туради. Инсон алоҳида фикрловчи зот сифатида объектларга конкрет мақсад ва манфаатлардан келиб чиқиб ёндашади, оқибатда унинг умумий қоидалардан четга чиқиши кузатилади. У бу объектларни ўзлаштириш, ўз эҳтиёжларини қондиришга сафарбар этиш билан ўзлигини барқарорлаштиради. Хоҳиш-истак бундай ноқулай муносабат таъсирида ташқи предметларнинг нафақат сиртдан зухурланиши, шу билан бирга, конкрет-ҳиссий мавжуд бўлишини ҳам тақозо қилади.

Хоҳиш-истак учун ҳайвон истеъмол қилувчи дарахтни тасвирлашнинг мутлақ аҳамияти йўқ. Бинобарин, хоҳиш-истакнинг мақсади ташқи предметлар эҳтиёжларни қондиришга маҳкумлигини таъминлаш, шу йўлда барқарорлиги ва эркинлигига барҳам бериш, йўқотишдан иборат экан, табиӣки, у предмет эркинлигини чеклашга интилади. Модомики, шундай экан, хоҳиш-истакнинг тор, чекли ва арзимас манфаатларига тобе бўлган субъект ўз-ўзича ҳам (чунки у ироданинг умумий ва ақлга мувофиқлигидан келиб чиқиб ўзини белгиламайди), ташқи олам (чунки предметлар хоҳиш-истакка мувофиқ белгиланади)га муносабатда ҳам эркин бўлолмайди.

Инсон хоҳиш-истак масаласида бадиий асарга бу хилда ёндашмайди, балки предмет сифатида муносабатда бўлади, ўзи-учун-борлиқ тарзида бирор-бир хоҳиш-истакни кўзда тутмаган ҳолда унинг эркинлигига йўл очади, уни руҳнинг назарӣ объекти тариқасида эътироф этади. Ҳиссий амал қилишдан қатъи назар, бадиий асар ҳаммиша конкрет-ҳиссий борлиқ ва табиӣ ҳаётга эҳтиёж сезади, боз устига, фақат маънавий эҳтиёжларни қондиргудек ва ҳар қандай хоҳиш-истакни ўзидан истисно қилгудек бўлса, шу таянч нуқтада бутунлай қолиб кетмайди. Шунинг учун амалий хоҳиш-истак табиатнинг унга тобе жонли-жонсиз нарса-ҳодисаларини ўз мақсадига қарама-қарши қўяди ва ўзини руҳнинг бошқа шаклларига ҳам тушунарли бўлган санъат асарларидан устун санайди.

Интеллектнинг назарӣ муносабатига эътибор қаратувчи иккинчи усул руҳ учун ташқи борлиқ бўлишини тақозо қилади ва шу боис ҳиссий мушоҳада ва амалий хоҳиш-истак билан зиддиятга қиради.

Назарӣ билиш нарсаларни ўз алоҳидалиги билан ўзлаштириш, ҳиссий идрок ва асраб-авайлаш эмас, балки уларни умумийлик асосида тушуниш, ички моҳият ва қонуниятларини кашф этиш, тушунчага мувофиқ англаш демақдир. Назарӣ жиҳатдан нарсаларни ўрганиш бу – интеллектнинг мақсад-муддаоларидан холи, ҳиссий алоҳидалиқда қандай идрок этилса, уларни ўзгарисиз эътироф қилиш демақдир. Бинобарин, хоҳиш-истак сингари ақли интеллект нафақат алоҳида субъект, балки ўзида умумийликни гавдалантирувчи яқка субъектга ҳам хосдир. Инсоннинг умуммақсади табиатда ўзини гавдалантириш ва ҳиссий мавжудликни ташкил қилса ҳам, умумийликдан келиб чиқиб нарсаларга ёндашув бевосита уларда акс этмаган ички моҳиятни ифодалашга интилади.

Фаннинг вазифаси бу назарӣ эҳтиёжларни қондиришдан иборат экан, санъат уни

илмий жиҳатдан тўла амалга оширолмайдми, ҳолбуки, санъат билан амалий хоҳиш-истак манфаатлари ўртасидаги умумийлик йўқ даражададир. Негаки, фан ҳам конкрет ҳиссийликдан келиб чиқиши ва табиийлик тўғрисида конкрет ранг, шакл ва бошқалар орқали маънавий тасаввурларга эга бўлиши мумкин, бироқ модомики, интеллект умумийлик, қонуният, тафаккур ва тушунчаларни кашф этиш экан, бу ҳиссий ҳодисаларнинг руҳ билан ҳеч бир алоқаси йўқдир. Интеллект предметнинг табиий алоҳидалигидан узоқлашиб, уни ботиний оламида қайта ишлайди, моҳиятан конкрет-ҳиссий объектдан бошқачароқ нарсага, абстракция, фикрий эҳтимолликка айлантиради. Санъат фандан айна шу жиҳати билан фарқ қилади. Бадиий асар шакллар, ранглар, оҳанглар табиийлиги ва ҳиссий алоҳидалиги, бошқача айтганда, ташқи объектга уларнинг алоҳида мушоҳада тарзида айланишидир. Шунингдек, бадиий идрок ўзининг предметли табиий чегарасидан четга чиқа олмайди, объективликни фан сингари умумий тушунча тарзида англашга интирмайдми.

Бадиий манфаат хоҳиш-истакнинг амалий мақсадларидан шу билан фарқланадики, у ўзи-учун-борликда предметни эркин намоён этади, аксинча, хоҳиш-истак, уни фойда кўриш мақсадида бузинишга интилади. Бадиий билиш эса назарий, илмий тафаккурдан предметни умумий фикр ва тушунча эмас, алоҳида мавжудлик тариқасида ўрганиши билан ажралиб туради.

Бундан шундай мулоҳаза туғиладики, бадиий асар ҳиссий материални четлаб ўтолмаган тақдирда ҳам ўзини ҳиссийликнинг сиртки қобиғи ва зоҳирий кўриниши орқали гавдалантириши керак. Негаки, руҳ бадиий асарнинг ҳиссий элементидан на хоҳиш-истакка оид конкрет моддий жисм, на фаол организмнинг ботиний жўшқинлиги ва туғёнлари, на гоёлар дунёсидаги умумий фикр, балки сон-саноксиз ҳиссий борлиқни соф моддийликдан холи, зарурий кечинма тариқасида излаб топишга интилади.

Бадиий асардаги ҳиссийлик бевосита табиий предметлардан фарқ қилиб, мушоҳада йўли билан соф кўринишни ҳосил қилади, шунинг учун бадиий асар бевосита ҳиссийлик билан идеалликдан иборат бўлган фикрнинг оралиғида туради. У соф фикр бўлмаса-да, ўзининг ҳиссий ҳолатига эид ўлароқ энди куруқ моддий борлик сифатида тош, ўсимлик ва жонли организмлар сингари кўзга ташланмайди. Бадиий асардаги ҳиссийлик моҳиятан идеалликка тааллуқли бўлса-да, бироқ бу идеаллик, айна пайтда, илмий фикрдан фарқ қилиб турувчи нарсалар шаклида ҳам гавдаланиши мумкин.

Руҳда ҳиссийликнинг бу кўриниши нарсалар образи, уларнинг кўриниши ёки аксадоси тарзида гавдаланади. Бунинг боиси шуки, руҳ предметларга эркинлик беради, уларнинг ботиний алоҳида (улар руҳда бусиз алоҳида предметлар сифатида мутлақ мавжуд бўла олмас эди) қаърида бутунлай қолиб кетмайди. Санъатдаги ҳиссийлик эса мантиқан фақат ташқи туйғу, кўриш ва эшитиш сезгиларига йўналтирилади, шундай экан, бадиий завқда ҳид, таъм ва тери сезгиси кўринишида намоён бўлмайди. Ҳид, таъм ва тери сезгиси модда ва унинг бевосита ҳиссий фазилатлари, ҳид билиш ҳавода йўқолувчи заррачалар, таъм билиш-эрийдиган моддий предметлар, тери сезгиси иссиқлик, совуқлик, яссилик сингари бошқа хоссаларга асосланади. Шунинг учун улар ўз реал мустақилликларини сақлаб қолмоғи зарур, юзаки ҳиссий муносабатни ман этувчи бундай ташқи ҳиссийётлар санъат предметларини идрок эта олмайди, шундай экан, санъатдаги ёқимтойлик ташқи ҳиссийётлар учун гўзаллик саналмайди.

Санъат ҳиссий жиҳати билан бизга образ, оҳанг ва нозик мушоҳадалар олами тақдим этади, лекин бу фикрдан инсон бадиий асар яратишда ожиз ва чекли бўлганлиги учун нарсаларнинг сиртки, фақат андозаларини қайд этади, деган хулосага келмаслик лозим. Нега деганда, санъатда бу ҳиссий образ ва оҳанглар шунчаки оддийлиги ва табиийлиги эмас, балки олий маънавий эҳтиёжни қондириш, онгни чулғаб олиш, унинг теран қирралари қадар таъсир кўрсатиш, руҳни жунбишга келтириш қобилиятини кўрсатиш мақсадида юзага чиқади. Шундай қилиб, руҳ билан ҳиссийлик ўзаро таъсир кўрсатганидек, маънавийлик ҳам ҳиссий кўриниши билан санъатда намоён бўлади.

в. Бундай фазилатнинг замирида руҳда санъат асарининг шаклланиши ва унинг фаоллиги орқали гавдаланиши туради. Бу нарса энди бошқа бир масалага, хусусан, санъатдаги ҳиссийлик санъаткорда, яъни ижод субъектида қандай гавдаланади, деган саволга жавоб беришни тақозо қилади.

Биз кўриб ўтган объектив қонун-қоидалар санъаткорнинг бадиий асарларида субъектив кўринишдаги фаолиятида ўз тавсифини топади. У моҳиятан ҳиссийёт ва самимиятнинг гавдалантирувчи маънавий фаолият бўлмоғи лозим. Бинобарин, бу фаолият оддий, механик, ҳиссий кўринишдаги онсиз эпчиллик ёки қоидаларга кўр-кўрона амал қилувчи расмий фаолият, ҳиссийёт билан боғланмаган тасаввур ва тафаккурга суянувчи илмий ижод ёхуд тартибсиз соф фикрларнинг маҳсули эмас. Бадиий асарда маънавийлик билан ҳиссийлик уйғунлашмоғи керак.

Масалан, фикр поэтик асарлар яратишда олдин дабдабасиз, оддий, кейин образли,

сўнг қофияли нутқ кўринишини олса, образли шакл абстракт мулоҳазаларнинг куруқ безаги ва ташқи либосига айланиши мумкин. Бинобарин, ҳақиқатда бадиий ижодда зарурий бир бутун жиҳатлар алоҳида-алоҳида фаолият шакллари юзага келтирса, табиийки, бу усул ҳам бўлмағур поэзия намуналари вужудга келишига сабаб бўлади.

Бундай бадиий ижод азбаройи фантазиянинг фаол хатти-ҳаракати таъсирида юзага келади. Бинобарин, фантазия онгни фаоллаштиради, авваламбор, ақл ва руҳнинг моҳиятини акс эттиради, ҳиссий шаклантиради. Бас, шундай экан, бундай фаолият ўзининг маънавий мазмунини фақат ҳиссий шаклда гавдалантирмоғи лозим.

Бундай ҳолатни кишиларни нафақат ўзаро муомалага, фаолликка ундаш, балки бу фазилатларнинг тажассуми бўлмиш субстанция, яъни ҳаёт талабини яхши билиш, бамаъни ва оқилона турмуш тажрибасига эга бўлиш билан бирга, бу умумий тамоийилларни ўз фаолиятида гавдалантира олмаган, бошқаларга умумий мулоҳазалар кўринишида етказолмаган инсоннинг тасаввур ҳамда фикрлари билан қиёслаш мумкин. Табиийки, бундай одам айрим ҳодиса ёки атайин ўйлаб топилган мисоллар ҳақида ҳикоя қила билиш, бошқалар билан фикрлашиш қобилиятига эга бўлади. Унинг тасавурида ташқи шарт-шароитнинг замон ва макон билан боғлиқ кўринишлари, номлари ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ барча нарсалар конкрет ва аниқ кўриниш ҳосил қилади. Бироқ ҳаёлни бу хусусиятлари кўпроқ ҳаёт, ўтмиш тажрибаси ҳақидаги эсдаликларга боғланиб қолганлиги боис ўз-ўзича ижод саналмайди. Бундай ҳодисаларнинг барча хусусий икки-чиқирлари ва ташқи белгиларига эътибор берилганда, тафсилотларини қайта яратиши боис хотира умумийлики гавдалантирмайди. Санъаткорнинг ижодий фантазияси эса кенг маънода айни буюк қалб ва ақл соҳиби бўлмиш инсоннинг фантазияси, мақсади, умумий манфаатларини фақат образли шаклда, фақат ҳиссий шаклда намоён этишдир.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳақиқатан ҳам фантазия табиий қобилият, истеъдодга асосланади, шундай экан, унинг ижоди ўз-ўзича ҳиссий жиҳатлардан қарор топади. Тўғри, илмий истеъдодлар тўғрисида кўп гапирадилар. Лекин фан фикрлаш соҳасида умумий қобилият бўлишини тақозо қилади. Фантазиядан фарқли ўлароқ, бу қобилият табиий юзага чиқмайди, аксинча, табиий фаолиятдаги ҳар қандай жузъийликни истисно қилади, уни мавҳумлаштиради, шундай экан, муайян табиий истеъдод маъносида ўзига хос илмий истеъдод бу ерда мавжуд эмас, деб айтиш бир қадар тўғрироқдир. Фантазиянинг ижодкорлиги интеллектуал фазилатлар билан бир қаторда инстинктив образли фаолиятни ҳам назарда тутаяди, шундай экан, бу образлилик ва ҳиссийлик санъаткорда туғма қобилият ва иштиёқ тарихида субъектив кўриниш олиши бадиий асарнинг муҳим белгиси саналади. Улар моҳиятан онгсиз фаолият сифатида инсоннинг туғма табиатида хос хусусиятни англатади. Ўз-ўзини маънан англовчи бадиий фаолият эса табиий қобилият, истеъдод ва даҳонинг моҳиятини тўла қамраб ололмайди. Шундай бўлса-да, бундай маънавийлик образли тузилмаларга хос туғма қобилиятни ҳам ўзида мужассамлаштириши зарур. Уларнинг ҳар бири деярли санъатнинг барча турларида муайян самара бериши мумкин, бироқ бундай чегарадан чиқиш, аниқроғи, санъатда муваффақият қозониш учун чинакамига улкан туғма қобилият бўлиши зарур.

Табиий қобилият сифатидаги бундай истеъдод ёшлиқдан кўзга ташланади ва муайян ҳиссий материални образли шаклантиришдаги жонсарақликда намоён бўлади. Бунда фаолиятнинг ўзига мос муҳим жиҳатини ўзини ҳар томонлама ифодалаш, теран мулоҳазалар юритиш ташкил қилади. Шундай қилиб, бундай эпчиллик ўз соҳасида эришилган дастлабки муваффақият туғма истеъдоднинг фазилати саналмайди. Шу маънода, ҳайкалтарош кичикликдан бошлаб лойни қадди-қомат ва қиёфага шакл бериш мақсадида қўлга олади ва умуман қиёфа, сурат, оҳанг ёки шеърга айланган нарсалар ўзининг гавдаланишида истеъдодларни жунбишга келтириши мумкин.

Учинчидан, санъатнинг мазмуни маълум маънода ҳиссиёт оламидан, табиат оламидан ўзлаштириб олинishi, маънавий бўлишига қарамай, ташқи реаллик тусидаги инсоний муносабатларни ифодалашга хизмат қилиши лозим.

Рус тилидан Маҳмуд Абдуллаев таржимаси

Давоми келгуси сонларда

Баҳс



"МУАЛЛИФ ЎЛИМИГА" СИЗ ҲАМ ОВОЗ БЕРАСИЗМИ?

(ёки асл ижод соғинчи)



Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

1953 йилда туғилган.
Тошкент Давлат уни-
верситетининг журна-
листика факультетини
тамомлаган. Фило-
логия фанлари номзо-
ди. 200 га яқин илмий
мақолалар муаллифи.
“Туркий эпос ва тар-
жима” номли илмий
рисоласи чоп этилган.
Чеховнинг туркум
ҳикояларини ўзбек
тилига таржима
қилган.

ПАРИЛАР ВА ҚАРОҚЧИЛАР

Улуғбек Ҳамдамнинг “Шарқ юлдузи” журнали чоп этган “Муаллиф ўлимига сиз ҳам овоз берасизми? (ёки асл ижод соғинчи)” сарлавҳали мақоласини (2014, № 1) ўқир эканман, бу масалада ўзим гувоҳ бўлган бир талай лавҳалар кўз олдимга келди.

Бошланғич мактабни аълога битириб, бешинчи синфга ўтганда кўққис математика деган балого дуч келдим-ку! Қанақадир формулалар, теоремалар, тенгламалар, номаълум сон деган жумбоқлар, хуллас, ғирт муаммо экан. Икки ой ўтиб-ўтмай, ўртача, ўртадан ҳам пастроқ ўзлаштирувчига айландим-қолдим. Амалдан тушган мингбошининг, давлатини бой берган қиморбознинг кайфияти қандай бўлса, орқа партага ўтган собиқ аълочининг ҳоли ҳам шунақа бўларкан, бўйни қисилиб қолар экан.

Илгари кимдир минг хижолат билан алланимани мендан кўчириб олишга сўраса, минг қўйли бойга ўхшаб юқоридан назар ташлар, ундайларни кўргани кўзим йўқ эди. Энди эса... хижолатдан ер ёрилсаю кириб кетгудай алфозда бўлсам ҳам, пешқадам Саъдулланнинг баъзан хушлаб, баъзан хушламайгина кўчиртиришга бериб туришини зориқиб кутардим, чунки Мамадалиев домланинг нигоҳига дош бериш, хайфсиниб айтган гапларига чидаш ўлимдан ҳам оғир бўларди. Биноийдай кўчирмакаш бўлдим-қолдим.

Энди ўйласам, ожиз одам кучлига эргашар экан, унга таасиб қилар, идеаллаштираар, ундан... кўчиришни ҳам мартаба ўрнида кўрар экан.

Орадан ўттиз йилча вақт ўтиб бир куни яна эски, “саодатли” ҳолимга қайтгандай бўлдим: кимдир мендан яна кўчира бошлагани устидан чиқдим. Гап шундаки, бир номзодлик диссертациясини муҳокама қилиш керак экан, сизнинг соҳангиз экан деб, бир нусхасини менга ўқишга бердилар. Қарасам, хоҳ ишонинг-хоҳ ишонманг, ўзимнинг диссертациям! Тадқиқотчи бўлак, мавзунинг сарлавҳаси ҳам янги, материали, келтирилган мисоллари бошқа, аммо қолган бари – каминанинг йиллаб кутубхоналарда ўтириб, юзлаб китоб титкилаб, мушоҳада қилиб келган хулосаларим, топган илмий-назарий фикрларим, бирон ҳарфи ҳам ўзгармаган ҳолда, бу диссертацияга кўчиб ўтибди-қолибди! Муҳокама чоғи бу масалани кўтарганимда, ҳамма онг-тонг қолиб, тадқиқотчи йигитга қаради. У эса ўз навбатида бизларга ҳайрон бўлиб қаради-да, савол ташлади: “Нима, кўчириш мумкин эмасми?”

Ҳамма қаҳ-қаҳ урди. Аммо ишнинг охири “қулган бошқалардир, йиғлаган менман”, қабилида бўлди – йигит “илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб”, фан номзоди деган илмий даражага эришди.

Бунга... мен, менинг ўзим ёрдам бердим, муҳокама учун тўпланган олимлар ҳайъатининг “келинг энди, сиздан нима кетди, шу бола олим бўлса бўла қолсин”, деган ўтинчига қарши тура олмадим, чунки мен ҳам йиғилишнинг бошқа иштирокчилари каби, хайрихоҳ касман, “бировнинг йўлини тўсаяпти, бу ил-

гаритдан шунақа ўзи”, деган иғволардан ҳадиксирайдиган, мен ҳақимда шунақа фикр пайдо бўлиб шаклланишидан кўрқадиган одамман. Қанийди, ҳамма мени яхши одам деб билса, деб тураман. Шу боис, пировардида, мен унга илмий-назарий фикрларимни шаклан бироз ўзгартириб кўчиришга изн бердим, сал таҳрир қилиб тузатдим, ўзим оппонент бўлдим, бунинг ҳаммаси андишалелик, мулоҳазакорлик туфайли бўлди.

Савоб ишнинг таги тешик, эмиш. Уни ҳам қадрига етадиган, инсофлироқ одамга қилиш керак экан. Қаранги, орадан уч-тўрт йил ўтиб, бояги “диссертант” яна пайдо бўлди. Жуда пўрим. Аввалига ким экан, дебман. Ўзини бошқатдан таништириб, муддаосини баён қилди:

– Домла, сиз мени одам қилдингиз, отамдай бўлиб қолгансиз. Энди... илмий ишни давом эттириб, докторлик диссертацияси ёзаётувдим, яна тепасида турсангиз, деб келувдим.

– Энди бунинг иложи йўқ, – дедим бир амаллаб қутилиш учун. – Мен, бор-йўғи, фан номзодиман, докторлик ишига эса фан доктори илмий маслаҳатчи бўлиши мумкин. Шундай қилинг, албатта бирон докторга учранг.

Пўрим йигит буни эшитгач, бўшашиди, хайрлашиб, ташқари чиқди. Ўшандан бери “ўғлимдай бўлиб қолган” бу нухани кўрганим йўқ.

У-ку, ёклади-кетди, аммо яна шундай тоифалар ҳам борки, улар учун бунақа кўчирмакашлик янги “парвоз”лар учун кўналға вазифасини ҳам ўтайди. Йўғ-е, деяётгандирсиз. Беш-олти йил муқаддам яқин оғайним ўртага тушди: “бир одамнинг докторлик диссертациясини таҳрир қилиш керак экан, қўлингиз бўш бўлса қарашиб юборсангиз, ҳаққини тўлайди”, деб қолди. Йўқ, дея олмадим, чунки нафақат кўлим бўш, чўнтагим ҳам бўшроқ эди. Ўзи, бизнинг илмий соҳа одамларига дуо кетган, доим чойчақага муҳтожмиз. Шунинг учун, “майли”, дедим. Аммо таҳрир – энг қора меҳнат, таҳрир қилувчи эса баайни кўрак чувийдиган машина, бу ёқдан қоп-қора ахлатни ташласангиз, хас-чўпларини олиб ташлаб, нариги оғздан оппоқ пахта чиқариб бераверади. Бир маҳал қарасам, “диссертация”нинг бир жойидаги фикрлар нариги жойидаги гапларга зид келиб турибди, муаллиф нима деяётганини ўзи ҳам билмайдиганга ўхшади. Имловий ва услубий таҳрирни тўхтатиб, ишни эгасига олиб бордим, “ука, бу гапларнинг қайси бири тўғри, ахир, бу боб унисини инкор қилади-ку?” дея бирма-бир кўрсатдим. Йигит мен чизиб кўрсатган саҳифаларга қаради, ўйга толди, пешанасини уқалаб ўтирди-ўтирди-да, “Бўпти, буни қолдириб кетинг, – деди. – Ёзиб берган одам буёғини ҳам тўғрилаб беради, кейин сизга йигитлар орқали етказдираман...”

Орадан кўп ўтмай, бояги йигит фан доктори бўлди, сўнг каттариб ҳам кетди, ҳозир бир идорани гуллабди юрибди. Қандини уряпти азамат...

Туриб-туриб ўйлаб қоламан: ҳозир кўчирмакашлик айб бўлмай қолипти, айб деганлар эса бошқаларга ўтмиш замонлардан қолган қоқоқ фикрли одам бўлиб кўринса ҳам керак. Нимага десангиз, бутун бошли мамлакатлар бор – чет элда қандай янги нарса ишлаб чиқарилар экан, деб пойлаб туради, ҳар бир технологиядан нусха олади-да, бир зумда ҳаш-паш дегунча унинг миллионлаб копиясини чиқариб ташлайди, сотиб, бояги асл ишлаб чиқарувчини чангида қолдиради, ажабки, бундан ўзи орланмайди, бояги асл эгаси эса зорланмайди – ўрганиб ҳам кетдик, ахир. Кўчирмакашлик, бошқа бирон-бир янгилик эмас, айнан кўчирмакашлик бойиш воситасига айланди.

Бир пайтлар Алишер Навоий ҳам нусха кўчирувчилардан хўп озор чеккан: унинг ҳар бири бир малак, ҳур қиздай бўлган ғазалларини олиб, нусхакаш шоирлар бу пари қизларнинг либосу тақинчоқларини юлиб-узиб, ҳуснини бузиб, янги “ғазал” тўқишган ва кейин уни яна Навоийнинг ўзига тақдим этишган, илтифот қилармикинлар деб. Озурда бўлган шоир ёзади:

Лафз либосин тикибон ранг-ранг,
Киймак учун ул санами шўху шанг,

Зоҳир этиб йиғлагудек ҳол анга,
Кийдурубон эски қора шол анга,

Кийдурибон ҳуллаи мавзун анга,
Зевар этиб юз дури макнун анга,

Турфа буким, “шеър” кўйиб отини,
Еткурубон кўкка мубоҳотини,

Қилсам этиб боштин-оёқ жон ани,
Ҳажлаи ноз ичра хиромон ани,

Турфароқ улким, тануримни билиб,
Ҳақдин уялмай, манга зоҳир қилиб,

Чун анга бу хайли жафогар етиб,
Хуллаларин ғорату торож этиб,

Ваҳки, манга жилвагар айлар чоғи,
Истабон эҳсон дағи, таҳсин доғи,

Ҳисмида не ҳулла кўйиб, не ҳарир,
Ўзини бедод ила айлаб асир,

Кўнглума кўп тиғи жафо урдилар,
Дема кўнгул, жонима еткурдилар...

Аммо Навоий яна минг хижолат билан узрлар ҳам айтади:

Бир неча тандинки, шикоят дедим,
Англамайин ҳарза ҳикоят дедим,

Ўзда йўқ эрдим бу сўз айтур замон,
Борча алар яхши эрур, мен ёмон.

Барчасининг нуктаси рангин эрур,
Назмлари дилкашу ширин эрур.

Тебра Навоий-ю наво, демагил,
Ҳар не эмас бўлса раво, демагил.

Навоийки плагиатлар ҳақида бу сўзларни айтса, бошқалар не десун?

Бу борада мен мақола муаллифи У.Ҳамдамнинг мана бу фикрига тўла қўшиламан: “кўчирмакашликни кечириб бўлмайди. Бунда билиб туриб бошқанинг маънавий хазинасига қўл чўзилади, “маънавий ўғирлик” деб аталган оғир жиноят содир этилади. Ҳар қандай жамиятда, айниқса, бугун, кўчирмакашликнинг қонун орқали маъмурий жазоланишини кучайтирмоқ керак бўлади. Кўчирмакашликнинг ҳам хили урчиб, турфаланиб кетган”.

Рост, буни қаранги, адабиётдаги кўчирмакашлик ҳатто бадиий таржима соҳасида ҳам пайдо бўляпти. Бундан икки йилча аввал америкалик Ог Мандино деган бир муаллифнинг “Яхши яшаш сири” деган асари икки мутаржим – Б.Комилов ва О.Мўминов томонидан ўзбек тилига ўғирилди. Китоб чоп этилгач, орадан бирон ойча вақт ўтиб ўша асарни яна бир таржимон бошқа бир нашриёт орқали бостириб чиқарди. Мундай олиб қарасангиз, ҳозир – яхши ахборот талаш бир даврда бир асар икки бора ўғирилиб, икки нашриёт томонидан ёруқча чиқарилган экан, бу дуруст бир ҳолдай. Аммо бердиси-ни эшитинг: кейинги таржима аввалгисининг сўзма-сўз кўчирмаси экан. Шунақа тоифа “таржимон”лар ҳам пайдо бўпти-да. Кейинги шоввоз мутаржим бошқаларнинг кўзини шамғалат қилиш учун деярли ҳар бир абзац бошланишида бир-икки сўзни ўзгартиради – ё синонимларини қўллайди, ё қисқартиради, ё ўзидан “шуниси ҳам борки” дегандай биров-ярим кириш сўзларни қўшиб юборади. Бунақа ўғирликни фош этиш ҳам осон бўлмас экан. “Йўқ, мен бунинг ўзим шундай ўғирманман, жумлалар тасодифан бир хил чиқиб қолган бўлса, бу табиий – аслиятдаги маъно шу сўзлар билан таржима қилинади-да ўзи”, деб даъво қилса, қаёққа борасиз?

Хайриятки, бунинг ҳам тадбири топилди – мен дастлабки таржимонлар янглиш ўғирган бир жойни аниқладим (хато кимда бўлмайди, ахир?), қаранги, кейинги уддабурро ана шу хатони ҳам... бехато кўчириб олган бўлиб чиқди! Шундан кейингина чаккининг даққиси ҳам бўлишига шўрлик “мутаржим”нинг ўзи иқрор бўлди. Бунақа ишлар адабиёт-ни бойитмайди.

Ажаб, ўғри дегани элдан ҳаё қилар, ҳукуматдан қўрқар – ўмарганини беркитарди. Адабий ўғри эса бировдан ўғирлаб олган нарсасини ўзи ошкор қилар экан, “муни мен ёзганман”, деб қарилларкан. Демак, адабий ўғирлик – ўғирликларнинг энг расвоси, энг шармандаси. Афсус, ҳозир кўчирмакашлар, нусха олувчиларнинг даври келди. Аксар талабалар курс иши, диплом иши деган нарсаларни интернетдан алланималарни кўчириб бериш, деб тушунади. Мен ҳатто, бир талаба йигитнинг ўзи-ўзидан кўчирганига ҳам гувоҳ бўлганман. Қанақа қилиб денг? Диплом иши ёзган азамат қараса, ҳажми оз, бор-йўғи, ўттиз бетлар атрофида бўлиб қолибди. Бу билан ёқлаб бўлмас. Нима қилиш керак? Йўли топилди: ишнинг кириш қисмидаги бирон тўрт бетни нусха олиб, хулоса қисми ўртасига, иккинчи бобнинг ўртасидаги етти бетни копия қилиб олиб, биринчи боб аввалига... хуллас, ўзидан ўзи кўчирма-кўчир, эллик икки бетлик “диплом иши”ни тайёр қилди!

Кўчирмакашлик катта кўлам касб этиб, катта ижтимоий ҳодисага айланди. Аммо у, ҳеч қачон, Алишер Навоий айтганидек, “эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас” бир нарсадир. Шу сабабли, ҳамма замонда оғзига маҳкамлар қадрланган, чунки оғзи бўш одам... оғзидаги ошини олдирди-да. Чунончи, бир одам билан фольклор хусусида гаплашиб ўтириб, “Эртақ – эрмак эмас”, деган бир мақола ёзганман, ичида фалон гапларни айтмоқчиман, дебман, денг, икки ҳафта ўтиб, ўша сарлавҳаю ўша гапларни мўътабар газеталардан бирида кўрдим. Ўша, мен билан дилкаш суҳбат қурган домла ёзган экан. Айтишларича, тухумига биров тикилганини сезган каклик уни ташлаб кетаркан, очиб чиқмас экан. Менинг ҳам қанча мақолаларим палағда тухум ҳолида қолиб кетган, афсус.

Яқинда англиялик муҳандислар бир кашфиёт қилишибди: асар ё мақоладан бирон парчани компьютерга киритиб, интернетга улансангиз, шу парча бундан аввал қайси асар матнида мавжуд бўлганини кўрсатиб берар экан. Бу дастур жорий қилинганча яна қанча асарлар хомталаш бўларкин?

Бир маҳаллар антик дунёда бадиий ижод билан шуғулланувчилар аэдлар ва рапсодлар деб аталган икки тоифага ажратилган. Аэдлар улкан эпосларни ижод қилишган бўлса, яхшигина қобилиятли, аммо аэд даражасига ета олмаганлар рапсодлар деб аталган ва улар асосан қисқа ҳажмли қўшиқлар соҳасига ихтисослашишган. Рапсодлар аэдлардан

қолган қўшиқларни такрор-такрор куйлаб одамларга завқ улашишган, шу қўшиқларнинг кейинги даврларга етиб келишига бебаҳо ҳисса қўшишган ҳам. Шу маънода, фольклор ижодчилигига қайриладиган бўлсак, дoston ва термаларни айтувчи бахшиларнинг ҳар бирида маълум даражада аздлик, маълум даражада рапсодлик истеъдоди бор бўлган, ижро жараёнида ижод моментлари ҳам оздир-кўпдир учраган. Шу боис, айна жараёнда асл муаллифни қидириб топиш мушкул бўлганидай, “кўчирмакаш”ни тутиш ҳам амри маҳол. Демак, бу жараёни “халқ ижоди” дейиш, кенг маънода, тўғри, деб ўйлаймиз.

Не тонки, йиллар, ўн йилликлар ўтгани сари бизнинг шу мўъжазгина миллий адабиётимизда ҳам аэдлар бирин-кетин дунёни тарк этиб, кунимиз рапсодларга қолаётгандай. Мавзулар майда, туйғулар майда, қайсиям бир китобда ёзилганидай, энди гилар “юлдузларнинг ушоғини чўқилашяпти”.

У.Ҳамдамнинг мақоласида кўчирмачилик ва унга ёндош ҳодисалар алоҳида илм объекти сифатида тафриқ қилинган: турлари, хиллари, тоифалари саналган, уларнинг келиб чиқиш сабаблари тадқиқ этилган, буларга мисоллар келтирилган. Дарҳақиқат, тузукроқ назар солсак, ҳақиқий оригинал асар ниҳоятда сийрак учрайдиган бир ҳодиса эканига, кўп ижод намуналари ана ўша асарлар таъсирида бунёд этилишига иқрор бўламиз.

Аслида, ҳеч бир яхши бир асар йўқ жойдан бино бўлмайди, зимнига қарасак, аллақайси асарнинг асарини сезиш мумкин ундан. Чунки адабий таъсирсиз, адабиёт тараққий этмайди. Бу ўринда акад. В.М.Жирмунскийнинг “бир адиб ижодининг иккинчи бир адиб ижодига бевосита таъсири. Ҳақиқий маънодаги адабий таъсир мана шудир”¹ деган қайдини келтириб ўтиш жоиз. Мана шу бевосита таъсирлини адабий алоқанинг биринчи ва энг муҳим кўринишидир. Унинг ўзи ҳам юзага келиш омилларига кўра турлича (ўқиб баҳра олиш, дунёқараш яқинлиги, ижодини ўрганиш, таржима қилиш, рухий-эстетик яқинлашиш ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

Дунё адабий тараққиётида бошқа халқ шоири ёки ёзувчиси ижодида мавжуд мотивлар ва ҳатто сюжетлардан фойдаланиб оригинал асарлар ёзиш ҳодисаси кўп учрайди.

Масалан, Чўлпон Пушкиннинг “Борис Годунов” трагедиясини, “Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида” эртагини, “Дубровский” қиссаси ва кўплаб шеърларини таржима қилган. Бунинг учун у Пушкин асарлари ва улар ҳақидаги илмий манбаларни синчиклаб ўрганган ҳам. Бинобарин, унинг Пушкин ижодидан муайян даражада таъсирланган бўлиши – табиий. Биз бу ўринда “Гўзал” шеърининг дунёга келиш омиллари ва унга А.С.Пушкиннинг таъсири борасида, шу орқали адабий таъсир ҳамда оригиналлик масаласи ҳақида бирикки сўз юритмоқчимиз.

Чўлпоннинг “Гўзал” шеъри, шубҳасиз, унинг кўнгилга энг яқин, ҳиссиётга тўлиқ шеърларидан биридир. Лирик қаҳрамон суйганини топа олмай, қоронғу кечадаги энг ёруғ юлдуздан (биринчи бандда), тўлин ойдан (иккинчи бандда), эрта тонгда сарсари эсган еллардан (учинчи бандда), кенг оламни нурафшон қилиб осмонда порлаган қуёшдан (тўртинчи бандда) ёрини бирма-бир сўроқлайди. Уларнинг ҳеч қайсиси шўрлик ошиққа дилдорини топиб беролмай, хижолат бўлганидан уялиб қочмоққа тиришарканлар, бир нарсани яқдил таъкидлайдилар: суюкли ёр чарақлаган юлдуздан ҳам, моҳи анвардан ҳам, мунаввар хуршиддан ҳам гўзал... Шеър шундай якунланади:

Мен йўқсул на бўлиб уни суйибман? Унинг-чун ёнибман, ёниб куйибман. Бошимни зўр ишка бериб куйибман.	Мен суйиб, Мен суйиб... кимни суйибман? Мен суйган суйгили шунчалар гўзал, Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!
--	--

Биз бу ўринда айна шеърнинг композицияси, яна аниқроғи, унинг “сюжет йўналиши” ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Эътибор қилсак, шоир биринчи бандда ёрини юлдуздан, иккинчи бандда ойдан, кейингисиде шамолдан ва ниҳоят, қуёшдан бирма-бир сўроқлаб чиқади. Бу беихтиёр А.С.Пушкиннинг “Улик бекач ва етти баҳодир ҳақида” шеърий эртагидаги шунга ўхшаш воқеани киши ёдига туширади.

Ёдингизда бўлса, Пушкин бу шеърий эртақда навниҳол Маликанинг Шум кампир ҳада қилган заҳарли олмани еб вафот қилиши, етти оға-ини баҳодирлар уни ерга қўйишга кўнгиллари бўлмай, шиша тобутга солиб, ғордаги салқин бир ғор ичига қўйганларини тасвирлайди. Унинг унашилган ёри бўлмиш Шаҳзода Маликанинг йўқолганини эшитиб, ҳар ёқдан ахтаради. Топа олмайди, сўроқлаган одамларининг бирови унга ачиниш, бирови эса кулиб қарайди. Ёри қўйида девона бўлган Шаҳзода Маликани кўрганмикин дея, аввал қуёшдан, кейин ойдан, шамолдан ҳам сўраб чиқади. Шамол йигитга тоғдаги салқин бир ғор ичиде Малика мангу уйқуда ётганини айтади. Шаҳзода ғорни топади...

Дарвоқе, бу эртақда рамзий маънолар йўқ ва унда лирик шеърга хос ҳиссиётлар-

¹ Жирмунский. В.М. Байрон и Пушкин. – Л.: 1974.

залари ҳам камроқ, у назмда чиройли ифода қилинган бир эртақ, холос. Бироқ бу эртақда ҳам бояги этюдлар бор – Маликани излаб юрган Шаҳзода ҳеч кимдан тайинли жавоб ололмагач, қуёшдан сўраб ёлворади, қуёш эса уни учратмаганини айтиб, ойдан сўрашни маслаҳат беради. Қоп-қоронғу тунда (эътибор беринг: Чўлпонда “Қоронғу кечанда...” ошиқ ёрени ойдан сўроқлайди. Ой ҳам полу маълум бўлиб, уни шамолдан(!) сўраш кераклигини айтади. Пировардида, ошиқ йигит қудратли шамолга хитоб қилиб, ёрени дараклайди. Шамол унга суюклиси тоғдаги бир ғорда, тобутда ётганини (яна эътибор беринг: Чўлпонда “Тоғу тошлар ичра...”) айтади.

Аслида, бу мотив ўзбек адабиётида ҳам кўпдан кўлланади. Навоийнинг Фарҳоди Ширинни сўраб аввал фалакка, оқшом тушгач, ойга, Аторуд ва Зухро юлдузларига, шу тариқа етти қават осмоннинг соҳиби буржлари – Муштарий, Зуҳалларга... хитоб қилади, саккизинчи ва тўққизинчи кўкдаги собит ёритқичларга ҳам бирма-бир ёлворади.

Шунга қарамай, бизнингча, шеърятимиз чўлпонининг бу асари дунёга келишига Пушкиннинг мазкур “Ўлик бекач ва етти баҳодир ҳақида” эртаги сабаб бўлган. Қуйида шу нуқтаи назар фойдасига бир неча далил келтирамыз.

1. Пушкиннинг мазкур шеъринг эртагидан бошқа (бизга маълум бўлган) ҳамма манбаларда ошиқ йигит ойга, қуёшга, юлдузлар ва ҳоказоларга хитоб қилади, аммо улар – сукутда. Уларнинг жонлантирилиши, ошиққа жавоб бериши фақат Пушкинда бор, Чўлпонда бор.

2. Бошқа манбаларда шамол образи мавжуд эмас. У фақат Пушкин ва Чўлпонда учрайди, шу икки муаллифнинг асаридагина ошиқнинг шамол билан мулоқотига алоҳида бир банддан ўрин ажратилган.

3. Фақат Пушкин билан Чўлпонда мазкур образлар (юлдузлар, ой, қуёш ва шамол) миқдори тўрттадан.

4. Фақат Пушкин билан Чўлпон асарларидагина ошиқ йигит хитоб қилган *объектлар* (Ой, юлдуз ва ҳ.к.) ёрининг дарагини айта олмагач, хижолат бўлиб, уни бошқасига йўллайдилар. Бошқа манбаларда эса улар бефарқ.

5. Ҳар икки асарда шамол образи айнан ғор тасвири билан тўлатилган (Пушкинда шамол Маликани тоғдаги бир ғорда тобутда эканини билдирса, Чўлпонда шамол суюкли ёрни “тоғу тошлар ичра истаб” юришини, кўра олмаётганини айтади).

6. Пушкиннинг бу асарида қўлланган бир чизги – “ер юлдузи” ибораси Чўлпоннинг “Гўзал”дан кейин ижод қилган бошқа асарларига ҳам кўчиб ўтган (“Кўнглимга яқин юлдуз эмас, бошқа эмас, йўқ, Ер юлдузи дейман...” ва ҳ.к.). Бу ҳам Чўлпоннинг мазкур шеъринг эртақдан кучли таъсирланганига далил (Проф. Н. Комиловнинг айтишича, Ғафур Ғулом шеърларида учрайдиган “Хонаи хуршид”, (қуёш уйи) яъни “дунё” деган мажозий образ, аслида, Бедилники бўлиб, шоиримиз ашаддий бедилхон бўлгандан бу образ унинг шеърларига ҳам кириб келган экан).

7. Бу мотив кейинчалик Чўлпонинг бошқа асарларида ҳам тажассум топди. Унинг “Юпанмоқ истаги” шеърисида шундай мисралар бор:

Ёки ойдин тунда кўзимни олмай

Кўклардан юпатқич юлдуз ахтарай?

Ёки тонг чоғида сабо юпатқай?

Ёки ойдан томган вафосиз нурлар?

Ошиқ йигитнинг ёр хажридаги изтироблари беҳад ортиб, уни қуёшдан, ойдан, юлдузлар ва шамолдан сўроқлаши мотивида Пушкиндан ибрат олиб, Чўлпон мазкур бебаҳо ва мутлақо оригинал шеърини яратган.

...Йигирманчи асрнинг биринчи чораги – ўзбек адибларининг рус адабиётидан ошиғич ўрганиш даври, ундан янги мавзулар, талқинлар, метод ва жанрларни ижодий қабул қилиш йиллари эди. Бу жараёнда ўзбек адиблари, аввало, Пушкин ижодига мурожаат қилганликлари, табиий. Чунки Пушкин ижоди янги, реалистик ижод йўлига ўтган ўзбек адабиёти учун дастлабки ибрат мактаби эди. Ўша йилларда яшаб, қизгин ижод қилган қарийб барча ўзбек адибларининг қалами Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, Пушкиндан ўрганиш орқали қайралган. Бу ижодий изланиш Чўлпоннинг оригинал ижодиётига таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Назарий жиҳатдан олганда эса, бир адиб бошқа адибдан ўрганиши ва ижодий таъсирланиши учун у ўз салафининг асарларини таржима қилиши ёки улар юзасидан тадқиқот ўтказишини шарт қилиб қўйиб бўлмади.

Масалан, Абдулла Қодирийнинг Пушкиндан бирон нарса таржима қилганлиги маълум эмас. Бу улғу носирнинг ўзи ҳам ижодига бевосита таъсир ўтказган, йирик романлар ёзишга илҳомлантирган адиб сифатида араб ёзувчиси Жўржи Зайдонни тилга олади. Шунга қарамасдан, унинг оламга машҳур асари, тўнғич ўзбек романи “Ўтган кунлар” ўз сюжет йўналиши, композицияси, образлар галереяси ва уларнинг талқини, тугуни, ечими каби асар “иморат”ини барпо этадиган барча асосий жиҳатларига кўра, Пушкиннинг

“Капитан қизи” билан деярли бир ўзанда. Икки ёш, олижаноб йигит, ота-онасининг ёлғиз фарзанди (Пётр Гринёв-Отабек) кекса ёшдаги содиқ хизматкори (Савелич-Ҳасанали) билан сафарга чиқиб, ота-онасида беҳабар ҳолда, қўним топган жойларидаги бир баобрў хонадоннинг латофатли ёлғиз қизи (Маша-Кумуш)га уйланади. Аммо у қизга кўз олайтириб юрган бадхоҳ кимса (Швабрин-Ҳомид) бор эди. Ҳар икки асарда воқеалар шу жойга келганида мамлакатда Пугачёв-Азизбек томонидан исён бошланади. Ниятига етолмай қолган бадхоҳ Швабрин-Ҳомид олийжаноб йигитдан ўч олиш учун унга тухмат қилиб, икки бора йигитни дор остига олиб боришга муваффақ бўлади. Ҳар икки сафар олийжаноб йигит бир хил восита – мактуб орқали оқланади, бу мактуб дорга осиб ҳукми олдидан айнан латофатли қиз (йигитнинг ёри) томонидан ҳукм қилувчи кишига элтиб берилади ва йигит омон қолади... Биз тафсилотлар рўйхатини шу жойда кесамиз, зеро айтилганларининг ўзи ҳам В.М.Жирмунский айтган бир адиб ижодининг иккинчи бир адиб ижодига бевосита таъсири мавжудлигини даллиллаш учун кифоя қилса керак. Аммо сюжет йўналишидаги бу айрим муштаракликлар “Ўтган кунлар”нинг оригиналлигига асло соя ташламайди, нимагаки, уёғини сўрасангиз, ботир йигитнинг содиқ хизматкор билан сафарга чиқиши ва саргузаштлари сюжетидаги умумийлик, масалан, Сервантеснинг “Дон Кихот” романида ҳам, яна бошқа ўнлаб асарларда ҳам мавжуд. Бинобарин, бундай ҳоллар адабий таъсир дегани ниҳоятда мураккаб, системага солиш амри маҳол бир жараён эканлигини кўрсатади.

...Асл муаллифнинг умри боқий, у ҳеч қачон ўлмайди. У яратган дунёга идрок ила назар солиб, бошқалар илғамаган гўзалликларни топа олиш ва бу ҳисни бошқаларга гўзал бадий ифодалаган ҳолда етказиш ҳам, муаллифлик саналади. Ана ўшандай ижод намуналарининг таъсирида, янги асарлар бунёд этилиши ҳам мумкин, аммо энди мана шу шўрваннинг шўрвасида қандай мазаю тот бўлади, ҳамма гап шунда.





Умарали НОРМАТОВ

1931 йилда тугилган.

Ўзбекистон

Республикаси

Фан арбоби.

Тошкент Давлат

университетининг

филология

факультетида

таълим олган.

Олимнинг беш юздан

ортиқ мақолалари,

эликдан ортиқ

адабий-танқидий

асарлари, дарслик,

ўқув қўлланмалари чоп

этилган. Жумладан,

“Насримиз уфқлари”,

“Етуклик”, “Қалб

инқилоби”, “Қодирий

боғи”, “Ўткан кунлар”

хайрати” китоблари

замонавий ўзбек

адабиётшунослигининг

ютугидир.

ТИЛ ИЛМИНИНГ ШОИРИ

(Тилшунос олим, мураббий Айюб Фуломов таваллудининг
100 йиллигига)

Миллий университет филология факультетида хизмат қилган мен тенги домлалар бу табарруқ зотга – замонавий ўзбек тилшунослиги илмий мактабига асос солган алломага эркалик қилиб “Айюб ака” деб мурожаат этардик. Талабалик йилларимни ҳам қўшганда Айюб ака билан 35 йиллик умримиз шу даргоҳда ўтди. Соҳамиз бошқа – у киши тилшунос, мен эса адабиётшунос, у киши ўзбек тилшунослиги кафедраси мудир, камина эса ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси домласи, сўнг мудир бўлсам-да, у билан деярли ҳар куни учрашиб турардим. Турли йиғин, кенгашларда, қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтадиган анжуманларда бирга иштирок этар, кўпинча ёнма-ён ўтирардик. Ўтган аср 60-70-йиллари университет домлалари учун ажратилган янги маҳаллада ҳовли-жой қуриб бирга ҳаммаҳалла бўлиб яшаш насиб этди. Домланинг умр йўлдоши Саидахон билан менинг рафиқам бир мактабда муаллималик қилдилар, ўғлим Бобуржон билан Айюб ака ва Саидахонларнинг суюкли фарзанди Равшанжон бир мактабда ўқиб, болалиқдан оғанини дўст тутинган эдилар, бу дўстлик ришталари ҳозирга қадар давом этади...

Ниҳоятда кўркем, адлқомат, озода, саранжом-саришта, чехрасидан нур ёғилиб турадиган бардам-соғлом бу зот юз йил яшаса керак, деб юрардим. Ундай бўлмади. Бутун умри, илмий-педагогик фаолияти мустабид тузум босими, талотумлари, мафкуравий-сиёсий тазйиқи остида кечган бу беназир олим асл маслаги, орзу-интилишлари, дарду аламлари, ҳасратларини ичига ютиб-ютиб, ҳатто энг яқинларига ҳам уларни ошқор этмай, этолмай 70 ёшга етмай бирдан чўкиб қолди, оғир юрак хасталигига учради, 72 ёшида оламдан ўтди. Домламит орамитдан кетиши биланоқ, университет, маҳалла, тил илми, қолаверса, менинг ҳаётимда тиклаб-тузатиб бўлмас бир кемтиклик, ўпирилиш юз берди.

Миллий тилшунослигимиз сафида бири биридан қолишмайдиган етук алломалар кўп, аммо мен билганлар, яқиндан мулоқотда бўлганлар орасида Айюб ака биттагина, у беназир, бетақдор, унга яқин келадиган бошқа ҳамсуҳбат тилшунос олимни, мураббийни кўрмадим, топмадим.

Домланинг аудиторияда, минбарда ўзини тутиши, чаққон хатти-ҳаракатлари, дарс ўтиш, маъруза ўқиш, сўзлаш тарзи, дарслик, ўқув қўлланма, илмий асарларининг бетақдор ифода тарзи ҳаммани бирдек мафтун этар, у кишини шахсан танимаган, кўрмаган, унинг нутқини, маърузаларини тингламаганлар илмий асарлари, ўқув дарслик қўлланмаларини бир қайта ўқиб кўрсинлар-а, уларда бу зотнинг шахсияти, сўзлаш тарзи, оҳангини баралла тасаввур этишлари мумкин.

Олимнинг бундан 60 йил муқаддам 1954 йили чоп этилган “Феъл” рисоласидан мана бу парчани ўқиб кўринг-а. (У бизга маъруза ўқигани илк бор кирганида, шу ҳаво ранг муқовали китобча қўлида борлиги ёдимда, лекин у маъруза чоғи бирор марта ҳам китоб саҳифаларига қараган эмас). Рисола дабдурустдан мана бундай бошланади:

“Феъл ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи сўз туркумидир. Феъллардаги бу лексик хусусият уларнинг икки тўдага ажралишига асос бўлади: ҳаракат феъллари ва ҳолат феъллари. Феълдан англашиладиган бу ҳаракат ва ҳолат одатда шахс ё предмет билан боғланган бўлади” (3-бет).

Ҳеч қанақа “кириш”сиз феълга берилган лўнда таъриф, барчага бирдек тушунарли, ҳаракатдаги жумлалар...

Китобнинг охиригидан яна бир мисол:

“Туш феъли: одатда равишдошнинг иккинчи тури билан бирикади... Маъноси: ҳаракатнинг жўналиш йўли; тугаллик, маънонинг кучайиши: *қарол боланинг эни тутдай тўкилди, енглари узилиб тушди, қорни тўймагани устига кийимнинг дарди бўлиб, бола бечора гулдай сўлиб тушди* (фольклордан).

Чиқ феъли: бу ҳам равишдошнинг иккинчи тури билан бирикади. Маъноси: ишнинг бажарилиши, узоқ давом этганлиги: *романни ўқиб чиқди, расмларни кўриб чиқди, бола қасалланди, бу кеча йиғлаб чиқди. Бу аппаратни ким ўйлаб чиқарган?*” (81-бет).

88 саҳифалик рисола бошдан-охиригача айна шу тарзда, шу оҳангда, шу усулда битилган... Шу сатрларни бугун қайта мурола қилаётган чоғимда домламининг олтимиш йил бурун университет аудиториясида феъл туркуми мавзусида ўқиган ғоят мароқли маърузасидаги ҳолати, хатти-ҳаракатлари шундоққина кўз олдимда гавдаланди, сўзлаш йўсини, оҳанги баралла эшитилиб турди.

Мен Айюб аканинг сўзлаш, ёзиш тарзи, ифода усулини унга замондош адиблардан Абдулла Қаҳҳор услубига ўхшатаман. Адиб асарларида, хусусан, ҳикояларида ҳар бир сўз ўз жойида, гап тузилиши содда, аниқ, пишиқ-пухта, гапда бирорта ҳам ортиқча унсур ёки кемтик – чала-чулпа ҳолатни тополмайсиз. Жимжимадор, ялтироқ, безақдор жумлаларсиз, ошкора хис-ҳаяжон, оҳ-воҳларсиз ҳам содда, лўнда жумлалар орқали адиб нишонга беҳато урадиган теран маънодор матнлар туза олади, уларда ўқувчи дилини ўзига маҳлиё этадиган сирли-сеҳрли оҳанг баралла янграб, эшитилиб туради. Мен билган тилшунослар орасида фақат Айюб ака илмий асарларидагина шундай шоирона руҳ, жозибатор оҳанг бор!

Айюб ака ниҳоятда интизомли шахс бўлган. Бирор тасодиф бўлиб қолмаса, унинг университетга бориши ва қайтиши вақти аниқ тайин эди. У юрганда қаддини адл тутиб бир маромда одим ташлар, бу маромини асло бузмас, белгиланган маромдан тез ҳам, секин ҳам юрмас эди. Университетга яёв бориш ёки қайтиш муддати ҳеч қачон 20 минутдан ошмас эди. Мен ҳам имкон қадар унинг шу тартиб-режимига қараб иш тутар эдим. Энди эслаб кўрсам, ўша 20 минутлик бориб-келишларимиз ҳеч маҳал беҳуда ўтмаган экан. Ўша чоғлардаги гурунглариимизнинг ҳар бири муайян мавзуга бағишланарди.

Айюб ака ўз соҳаси билан чекланмай, адабиёт, адабиётшунослиқдаги янгилıklarдан мунтазам хабардор бўлиб борар эди. Миллий адабиёт бу ёқда қолиб, рус ва жаҳон адабиётидаги, жумладан, “Литературная газета”, “Новый мир”, “Дружба народов”, “Иностранная литература” саҳифаларидаги янгилıklarни, баҳс-мунозарларни мунтазам кузатиб, ўқиб борарди. Бир гал “Литературная газета” саҳифаларида кетаётган “Лириклар ва физиклар” мавзусидаги баҳс устида сўз очиб, баҳшлашаётган азаматлар Шарқ тарихини, Шарқ адабиёти ва фанини яхши билмайдиди-да. Озод, Матёқуб, Норбой, Сиз шу баҳсларда қатнашиб бизда олимлар шоиру, шоирлар олим бўлганлигини, бу анъана ҳозир ҳам давом этаётганлигини, лоақал, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Фитрат, Ойбек, Шайхзода, Иззат Султонлар мисолида кўрсатсаларинг бўлмайдами, дея таъна қилди. Сўзи тасдиғи учун яна кўплаб мисоллар келтирди.

Домла ўша кезлари фаол ижод этаётган адабиётшунос мунаққидларнинг ақида, савия, даражасини яхши билар, уларга одилона баҳо берарди. Гурунглариимиздан бирида Л.Қаюмовнинг Ҳамза ҳақидаги салмоқдор китоблари ҳақида сўз очиб, унинг ютуқ ва камчиликлари устида батафсил тўхталди. Бугун эслаб кўрсам, ўшанда айтган кўп мулоҳазалари ёдимдан кўтарилибди, аммо бир жумла – мана бу гапи эсимда қолибди: “Лазизхон Ҳамза ҳаёти ва ижодини синчковлик билан икир-чикирларигача теширибди, Ҳамзага дахлдор бўлса, уйи тоқчасида ётган игнани ҳам китобига киритибди”. Топиб айтилган қаҳҳорона лўнда, образли гап, китобга берилган одилона баҳо!

Ўзгаларга, сафдошларига баҳо беришда домла ниҳоятда эҳтиёткор, талабчан бўлган. Озод акага, унинг ўзи айтганидай, сиртдан бефарқроқ қараса-да, аслида, уни ниҳоятда ҳурмат қилар, кадрлар, университет спорт залида волейбол машқларида бир командада бирга мунтазам қатнашар, аммо илмий мунозараларда кўп ҳолларда дилидагини ошкора



айтавермаса-да, ичида унинг ёнини оларди. Бир гал адабиёт газетасида Озод аканинг бир чиқиши муносабати билан кескин руҳдаги танқидий мақола босилди. Йўл-йўлакай, шу ҳақда сўзлашиб бордик. Охирида у “Ҳақ гапни айтишда ёзувчилардан Абдулла Қаҳҳор битта эди. Ҳозир танқидчилар ичида бу борада Озод битта! Озод акангизга айтинг, ўзини эҳтиёт қилсин. Юқоридан шапкасини ол деса, қуйида калласини оладиганлар борлигин унутмасин”, дедилар.

80-йиллар бошларида бўлса керак, университетдан бирга қайтиш чоғи “Ўткан кунлар” романинг тил, имло хусусияти, хусусан, 1926 йилги нашрида сўзлардаги *-ған, -ған, -кан, -лик* каби қўшимчаларнинг *-ған, -ға, -қан, -лиқ* га айлантирилгани, бу ҳол асар мутолаасида бугунги китобхон учун қийинчилик туғдираётгани устида сўз очиб, нега шундай бўлгани сабабини сўрадим. Фақат бу романда эмас, адабининг 20-йиллари матбуотда чиққан бошқа асарларида, публицистик мақолаларида ҳам шундай ҳол кўзга ташланади. Қизиқ, Қодирийнинг 1914-1920 йиллар оралиғида, кейинроқ 30-йилларда битган асарларида бу ҳол камдан-кам учрайди. Афсуски, муайян сабабларга кўра, адиб асарларининг асл кўлёзма нусхалари сақланмаган, аслиятда қандай эканлигини билмаймиз. Эшитишимча, 20-йиллар бошида қабул қилинган имло қоида-сига кўра *-ған, -ға, -кан, -лик* каби қўшимчаларни *-ған, -ға, -қан, -лиқ* шаклида ёзиш назарда тутилган экан. Бу қоида лотин алифбосига ўтилгунга қадар амалда бўлган... Шуниси ҳам борки, ёзувчи ибораси билан айтганда, роман матнида бу қоида бузиб қўядирган ҳолларга ҳар қадамда дуч келамиз: бир саҳифанинг ўзида *-ған, -ға, -кан, -лик* қўшимчалари билан битилган сўзлар ҳам ёндош ҳолда келаверади. Демак, бу борада изчиллик бўлмаган.

Дарҳақиқат, лотин алифбосига ўтилганидан кейин, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, асл ҳолатга *-ған, -ға, -кан, -лик* шакллари қайтилди. Ўша қоида амалда бўлган даврда чиққан асарлардаги ҳолат кейинги нашрларида ўзгартирилди. Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғуллом, Ҳ.Олимжонлар аввалги имло қоидалари бўйича чиққан асарлари матнини кейинги нашрларида янги қоидага мослаштирганлар. Қодирийнинг “Жинлар базми”, айниқса, “Улоқда” ҳикоялари ҳам 1936 йилги нашрида ҳам услуб, ҳам имло жиҳатидан жиддий таҳрир қилинган.

Афсус, адиб “Ўткан кунлар”ни янги шароитда янги имло қоида-сига ўз кўли билан мослаштиришга улгуролмай дунёдан ўтиб кетди. Романининг 1925 йилда чиққан биринчи бўлимига илова қилинган “Узр” сарлавҳали изоҳномасида у афсус-надомат билан асарнинг “имлоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди”, деб ёзади. “Рўманнинг иккинчи бўлимини бундай хатолардан соф бўла олишига ваъда бера олмаслигини” ҳам писанда қилиб ўтади.

Шу ҳақида сўз очганимда Айюб ака: “Дарҳақиқат, 20-йилларда сиз тилга олган Тил ва имло қурултойидан бошлаб то янги лотин ёзувига ўтгунга қадар айни шу тил ва имло масаласи теварагида қизгин баҳс-мунозаралар давом этган, – дея сўзини давом эттирди. – Яна бир неча бор айни шу масалага бағишланган қурултой, муҳокама мажлислари бўлиб ўтди, матбуотда қизгин мунозаралар давом этди. “Чиғатой гурунги” аъзолари бу ҳаракатнинг бошида тургани боис, гарчи гурунг 1922 йили тарқатиб юборилган бўлса-да, улар илгари сурган ғоялар ҳаракатда давом этаверди. Чиғатойчилар она тилимизни араб, форс тиллари таъсиридан ҳалос этишга, айни пайтда, уни бостириб келаятган рус ва бошқа Европа тиллари таҳдидидан асраш, ҳимоя қилиш, умумтурк тиллариға хос қадриятларни тиклаш, турли усутувор шева бойликларини муомалага олиб кириш йўлидан бордилар. Бу борада гоҳо ҳаддидан ошиш ҳоллари ҳам бўлган. Баҳслар чоғи имло бобида бир хулосага келиш қийин кечган. Боя сиз эслатган “Ўткан кунлар” матнидаги “тузатиш” – таҳрирлар ана шундай ўзбошимчалик оқибати экани аён. Ўша йиллари вақтли матбуот, нашриёт таҳририятларида Қодирий айтган “имлочилар” айни шу йўсинда фаолият олиб борганлар.

Бу муаммони шу ҳолда қолдириб бўлмайди. Бу – Қодирийдек сўз санъаткорига, “Ўткан кунлар”дек беназир асарга, қолаверса, жонли адабий тилимизга зуғумдан бошқа нарса эмас. Муҳими, **романинг илмий академик нашрини тайёрлаш**, асар матнини Қодирийга ярашмайдиган шу хил сунъийлик, дағаллик, ҳар хилликлардан ҳалос этиш керак. Зарурат туғилса, бу ишга бош қўшишга мен тайёрман...”

Азизлар, юқорида келтирилган Айюб аканинг сўзлари матнини айнан тиклашга, очиғи, қурбим етмади, фақат нутқ мазмунини бор ҳолича қоғозга туширишга уриндим, ҳолос. Бунинг учун Сизлардан узр сўрайман. Афсус, бу орада Айюб ака бетоб бўлиб қолди, анча вақт даволанди, аввалги ҳолига қайтмади, охири, оламдан ўтди... 90-йилларга келиб шўро замонида жиддий таҳрир, қисқартиришлар билан чиққан “Ўткан кунлар” ўрнига 1926 йилги нашри асл нусха намунаси сифатида қайта чоп этилди, шундан бери у қайта-қайта чоп этилаётир. Адиб ҳаётлигида лотин алифбосида босилган 1933 йилги нашрида бу борада анча-мунча таҳрир, тузатишлар бор эди. Бу нашр негадир ҳозирга қадар эътибордан четда қолиб келаятир...

Кишига таскин берадиган жиҳати шундаки, қодирийшунослик бугун балоғат ёшига кўтарилган, Қодирий армонини, Айюб акадек тил илми шоирининг тақлифларини юзага чиқариш, “Ўткан кунлар”дек ноёб романинг илмий-академик нашрини тайёрлашга қодир зукко адабиётшунос, матншунос, тилшуносларимиз бор, эндиги бутун умидимиз улардан.



Адабиётшунослик

Шоира АХМЕДОВА

ТАҚРИЗНАВИСЛИК РИВОЖИГА БИР НАЗАР

(“ЎзАС” газетасида чоп этилган материаллар мисолида)

Аннотация: Мазкур обзор мақолада мустақиллик даврида ўзбек адабиётшунослигида яратилган тақризларнинг адабий жараёндаги ўрни, ютуқ ва камчиликлари, тақриз ва китобхон муаммоси ҳақида фикр юритилади.

Аннотация: В этой обзорной статье обсуждается рецензии которые созданы в узбекской критике в период независимости, показана их места в литературном процессе, достоинства и недостатки, проблемы «рецензия и читатель».

Annotation: In this article are discussed resensis which formed in usbek criticism in period independence of Usbekistan. Their places are showed in the process of succes and luck of problem, problems of literature “resensis and reader”.

Таянч сўзлар: адабий танқид, тақриз, тақризчи, баҳо, янги асар, тақризнавислик, тезкорлик, адабий жараён, илмий-эстетик таҳлил.

Адабий жараёнда пайдо бўлган янги асарни биринчи бўлиб баҳолайдиган ҳозиржавоб тақриз жанрида илмий-эстетик таҳлил ихчам, сиқик шаклда, оммага тушунарли тарзда ўз ифодасини топади. Шунинг учун тақриз биргина асар таҳлили орқали адабий жараёндаги янги тамойилларни баҳолай оладиган хусусиятга эга. Тақриз муайян асарнинг таҳлили орқали ижодкорнинг ҳаёт ҳақиқатини тўғри ёрита олганлиги, китобхонга бадий асарнинг қандай бўлиши ҳақида тасаввур бера олади.

Бугунги адабий жараёнда ҳам тақризчилик маълум даражада ривожланиб бормоқда. Аммо у қай даражада тараққий этмоқда, бу соҳада қандай ютуқ ва нуқсонларга йўл кўйилмоқда деган саволлар туғилиши, табиий. Шу жиҳатдан, 2006-2009 йиллар оралиғида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида босилган айрим тақризларни кўздан кечирдик. Мустақилликнинг дастлабки даврларида тақризлар кўпинча “Китоббингизни ўқидим”, “Доимий ҳамроҳ”, “Нигоҳ”, “Ваъда” рукнлари, баъзан эса тўғридан тўғри “Тақриз” рукни остида босилар эди. Кейинги йилларни кузатганда, “Нигоҳ” ва “Ваъда” рукнлари кам кўринади. “Доимий ҳамроҳ” рукнида эса тақриздан кўра, янги китоб ҳақида маълумотномалар берилмоқда.

“Китобингизни ўқидим” рукнида босилаётган тақризлар ранг-баранглиги билан эътиборни тартади. “Туйғулар мусаввири” деб номланган тақриз (2008, №41) шоир Турсун Алининг “Ой япроғи” тўпламига бағишланган. У ўқувчи диққатини тартадиган сўзлар билан бошланади: “Сокин куз оқшомида ойнинг кўкдан минг бир ҳаёда анҳорга инганини ва сув бетида ийманибгина юзаганини кўрганмисиз?”. Тақризчи Ш.Субҳон модерн шеърлари билан ўзбек шеърлятида ўз ўрнига эга шоирнинг шеърларидаги ўзига хосликни очиб бера олган, таҳлиллардан ўқувчи қониқади. Шу билан бирга, тўпламнинг камчиликлари ҳам кўрсатилган. Ижодкор кейинги шеърларида бу нуқсонларни такрорламасликка ҳаракат қилади, деб ўйлаймиз. Ҳақиқатан ҳам самимий дил изҳорларидан иборат тақриз ўқувчини “дилкашу дардқаш шоир билан суҳбат”га чорлай олади. Уни ўқиган ўқувчи шоир шеърларига холислик билан берилган баҳодан шундай хулоса чиқаради.

А.Кўчимовнинг “Кўзларимнинг қароғидасан” шеърий тўпламига адабиётшунос Қ.Қаҳрамонов тақриз ёзган (2006, №49). “Сермавж туйғулар” деб аталган тақризда шоир шеърларидан энг саралари таҳлилга тортилган. Шунинг учун шоирнинг бу тўплами ўқувчида қизиқиш уйғота олади, аммо тўпламнинг камчиликлари ҳақида фикр юритилмаган.

Тақризнинг вазифаси, у ёки бу жанрдаги бадий асарнинг таҳлили орқали унинг адабий жараён ва ёзувчи ижодидаги ўрнини аниқлаш, ютуқ ва камчилигини кўрсатиш, фикрини исботлаш ва баҳолашдан иборат. Янги асарни биринчи бўлиб баҳолайдиган тақризда илмий-эстетик таҳлил ихчам, сиқик шаклда, оммага тушунарли тарзда ўз ифодасини топади.

Шунинг учун тақриз айрим танқидчилар айтаётганидек, фақат “кутиб олувчи жанр” эмас. Балки у бир асар таҳлили орқали адабий жараёндаги янги тамойилларни кўрсатадиган, унинг ёзувчи ижодида тутган ўрнини тезлик билан баҳолай оладиган эстетик хусусиятга эга. С.Саййиднинг “Сўз йўли” икки жилдли сайланмасига шоир Маҳмуд Тоирнинг (2009, №14) “Ёғду ичра гуллаган сўз” деб номланган тақризида буни кўриш мумкин. Тақризчи, энг аввало, шеърдан олган таассуротларини ифодали тарзда баён этади. Тақриз сарлавҳани изоҳлаш билан бошланади: “Ёғду ичра гуллаган сўз – шеър бўлади. Бундай шеърнинг мазаси дардинга малҳам бўлади... Шеърдаги оташ – сўздаги оташ. Очиқ кўз билан оташга ўзини отган одам – шоир бўлади”. Шеърдан таъсирланган бундай қалб изҳорларини ўқиган китобхон беихтиёр шоир шеърларига қизиқиб қолганини сезади. Тақризда “Сайланма”нинг мундарижаси ҳақида сўз юритилмайди, балки С.Саййид шеърлари ўзига хос шарҳланади, таҳлил этилади, шу орқали баҳоланади. Шоир услубининг ўзига хос томонлари очилади. Масалан: “Сирожиддин сийлаган сўзларнинг биттаси – айвон...”. (*Кейин айвон сўзи изоҳланади – Ш.А.*) “Уйингизнинг айвони – умрингизнинг айвони... Шоир бежизга “Онам айвонидан келдингми, баҳор?” дея энтикмайди. Ёки ота уйининг деворларини **дил билан оқлаб беришни** хаёл қилиш шоирона жунунлик эмас. Балки ота-она олдидаги фарзандлик масъулиятини ҳис қилишнинг ёрқин эътирофидир”. Ижодкор шеърларига ана шундай шоирона баҳо бериш билан тақризнавис икки муддаога эришган: биринчидан, ўқувчига янги ва яхши китоб ҳақида етарли маълумот бериб, уни шеърятга ошно этмоқда, иккинчидан, тақризнинг вазифаларини тўлиқ бўлмаса-да, бажармоқда.

Тилга олинган тақриزلарда, биринчидан, янги эълон қилинган асар таҳлилининг мавжудлиги, иккинчидан, мазкур асарга адабий-бадиий жараён нуқтаи назаридан туриб берилган баҳо ўз аксини топганлиги уларнинг ижобий хусусиятларидир. Учинчидан, асарнинг ёзувчи ижодида қандай ўрин эгаллаши: бу – унинг ютуғими, ижодий ғалабасими ёки аввалги асарларига қараганда орқага чекиниши, бу ҳақида фикр билдирилганда, тақризнинг вазифаларини янада мукамаллиги таъминланган бўлур эди.

Шу билан бирга, тақризнависликда бир хиллик, маълум қолипларга бўйсунуш, баҳо беришдан кўра мақташ, сюжет воқеаларини баён этиш каби қусурлар ҳам учрайди. Газетанинг (2004) 25-сонидан бирданига учта тақриз босилган. Биринчиси, О.Шарафиддиновнинг “Ижодни англаш бахти” китобига тақриз бўлиб, у танқидни танқид руҳида ёзилган. Иккинчиси, Х. Султоннинг “Бобурийнома” асарига бағишланган “Маърифатнинг бадиий талқини” деб номланган тақризда бу маърифий романнинг ютуқлари ҳақида сўз юритилган. Учинчи тақриз, шоир Мирпўлат Мирзонинг “Сайланма”си босилиб чиқиши муносабати билан ёзилган, адабиётшунос олим Э.Очилов қаламига мансуб, “Ҳассос кўнгил мавжлари” деб номланади. Унда шоир шеърларига баҳо берилди, баъзилари таҳлилга тортилади, шоирнинг “серқирра истеъдод соҳиби эканлиги” кўрсатилади, баъзан мактовлар ҳаддан оширилади: шоир ижодининг “беқиёс самимияти” ҳақида сўз юритилганда китобхонда “ҳамма шеърларидами?” деган иштибоҳ уйғонади ёки шоирни “гўзал ва ҳассос ишқий шеърлар муаллифи сифатида машхур” деб ҳисоблаган тақризчи шундай шеърларининг номларини келтиради, холос. Назаримда, фикр далиллар ёрдамида исботланиши керак эди. Ёки шоир Салим Ашурнинг “Сенсиз” деб номланган китобига шу рунда “Ҳижрондек яқин, висолдек олис” деб номланган тақриз (2004, № 42) эълон қилинган. Тақриз муаллифи А.Менқобиллов шоир шеърларининг таҳлилига киришишдан олдин шундай даъвои илгари суради: “...янги китоб шоир ижодий маҳоратининг шеърдан шеърга, китобдан китобга юксалаётгани далилидир”. Назаримда, фикр далиллар ёрдамида исботланиши керак эди.

Тақризда бевосита таҳлилдан ташқари, ижодкорга муносабат масаласи ҳам муҳим. Тақриз ҳажми катта-кичиклигидан қатъи назар, янги асар ҳақида ўқувчидан маълум таассурот уйғотсин, рост сўзласин. Баъзан шундай бўладики, тақризчининг ваъдалари, мактовларига ишониб, қўлингизга олган китоб сизни ўзига тортмайди, ёлғон алдовларга учиб қолмаслиги учун адабиёт ҳам, адабиётшунос ҳам китобхонга рост гапириши керак.

Адабиётшунос олим Ҳ.Каримов қаламига мансуб тақриз “Зиддиятлар талқини” деб аталган (2004, №32). Истеъдодли ёзувчи А.Йўлдошнинг “Тимсоҳнинг кўз ёшлари” қиссалар тўпламига ёзилган тақризни ўқир экансиз, адиб ижодига қизиқишингиз ошади. Тақризда, гарчанд, қиссалар мазмунини сўзлаб беришга кўп ўрин ажратилган бўлса-да (аслида, В.Белинскийдан қолган бу усулни академик М.Қўшжонов ўзбек танқидчилигига олиб кириб, таҳлилнинг яхши усулларида бири сифатида кўрсатган эди), китобхон асар қаҳрамонларининг ҳаёти, тақдирига қизиқади. Айниқса, “Отчопар ёхуд 13- уй” қиссаси таҳлилда Нозима образи бирмунча аниқ таҳлил этилгани яхши.

Олим тақризнинг ўқишли чиқиши, китобхоннинг диққатини тортиш, ўз фикрларини исботлаш учун Белинский мақолаларига мурожаат қиладики, ўқувчи тақризнавис даъволарининг асосли эканлигига шубҳа қилмайди. Аммо ёзувчи қиссалари адабиётимизда яратилаётган қиссалардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади, адибнинг ўзига хос услуби қай тарзда намоён бўлган, деган саволлар очиқ қолади. Адиб йўл қўйган

камчиликлар ҳам кўрсатилса эди, тақризнинг бутунлиги таъминланган бўлур эди.

Шуни унутмаслик зарурки, асарга биринчи бўлиб баҳо бериш, унинг ёзувчи ижоди ва адабий жараёндаги ўрнини кўрсатиш; баҳолашдаги тезкорлик ва ҳозиржавоблик; ташвиқий моҳиятга эга эканлиги; китобхонга янги асар ҳақида маълумот бериб, унинг эстетик тасаввурини бойитиш ҳамда ўша асарни ўқишга даъват қилиш жиҳатидан адабий танқидда тақриз айрича ўрин касб этади. Тақризда асарнинг қисқа таҳлили орқали унинг моҳияти ҳамда бадииятига берилган баҳо асосийдир.

Олимжон Холдор Қамчибек Кенжанинг икки жилдли “Сайланма” сига ёзган “Эҳтирос ва эътироф” деб номлаган тақризида (2009, № 3), асосан, икки жилдликнинг мундарижаси ҳақида сўз юритилган. Муаллиф ўз фикрларини исботлаш учун кўчирма келтиради. Бу – яхши усул. Аммо кичик бир тақризда Т.Тўла, О.Ёқубов, М.Шайхзода ва яна қайсидир адабиётшунос (номи берилмаган)нинг фикрларини келтириш ўқувчини тақризнависнинг ўз сўзлари йўқ эканми, деган иштибоҳга олиб бормайдими?

Кейин тақризда санок кўплиги боис таҳлилга кам ўрин берилган, аммо тақризчи “Сайланма”нинг қусурларини ҳам бирма-бир кўрсатади. Шуниси қизиқчи, адиб ҳикояларида “хулоса чиқариш эса кўпинча ўқувчининг ўзига қолдирилади” дея, бу хусусиятни ҳам нуқсон санайди. Ҳолбуки, модерн йўналишга мансуб асарларнинг кўпчилигида олимлар айни хусусиятни ютуқ ҳисоблайдилар. Шу боис ўқувчи назарига ҳавола этиладиган ҳар бир танқидий асар, у тақризми, мақолами, суҳбатми – қайси жанрда бўлишидан қатъи назар, масъулият билан ёзилмоғи, китобхонда шубҳа эмас, ишонч уйғотиши лозим. Айниқса, тақризчиликда бу жуда муҳимдир. Баъзан шундай бўладики, асарни ўқимасдан олдин у ҳақидаги тақризни ўқиб қоласиз. Самимий, ортиқча мақтовларсиз, ҳолислик билан битилган тақриз сизни тезроқ ўша асарни топиб ўқишга ундайди. Шунинг учун ҳам адабий жараёнда, китобхон қизиқишларида доимо тақризнинг ўрни муҳим бўлиб келган.

Агар эътибор қаратсак, босилаётган тақриزلарнинг кўпчилиги дабдабали ва жуда юксак пафосга эга сарлавҳалар билан чиқади. Уларнинг баъзилари шу сарлавҳани оқласа, баъзилари “усти ялтироқ, ичи қалтироқ” эканлиги сезилиб қолади. Шунинг учун сарлавҳа танланганда ҳам масъулият ва эътибор жуда зарур экан. Асарга сарлавҳа топиш унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. М.Кўшхоновнинг “Адашганлар фожиаси” деб номланган тақризи А.Қаҳҳорнинг “Сароб”ига бағишланган. Унда ортиқча дабдаба ҳам йўқ, аммо у асарнинг бор мазмунини ўзида акс эттира олганлиги билан диққатни тортади. О.Шарафиддиновнинг “Шеър кўп, аммо шоир-чи?” мақоласи номиданоқ аёвсиз танқид руҳида эканлиги сезилади. Биз назардан ўтказаятган тақриزلарнинг кўпчилигида сарлавҳа ўқувчига кўп нарса ваъда қилади, аммо ичидаги ни ўқисангиз, ваъдага вафо йўқлигига амин бўласиз.

“Доимий ҳамроҳ” рукни остида босилаётган тақриزلар кўпинча жанр талабига жавоб бермайди, чунки материалларнинг баъзилари янги асар ҳақида қисқача маълумот беради, баъзиларида қисқа таҳлил кўринади, баъзилари фақат хабар бериш вазифасини бажаради, холос. Масалан, газетанинг (2005) 44-сонида берилган маълумотнома – тақриз эмас. Уларни янги асарлар (Т.Жўраевнинг “Арвоҳлар тунда изғийди” романи, А.Ҳамронинг “Хаёл ранглари” тўпламлари) ҳақидаги хабар-тақриз, дейиш мумкин. Чунки хабар-тақризнинг бош мақсади, кўпинча хабар бериш ва қисқа баҳолашдан иборат. Унинг ҳажми жуда қисқа бўлади. Демак, бундай тақриزلарнинг асосий хусусияти дарак бериш, ташвиқ этишда намоён бўлади.

Газетанинг (2009) 17-сонида яна шу рукнда А.Отабойнинг “Оталар ҳикояти” М.Худойқулованинг “Дадам ҳақида ҳикоялар” китобига ёзилган тақризи ҳақида ҳам шу мулоҳазаларни айтиш мумкин. У ҳам хабар-тақриз ҳисобланади. Шу рукнда (2005, № 33) берилган иккита маълумотнинг биттаси муаллиф номидан, биттаси муаллифсиз берилган. Бундаям бир хилликка эришиш керакми?

“Тақриз” рукнида босилаётган асарларда масъулият янада ошади, чунки улар жанр талабларига жавоб бера олиши зарур. Масалан, “Таассурот” деган рукндан тақриз жанри вазифаларини талаб қилишнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки номи билан асардан олинган таассуротлар китобхон билан баҳам кўрилади. Шунинг учун таҳририятлар ҳам ана шу масалага диққат қаратса, айни муддао бўлур эди.

“Сўқмоқларда тобланган муҳаббат” деб номланган тақриз (2005, № 51) Р.Бобожоннинг “Муҳаббат мезони” романига бағишланган экан. Тўғриси, мен ҳам шу тақриздан кейин шоир Р.Бобожоннинг роман ёзганидан хабар топдим. Вилоятларга ҳамма китоблар ҳам етиб келавермайди-да. Тақризда романда тасвирланган давр, асар қаҳрамонлари ҳақида фикр юритилади. Аммо бу қаҳрамонлар қайси жиҳатлари билан характер даражасига кўтарилган, қайси томонлари билан бугунги кун ўқувчисининг онгу тафаккурини ўзгартиришга хизмат қилади, деган саволларга жавоб ололмаймиз. Шу билан бирга, унда асардан олинган ҳис-ҳаяжон, кечинмалар таъсири сезилмайди. Уртамиёна тақризда романинг адабий жараёндаги, романчиликдаги ўрни кўрсатилмаган.

“Табиий туйғулар талқини” деб номланган Л.Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар”

романига бағишлаб ёзилган тақризда (2007, № 3) тақризнавис Х.Ҳамроқулова романдан олган таассуротларини ниҳоятда самимият билан баён этган. Роман қаҳрамонларининг, асарнинг оригинал жиҳатларини кўрсатиб берган. Бу асар ўзбек романчилигида “янги бир тоза нафас бўлди”, дейилади тақризда. Аммо қайси фазилатлари билан? “Лола-хон. Эргаш, Самад каби кичик тақдир эгалари орқали уларнинг улкан руҳий оламларини ёрита олиш, омма ўртасидаги шахс даражасига чиққан образларни яратиш ёш адибнинг ижодий ютуғидир” сўзлари билан тугалланган тақризда асарнинг бирорта нуқсони кўрсатилмайди. Бу мулоҳазалардан тақриزلарда камчилик кўрсатилиши қатъий қилиб қўйилган экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Шундай санъат асарлари бўладими, улар бадиийлиги, табиийлиги ва жозибаси билан ўқувчи қалбини тезда ром эта олади, улардан чироқ ёқиб изласангиз ҳам нуқсон тополмайсиз. Аммо улар кўп эмас. Шу боис ана шундай асарлар кўпайишини истаган тақризчи сўзга масъулият билан қарашни, ўзи таҳлил этаётган асардан ҳам шуни талаб қилиши зарур бўлади.


Бошқа рукнларда ҳам тақриزلар берилмоқда. Масалан, “Ўқувчи фикри” рукнида “Бир асар қувончи”, деган кичик тақриз (2006, № 29) берилган, муаллифи Ахтамкул Карим. У дастлаб Луқмон Бўрихоннинг ижоди адабий гурунларда баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганлиги ҳақида гапириб, адибнинг “Таҳлика” қиссасига муносабат билдиради. Асарда “ёрқин образларни” кўрган, бундан “хузурланган” тақризчи қиссадаги ҳар бир деталь, ҳар бир манзара тасвири ўз ўрнида, маълум бир мақсадни кўзлаб қўлланилганлигини унинг ютуғи сифатида кўрсатади, шу билан бирга, айрим жузъий нуқсонларга ҳам тўхталади. Аммо негадир унинг фикрларида чалкашлик сезилади. Масалан, қиссани “қизиқиш билан ўқиган” муаллиф шундай ёзади: “Таҳлика” детектив жанрнинг унсурларига таянган бўлса-да, менинчга, у кўпроқ лирик асарлар сирасига киради”. Балки буни исбот қилиш керакдир ёки тақризчи асарда лиризм кучли демоқчими? Чунки ёзувчи бир жиноятнинг содир этилиши ва фош қилиниши жараёнини тасвирлар экан, аслида, қалам қувватини ўша жиноят теварагидаги қаҳрамонларнинг характерини, руҳиятини очишга қаратади”. Назаримизда, бу лирик асарларга хос хусузият эмас.

“Нигоҳ” рукнида берилган тақриз “Яхши одамлар соғинчи” деб номланган (2007, №31). Шоира Уктамой Холдорова ижодига бағишланган тақриз муаллифи проф. Ҳ.Қудратуллаев ижодкорнинг “Соғинч қушлари”, “Оққуш излари”, “Сабрга суяниб” китоблари ҳақида фикр юритиб, шеърларни мутолаа қилиш жараёнида ундан олган таассуротларини китобхон билан ўртоқлашади. Бу тақризда ҳам мақтов ҳаддан зиёд. Шоиранинг баъзи шеърларидан намуналар келтириб таҳлил қилган тақризчи уларда бирор бир камчилик кўрмайди. Албатта, ҳар бир шоир ижодида муваффақиятли чиққан шеърлар, қуйма мисралар, оригинал ташбеҳлар бўлиши, табиий. Кўпинча, тақризчилар айна шундай сатрлар ёки парчаларни мисол сифатида келтирадилар. Шу боис бундай тақриزلарни ўқиганда, ҳамма ижодкорлар зўр ёзишар экан-да, деган хулоса келиб чиқади. Ҳолбуки, бундай тўпламларни қўлга олиб варақлаб кўрсангиз, уларда ўртамеёна шеърлар тикилиб ётган бўлади.

“Тақриз ҳам санъат, шунинг учун уни шундай ёзиш керакки, китобхон тақризчи билан мулоқотда бўлганидан қониқиш ҳис этсин”, деб ёзган эди рус олими В.Яновский. Дарҳақиқат, ҳам кенг жамоатчиликнинг янги асарни қандай қабул қилиши, маълум жиҳатдан, уни баҳолаган, таҳлил қилган тақризга ҳам боғлиқ. Бу қонуният тусига кирган ҳодиса бўлмаса-да, ҳаққоний тақриз янги асар ҳақида жамоатчилик фикрининг шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатади. Негаки, тақризчи асарнинг моҳиятини илмий-эстетик таҳлил воситасида ёритади орқали китобхон дунёқарашига таъсир қилиб, тасаввурини бойитишга хизмат қилади, эстетик дидини ўстиришга кўмаклашади. Мана шу нуқтаи назардан қараганда, матбуотда босилаётган ҳамма тақриزلар ҳам бу хусузиятларни ўзида жамламаганлиги кўринади. Бу эса адабий танқид ва адабиёт ривожига маълум даражада таъсир кўрсатишини унутмаслигимиз лозим. Адабий танқиднинг бош вазифаси эса адабиётни юксакликка кўтаришга кўмаклашишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Расулов Абдуғафур. *Истеъдод ва эътиқод*. – Т.: Шарқ, 2000.
2. Абдулла Қаҳҳор. *Ёшлар билан суҳбат*. – Т.: Ёш гвардия, 1968.
3. Саид Аҳмад. *Иўқотганларим ва топганларим*. – Т.: Шарқ, 1999.



Адабиётшунослик

Фаррухбек ОЛИМОВ

НАВОЙНИНГ УСТОЗИ

Аннотация: Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижоди, хусусан, унинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” (“Ҳайратланарли бешлик”) асариди Абдурахмон Жомий пир ва устоз сифатида тасвирланади.

Тадқиқотчи Фаррухбек Олимнинг “Навоийнинг устози” мақоласида Жомийнинг айнан устозлик сифатлари тасвири таҳлил этилади. Шу тариқа икки буюк қалам соҳибининг бир-бирига адабий таъсири масаласи ҳам қаламга олинади.

Аннотация: В творчестве великого узбекского поэта и мыслителя Алишера Навои, особенно, в его произведении «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Пятерица смятенных») Абдурахман Джами описывается как и пир (духовный наставник), так и учитель.

В статье исследователя Фаррухбека Олима «Учитель Навои» анализируется описание именно учительские качества Джами. На этом основе показывается взаимовлияние между этими двумя великими мастерами слов.

Annotation: In creative works of the great uzbek poet and thinker Alisher Navoi, especially, in his play “Khamsat ul-mutahayyirin” (Five astonishments) Abdurahmon Jomi was described as a pir (spiritual teacher) and a master.

In the article of the researcher Farrukhbk Olim which is named “The teacher of Navoi” is analyzed the description of mastership states of Jomi. Moreover, in this article is expressed the literary influences to each other of these two great poets.

Таянч сўзлар: Устоз, шогирд, пир, муаллим, мударрис, йўлбошловчи, байт, рубоий, қасида, татаббуъ, наср, тасаввуф, тариқат, адабий мерос, адабий таъсир.

Алишер Навоий ижодини унинг пири ва устози Абдурахмон Жомийнинг бевосита таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шоирнинг ўзи аксарият асарларида устозини таъриф тавсиф этади, унга алоҳида сатрлар бағишлайди. Бу зотга бўлган чексиз эъзоз Навоийнинг шеърӣ меросида ҳам, насрий асарларида ҳам бирдек кўзга ташланади. Аммо қайсидир маънода устози ҳақида бир бутун тасаввур уйғотадиган яхлит бир асар ёзиб, унинг хотирасини абадийлаштиришга эҳтиёж бор эди. Шу мақсадда Навоий Жомий вафотидан икки йил ўтгандан кейин, яъни 1494 йили у ҳақида махсус “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарини яратди.

Алишер Навоий ўз асарларида пири ва устози Абдурахмон Жомийни ҳар қанча мадҳ этмасин, барибир, бу икки буюк иждокор ўртасидаги ҳақиқий муносабатлар айнан “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да янада ёрқинроқ намоён бўлади. Чунки бу асарда, аввало, реал воқеалар, икки шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар бор аниқлиги билан қаламга олинади. Қолаверса, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” – Жомий ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус асар. Булардан ташқари, мазкур адабий ёдгорликда кенглик, батафсиллик бор, чунки у насрий йўл билан ёзилган.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да бу икки ҳамфикр шахс муносабатларининг турли томонлари акс этган бўлса ҳам, аввало, улар ўртасидаги ҳақиқий устоз-шогирдлик ришталари кўрсатилади. Жумладан, асарнинг “Хотима”сида Навоий Жомий ҳузурида таълим олиш ва фойдаланиш юзасидан ўқиган китоблари рўйхатини бирмабир келтиради. Улар қуйидагилардан иборат: “Қофия”, “Муаммо”, “Лавоеҳ”, “Лавомеҳ”, “Шарҳи рубоий”, “Ашиъат ул-ламаъот”, “Нафаҳот ул-унс...”, “Шавоҳид ун-нубувват...”, “Қудсия”, “Ламаъот”, “Волидия”, “Илоҳийнома”.

Бундан ташқари, Навоий “Хамса” билан “Ҳафт авранг”ни Жомий қиёслаш йўли

билан овоз чиқариб ўқиганида тинглаганини, шунингдек, баъзи рисолалар улар олдида ўқилмаган бўлса ҳам, улардаги айрим мураккаб жойларини устозидан сўраб турганини ёзади. Ана шу маълумотлар Жомийнинг, ҳақиқатан ҳам, Навоийга тўғридан-тўғри муаллим, мударрис, йўлбошловчи, устоз эканини яна бир қарра исботлайди.

Шогирдлар ҳар хил бўлади. Бир олимнинг китобларини ўқиган, унинг изидан бораётган тадқиқотчи ҳам маълум маънода, унга шогирд. Бироқ Навоий Жомий кўлидан тўғридан-тўғри таълим олган ҳақиқий шогирд эди. Бу “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да янада ёрқин кўзга ташланади.

Аввало, Жомий Навоийга икки маънода раҳнамо эди. У ҳам илм ва адабиётда устоз, ҳам тариқатда пир эди. Лекин бу тушунча кўп ҳолларда бир-бирига уйғунлашиб кетади. Масалан, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”ида шундай дейилади:

*“Ул вақтдаким, фақир алар хизматида суфия рамузу ишорот ва алфозу иборот истилоҳин ўтқарур эрдим, ҳазрати қутб уссалиқин Шайх Фаҳриддин Ироқий қуддиси сиррихунинг “Ламаъот”и орзуси хаёлға кўп эрулуур эрди. Бир кун тақриб била бу маънини изҳор қилдим. Алар дедиларким: “Тариқат машойихининг форсий кутуб ва расоили оз муталаа қиллибдур, аммо чун ҳавасинг бор, андоқ бўлсун”. То улким, ул шариф китобни фақирға сабақ айтурға муртакиб бўлдилар, ҳар кун сабақда хушҳол бўлуб, таъриф қилурлар эрди”.*¹

Юқоридагилардан маълум бўладики, Навоий Жомийдан ҳақиқий маънода, содда қилиб айтганда, юзма-юз ўтириб таълим олган. *Пирлик ва устозлик уйғунлашиб кетган*, дейилишининг сабаби шундаки, Навоий Жомийдан ўрганган асарларнинг баъзилари бадий, айримлари илмий бўлгани билан, уларнинг аксарияти тасаввуф масалаларига бағишланган эди. Жомий шогирдига кўпроқ айнан ана шундай асарлардан таълим беради. Қийналган вақтларида турли шарҳларга мурожаат қилади. Бу талқинларда ҳам хатолар учратганидан кейин Жомий ўзи уларга шарҳ битади. Жомий ва Навоий адабий-таъбий (эстетик) қарашлари муштараклиги атоқли шарҳшунос Евгений Эдуардович Бертельс назаридан четда қолмаган: *“Навоий адабиётга муносабат масаласида (Жомий билан) ўзаро дидларининг тўлиқ мос келишини кўп эслатади”.*²

Юқорида келтирилган матнда ҳам айнан Жомийнинг “Ашиъат ул-ламаъот” асарининг пайдо бўлиши ҳикоя қилинган. Устоз шогирдига таълим бериш жараёнида яна бир асар яратди. Яъни Шайх Фаҳриддин Ироқийнинг “Ламаъот”ига махсус шарҳ битди. Айнан шу ерда ўзаро адабий таъсир намоён бўлади. Бу икки буюк шахс ўртасидаги устоз-шогирдлик муносабатлари ҳам ана шу кучли адабий таъсир кўриниши тарзида кўзга ташланади.

Жомий айнан қайси асарларини Навоийнинг турткиси, илтимоси билан яратганини юқорида айтиб ўтдик. Булар орасида айнан Навоийга таълим бериш юзасидан битилганлари ҳам бисёр. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да бунга кўплаб исбот топишимиз мумкин. Навоий мусиқий илмни эгаллашни ҳам ният қилганида Жомий унинг учун шу соҳага доир асар ҳам ёзиб беради. Буни Навоий шундай ифодалайди: *“Ул ердинким, аларнинг бу фақир сори иноят ва илтифотлари бор эрди, мусиқий ва адвор рисола-син битдиларким, бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур”.*³

Маълумки, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, яъни “Ҳайратланарли бешлик”, номида ҳам қайд этилганидек, беш қисмдан, яъни “Муқаддима”, “Аввалги мақолат”, “Иккинчи мақолат”, “Учинчи мақолат” ва “Хотима”дан иборат.

Муаллиф асарнинг “Аввалги мақолат”ида Жомий ва ўзи ўртасида бўлиб ўтган воқеалар ҳамда устозининг унга бўлган илтифотларини битади. Шунинг учун ҳам, назаримизда, айнан устоз-шогирдлик муносабатлари айнан шу бобда кўпроқ акс этган.

Жумладан, шу бобдаги биринчи ҳикоятда ғаройиб бир воқеа тилга олинади. Кунлардан бир куни Шайх Абдуллоҳ котиб Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг⁴ “Илоҳийнома”га қарашли “Муножот” рисоласини Навоийга келтиради. Навоий аввалига асарнинг бир-икки саҳифасини шунчаки варақлаб кўрмоқчи бўлади. Бироқ *“сўзнинг хўблуг ва равонлиғидин”*⁵ икки жузвдан⁶ ортиқроқ бу асарни бошлаганигача бир ўтиришда охирига қадар ўқиб чиқади. Бунга гувоҳ бўлганлар каттагина ҳажмдаги бу асарни бир зарб

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Т.: “Фан” нашриёти. 1999. – 55-56-бетлар.

² Бертельс Е.Э. Навои и Джамии. – М.: Изд. Наука. 1965. – С.122.

³ Ўша нашр, 70-бет.

⁴ Абдуллоҳ Ансорий, яъни Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ансорий Ҳиротий (вафоти милодий 1088 йил) – сўфийлик тариқатининг йирик назарийётчиларидан бири. Қаранг: Ўша нашр, 187-бет.

⁵ Ўша нашр, 15-бет.

⁶ Жузе – муайян ўлчовдаги китобнинг 50 бетини англатадиган бирлик. Демак, Навоий ўқиган асар 100 саҳифадан ортиқроқ бўлган.

билан бошдан-оёқ мутолаа қилган шоирга қойил қолишади.

Эртаси куни Жомий Навоийнинг уйига ташриф буюрганида кечаги гувоҳлар бу ғаройиб воқеани пири комилга гапириб беришади. Шунда Жомий мулойим табассум билан: *“Ажаб амри иттифоқий бизнинг ва сизнинг ораликда воқеъ бўлгон эрмиш: икки ё уч кун бурунроқ Маълоно Шайх Абдуллоҳ ушбу рисолаи бизнинг қошимизга келтуруб эрди, биз доғи аввалдин бунёд қилдук, охирига дегинча ҳеч ерда турмоқ бўлмай туганди”*,⁷ – дейди. Эртасига эрталаб котиб китобни ёки унинг пулини олиб кетиш учун Навоийни келганида, одамлар унга шоир китобни бир ўтиришда тўхтамай ўқиб чиққанини айтиб беришади. У таажжуб билан Жомий ҳам китобни қўлига олгани заҳоти мутолаага киришиб, бир бошлаш билан ўқиб тугатганини айтади. Бу билан у ғаройиб воқеанинг, ҳақиқатан ҳам, шундай бўлганини яна бир карра тасдиқлайди. Буни Навоий, аслида, устози ва пирининг сидқиға, яъни ҳар доим рост сўзлашиға далил сифатида келтиради. Лекин баҳонада зимдан устоз ва шогирдда бир хил фазилат борлигини ҳам қистириб, ўқувчиға англадиб кетади.

Устоз ва шогирднинг шеъриятга, хусусан, саводхонликка муносабати ҳам бир-бирига яқин бўлиши аниқ. Бу – қуйидаги ҳикоятда яққол кўзга ташланади.

Кечки йиғилишларнинг бирида Мутаҳҳир Удий деган бир хонанда Хожа Ҳасан Деҳлавийнинг⁸ бир шеърини қуйлайди, жумладан, мана бу байтни ҳам ўқийди:

*Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дурр шуд,
Чунин асар диҳад, алҳақ, тулуи чун ту суҳайле.
Мазмуни: Ёмғир қатралари каби кўз ёшларимнинг ҳаммаси дурр бўлди,
Ҳақиқатан, сенинг Суҳайл (юлдузидек) чиқиб келишинг шундай таъсир қилади.*

Мажлис аҳли шеъриятдан бохабар, таниқли ва хуштаъб кишилардан иборат эди. Улар хонандага байтдаги *“дурр шуд”*, яъни *“дур бўлди”* сўзи ўрнига *“хун шуд”*, яъни *“қон бўлди”*, деб ўқишни, *“дурр шуд”*нинг маъноси йўқлигини айтишади. Мажлис сарвари ҳам бу фикрга қўшилади. Улар индамай ўтирган Навоийдан бу мулоҳазаға муносабат билдиришини сўраганларида, у хонанда тарафида эканини айтади. Бу жавобдан норози бўлган мажлисдагиларнинг барчаси шоирга қарши чиқади. Шунда Навоий: *“Чун сиз борча бир жониб бўлдунигиз, мен ялғуз. Сизға ўз муддаомни собит (исбот – Ф. О.) қила олмон, аммо бир кишини ҳакамликға мусаллам тутсангиз, гарав боғлармен”*,⁹ – дейди.

Баҳсға ечим топиш мақсадида Жомийға мунозара мазмуни битиб, хат жўнатишади. Бироз вақтдан сўнг ул зотдан бир мисра жавоб келади:

“Сухан “дурр” асту тааллуқ ба аўши шаҳ дорад”.
Мазмуни: *“Сўз “дурр”у, унинг шоҳ қулоғиға тааллуқли ери бор”.*

Бу жавобдан: *“Ул жамоат мулзам бўлуб, фақирға аларнинг тарбият ва мададлари бу наъв етти. Маълум эрмаски, ҳаргиз киши бу наъв мухтасар жавоб ҳеч саволда айтмиш бўлғай. Тонгласи бу сўз шуҳрат тутти. Эл ёд тутуб, мажолисда нақл қилурлар эрди”*.¹⁰

Бу ҳикоятдан Жомий ва Навоийнинг нафақат ҳамфикрлиги, истеъдоди ва саводи, балки уларнинг ўша муҳитдаги шеърият ихлосмандларининг барчасидан устун бўлганини ҳам кўрсатади. Бу икки буюк соҳиби қалам яратган бадий-илмий мероснинг кўлами ҳам, юксаклик даражаси ҳам шуни тўла исботлайди. Бундан ташқари, устоз бу ерда ўзи билмаган ҳолда (чунки у Навоий билан давра аҳли ўртасидаги гаровдан беҳабар эди) ноқулай аҳволға тушган шогирдини кутқариб қолди.

Жомий ҳамisha Навоийни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб юрган. Бу қуйидаги ҳикоятда ҳам яққол намоён бўлади.

Давлат хизматидан толиққани, адабий режаларининг амалға ошиши қийин кечаётгани учун Навоий мансабни тарк этиб, тамоман ижод билан шуғулланмоқчи бўлади. Шунда Жомий танбеҳ ва насиҳат юзасидан ундан бунинг сабабини сўрайди. Улар ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади:

– *Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин малул бўлур эрдим, бу ишға ул боис бўлди. Алар дедиларким:*

– *Инсон кимни хаёл қилиб эрдинг, бизға дағи кўрауз?*.¹¹

Навоий устозининг рад қилишидан чўчиган эди. Аммо бу жавобдан қувонади. Де-

⁷ Ўша нашр, 15-бет.

⁸ Хожа Ҳасан Деҳлавий – Ҳиндистонда яшаб, ижод қилган машҳур форсиғўй ғазалнавис шоир. 1327 йили Деҳлида вафот этган. Қаране: Ўша нашр, 187-бет.

⁹ Ўша нашр, 18-бет.

¹⁰ Ўша нашр, ўша бет.

¹¹ Ўша нашр, 21-бет.

мак, мансабни тарк этишига Жомий қарши эмас. “Хотириим жамъ бўлди”, – деб ёзади муаллиф. Бу ҳикоятда Жомий улуг устоз, маслаҳатчи, йўлбошчи ва ҳамфикр дўст сифатида гавдаланади.

Навбатдаги ҳикоятда эса икки ижодкорнинг бадиий диди ва савияси деярли бир хил даражада экани кўзга ташланади. Навоий бу ҳолатни фахр билан қаламга олади.

“Хамса” дostonларининг бирида¹² Навоий ўзидан олдинги “Хамса” навислар мадҳида шундай ёзади:

*Каҳфи фано ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робиухум калбуҳум.*¹³

Мавлоно Соғарий¹⁴ бу байтга татаббуъ қилиб, куйидаги байтни ёзади:

*Мирки гуфт: “робиухум калбуҳум”
Ёфта файзи суҳан аз қалбуҳум.
Мазмуни: Мир (Навоий) “тўртинчилари итлариман”, – дедию,
(Ўзи) уларнинг қалбидан сўз файзини топди.*

Шоир Навоий қошида бу байтни ўқиб беради. Навоий эса шеърнинг хатосига эътироз қилади: “Аз калбуҳум” таркибида “аз” – “мин” маъноси биладур, “мин” хуруфи жоррадин-дур ва мадхулин мажрур қилур ва бу таркибда ўз амалин қилса, қофия ғалат бўлур”.¹⁵

Соғарий эса Жомий ҳам бу байтга худди шундай эътироз қилиб, қофиядаги хатоликни кўрсатганини айтади. Навоий бу ўринда бўлиб ўтган воқеани ёзишдан мақсадини: “... Ул Ҳазрат била фақир орасида таворуд воқеъ бўлғони”,¹⁶ – деб қайд этади. Албатта, бундай таворудлар ўзидан-ўзи бўлавермайди. Бунга сабаб шуки, икки ижодкорнинг адабиётга, шеърятга, қолаверса, ижодкорларга муносабати – муштарак.

Бу куйидаги ҳикоятда янада яққолроқ намоён бўлади.

Бир куни Навоий Жомий ҳузурда бўлганида шоир Анварийнинг¹⁷ қасидаси устида сўз кетади. Жомий бу шоирнинг шеърларини мақтаб, баъзи жойлари мўъжиза даражасига етганини таърифлайди. Бу муносабатдан Навоийнинг кўнгли кўтарилади. Чунки Навоий дўстлар орасида Анварий ижодининг ихлосманди сифатида маълум эди. Навоий Жомийдан Анварийнинг:

*Гар дилу даст баҳру кон бошад,
Дилу дасту худоягон бошад.*¹⁸
Мазмуни: “Агар кўнғил билан қўл дарё ва кон бўлса,
Шоҳларнинг дили ва қўли бўлади”, –

деб бошланадиган қасидасини Жомийдан яна бир карра ўқиб, шарҳлаб беришни илтимос қилади.

Шундан сўнг Жомий: “Ажаб сўз айттинг, бу уч-тўрт кунда бу қасидасин ўқуб, хушҳол бўлуб, ғоят хуш келгандин жавоб ҳам айтибмиз”, – деб бир қораламани Навоийнинг қўлига тутқазади. Унинг матлаъси шундай эди:

*Ҳар киро дар даҳон забон бошад,
Дар санои шаҳи жаҳон бошад.”*¹⁹
Мазмуни: Ҳар кимнинг оғзида тили бўлса,
Жаҳон шоҳининг мадҳида бўлсин).

¹² Бу ўринда муаллиф ушбу байтнинг айнан қайси дostonдан олинганини айтиб ўтмаган. Маълум бўлишича, бу мисралар шоирнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарининг Жомийга бағишланган бобида келтирилади. Қаранг: Алишер Н а в о и й. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 7-жилд. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: “Фан” нашриёти. 1991. – 56-бет.

¹³ Алишер Н а в о и й. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15жилд. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Т.: “Фан” нашриёти. 1999. – 22-бет.

¹⁴ Соғарий – Ҳирот шоирларидан бири. Навоий у ҳақида “Мажолис ун-нафоис”да маълумот беради.

¹⁵ Ўша нашр, ўша бет.

¹⁶ Ўша нашр, ўша бет.

¹⁷ Анварий (Авҳауддин Анварий) – Султон Санжар (ваф. 1156 й.) саройида хизмат қилган шоир. Унинг қасидалари шакл ва услуб жиҳатидан ниҳоятда мураккаб ва дабдабали. Қаранг: Алишер Н а в о и й. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Т.: “Фан” нашриёти. 1999. – 188-бет.

¹⁸ Алишер Н а в о и й. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15жилд. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Т.: “Фан” нашриёти. 1999. – 27-бет.

¹⁹ Ўша асар, ўша бет.

Бундай кутилмаган жавобдан ҳаяжонланиб кетган Навоий, *Анварийнинг қасидасини сеҳр деб ўйлаган эканмиз, Жомийнинг назираси ундан ўтиб, ҳақиқий мўъжиза бўлди, деб ёзади.* Бу воқеа шогирдни устозга янада қалбан яқинлаштиради.

Биз юқорида “Аввалги мақолат”да келтирилган жамаи бешта (1, 4, 9, 11, 16) ҳикоятни кўриб чиқдик. Уларда устоз-шогирдлик муносабатлари янада яққолроқ намоён бўлди. Аслида, муаллиф ҳам бу бобга шуни мақсад қилиб қўйган эди. Бироқ кенг маънодаги устоз-шогирдлик муносабатлари асарнинг бошқа бобларида ҳам кўзга ташланади.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Иккинчи мақолат”ига Навоий ўзи билан устози ўртасидаги мактубларни киритади. Ана шу хатлар ҳам мақоламизда ўртага қўйилган масалани тадқиқ этишимизда жуда қўл келади. “Иккинчи мақолат”нинг 4-ҳикоятида яна устоз-шогирднинг ҳамфикр экани, шунингдек, улардаги бадиий диднинг ўзаро яқинлигини кўришимиз мумкин.

Кунларнинг бирида Ҳазрат Жомий ҳузурида Мир Хусравнинг “Дарёи аброр”²⁰ қасидаси ҳақида сўз боради. Шунда Навоий бу асарни мақтай кетади. Бироқ устози бу ҳақда ҳеч нарса демайди. Навоий, *қасида мақтовга лойиқ бўлса-да, улуг Ҳазрат олдида уни ошириб таърифлаб юбордиммикан, деган хаёлга боради.* Орадан бироз вақт ўтгач, Навоий сафарга отлана туриб устозидан фотиҳа олишга борганида, Жомий унга ўзининг “Дарёи аброр” жавобида битилган “Лужжат ул-асрор”²¹ қасидасини беради. Навоий йўл давомидан от устида қасидани ўқиб, беҳад хурсанд бўлади. Шунда илҳомланган шоирнинг хаёлига “Тухфат ул-афкор”²² асарининг матлаъи келади. Манзилга етгач, Навоий матлаъни қоғозга тушириб, *агар асар тугатишга лойиқ, деб топилса, яъни устозга маъқул бўлса, уни давом эттираман, деган мазмунда хат ёзиб, бир бек орқали уни жўнатади.* Жомийдан эса: *“Албатта, тугатсун”,*²³ – деган жавоб келади.

Шундай қилиб, бу ҳикоятдан “Лужжат ул-асрор” ва “Тухфат ул-афкор” асарларининг дунёга келиши ҳақида муҳим маълумотларни билиб оламиз. Шу тариқа устоз шогирднинг яна бир асар яратишига сабабчи бўлгани ҳам аёнлашади. Аслида, бу ҳам – ҳақиқий маънодаги устозлик. Жомий Навоий учун ҳар томонлама мураббий эди. Шунинг учун ҳам улуг ўзбек шоири ўзининг ҳар бир ҳаракати Жомий томонидан қандай қабул қилинишига асло бефарқ бўлмаган. Чунки *“Жомийнинг маслаҳатлари адабий масалалар билан чегараланмасди. Улар Навоийнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётига ҳам тааллуқли бўларди”*.²⁴ “Иккинчи мақолат”нинг 6-ҳикоятида бунини аниқ кўриш мумкин.

Навоий давлат хизматидан чарчаган вақтларида устозига бу ишдан халос бўлиш ҳақида ниятини билдиради. Устоз эса ҳар гал уни бу ниятидан қайтариб, турли сўзлар билан шогирдига таскин бериб туради.

Бир куни Навоий Мурғоб атрофида хизмат машаққатларидан нолиган кайфиятда куйидаги рубоийни битиб, уни Жомийга жўнатади:

*То кай чу сабо ҳар тарафам жилвагарий
 Хоҳам сӯи сарви худ кунам пайсипарий,
 Фаръёдкунону хок бар сарфиганон
 Гўям, ки халосам кун аз ин дарбадарий.
 Мазмуни: “Қачонгача елдек ҳар томондан жилва қилай?!”
 Ўз сарвим томон елиб югуришни хоҳлайман.
 Фарёд қилиб, бошимга тупроқ сочиб,
 Қутқар мени бу дарбадарликдан, дейман”.*

Жомий насиҳат юзасидан куйидаги рубоийни битиб, шогирдига юборади:

*Аз дидаи жон агар ба жонон нигарий,
 Аз тафриқаи жаҳон кучо ғусса хўрий,
 Ин тафриқа ҳарғиз чун нагардад сипарий,
 Бо тафриқа жам бош, то баҳра барий.*

²⁰ “Дарёи аброр” (“Пок кишилар дарёси”) – Амир Хусрав Деҳлавийнинг фалсафий қасидаси.

²¹ “Лужжат ул-асрор” (“Сирлар дарёсининг чуқур жойи”) – Жомийнинг “Дарёи аброр” қасидаси жавобида ёзган қасидаси.

²² “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар тухфаси”) – Навоийнинг Хусрав Деҳлавий ва Жомий қасидаларига жавоб тарзида ёзган қасидаси.

²³ Алишер Н а в о и й. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15жилд. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Т.: 1999. – 34-бет.

²⁴ Бертельс Е.Э. Навои и Джами. – М.: Изд.“Наука”. 1965. – С. 124.

Мазмуни: *“Агар жононга жон кўзи билан боқсанг,
Жаҳон бебошлигидан ғам чекарми эдинг?
Бу бебошлик ҳеч қачон тугамайди,
Бебошлик сабаб йиғноқ бўл, токи баҳра топгайсен”.*

Бу байтлардан Навоийнинг ҳаёт машаққатларидан толиққан, унинг чигалликларини ечолмай, қийналган пайтларида нақадар устозига таянганини кўрамиз.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”дан билиб оламизки, Жомий ва Навоий бадий ижод, ҳаётини муаммолар ва давлат аҳамиятига молик масалаларнинг барчасини бамаслаҳат ҳал этишган. Профессорлар Раҳим Воҳидов ва Мелс Маҳмудов шундай ёзишади: *“Шундан уларнинг ғоявий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий, фалсафий-эстетик қарашларида муштарак томонлар кўп учрайди. Жомий ва Навоий адабий меросидаги бу ҳамоҳанглик сўз – адабиёт ва унга муносабат бобида ҳам очиқ кўзга ташланади”*²⁵.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да бу илмий қарашларни тўла тасдиқлайдиган, шунча исбот-далил бўладиган талқинлар кўп. Навоий устози ва пири билан ҳамфикр ва ҳаммаслак эканини ҳамиша фахр билан тилга олади. Ўқувчи диққатини айнан шу жиҳатга қаратишга ҳаракат қилади.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” Жомий ва Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик муносабатларини ёритиш учун энг мўътабар илмий-тарихий манба ҳисобланади. Жомийнинг устозлик сифатларини кўрсатиш муаллиф олдида турган асосий мақсадлардан бири эди. Асарда бу вазифа бекаму кўст адо этилган.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” ҳам Жомий, ҳам Навоий ҳаёти, ижоди ва фаолиятини тадқиқ этишда бирдек аҳамиятга эга манба сифатида хизмат қилаверади. Энг муҳими, бу асар икки буюк қалам соҳибининг ўзаро юксак муносабати, қолаверса, бир улуғ тарихий шахснинг иккинчи бир бемисл даҳога бўлган чексиз ҳурмат-эътиборини намоён этади. Худди шу жиҳатлар “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг тенгсиз кадр-қимматга эга асар эканидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айний С. Танланган илмий асарлар. – Т.: “Фан” нашриёти. 1978.
2. Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Раҳмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы. 1988.
3. Аҳмедов Б. А. Жития мусулманских святых, как исторический источник\Историко-ведческие изыскания. Т. 11. – Тбилиси: 1988.
4. Бертельс Е. Э. Навои и Джами. – М.: Наука. 1965.
5. Исҳоқов Ё. Икки жаҳон халқига ҳайрат. – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2001 йил, 9 февраль.
6. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: “Мовароуннаҳр” – “Ўзбекистон” нашриётлари. 2009.
7. Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 2010.
8. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 1989.
9. Шомухаммедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. – Т.: “Давлат бадий адабиёт” нашриёти. 1963.
10. Ғаниева С. Яна “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ҳақида. Қуйидаги китобда: Жомий ва ўзбек адабиёти. – Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти. 2005.

²⁵ Воҳидов Р., Маҳмудов М. Иймон – қалб гавҳари. – Т.: “Маънавият” нашриёти. 1999. – 18-19-бетлар.



Жаҳон адабиёти манзараси

ДЕРАЗАМ ОРПИДА ЁМФИР ШОВҚИНИ

Булбул қўшиғи

Булбул қўшиғини эшитяпсанми,
Тингла, қандай юксак, қандай соф туйғу?
Аммо, нени куйлар – билмайди ҳеч ким,
Қуш тилин англашдан оғиз инсонлар.
Ишонаман,
Юртин куйлаяпти у,
Йўқса, зерикарди аллақачонлар.

Қон ва кўзёш

Ярадан қон оқиб чўзилар узун,
Аммо, кўзда ёш йўқ.
Чунки, бизларда
Ёшмас, қон оқизмоқ афзал эр учун.
Аксини танлаган эркак бўларми?

Саккизликлар

Ниҳоят, совуқ куз нафаси келди,
Қушлар уфққа боқиб, нафас ютади.
Ёз бўйи бу ерни куйлашган эди,
Энди эса, уни ташлаб кетади.

Фақат, сукут сақлаб юрган бургутлар
Ялангоч боғларда кўзини ёшлаб,
Кетгиси келмайди бу қийин кунда,
Ота маконини кимсасиз ташлаб.

* * *

“Бургутлар! Не сабаб уйғотди ҳавас
Сизда бу қоялар, бу совуқ қорлар?”
“Озодлик туйғуси иссиқ уйғамас,
Бизни чўққиларга – юксакка чорлар”.

“Юртдошлар бу ерга келдингиз нега,
Бу ерда нима бор тоғ-тошдан ўзга?”
“Иссиқ уйлар эмас, шу қор, шу қоя
Озодлик туйғусин баҳи этди бизга!”

* * *



Расул ҲАМЗАТОВ
(1923-2003)

Доғистондаги авар
элининг фарзанди.
XX аср жаҳон
шеърятнинг йирик
вакили.
“Тоғ қўшиғи”, “Тоғ
қизи”, “Доғистоним”,
“Юксак юлдузлар”,
“Тугилган куним”,
“Тоғликнинг ватани”,
“Овудан хат” сингари
шеърый тўпламлар
муаллифи.

Шеърят, кучлига хизматкормисан,
Мудом мазлумларни қилдинг ҳимоя.
Паноҳсиз қолганга ташладинг соя,
Золимга Ҳақ сўзни айтдинг қўрқмасдан.

Шеърят, биз сенга қиламиз ҳавас,
Кучлилар кўзига тик боқдинг бардам.
Шу сабаб, жудаям гўзал бўлсанг ҳам,
Сени келинчакка ўхшатиб бўлмас.

* * *

Олис юрт сафарин тугатиб қайтдим,
Ўғли ҳалок бўлган оналар дилгир
Сўрадилар: “Болам, мусофир пайтинг
Бирор юртдошингга кўзинг тушгандир?”

Мен эса, ёлгонни тўқидим шитоб:
“Ҳа, бир ватандошга, рости, дуч келдим”.
Оналар жим қотди. Ҳар бири шу тоб
У менинг болам деб ўйлади, билдим.

* * *

Тирикларга тегма, тегма, шухрат-шон,
Сен ҳали билмайсан инсоннинг сирин.
Гоҳида ўлдириб қўясан, ишон,
Ҳатто, энг кучлисин, энг яхшиларин.

Асли, ўликларга кераксан, билсанг,
Уларга халақит бермайсан, ишон.
Аксинча, оловли нафасинг билан
Уларга қайтадан бахш этасан жон.

* * *

Деразам ортида ёмғир шовқини,
Момақалдиروقнинг қаҳқаҳли уни.
Кўнглимда тўйғулар қоришар ҳозир:
Изтиробу шодлик, севги ва қаҳр.

Дардларим жойлайман қўшиқларга ва
Шодликни дўстларга қиламан совга.
Севгим одамларга тортиқ бўлади,
Қаҳрим эса, бир ўзимга қолади.

* * *

“Шодлик, тўхта, қайга учяпсан?”
“Севгиси бор қалбга-да, ахир!”
“Ёшлик, сен-чи, қайга шошяпсан?”
“Севгиси бор қалбга-да, ахир!”

“Ўл бўлсин-ов, куч ва жасорат?”
“Севгиси бор қалбга-да, ахир!”
“Сен қаерга, қайғу-машаққат?”
“Севгиси бор қалбга-да, ахир!”

* * *

Менинг қўшинларим – моҳир заргарлар
Бола тасавури қолдириб ҳайрон,
Маҳак тошин ишга солар эди ва
Соф олтинни мисдан фарқларди осон.

Эй зукко ўқувчим, қарздорман сендан,
Асл шеърятга ўзингсан посбон.
Мен ҳам маҳак тошинг – назаринг билан
Сунъий мисраларни фарқладим осон.

Тўртлиқлар

Жуда галати-да насиба, тақдир,
Толе ҳам бемаврид қулади гоҳи.
Ейишига гўшт кўп-у, тишим йўқ ҳозир,
Атала ичгандим тишим бор чоги.

* * *

Нимага ўхшайди одамдаги нутқ?
Мен уни ёмғирга менгзагим келар:
Бир кун ёгса қутдир, иккинчи кун – қут,
Шундан сўнг тинмаса, бир офат бўлар.

* * *

“Айтинг, менга, айтинг, энг жирканч кимдир?”
“Титраб-қақшаб турган қўрқоқ бир эркак!”
“Айтинг-чи, ундан-да, жирканчроқ кимдир?”
“Сукут сақлаб турган қўрқоқ бир эркак!”

* * *

Олов ва касаллик, қарзлар ва душман,
Томдан ўтган чакки, мусибат ва кин –
Фақат аҳмоқ одам, ақлини еган
Буларга менсимай қараши мумкин.

Рус тилидан
Ориф ТОЛИБ таржимаси

1987 йилда
туғилган. 2009
йили Ўзбекистон
Давлат жаҳон
тиллари универ-
ситети халқаро
журналистика
факультетини
тамомлаган. “Уч-
рашув” шеърӣй
китоби нашр этил-
ган.





Нуқтаи назар

ИЖОДКОР ШАҲС ВА ДАҲОЛИК: ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН

Инсоният тарихи ўзлигини англаган, буюк ғайриоддий инсонлар, ўзига хос даҳо шахслар – пайғамбар ва авлиёлар дунёга келиб-кетиб турганининг гувоҳи бўлган. Улардаги сирли (мистик), ғайришуурий билимлар, таълимотлар, мўъжиза ва кароматларни Яратганининг Ўзи инъом қилган. Лекин улардан бошқа, оддий инсонларнинг даҳолиги ўрганилиши керак бўлган алоҳида муаммодир. Инсоният ҳаёти жуда узоқ асрлар мобайнида забардаст даҳоларни шакллантирган. Аниқроғи, шароит уларни етиштирган. Истеъдод, иқтидори бўлмаган шахс ижодкор, даҳо бўла олмайди. Ўз навбатида, ҳамма истеъдод эгалари ҳам даҳолик даражасига эриша олмайди. Истеъдод буюклик, даҳолик томон ташланган биринчи қадамдир. Баъзан ирсият ҳам истеъдодни наслдан-наслга ўтишида роль ўйнайди. Масалан, бу ҳолатни Моцарт, Бах, Веронези, Карричи, Тициан, Дарвин, Эйлер, Гук, Дюмада кўриш мумкин.

Инсон ўз ижодий изланишлари асосида ҳам дунёни ўзгартиради, ҳам ўзини ижодкор, кашфиётчи сифатида намоеън этади. Яъни инсон ўз олдига хилма-хил муаммоларни кўяди ва ҳал қилади, уларнинг ўзига хос ечимларини топади. Баъзан бундай ечимларга нисбатан бетакрор ёндашувлар, усулларни қўллайди. Айни шу маънода, ижодкор шахс деганда, юксак қобилият, ҳаётини тажрибага таянадиган теран ақл-идрок, ҳақиқат ва яхшилик бирлиги, олий ҳақиқат, адолат ва ростгўйлик муштараклиги, ақлий ва ахлоқий камолотнинг олий даражага етган ҳолати, қадриятларни қадрлаш, ўзгача ҳис-туйғуларнинг ҳаётга сингиб кетиши, ҳар қандай нарса ва ҳодисага янгича нуқтаи назар, ақл кўзи билан қараш тушунилади. Истеъдод эгаларини шакллантирса бўлади, лекин даҳоликни эмас. Буюклик ўз-ўзини яратади ва намоеън этади. Буюклар ҳаётдан қониқмаслик руҳи билан яшайди. Улар ҳар қандай тушқун вазиятда ҳам руҳан чўкмайдилар. Изланиш, ижод, хаёл, ақлни чархлаш уларга хузур ва ҳаловат беради. Баъзи даҳоларни ўз вақтида англаб етмайдилар. Уни тушуниш учун одамлар тайёр бўлмайди. Шлейермахер наздича: “даҳони тушуниш – даҳонинг ижодий фаолиятини такроран бошидан ўтказишдан иборат бўлиши керак. Ҳатто даҳонинг ўзи нимани, қандай қилиб ёзганлигини охиригача англай олмаслиги мумкин, лекин талқинчи асарни муаллифдан кўра яхшироқ тушуниши лозим. Табиатни тушунтирамиз, инсонни эса тушунамиз”.

Даҳоларнинг ҳамроҳи хаёлпарастлик бўлган. Мисол учун, Ньютон хаёлпарастлигидан нима учун ташқарига чиққанини ва қайтиб кирганини билмаган. Бу ҳолат Виктор Гюгода ҳам



**Дилмурод
БОЗАЕВ**

*1980 йилда туғилган.
ЎзМУнинг фалсафа
факультетида таҳсил
олган. Фалсафа
фанлари номзоди.
Россия файласуфлари
жамияти аъзоси.
Республика илмий-
назарий конференция
материаллари ва
илмий тўпламларида
30 га яқин тезис ва
мақолалари нашр
қилинган. Ҳозирда
Ўзбекистон Миллий
университети
“Фалсафа ва фан
методологияси”
кафедрасида ўқитувчи
лавозимида ишламоқда.*

бўлган. Эйнштейн оддий кўпайтиришни, Тюшерель эса ўз исмини унутиб кўйган пайтлари ҳам кузатилган. Даҳоларнинг феълидаги баъзи ўзгаришлар сабабли омма уларни ғалати тасаввурда эшлашади. Бу худди Архимеднинг яланғоч ҳолда “Эврика” деб кўчага отилганидай кишиларда даҳолар ҳақида жуда жўн тасаввурлар сақланиб қолган. Даҳоларнинг иқтидори хилма-хил. Айтайлик, “Ҳайвонлар уммони масали”ни Лафонтен оғзаки тўқигани, Сальвадор Дали чизажак картиналарини аввал тушида кўргани, Менделеев ҳам даврий жадвални тушида кўриб, кейин бунёд этгани, Агатта Кристи ўзининг детектив асарларини жинойи архивлардан қидирган ҳолда эмас, балки ошхонада овқат пишира туриб “пишитгани” – бор ҳақиқат. Перцептив хусусиятлар (ғаройиб маъно-мазмунга эга бўлган диққатнинг жамланиши, таъсирчанлик, кўнгилчанлик), интеллектуал хусусиятлар (интуиция, фантазия, ўйлаб чиқариш, олдиндан кўриш қобилияти, кенг дунёқараш), характерли хусусиятлар – ўжарлик, бир қолипда ишламаслик, оригиналлик, кунт, юқори даражадаги ўз-ўзини ташкиллаштириш ва меҳнатга лаёқатлилиқ (Я.А.Пономарев) даҳолик хусусиятларидандир.

Баъзи хасталиклар айнан ижодкорларга, даҳоларга хос деган тушунча анча баҳсли. Тўғри, Пифагор, Демокрит, Александр Македонский, Юлий Цезар, Петр I, Ван Гог, Мольер, Наполеон, Достоевский каби машҳурлар тутқаноқ билан оғриганлар. Кўпгина паст бўйли даҳолар жуда улкан ишларни амалга оширганлар. Дарҳақиқат, ижоднинг асосий манбаи ва субъекти ҳам ижодкор шахс ҳисобланади. Ўз навбатида, ижодкор шахс, асосан, ўзининг билиш мотивациясининг доминантли ўрни, тадқиқий ижодий фаоллик, субъектни янгиликни топишга бўлган қобилиятида ва муаммоларни ечишдаги ўзига хосликда намён бўлади. Масалан, оригинал ечимларни топиш ва прогнозлаш эҳтимоллиги, юқори баҳоларни таъминлайдиган эстетик, ахлоқий ва интеллектуал идеаллар эталонларини яратиб қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир (А.М.Матюшкин). Ўзида ақлий ва мотивацион омилларни интеграция қилувчи интеллектуал фаоллик (Д.Б.Богоявленская) ҳам даҳоликнинг асосий белгисидир. Ижод макон ва вақтга нисбий боғлангани учун уни тўхтаб қолиш ҳолатини ва маълум бир маконда шаклланиб қолмаслигини ҳам кўришимиз мумкин. Бунга мисол сифатида биз Шарқ ва Ғарб илмий тафаккур тараққиётини келтиришимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, мазкур худудлардаги шаклланган ғояларнинг ўзаро бир-бирига кўрсатган таъсирини Осиёцентризм ёки Европацентризм вакили ҳам мутлақо инкор эта олмайди. Шу маънода, ижод динамикаси умумбашарий характерга эга. Муаммони топишдаги зукколик, мулоҳазаларнинг узун занжирини яхлитлаш қобилияти, “четдан қараш”га лаёқатлилиқ, таъсирланишнинг мақсадлилиги, хотиранинг тайёрлиги, фикрлаш эгилувчанлиги, баҳолаш қобилияти, ғояларни ҳаётга осон татбиқ қилиш, кўшимча ишланма беришга лаёқат, осонгина яхлитлаш, юмор ҳиссининг мавжудлиги (А.Н.Лук) кўп даҳоларга хос. Шу ўринда юқори ижодий қобилият ва мотивацион-ижодий фаолликнинг органик бирлиги (В.И.Андреев)ни ҳам эътироф этиш лозим.

Даҳоларда юксак такомиллашган хотира, ғайритабiiй характер, ўй, мақсад шундай билиниб туради. Масалан, тарихда Кир ҳамда Александр Македонский ўз аскарларини номма-ном билган, Сенека икки минг сўздан иборат матнни бир ўқиганда ёдлаб қолиш қобилиятига эга бўлган. Бетакрор қараш, янгиликни пайдо қилиш буюкларнинг тамойилидир. Барчага оддий туюлган, унча-мунча ақл англаб етмаган, илғай олмаган ҳолат, воқеаларни, инсон кўнглидаги хаёллари ва руҳи учун мавҳум ирмоқларни очиб бериш, маҳорат ҳамда жўшқин тасаввур ила тасвирлаш даҳоларга хосдир. Гўёки уларда ҳаётнинг салбий ва ижобий ранглари биргаликда уйғунлашгандай, ғоялари оламидан қутилмаган тафаккур чашмаси қайнайди. Инсонни ҳайратга сола олган ноёб қобилиятнинг ҳаммаси ҳам даҳоликнинг белгиси эмас. Даҳоликнинг шарти, жамият ўзгаришлари, тафаккур тарзида бурилиш ясаш, ҳар қандай тамаддунга гуманитар ва эзгу ғояларни синдиришдир. Даҳолар ўз давридаги ижтимоий ҳаётдан бир неча қадам олдинда яшаганлиги боис, ўша куннинг талаби улар учун қизиқарсиз, фоний ва бемаъни кўриниши ҳам мумкин. Баъзан улар инсоний эҳтиёжга ҳам вақт топмаганлар. Мисол учун, Ҳазрат Навоий, машҳур рассом Микеланжело, бастакор Бетховен, Брамс, Шуберт кабилар умри давомида уйланмаганлар. Ўз-ўзини шакллантириш, юксалтиришга интилиш, қилаётган ишини бурч деб билиш, шахснинг аутентиклиги, ўз кучига ишонч, юқори даражадаги танқидийлик ва рефлексия (А.Маслоу) сабаблидир. Ибн Сино 4 ёшида Қуръонни тўла ёд олган, Алишер Навоий 6 ёшидан шеърлар ёза бошлаган ва Фаридиддин Атторнинг машҳур йирик асари “Қуш тили” (“Мантиқ ут-тайр”)ни тўла ёддан билган. Буюк Соҳибқирон Амир Темур жуда ёшлигиданоқ феъл-атворидан ҳукмдорлик белгилари зоҳир бўла бошлаган. Чунки оддий ҳодисалар доирасидан чиқувчи, аммо табиат қонунларига зид бўлмаган ҳаракатларни амалга ошириш, ке-

лажақда бўладиган нарсани ҳис қилиш, бой фантазия ва интуиция, янгилик ва ноёб нарсаларга катта қизиқиш (П.Торренс)дир.

Мустақиллик, таваккал қилишга мойиллик, фаоллик, қизиқувчанлик, мавжуд нарсага қониқмаслик, қарор қабул қилишга тайёргарлик, эътироф этилишга интилиш, ички мотивация, ўсишга тайёрлик (К.Тейлор, Э.Поу) даҳолар табиатида бор. Даҳоликни муайян ёшга олиб бориб тақаш ҳам нотўғри. Чунки уларда ёш нисбий характердадир. Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини 27 ёшида ёзиб тугатган; Усмон Носирнинг биринчи китоби 20 ёшида чиққан; Абдулла Қодирий 26 ёшида “Ўткан кунлар”ни ёзиб, эълон қилган; Чингиз Айтматов 5 ёшида таржимонлик қилиб, ҳақ олган; Гёте 9 ёшида немис, лотин ва юнон тилларида шеърлар ёзган; рус бастакори Сергей Прокофьев 5 ёшида биринчи мусиқий асарини ёзган, 9 ёшида эса “Пахлавон” номли опера муаллифи бўлган; Лев Толстой 11 ёшида Москва Кремли тўғрисида биринчи очеркни ижод қилган; Моцарт ўзининг биринчи мусиқий асарини 3 яшарлигида, илк операсини эса 12 ёшида басталаган; рус мўйқалам даҳолари Иля Репин, Валентин Серовлар ижодларини 4 ёшдаёқ бошлашган; Александр Пушкин “Руслан ва Людмила” номли машҳур поэмасини 17 ёшида ёзиб тугатган, Фридрих Шиллер эса шу ёшга ҳам етмай дунёга машҳур “Қароқчилар” пьесасини ёзган; Паскал 15 ёшида биринчи илмий ишини ҳимоя қилган. Михаил Шолохов ўзини дунёга танитган “Тинч Дон” романининг биринчи жилдини ёзиб тугатганида 23 ёшга тўлмаган эди, шу ёшда Михаил Лобачевский математика фанлари бўйича профессор бўлган эди; Англиялик физик, профессор У.Лоренс Брегг (1890-1970) эса 25 ёшида олимлардан энг ёш Нобель мукофоти соҳиби бўлган ва ҳоказо.

Энг қизиғи, ижодкорда таътил йўқ, саёҳатда ҳам, уйда ҳам, барибир, ишлайверди, бу йўлни у ўзининг эркин ихтиёри билан танлайди, унинг таржимаи ҳоли истеъдод ва меҳнатдан иборат. Унинг маҳорати истеъдод ва меҳнатнинг уйғунлигидан вужудга келади. Шунинг учун ҳам олмон файласуфи Кант: “Ижод – инсонга лаззат бағишлайди, иштиёқни қўзғайди, ҳаётга бўлган муҳаббатни туғдиради”, деб ёзади. Адолат ва инсонийлик борасидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунасидир. Ижод бу – чидам, ҳам руҳланиш, ҳам меҳнат, ҳам роҳатланиш, ҳам “ижод азоблари”, ҳам “ижод кувончи”дир.

Ҳамма даҳоларда ҳам ўзини билдириб қўйиш хусусияти ошкора ва яширин шаклда мавжуд. Ибн Сино мўъжаз шеърлар орқали умрнинг моҳияти ҳақидаги ўйларини, ҳайрату иқрорларини тўкиб солади. Масалан:

Сўз қолмади — парда ичра бир маълум эмас,

Ким қолди чу асрор — дағи мавҳум эмас.

Чун маърифатингда мен андоқ фикр этдим,

Маълум бўлдики, ҳеч нима маълум эмас...

“Ҳеч нарса маълум эмас” – инсониятнинг ҳамма замонлардаги даҳолари иқрори. Беруний ўзининг “Ҳиндистон” номли асарида шундай ёзади: “Менинг ҳамма истакларим, бутун вужудим илм тарқатишга қаратилгандир ва мен буни ўзим учун энг улуг бахт деб биламан”. Дарҳақиқат, бу беназир зот бутун умрини илму ирфон тарқатишга бахшида қилган, ҳар бир сўзида муайян илм, билимни тарғиб қилган. Дарвоқе, алломанинг юқоридаги фикрига мазмунан яқин бир шеъри ҳам бор:

Пешволардан олға ўтдим шаҳд ила,

Мен – ғаввосу илм бўлди уммоним.

Ҳинддан сўра, машриқ аро қадримни,

Мағриб мени ўқир – йўқдир армоним.

Ушбу мисраларни ўқиш асносида инсоният тарихидаги буюк сиймоларнинг ўзлари ҳақидаги фикрлари беихтиёр кўнгилдан ўтади: “Агар сен кўнгилга етдинг, Румийга етдинг, Агар сен Румийга етдинг, Худога етдинг” (Румий), “Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал кўйдим ўзимга” (Пушкин) ва ҳоказо... Даҳолар ўз қадрини, асарларининг баҳосини билди. “Икки даҳо бор: бири — Рафаэл, иккинчиси — мен, Сальвадор Дали”, дейди Дали. Навоий Ҳиротни тарк этиб, Самарқандга келган кезларида устози Ҳасан Ардашерга ёзган мактубида шундай байтлар бор:

Мен ул менки то турк бедодидур,

Бу тил бирла то назм бунёдидур.

Фалак кўрмади мен киби нодире,

Низомий киби назм аро қодире.

Худо еткурур онча суръат манга

Ки, бўлмас битиришга фурсат манга.

Эътибор қилинг, юқоридаги сатрлар ёзилган вақтда Навоий бобомиз эндигина 23 ёшга кирган эдилар. Ўйлаб кўрилса, шу ёшдаги йигитнинг бу қадар қатъий ишонч ила ўз-ўзига юксак баҳо бериши, шубҳасиз, ўз кучига ишонишдир.

Ижодкорлик меҳнат эканлигига шак-шубҳа йўқ, лекин у бошқа барча ақлий меҳнат турларидан катта фарқ қилади. Айни шу маънода, у давомли ҳодисадир. Бу жараёнда ижодкорнинг шахсий хислатлари – фазилатлари катта роль ўйнайди. Агар ижодкор меҳнаткаш, ҳар бир кунини муайян режа асосида ташкил қиладиган, вақтнинг қадрига етадиган, дадил, қийинчиликлардан чўчимайдиган бўлса, у ўз ишини охирига етказа олади. Бордию бунинг акси бўлса, ижодий мақсадлари, нари борса, яхши топилма сифатида, чиройли режа тарзида қолиб кетади. Бу эса ижодкорнинг шахсий хислатларининг маънавий-ахлоқий жиҳатларини (айниқса, олимпик ахлоқи ва масъулиятини) чуқурроқ тадқиқ этишни қанчалик долзарблигини кўрсатиб турибди.

Даҳоликнинг асосий сири — инсоннинг эркин фаолиятида намоён бўлади. Аммо ижоднинг ибтидоси, ўтмиш натижаси эмас, шунингдек, у тарихий ёки космик даврда ҳам амалга оширилмайди. Балки у инсонни мавжудлиги билан ҳам замонга хос сифатга эга бўлади. Тарихийлик нуқтаи назаридан эса, ижод парадоксал равишда ўтмишдан ривожланиб келувчи, бугун ва келажакни боғлаб турувчи ўзига хос феномен, деб тасаввур қилинади. Ижод қилиш орқали биз ўзлигимизни англаймиз, ҳақиқий эркинликни ҳис қиламиз. Лекин бундай ҳолат камдан-кам учрайди. Чунки ижод айна шу мураккаблиги ва тақдорланмаслиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Н.А.Бердяев “Менинг фалсафамдаги ўзига хослик, энг аввало, шундаки, мен унга борлиқни эмас, эркинликни асос қилиб олдим”, дейди.

Ҳар қандай мавжудотлардан фарқли равишда айнан инсонга ижод қилиш мартабаси берилган. Инсоннинг ўзи ҳам Яратувчининг нақадар Ижодкорлигини билдиради. Инсондаги бундай фазилат айнан ижодкорликда ёрқин намоён бўлади. Агарда борлиқда барча нарса тайёр яратилган бўлса, унда ижод ғоясининг ўзи ҳам бўлмасди.

Даҳодаги ижодий жараён диалектик табиатга эга, чунки у ўз-ўзини оқлайди. Оқламайдиганлари эса оддий ижодкорларга хос бўлган тақдор ва қайтариқдир. Даҳонинг ўз-ўзини англаши туғмадир, яъни ундаги ижодкорлик қобилияти ўзлаштирма хислат эмас. Ўзлаштирма хислат оддий ижодкорларда бўлади. Ўзида ижодийликни англаш эса инсондаги инқилобдир.

Ижодни ҳаёт мазмуни ва ҳаёт ҳақиқатини излаш ҳақидаги ўйга ҳам қиёслашимиз мумкин. Чунки даҳонинг дунёқарашига, биринчи навбатда, уни ўраб турган муҳит ҳам таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, ижод ўзининг тарихий даври ва унда ҳаракатланувчи тарихий илдишларга боғлиқдир, бироқ унинг ўзига хослиги дунёга тарихда бўлмаган принципиал янги ўзгариш киритишидир. Шу боис, ижод бу – ўтмиш билан келажакни боғлаб турувчи ва авлодлараро муносабатларни таъминловчи объектив ҳодисадир. Бинобарин, дастлабки ижод ўтмиш натижаси эмас, у тарихий ёки космик даврда амалга оширилмайди, боғлиқликни билмайди, экзистенциал вақтда амалга оширилади. Бизнингча, тарихий даврда ижод парадоксал равишда келажакдан келувчи воқелик сифатида тасаввур қилинади. Шу маънода, ижод профетик хусусиятга эга. Ҳақиқатан ҳам, агар янги эскисдан келиб чиқадиган бўлса, икки элементларнинг янги жамламаси ҳисобланади ва бу – ижод сўзининг аниқ маъносига тўғри келмайди. Ижод бу – дунёга принципиал янгилик киритиш демакдир. Даҳо ижоди – конструктив яратувчанликдир. Дарҳақиқат, фаннинг кўп асрлик тарихи кашфиётлар билан узвийликка эга. Илмий кашфиётлар олимларнинг далилларни тизимга солиш ва таснифлаш борасидаги фидокорона меҳнати натижасида юзага келади.

Даҳо шахсининг алоҳида руҳий ҳолати сифатидаги яна бир ўзига хослиги унинг ёлғизлигидир. У оила билан яшаганда ҳам ўзини ёлғиз ҳис қилади, иложи борича, ўзини одамлардан олиб қочишга интилади. Бундай ҳодиса оддий одамларда ўз менидан йироқлашишни, тушкунликни, хафақонлик ҳолатини пайдо қилади. Даҳо учун эса бу ихтиёрий ҳодиса, ижоднинг шартли ҳисобланади. У айнан мана шу ёлғизликда ўзининг моҳияти – иккинчи мени билан топишади. Айни пайтда, бу мен гўё даҳонинг вужудидан узилиб чиққандек, хатти-ҳаракатларини бошқариб туради.

Даҳо ўзининг асарини яратади, бироқ бировникини баён қилиш даҳолик саналмайди. Чунки у индивидуал – инсоний ифода ичида ғайб руҳи ва илми фаоллашаётганлигини ҳис қилади. Шунинг учун ҳам баъзан даҳолар деярли ихтиёрсиз ҳолатда ичида қаттиқ куч таъсирида ҳаракат қилаётган медиум сифатида буюк кашфиётлар яратади. Шунингдек, бошқа пайтларда ҳам улар машаққатли меҳнат, кўп сонли тажрибалар билан юқоридан берилаётган нарсани ифодалашга ёки адекват қабул қилишга ҳаракат

қиладилар. Дарҳақиқат, инсонга ижодкорлик хос, аммо у фақат ўз моҳиятини англаб етса ижодкорга айланади, қачонки, ўзининг олий мақсадига эришсагина буюкликни ҳис қилади. Камю фалсафий асарларида ижод – шахснинг экзистенциал муаммоси сифатида талқин этилади. Камю фалсафасида ижод – ҳақиқий оламда мавжуд бўлишининг абсурдликка қарши туғён сифатида тушунилади. Ижод унда абсурдликни енгиб ўтиш усули сифатида тасаввур қилинади. Сартр эса ижодни ижодий субъект шахсиятини яратиш воситаси сифатида талқин этади. В.Соловьёв ҳам ижодни инсоннинг Гўзаллик, Ҳақиқат ва Эзгулик қадриятларини ифодалаш ва “бир бутунлик” моҳиятига эришишга бўлган ҳаракати, деб тушунтиради.

Ижодкор шахснинг энг юксак кўриниши даҳолик билан характерланади. Даҳоларнинг дунёга келиши эса замондан ташқарида рўй бермайди, аксинча, биз тушуниб етолмай-диган қонуниятлар асосида улар даврнинг зарурияти билан пайдо бўладилар. Даҳо оддий ақл англаб етмаган, илғамаган, ҳатто илғаган бўлса-да, маҳорати, истеъдоди камлиги боис очиб беролмаган воқеликлар тубидаги воқеликларни тасвирлаб, одам ва олам ҳақидаги тасаввурларни мутлақо янги поғонага олиб чиқади. Масалан, Шекспир даҳо санъаткор эди – у ўз асарларида инсониятнинг мангу муаммоларини, жамият-ни жамият қилиб тутиб турадиган асосий устунларни яхши илғаб олган ва ҳар бир асарида уларни бетакрор самимият ва фавқуллодда маҳорат билан ифодалаб бера олган. Дунё фанининг даҳолари қаторига математик, физик ва астроном сифатида Х.Гюйгенс, физик Снеллиус, микроскоп ихтирочиси Левенгук ва буюк рассом Рембранд ва бошқаларни киритиш мумкин.

Халқимизда азал-азалдан қомусий билимлар эгаси, буюк мутафаккир, улуғ ижодкор, олим ёки даҳо кишиларни офтобга ёки шамга қиёслаб келинган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, офтоб ҳаммага баробар нур сочади. Шам эса ёниб, эриб, тамом бўлиб борса ҳамки, атрофдагиларга зиё бағишлайди. Давр – даҳо учун уруғ вазифасини ўтайди, шу уруғдан мангу ям-яшил улкан дарахт ўсиб чиқади, дарахт юксалади, давр эса қуйида қолади. Қадимги хитойлар даҳони табиатни тасвирлайдиган инсон эмас, балки ўзи табиат бўлган мавжудот, каромат эгаси сифатида баҳолаганлар. Даҳо, бу – Ницше таърифлаган аъло одам, қонунларни бузиб, ўзи янги қонунлар яратадиган, одамдан баланд даражадаги одам. Дени Дидро ўзининг “Даҳо” мақоласида шундай ёзади: “Санъатда, фанда ва амалий фаолиятда даҳо, айтиш мумкинки, нарсаларнинг асл табиатини ўзгартиради; унинг ўзига хослиги нимагаки қўл урса, ўша нарсаларнинг ҳаммасига кўчиб ўтади, унинг билими кечмиш билан бугуннинг ҳудудини ортда қолдириб, келажакни нурлантириб туради; у ўз асридан илгарилаб кетади ва асри уни кувиб етишга ожизлик қилади...” Лекин бошқа бир гуруҳ мутафаккирлар даҳони руҳшунослик нуқтаи назаридан баҳолайдилар ва уни инсоннинг носоглом руҳий ҳолати сифатида таърифлайдилар. Платон, Демокрит ва Аристотелдан тортиб Паскалгача даҳоликни телбалик билан чегараланишини таъкидлайдилар. Платон ҳатто алаҳсирашни “маъбудлар бизга туҳфа қилган илоҳий неъмат”, деб атайди. Европанинг машҳур психиатрларидан бири Чезаре Ломброзо ўзининг “Даҳолик ва телбалик” китобида бу масалани атрофлича очиб беришга ҳаракат қилади. Ундан кейин Зигмунд Фрейд бу масалага руҳий таҳлил усули билан ёндашиб, маълум маънода Ломброзо хулосаларини тасдиқлади. У нафақат даҳолар, балки барча истеъодли шахсларда ҳафаконлик (невроз), умуман, руҳий хасталик моҳият тарзида мавжудлигини, лекин улар бу дардини ўз ижодий маҳсули бўлган ғояларига ўтказиб юбориш орқали ўзларининг соғломлигини сақлаб қолишларини, лекин бу соғломлик бошқаларникидан фарқланишини чуқур илмий ва амалий асосда исботлаб берди. Албатта, даҳо шахс кўринишидан бошқалардан унчалик фарқ қилмайди. Лекин у – ўзга бир олам. Биз оламини ўрганиб, тагига етолмаганимиздек, даҳоларни ҳам ҳеч қачон тўлиқ тушуниб, тўлиқ талқин қилолмаймиз.



Алишер ЮЛДАШЕВ

ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚА САНЪАТИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ

Аннотация: Мақолада мусиқа санъатидаги айрим муаммолар ва шу соҳага боғлиқ профессионал кадрларнинг етишмаслиги хусусида сўз бориб, бугунги кунда мусиқий маданиятни шакллантириш борасида қилинаётган ижобий ўзгаришлар ёритилган.

Аннотация: В этой статье опубликованы некоторые проблемы в области музыкального искусства, и о том, что не хватает кадров, занимающихся этой тематикой. Так же в ней описываются изменения, которые помогают сформировать музыкальную культуру.

Annotation: In this article published some problems in the field of musical art. And the fact that a shortage of staff on this topic. Also it describes changes which helps to form the musical culture.

Таянч сўзлар: мусиқа санъати, мусиқа таълими, профессионал кадр, миллий чолғулар, жаҳон чолғулари, созанда, дирижёр, ижро маҳорати.

Ўзбекистонда мусиқа санъатини ривожлантириш ва уни оммавий тарғиб этиш ишлари тизими йўлга қўйилган. Бу тизим оммавий ўрта мусиқий таълим бериш ўрта махсус ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ишларини ўз ичига олади. Шу дастур ила мусиқа санъати соҳасида янгича тизим, ёндашув ва таълим-тарбия ишларини кутилган даражада ташкил қилишга эришилмоқда. Чунки “мусиқа санъатининг инсон ва жамиятнинг маънавий баркамоллигидаги ўрни беқиёсдир”. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, мусиқа санъати кадрларини тайёрлаш ишларини янада кучайтириш долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Негаки, бу масала бозор иқтисодиёти ва демократик шароитга асосланган жамиятимизда мусиқа санъатининг ижтимоий, ахлоқий маданий роли ортиб бораётганлиги билан белгиланади. Шу маънода, бугунги кунда соҳа учун қуйидаги тоифа кадрлар сув билан ҳаводай зарурдир:

- миллий чолғулар бўйича мутахассислар;
- жаҳон чолғулари бўйича мутахассислар;
- бастакорлар;
- созандалар;
- жўрнавозлар;
- дирижёрлар;
- мусиқа таълими бўйича педагоглар.

Мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, тараққий эттириш орқали

Ўзбекистонни санъат соҳасида дунёга танитадиган ёш авлодни тарбиялаш учун ана шундай кенг қўламли кадрлар авлодини тайёрлаш керак бўлади. Чунки бу соҳа илмий, назарий ва амалий жиҳатдан касбий тайёргарликка эга кадрларга эҳтиёж сезилаётган тармоқ ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда умумий musiқий таълим бериш ва умумий musiқий маданиятни шакллантириш давлат таълим стандартларига ва ўқув дастурлари асосида оммавий тарзда йўлга қўйилган. Кўпгина давлатлар таълим тизимида учрайдиган бу ишлар қуйидагича амалга оширилмоқда.

1) мактабгача таълим муассасаларида болани куй, ашула ва рақс оламига олиб кириш;

2) умумтаълим мактаблари ўқувчиларини “Муסיқа” фани воситасида муסיқа санъатининг умумий назарий ва амалий хусусиятлари билан таништириш;

3) қўшимча таълим шакли бўлган болалар муסיқа ва санъат мактаблари орқали ўқувчиларга musiқий таълим беришни кучайтириш ва уларнинг муסיқа санъати касбига йўналтириш;

Бу ишларни мақсадли ва оқилона амалга ошириш учун ихтисослаштирилган академик лицейлар, санъат коллежлари ва олий педагогик таълим муассасаларида профессионал, тегишли маълумотли, малака ва кўникмага эга кичик мутахассислар ёки мураббийлар ва ўқитувчи кадрлар тайёрланмоқда. Бу мутахассис кадрларнинг муסיқа санъати ривожига, унинг шахс ва жамият тарбиясидаги ролини ошириш борасидаги хизматлари юксак бўлмоқда. Негаки, айнан ушбу кадрлар тоифаси шахсдаги musiқий истеъдод учқунини шакллантирмоқда, уни тарбиялаб навбатдаги таълим босқичига йўналтирмоқда. Буларнинг барчаси шахсни умумий musiқий таълим ва маданият билан таништириш ва қуроллантириш имконини бермоқда. Бу тизим келажакда янада назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштирилиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Айни пайтда, муסיқа санъати бўйича профессионал кадрлар тайёрлаш жараёнини кенгайтириш ва кучайтиришга эҳтиёж бор. Бугунги кунда республикамизда бу тоифа кадрларни тайёрлаш қуйидаги тизим асосида амалга оширилмоқда;

1) ихтисослаштирилган академик лицей ва санъат коллежларида ўрта махсус маълумотли кадрлар (кичик мутахассислар) тайёрлаш;

2) ихтисослаштирилган махсус олий таълим муассасаларида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш;

3) олий таълимдан кейинги таълим тизими орқали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш.

Эътибор берилса, мамлакатимизда муסיқа санъати бўйича профессионал кадрлар тайёрлаш тизими ноёб, узлуксиз, узвий ва реал хусусиятларига эга. Шу сабабли, жамиятимизда муסיқа санъати замон талаблари даражасида ривожланиб бормоқда. Лекин айрим ҳолатларда муסיқа санъати бўйича профессионал кадрларда қуйидаги камчиликлар сезилмоқда:

– муסיқа ижодкорлигини янада юксалтириш;

– ижро маҳоратини такомиллаштириб бориш;

– миллий муסיқа санъатимиз ютуқларини кенг тарғиб қилиш;

– мумтоз musiқий меросини чуқур ўзлаштириб бориш;

– муסיқа санъати бўйича илмий, амалий, услубий ва оммабоп адабиётлар тайёрлаш ва нашр этишни кучайтириш;

– халқ орасида оғзаки тарзда мавжуд куй, оҳай ва усулларни ёзиб олиш, таҳлил қилиш ва оммалаштириш;

– “оммавий маданият” шаклларида бўлган ажнабий муסיқа ижодкорларига ўринсиз тақлид қилишдан сақланиш.

Бу муаммоларни ўрта махсус ва олий маълумотли муסיқа санъати кадрларини тайёрлаш жараёнида ҳал қилиб бориш долзарблигича қолмоқда. Агар бу жараёнда мазкур муаммоларни ҳал этишга эришилса, қуйидаги ижобий ҳолатга олиб келади.

а) истеъдодли ва маҳоратли муסיқа санъати кадрларини тайёрлаш;

б) кенг дунё қарашли, билимли ва ахлоқий маданиятли кадрлар авлодини вояга етказиш;

в) муסיқа ижодкорлиги ва ижрочилигини юқори босқичга олиб чиқиш.

Бугунги кунда барча соҳалар қаторида муסיқа санъати тақдири ва ривожига профессионал кадрларга боғлиқ бўлиб қолаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Бизнинг назаримизда, муаммоларнинг ечимларидан бири профессионал кадрлар тайёрлаш кўламини янада кучайтиришдадир. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

биринчидан, мусиқа соҳаси бўйича ўрта махсус ва олий маълумотли профессионал кадрлар тайёрлаш классификациясини кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

иккинчидан, умумтаълим мактабларнинг юқори синфларигача “Бошланғич мусиқа назарияси” фанини ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларига “Мусиқа назарияси” курсини киритиш;

учинчидан, мониторинг таҳлиллари асосида энг зарурий мусиқа чолғулари бўйича профессионал олий маълумотли кадрлар тайёрлаш квотасини кўпайтириш;

тўртинчидан, илмий назарий ва илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтириш, бунинг учун мусиқа санъати бўйича илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кўпайтириш;

бешинчидан, Ўзбекистон давлат консерваториясида доимий асосда фаолият кўрсатадиган мусиқа санъати бўйича профессионал кадрлар малакасини ошириш бўлимининг фаолияти таъсирини кучайтириш;


олтинчидан, мусиқа санъати менежери (мусиқа санъати соҳаси давлат башқаруви) кадрларини тайёрлашни йўлга қўйиш.

Ушбу таклифлар ижроси мамлакатимизда мусиқа санъати кадрларини тайёрлаш тизимини янада кучайтириши шубҳасиздир. Чунки мазкур тоифа кадрларининг ёш авлод тарбиясидаги ўрни беқиёс ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мусиқа санъати кадрларини тайёрлаш тизими ўзига хос хусусиятларига эга ва уни замонавий даражада такомиллаштириш долзарб масаладир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997.
3. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси тарихи. – Т.: Меҳнат, 1993.





Болалар дунёси

АСАЛ ЭДИ БУВИЖОНИМ СЎЗЛАРИ

Оғайнилар

*Тол теракка қарайди,
Терак толга қарайди.
Гўёки бир-биридан
Ҳолу аҳвол сўрайди.*

*“Салом!” дейишмоқчийди,
Музлаб қопти “тиллари”.
Бироқ “кўришиб турар”
Қор шохлари – қўллари.*

Ҳой, қушлар

*Қушлар, қушлар, ҳой қушлар,
Юртимга чирой қушлар.
Сайр этингиз боғларда,
Чарх уриб, тинмай, қушлар.*

*Қушлар, қушлар, ҳой қушлар,
Куй, қўшиққа бой, қушлар.
Шундай сайранг, лол бўлиб,
Тўхтаб қолсин сой, қушлар.*

*Учиб юринг шохма-шох,
Сайрашиб шўх: “Чаҳ-чаҳ-чаҳ!”
Сайрасангиз дилимиз
Бўлар яна хушчақчақ.*

*Қушлар, қушлар, ҳой қушлар,
Булбуллару бойқушлар
Учаверинг барингиз,
Сизга бўлсин олқишлар!*

Мевалар нима дейди?

Шафтоли:

*– Шафтолиман, оҳ,
Худди музқаймоқ!*



Олқор ДАМИН

*1947 йилда туғилган.
СамДУнинг ўзбек
филологияси
факультетини
тамомлаган. “Салом
яхшилик”, “Сабр
ҳайкали”, “Ассалом,
Наврўз!”, “Ўлмас
даҳолар”, “Афсона
шаҳрим”, “Қирқ
мухаммас”, “Қўш
ирмоқ”, “Қучоқлайман
баҳорни”, “Наво”
номли шеърини,
“Муаттар ўйлар”
танланган асарлари
нашир этилган.*

Узум:

– Узумман, узум,
Энг зўри ўзим!

Гилос:

– Гилосман, гилос,
Туиуринг паққос!

Ёнгоқ:

– Ёнгоқман, ёнгоқ,
Таъмим зўр, шундоқ!

Нок:

Олмурутман – нок,
Асал дейсиз нақ!

Олма:

Олмаман, олма,
Болми, мен болми?

Бувижоним сўзлари

Бувижоним
меҳмон бўлиб
келдилар.
– Ўйнаб-қулиб
юрибсанми? –
дедилар.

Асал эди
бувижоним
сўзлари.
Яна асал
келтирибди
ўзлари.

Боларижон, болари

Боларижон, болари
Гулни кўрса лол, ари.
Кўзларингни яшинатар
Ўлкамизнинг боғлари.

Боларижон, болари,
Сибизгангни чал, ари.
Севинчингга тор жаҳон,
Айни баҳор чоғлари.

Боларижон, болари,
Менга қулоқ сол, ари.
Бол йиғавер, болистон –
Ўлкамиз қир-тоғлари.

Ниҳолжон

Мен ниҳолни синдирмайман,
ниҳолжонни,
Синдирсамми оғрийди-да,
унинг жони.

Мен ниҳолни юмишатаман
тағларини,
Лабларимга суртадирман
барғларини.

Мен ниҳолни авайлайман
улоқлардан,
Кумуш сувлар келтираман
булоқлардан.

Мен ниҳолга: “Ниҳолжон”, деб,
ном қўяман,
Меҳмон келса мевасидан
бол қўяман.



Ижодий мусобақа

МУШУК ХАНГОМАСИ

ЖАВОҲИРНИНГ МУШУКЛАРИ

*Бу воқеий шеър ёзилгунча,
Бироз қийналдим боида.
Қахрамоним Жавоҳирбек
Ҳозир-чи ўсмир ёида.
Отасининг исми Тоҳир,
Соддадил, кўнгли тўғри,
Дилфузахон синглимизнинг,
Яккаю ёлғиз ўғли.
Қишда улар Қўйлиқдаги,
Домда яшаб туришар.
Дала-ҳовли алоҳида,
Ёзнинг гашитин суришар.
Ўтган йили саратонда,
Боғу роглар соз бўлди.
Мевалар пишиб, етилиб,
Офтоб сарафроз бўлди.
Қайрилма қош қалдирғочлар*

Кунлардан бир кун таҳририятимиз ходимаси, парҳезкор инсон, заргар кунти ва сабрига эга мусаҳҳиҳимиз Дилфуза Маҳмудова уйида содир бўлган ушбу воқеани ҳикоя қилиб бердию уни эшитган қатор ижодкорларимиз дарҳол қоғоз-қалам қидириб қолишди. Хуллас, воқеа ушмундоқ бўлган: Дилфузаларнинг ҳовли уйларида сичқон кўпайиб кетибдию кўшни мушуклар “қунда шунда”ларга айланишибди. Воқеадан хабар топган оила аъзоларидан кимдир “ўзимизнинг мушук бўлсаю сичқонлар ҳам бегона кетмаса”, деб юборибди. Бу истакни ҳамма бир овоздан қўллаб-қувватлабди ҳамда дарҳол қаёқдандир мушук тутиб келтирилибди... Шугина воқеа шоиру носирларимизнинг эътиборини тортиб қолди ва улар Дилфузанинг оғзидан чиққан мазкур воқеа асосида қуйидаги ҳажвларини битдилар. Кимдир воқеага реалистик кўз билан қараб, унга имкон қадар яқин вариантни яратишга интиланган бўлса, кимдир воқеани дастлабки туртки, ўзига хос бир “хамиртуруш” дея, унга эркин муносабатда бўлиб, хаёлга эрк берганлигини кўриш мумкин. Адабиёт тарихида бир воқеа асосида турли асарлар ёзиш тажрибаси кўп бор синалган. Ижодкорларимиз ана ўша анъанани давом эттиришмоқчи бўлишганга ўхшайди. Ўқиб кўриб, баҳосини бериш эса сиз азиз ўқувчиларимизга ҳавола.

Таҳририят



**Турсунбой
АДАШБОВ**

*Атоқли болалар
шоири, публицист
ва таржимон. 1939
йилда туғилган.
ТошДУни ҳамда
Москвадаги
Жаҳон адабиёти
институтини
битирган. “Камолнинг
олмаси”, “Биз
саёҳатчилар”,
“Олатовлик
бўламан”, “Арслонбоб
шаршараси”,
“Сурнай”, “Нур
дарё”, “Гулдаста”,
“Олатоғ-лолатоғ”,
“Оқбўра тўлқинлари”,
“Совга”, “Арслонбоб
афсонаси”,
“Сичқоннинг орзуси”,
“Уч бўталоқ ва сирли
қовоқ”, “Орзуларим
– қўш қанотим”,
“Олтин ёлли тулпор
қиссаси” каби
тўпламлари нашр
этилган.*

Валфажр ўқишарди,
 Қарга, Чумчук, Олақанот,
 Гилосни чўқишарди.
 Жўхорилар пишиб бўлгач,
 Омборга қараб шошди.
 Сичқонларнинг кунни тугиб,
 Шўхлиги ҳаддан ошди.
 Газандалар билмас тиним,
 Дон-дунни қитирлатиб.
 Фаиға тегар туни билан,
 Япроқни шитирлатиб,
 Гоҳо кириб ошхонага,
 Ушоқдан кўрар татиб.
 Шодмонликни улуғ Тангрим,
 Беҳуда улашмаган.
 Жавоҳир ёш эди унда,
 Ройишироқ, курашмаган.
 Мушук боқай деган чоғда
 Кўнмаган, унашмаган.
 Унинг сўнгги илтимоси,
 Амалга ошди бу гал.
 Зойиржон-у, Хусниддинлар,
 Табриклар уни тугал.
 Жавоҳирнинг икки дўсти,
 Дараклашди, чопишди.
 Битта қора мушукчани
 Қаёқдандир топишди.
 Оқибатли оиналари
 Совгани-ку дўндирди.
 Нон, сут бериб мушукчани
 Шароитга кўндирди.
 “Ит вафодор” бўлса ҳамки,
 Кўп нарсани уқмайди.
 Мушук асли уйга кўнган,
 Тиззангизда ухлайди.
 Жавоҳирбек мушукчани,
 Эркалади, қаради.
 Бир кун келиб оиланинг
 Хизматиға яради.
 Дала-ҳовли гавжумлашди,
 Мушуквой ўсди дуркун.

Сичқонларни, каламушни,
 Додини берди ҳар кун.
 Модир мушук ҳордиқ олгач,
 Ҳовли бўйлаб кезади.
 “Шитир” этган товушларни
 Тез илғайди, сезади.
 Эрта тонгда юзин ювиб,
 Фақат овни ўйлайди.
 Нафси ўпқон сичқонларни,
 Тутгач, роса ўйнайди.
 Анча-мунча дон-дунларни,
 Емакхўрлар кемирди.
 Аммо қора, сариқ мушук,
 Яйраб, яшинаб семирди.
 Ҳар иккала қирон овчи,
 Ҳозир ҳовли томонда.
 Жавоҳирнинг бир армони
 Дилга чўккан чамамда:
 – Бу мушуклар домга бориб,
 Турмагани ёмонда.
 Қора мушук миёвлаб дер:
 – Дала-ҳовли жуда соз
 Домлардаги сичқонлар-чи,
 Анча ориқ, гўшти оз.
 Шкофларнинг орасидан,
 Эмин-эркин ўтолмай
 Бетон девор тирқишидан,
 Қийналамиз тўтолмай.
 Бу ердаги текинхўрлар,
 Бир-биридан тасқара.
 Қуйруқларин кўрсатишиб,
 Бизни қилар масҳара.
 Домдагилар ит боқади,
 Фаиға тегар вовиллаб.
 Биз шу ерга кўникканмиз,
 Мазза қишлоқ, овуллар.

* * *

Баҳоначи мушукларнинг,
 Айблари-ку ётилар.
 Жавоҳирбек орзу қилган
 Мушуклар ҳам топилар...



“ЧИНГАЧГУК” ЧЕКИНДИ

Аввало қаҳрамонимиз таърифни келтириб олсак: иш деганни тинчитмай тинчимайдиган, уйида ишхонаси, ишхонасида уйнинг ташвишидан бўшамайдиган куйди-пишди жувон. Яна айтаверсак, хизматдан қочмайди, бировга ёрдами тегса, ич-ичидан қувониб юради. Уғилболача чапанилиги, ҳазилкашлиги ҳам етарлича... Ҳар тўқисда бир қусур деганларидай, қаҳрамонимизнинг ҳам, келинг, исми билан атай қолайлик – Дилфузанинг ҳам бундайроқ томонлариям йўқ эмас. Масалан, андак жаҳлдор, андак, йўқ андакмас, анчагина қайсар, гапиданам, фикриданам унча-мунчага қайтариб бўлмайди. “Чингачук (аслида Чингачук) битта гапиради!” дейди ҳиндулар сардорига тақлид қилиб. Хўш, яна... Ҳа, энг асосийси – бировдан кўнгли қолса (ўзининг оғохлантиришича), қаттиқ қолармиш!..

Жавоҳир еттинчида, Дилноза олтида ўқийди. Иккови ҳам аълочи. Яна таэквондо тўғарагининг аъзоси. Аллақандай мусобақаларда қатнашиб, медаллар ҳам олиб келишди. Бундан ташқари Жавоҳир футбол жинниси, Дилноза ажабтовур шеърлар ёзади. Яна шунчалик билан болалик одатлари ҳам йўқолмаган. Туппа-тузук футболчи, таэквондочи Жавоҳир мушукка ишқибоз. Ойиси Дилфуза бўлса мушукни итдан баттар ёмон кўради. Йўқ, итни ёмон кўрмайди. Қишлоқ жойда ит асраса бўлади. Лекин мушукни уйга йўлатмаслик керак. Мушук беҳосият дейди. Икки гапнинг бирида “Ит-мушук” ривоятини пешкаш қилади. Ит дуо қилармиш, эгамни боласи кўпайсин, кўп боланинг қўлидан нон еб, семириб юрай дермиш. Мушук бўлса, эгам бола кўрмасин-да, мени арзанда қилиб, эркалаб юрсин, деркан. Мушук деганларинг ана шунақа шумшук бўлади, дейди жаҳл билан.

Аслида адоват сабаби ривоят эмас. Унинг бу борада ҳеч кимга айтмаган сири бор. Ўқувчилик пайтида онаси унга бир ҳафта ўтириб, жимпер тўқиб берганди. Ниҳоят интиқ кутган кун келдию... Эртага иссиққина жимперда мактабга бораман, деган ширин хаёлда уйқуга кетиб, тонг азонда уйғониб қараса... бароқвой янгигина кўз очган мушукчалари билан ёстиғи ёнида тахлаб қўйилган жимперга ўралибгина ётибди. Ва... мушукваччалар яп-янги жимперни тузуккина булғаб қўйишибди. Энди унинг вазоҳатини кўрсангиз. Мушукчаларни у ёқдан бу ёққа отган, бақириб-чақирган, уввос солиб йиғлаган. Шу-шу, мушукни кўрса жини қўзийди. Мушук асраш у ёқда турсин, ҳовли чеккасида қораси кўринса, қувиб солади.

Хўп, энди Жавоҳир нима қилсин? Нодир ўртоғининг мушуги болалаган. Бири-биридан чиройли, момикқина. Кўзчалари мунчоқдек. Қишлоққа келгандан бери Нодирларникига қатнайди, мушукчалар билан ўйнайди. Она мушук қизганмайди, бир чеккада узала тушиб ётганча, уни кузатади. Эҳ, таътилдан қайтишда биттагинасини опкетса қанийди. Дарсдан зериккан пайтлари роса овунчоқ бўларди-да. Қаёқда! Ойиси қишлоқдаги ҳовлиларига яқин йўлатмайдию шаҳарга йўл бўлсин!..

Истак кучли бўлса, йўли ҳам топиларкан.



Орзиқул ЭРГАШ

1953 йилда туғилган.

СамДУнинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. "Тўй", "Дунёнинг бир чеккаси", "Болалигим кўчаларида", "Шоҳсанам", "Дархон қиссалари" каби китоблари нашр этилган.

– Дада, ойи, омборимизда роса сичқонлар болалабди-да, – деди Жавоҳир гапни узоқдан бошлаб.

– Шуни айтинг, бирам кўпки, – дея қувватлади синглиси Дилноза.

– Ҳа, энди дон бор ерда сичқон болалайди-да, – деди дадаси газетадан бош кўтармай.

– Шундайку-я, менга битта нарса ёқмаяпти-да, – деди Жавоҳир жиддий оҳангда.

– Ҳм, нима ёқмаяпти, – деди хамир қораётган Дилфуза ўғлига қараб.

– Омборимиз сичқонларини дайди мушуклар еб кетяпти-да.

– Ҳаммасини ҳайдаб соламиз-у, бир пас ўтмасдан биқиниб келишаверади, шумшук деганингизча бор-да, ойи, – Дилноза қўшимча қилди.

– Келаверсин, сичқонни мушук ўлгирга чиқарган-да ўзи.

– Шундайку-я... – Жавоҳир ўсмоқчилади.

– Ҳа, нима демоқчисан?

– Демоқчиманки, ўзимизда битта мушук бўлса-да, омборга обориб қўйсақ. Бир чеккадан тутиб еб, семириб юрарди-да.

– Ҳа, яна, ойи... ёввойи мушукларниям яқинлатмай қўярди-да, а, дада, нима дедингиз? – Дилноза мадад истаб отасига қаради.

Отаси газетадан бош кўтариб, бир қизига, бир ўғлига қараб турди-да, хоҳолаб кулиб юборди.

– Оббо, азаматларей! Есаям ўзимизники есин-да, шундайми?..

– Ҳа-да, бўлмасам-чи, – дейишди ака-сингил баравар жонланиб.

– Болаларингни гапи тўғри, ойиси. Дон ҳам, сичқон ҳам ўзимизники бўлгандан кейин, мушугам ўзимизники бўлсин-да. Бегонани аралаштириб нима қилдик!

Ота-болалар мириқиб кулиб олишди. Қаҳрамонимиз бўлса... Ҳа, айтмоқчи, ўзини ҳар қанча жаҳлдор санамасин, бола феъллиги ҳам бор андақкина. Билиб-билмай лаққа тушиб қолаверади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Гарчи очиқ-ойдин: бўпти опкелақол, демаса-да (ахир “Чингачук” битта гапиради-да), ҳар галгидек, афти курсин, йўқот, деб шанғиллаб бермади.

Жавоҳирга шу керак эди. Ўртоғиникига зинғиллади. Ҳозир бориб, битта чиройлисини танлаб олади-да, омборхонага қўйиб юборади... Орзуси ушалгани яхши бўлдику-я, лекин ҳадемай ёзги таътил тугаб, шаҳарга қайтишлари керак-да. У ёқда мушуксиз зерикиб қолмасмикан... Албатта зерикади, соғинадиям... Таътил охиригача бир иложини қилиш керак. Қиладиям. Э, шаҳардаги уйларида сичқон пайдо бўлиб қолса эди. Нима қипти, пайдо бўлиши мумкин! Биринчи қават, ҳеч ким ажабланмайди...

Муҳими истак, кучли истак бўлса бас!..

Улуғбек ҲАМДАМ

СИЧҚОН, МУШУК ВА ПОШШОЙ
ҲАҚИДА ЭРТАК

...Пошиоойим уйида
Жуда ҳам эрка эди.
Уйида майли, асли
Оламда бека эди...

Оғир келди аввали,
Еб-ичишдан қийналди.
Аммо замонлар ўтиб
Тақдирдан хўп сийланди:

Бекамиз қараб турса,
Ҳаёт ҳам изга тушиди.
Кўзи гоҳ қовурдоғу
Гоҳида жизга тушиди.

Лекин тарки одат бу –
Ўлимдан қийин экан.
Ҳузур билан эрта кеч
Рўза тутгани тутган.

“Ўтиб ота-бобомдан
Қайга ҳам борар эдим?..
Юз буриб ёғли ошдан,
Чой билан қоқ нон едим.

Мана шунинг учун ҳам
Ишларим беш ҳар доим.
Таним соғу хотир – жам,
Шукур Сенга, Худоим!

Тежамкорлик яхши-да,
Кўнглинг тўқ юргай ҳар чоқ.
Қурсоғинг оч бўлса ҳам
Киссанг бутун – вақтинг чоғ!”

Аммо қутилмаганда
Чиқди-ку бир муаммо.
Уйқуси қочиб туялар
Озиб ҳам қолди Пошио:

“Ахир, уйга неча бор
Ўғри мушук кеб кетди.
Семиз-семиз сичқонни
Битта-битта еб кетди.

Бунга чидаб бўларми?
Дарҳол чек қўймоқ керак!
Қўшни бароқнинг кўм-кўк
Кўзини ўймоқ керак!

Бировнинг ҳаққи курсин,
Қарамайман бетига!
Ўзимникини ҳам лек
Бериб қўяйин нега?!..”

Пошиоой тишиқ эди,
Шўйтиб тадбир олди-ку,
Эри уйга кирмасдан
Роса гавго солди-ку:

“Қанақа эрсиз ўзи?
Сандирақлаб юрасиз!
Тезда бозорга тушиб
Мушук олиб берасиз!..”

Пул сарфламанг, яхшиси,
Кўча тўла мушук-ку.
Биттасини тутинг ва
Олиб келинг, бори – шу!”

Мушук келди, Пошиоой
Дарҳол ариққа босди.
Кўпиртириб совунни,
Ювди. Сўнг дорга осди.

Ҳаши-паши демай мушуквой
Биноийдек бунқолди.
Тезда қўшни бароқлар
Ишини қўлга олди.

Ўз ҳаққини Пошиоой,
Жуда ҳам зўр биларди.
Эсга тушиб қолганда
Сўзамоллик қиларди:

“Алам қиларкан, дўстлар,
Эл бир нима деб юрса.
Ўзимизнинг сичқонни
Қўшни мушук еб турса!

Қўйиб берсанг, одамлар
Нималарни демайди.
Йўқ! Бизнинг сичқонларни
Ўзга мушук емайди!

Истайманки, уйимда
Адолат топсин қарор!
Ўзимнинг сичқонимга
Ўз мушугим бўлсин бор!..”

Шундай қилиб, ҳаммаси
Эртақдай силлиқ кетди.
Мушук билан Пошиоой
Мурод-мақсадга етди...

Сичқонми? Эҳ, сичқонни
Қўйиб туринг, дўстларим.
Навбат унга етганда
Чарчаб қолди кўзларим.

Бир мизгий-да, сўнг туриб
Ўйлаб олай эртақни.
Унгача сичқонвой ҳам
Уриб қолар жуфтакни...